Отношение средств, привлекаемых в инвестиционную программу из внебюджетных источников, к средствам БР, передаваемым из республиканского и регионального бюджетов, может служить индикатором бюджетной эффективности БР. Показателем народнохозяйственной эффективности БР является соотношение эффекта от эксплуатации объектов, сооружение которых осуществлялось с его участием, и средств БР, ассигнованных на финансирование этих объектов.

Основные направления рационального использования средств БР в действующем республиканском законе о БР достаточно не прописаны. Приведем некоторые нетрадиционные но эффективные по нашему мнению направления использования БР.

Средства БР могли бы например использоваться для финансирования подготовки проектно-сметной документации. Требования, которые предъявляются к этой документации, особенно банками-кредиторами и зарубежными инвесторами, весьма высоки и подробно регламентированы, что предполагает тщательную её разработку. Доля затрат на проектно-сметную документацию по технически сложным и пилотным проектам достаточно велика достигает 10% - 20 % их общей стоимости. Отсутствие средств необходимых для подготовки проектно-сметной документации создаёт нередко непреодолимое препятствие сооружению подобных, зачастую весьма важных для республиканской экономики объектов.

Из других направлений эффективного использования средств БР для реализации долговременной стратегии следует особо выделить его участие в финансировании импорта зарубежного оборудования. Речь идёт о затратах на оплату таможенных сборов, исчисляемых в процентах от общей стоимости импортируемого оборудования. В настоящее время при вводе такого оборудования

85 % его стоимости (включая таможенные платежи) возмещается, как правило за счет кредита зарубежных банков, обслуживающих экспортёров. Однако остальные 15 % должен оплачивать отечественный инвестор, для которого и это зачастую не по силам. В результате реализация даже наиболее перспективных проектов, связанных с закупкой зарубежного оборудования, годами откладывается. Решить указанную проблему помогло бы предоставление соответствующих ссуд БР.

Кредитование из БР импорта оборудования для действующих предприятий особенно целесообразно, поскольку позволило бы эксплуатировать на полную мощность уже имеющиеся здания, сооружения, производственную инфраструктуру – пассивная часть основных фондов, составляющую, как правило, более  $\frac{2}{3}$  стоимости этих предприятий. Понятно, что народнохозяйственная эффективность подобного использования средств БР многократно превышает их бюджетную эффективность.

К тому же следует учитывать и социальный эффект-сохранения на модернизируемых предприятиях рабочих мест, сложившихся трудовых коллективов, специалистов подлежащей квалификации.

Важнейшей задачей долгосрочной стратегии в социальной сфере является улучшение жилищных условий мировой практикой способ решения этой задачи ипотечное строительство, которое в настоящее время развивается в нашей стране скорейшими темпами. Если учесть, что повышение уровня жилищной обеспеченности населения относится к числу наиболее приоритетных и вместе с тем сложных проблем долгосрочной стратегии, подобное использование средств БР представляется особенно актуальным.

БР во взаимодействии с банком развития, деятельность которого сегодня активизируется, должен стать в ближайшие годы важнейшим инструментом инвестиционной политики нашего государства.

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМИ ШАРОИТИДА ХОРИЖИЙ АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ МОТОР МОЙЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ МУДДАТЛАРИНИ АҲАМИЯТИ

*доц. Ў.Р. Бойназаров, асс. А.А. Каримов -ҚарМИИ*

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кўплаб хорижий автомобиллар эксплуатация қилиб қилинмоқда. Масалан, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган ХУНДАЙ саноат қилиндиларини ташувчи махсуслаштирилган автомобиллар, медицина соҳасида эксплуатация қилинадиган Хундай автомобиллари, турли модификациядаги Мерседес-Бенц автобуслари ва бошқаларни мисол қилиб айтиб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган MAN ва ISUZU ёки Асака автомобил заводидан ишлаб чиқарилаётган барча янги модификациядаги автомобилларини мотор мойларининг оптимал алмаштириш муддатларини илмий жиҳатдан асослаб бериш катта аҳамиятга эгадир. Чунки мотор мойларининг эскириш механизми ҳар қандай автомобил модификацияси учун ҳар хил бўлиши мумкин. Мотор мойларини эскириши, унинг қовушқоклигини ошиб кетиши (бензинли двигателлар учун камайиб кетади чунки дизел двигателларида мой таркибига ҳар хил абразив аралашмаларнинг тушиши

натижасида унинг ковушқоклиги ортиб кетади), унда ишқор даражаси ортиб кетиши ва мойнинг таркибига турли хил чанглари тушиши тушинилади.

Жаҳон бозорларида мотор мойларининг турли хил классификация ва маркалари мавжуд (API, ACEA, CCMC, ILSAC, SAE, ГОСТ ва бошқалар). Мотор мойларининг асосий техник сифатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Мотор мойи қайси нефтдан тайёрланганлиги (база мойнинг белгиси);
- 2) Зичлиги;
- 3) Таркибидаги углеводороднинг оптимал киймати;
- 4) Таркиб компонентлари;
- 5) Бошқа хил қўшилмаларнинг таркиби;
- 6) Кинематик ковушқоклиги;
- 7) Ковушқоклик индекси;
- 8) Қуюқланиш ҳарорати.

Мотор мойнинг сифатини баҳолашда биринчи навбатта мой ўз вазифасини қандай бажаряпти яъни мойлаш хусусияти, шунингдек двигател ва трансмиссиядаги ейилишларни камайтириш, ишлаётган деталларни совутиш, двигателнинг тозалигини сақлаш, ҳамда двигатель деталларидаги коррозияни камайтириш хусусиятига қаралади. Бундан ташқари мойларнинг ранги ҳам сифатини баҳолашда катта аҳамият берилади. Қуйидаги жадвалда ISO 2049 стандартига жавоб берадиган мойнинг ранглари номурали равишда берилган [1].

1-жадвал.

**ISO 2049 стандартлари асосидаги мойнинг ранглари номурали равишда**

Рангнинг номери	Ранги
0,0	Оқ
1,0	Очик сарик
2,0	Сарик
3,0	Тўқ сарик
4,0	Жуда очик жигарранг
5,0	Очик жигарранг
6,0	Тўқ жигарранг
7,0	Жуда тўқ жигарранг


Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Ўзбекистонда эксплуатация қилинаётган Хундай маиший-саноат чиқиндиларини ташувчи махсуслаштирилган автомобилларнинг двигателидаги мотор мойининг ўзгаришини ҳар 3000-4000 км да мойдан намуна олиб таҳлил қилганимизда (Техасо) масофаси ошган сайин мойнинг ковушқоклигини ошиб бориши кузатилди.

Европа давлатларида мотор мойлари 40000-45000 кмда алмаштирилса, бизда бу кўрсаткич 15000-20000 кмдан ошмайди. Чунки мамлакатимизда ҳаво ҳарорати ёзда жуда қизиб кетади, транспорт воситалари ўта оғир шароитларда эксплуатация қилинади. [2].

Хундай-120 маиший саноат чиқиндиларини ташийдиган махсуслаштирилган автомобиллар, асосан шаҳар ичкарасида эксплуатация қилинади, яъни

чикиндиларни ортиш пайтида ҳам двигателни ўчирмасдан ишлатилади. Бундай ҳолда эксплуатация қилинадаган автомобилларнинг мотор мойидан намуна олишда автомобил юрган масофасига қараб эмас, мото вактига алоҳида эътибор бериш лозим.

Асосан шаҳар ташқарисида юрадиган Хундай-240 маиший саноат чикиндиларини ташийдиган махсулаштирилган автомобилдан намуна олишда эса, асосан автомобилнинг босиб ўтган масофасини эътиборга олинади. Хундай махсулаштирилган автомобилларни эксплуатация қилиш жараёнида мотор мойларини сифатлисини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.



Чунки мотор мойи сифати ёмон бўлса ёки алмаштириш муддатлари ўтиб кетса двигателда салбий ҳолатлар яққол кўзга ташланади. Биз SAE 15W40 мойини лаборатория шароитида, мой қовушқоқлигини ўзгаришини таҳлил қилиб чиқдик. Қуйидаги графикда асосан шаҳар ташқарисида юрадиган, яъни узок масофага қатнайдиغان Хундай-240 маиший саноат чикиндиларини ташийдиган махсулаштирилган автомобилларнинг юрган масофасини унда ишлатиладиган мотор мойининг қовушқоқлигига боғлиқлиги тасвирланган.

Дизел двигателларида мотор мойини қовушқоқлиги, автомобилнинг босиб ўтган йўлига тўғри мутаносиб эканлиги ушбу графикдан билиб олиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Моторные масла Р.Балтенас, А.С.Сафонов, А.И.Ушаков, В.Шергалис. Москва; Альфа –лаб, 2000 год
2. Қодиров С.М. Долговечность автотракторных дизелей в условиях Средней Азии. Т; Ўқитувчи, 1982 год
3. [www.mannol.ru](http://www.mannol.ru)
4. [www.texaco.ru](http://www.texaco.ru)
5. [www.diesel.ru](http://www.diesel.ru)

## АДАПТАЦИИ СУЩЕСТВУЮЩИХ ПРОГРАММ РАЗРАБОТКИ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА ИЗГОТОВЛЕНИЯ ДЕТАЛЕЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ МАШИН

*доц. Т.У. Холикбердиев Магистр Ф.П. Болтаев-ТашГТУ*

В данной статье рассмотрен вопрос адаптации существующих программ, разработки технологического процесса изготовления деталей сельскохозяйственных машин.

Целью данной статьи являются, изучить вопрос адаптации существующие управляющие программы для деталей редуктора сельскохозяйственных машин. Для чего не обходимо следующую задачу: изучить возможность применения управляющей программы для адаптации автоматической выдачи технологической документации корпусной детали редуктора. Благодаря интенсивной компьютеризации производства появилась возможность проводить подготовку управляющих программ силами сотрудников конструкторско-технологических подразделений. Эта работа выполняется с помощью CAD/CAM-систем, которые позволяют организовать на одном компьютере универсальное рабочее место и выполнять на нем весь комплекс работ: от разработки изделия до разработки управляющих программ для его изготовления на станках с Числовыми Программными Управлениями (ЧПУ) Использование CAD/CAM-систем при составлении управляющих программ в работе конструкторов и технологов:[1]

- позволяет использовать геометрическую модель изготавливаемого изделия для составления в интерактивном диалоговом режиме операционной технологического процесса ее обработки;

- избавляет от необходимости выполнять математические вычисления траекторий перемещений режущего инструмента при обработке на станках с ЧПУ;

- позволяет составить управляющую программу в специальных кодах для различных систем ЧПУ, задавая исходные технологические параметры в словесной форме с использованием общетехнических терминов;

- позволяет выполнить графическую имитацию обработки изделия по составленной управляющей программе и внести, при необходимости, корректировки в программу;

- позволяет получить большую часть необходимой для документооборота технологической документации.[2]

В большинстве случаев применение CAD/CAM-систем позволяет объединить труд представителей нескольких специальностей в лице одного специалиста – конструктора-технолога-программиста. Исключение составляют лишь программы обработки особо сложных деталей, разработка которых требует специфических знаний по технологии и математике.

Составной частью процесса технологической подготовки производства является программирование работы оборудования с ЧПУ, которое может выполняться как в ручном режиме, так и с применением средств автоматизации. [3]

Ручное программирование состоит в том, что технолог по заданному операционному технологическому процессу рассчитывает траекторию перемещения инструмента, назначаем необходимые технологические команды подачу, охлаждение, смену инструмента и тод другие. При этом требуется

детальная проработка технологического процесса, когда определяются не только отдельные рабочие ходы, но и производится расчленение каждого из них на шаги, представляющие собой перемещения инструмента вдоль определенного геометрического элемента поверхности детали цилиндр, конус, дуга и другие. Шагами могут быть и отдельные участки поверхности, обрабатываемые с разными режимами резания.

Результатом программирования является управляющая программа (УП), которая представляет собой совокупность команд на языке программирования и определяет алгоритм функционирования станка по обработке конкретной заготовки.

При автоматизированном программировании в идеальном случае все задачи ручного программирования должны решаться на ЭВМ.

Оператор, управляющий станком с ЧПУ, обычно не принимает непосредственного участия в формировании детали, точность получаемых размеров и качество обработки обеспечивается УП и точностью станка. Структуру САП можно представить себе в виде, [рис. 1]




Рис. 1. Структурная схема САП

Автоматизированное программирование заключается в том, что ряд задач выполняется с помощью системы автоматизации программирования (САП). САП – это комплекс технических, программных, языковых и информационных средств, осуществляющих преобразование данных чертежа и технологии в коды устройства для управления оборудованием с ЧПУ. Они обычно организованы по структуре: входной язык, процессор, промежуточный язык, постпроцессор. [4]

#### Литература.

1. Клименко А.К. Об обеспечении сходимости процесса адаптации посредством воспроизведения измерительной программы в обратном времени. Москва 2010г 302с.
2. Молчанов, Г.Н. Повышения эффективности обработки на станках с ЧПУ.-М.: Машиностроения, 1979. 204с.
3. <http://www.stanki.ru> saytidan foydalanildi.
4. [edgecam@cad.ru](mailto:edgecam@cad.ru)

## ПОЛИМЕРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

*доц. А. Рузиев, асс. М. Изгамбердиев, А. Мамашарипов- АнДМИ*

Мустақиллик йилларида давр талабларига кўра мамлакатимиз пахта тозалаш саноатида юз бераётган ўзгаришлар, жорий этилаётган янги технологиялар, пахтани дастлабки ишлашда кўпроқ ва сифатли тола ишлаб чиқариш мақсадида инновацион технологияларни жорий қилиш билан махсулот таннархини камайтириш, кўл меҳнати талаб қилувчи ишларни механизациялаштириш бўйича амалга оширилган жараёнларни жадаллаштириш зарурияти тугилди.

Янги технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш жараенида тола ажратиш цехларига 5ДП-130, 4ДП-130 жинлаш дастгоҳлари ўрнатилди. Бу дастгоҳлар ишчи камера, аррали цилиндр, корпус, хаво камераси, ўлик конвейери, чигит учун тарнов ва электр ускуналардан ташкил топган мустахкам конструкциядан ташкил топган. Аррали цилиндр ўз навбатида арра вали, диаметри 320 мм бўлган 130 дона арралар ва диаметри 160 мм, эни 17 мм булган арралар оралиги кистиргичлардан йигилади. Арралар оралиги кистиргичи алюминий қотишмасидан тайёрланади. Аррали цилиндрни йиғиш тиркиш кенглиги 1,5 мм бўлган стандарт рейка билан амалга оширилади. Рейкадаги кесиклар қадами: 86 ва 130 та аррали жинларга  $18,0 \pm 0,05$  мм, 160 аррали линтерларга  $9,7 \pm 0,05$  мм бўлиши керак.

Йиғиб бўлингандан сўнг арра вали зич қилиб гайкалар билан маҳкамланади. Зич қилиб маҳкамланмаган арралар кучли силкинишлар ҳосил қилиб валнинг эгилишига олиб келади ва алюминий кистиргичларнинг ишқаланиш натижасида ейилишига олиб келади. Ҳамда арраларни алмаштириш жараёнида кистиргичлар кучланишларга дуч келади ва кўп мартаба ушбу жараён қайтирилганда кистиргичларда қолдиқ деформациялар вужудга келади. Натижада улар эгилиб яроқсиз ҳолатга келади. Алюминий кистиргичлари бир мавсум давомида ишлатилади. Алюминий қотишмасидан тайёрланган арра кистиргичларининг таннархи нисбатан юқоридир ( 7500-8500сум). Бу эса битта пахта тозалаш корхонаси учун катта маблағ сарфини ташкил этади. Алюминий кистиргичларга бўлган талабни иқтисодий жиҳатдан камайтириш мақсадида бошқа арзон материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ушбу мақолада арра кистиргичларини пластмасса материалдан тайерлаш тавсия этилмоқда. Пластмассадан деталлар тайерлаш технологик жараёнининг ва зарур ускуналарнинг оддийлиги, меҳнатнинг кам сарфланиши, таннархининг арзонлиги, пластмассаларнинг физик-механик хоссаларининг етарли даражада юқори эканлиги учун ундан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш имконини яратади. Пластмассаларнинг муҳим хоссалари шундан иборатки, уларнинг вази енгил, анча мустахкам, ейилишга чидамли, ишқаланишни камайтириш хоссалари юқори, титранишга чидамли бўлади.

Таклиф этилаётган арра оралиги кистиргичи қуйидаги конструкцияга эга: диаметри- 160 мм, эни- 17 мм, материал- полистрол, қуйма конструкция ичига олти дона диаметри 3 мм, узунлиги 17 мм бўлган алюминий сим штифтлар

айлана буйлаб бир хил масофада кўндаланг тарзда ўрнатилади. Бу штифтларнинг вазифаси кистиргичнинг сикилишга мустахкамлигини ошириб, арралар ва кистиргичлардан йиғилиб махкамланган аррали цилиндрни титранишларсиз ишлашини таъминлайди.

Янги кистиргичнинг нархи 2600 сўм бўлганда, полимер арра кистиргичларини ишлаб чиқаришга тадбик этиш натижасида битта пахта тозалаш корхонаси учун иқтисодий самарадорлик тахминан 17 000 000 сўмни ташкил этади.

#### Адабиёт:

1. Ф.Б.Омонов ва бошқалар. "Пахтани дастлабки ишлаш бўйича справочник". "Ворис – наشريёт" Тошкент-2008й.

### РЕСПУБЛИКА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ЭНЕРГЕТИКА БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*А.И.Исмаилов, Ш.Қ.Холмирзаев (АндМИ), О.Ў.Усупов (АКХИ)*

Агросаноат мажмуаси энергетика баъзасини такомиллаштириш, мамлакат аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла тўқис таъминлаш, кишлоқ хўжалигини интенсивлаш ҳамда ер майдонларини ҳосилдорлигини кўтариш ва кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, кишлоқ хўжалиги катта микдорда энергоресурслар, яъни нефт маҳсулотлари, кўмир, газ, электроэнергия истемол қилади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Республика мустақилликка эришгандан буён меҳнатни энергия билан қуролланиши тез суръатлар билан ўсмоқда. Бундан кишлоқ аҳолиси эҳтиёжини ошиши ҳам истисно эмас албатта. Электр энергиядан фойдаланиш ҳажми бўйича кишлоқ хўжалиги ҳозирги кунда мамлакатда саноат ва аҳоли истеъмолидан сўнг 3-ўринга чиқиб олди. Шу билан бир пайтда электр энергиядан тўлақонли фойдаланиш асосида комплекс электромеханизацияни ва автоматлаштиришни жорий қилиш, кишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини кўтариш ҳамда чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Масалан, охириги вақтларда электр энергия қабул қилиш ва меҳнатни электр энергия билан қуроллантиришни режавий кўрсаткичлари бажарилмай қолмоқда, айниқса биринчи тоифага кирувчи чорвачилик фермалари ва паррандачилик фабрикалари, ҳамда аксарият кишлоқ хўжалик объектлари электр таъминоти пухталиги етарли эмас, аксарият кишлоқ электр узатиш тармоқларида кучланишни номинал микдордан четга чиқиши ортиб кетмоқда, бу эса электр жиҳозларини ва уй рўзгор электр қурилмаларини ишлаш мuddатини кескин қисқаришига олиб келмоқда.

Савол туғилади, кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф қилиш, ёқилги энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш учун кишлоқ хўжалигини электрлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган олимлар ва мутахассисларни вазифалари нималарга йўналтирилиши лозим? Кишлоқ хўжалик электр тармоқларини катта қисмини реконструкция

килиш, замонавий электр жиҳозлари ва электротехник қурилмалар, шу жумладан хайвон ва паррандаларга мўлжалланган биноларда, иссиқхоналарда микроиклим ҳосил қилиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган тизимлар яратиш ва уларни жорий қилиш зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги иссиқлик жараёнларига (чорвачилик биноларини иситиш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларни қуритиш, ҳимояланган тупрокни иситиш, ичимлик ва суғориш учун сувни иситиш ва шунга ўхшаш) энергоресурсларни ярмидан кўпрогини сарф бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак уларни электрлаштириш даражасини кўтариш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу борада ҳозирги кун талабига жавоб берадиган ноъананавий энергия манбалари бўлган қуёш батареялари, биогаз энергия манбалари, шамол электр станциялари, мини ГЭС ларни жорий қилиш ушбу долзарб муаммоларни ижобий ҳал қилишда катта аҳамиятга моликдир.

Бундай ноъананавий энергия манбаларини кенг жорий қилиниши ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар асосида модернизация қилишга йўл очиб бериши аниқ. Чунки автоматлаштирилган электр қозонларини, электр билан иситувчи полларни мавжуд суёқ ва қаттиқ ёқилғида ишлайдиган қурилмалар ўрнига алмаштирилиши иш унумини кескин кўтарилишига, ёқилғи ва нефт маҳсулотларини ташиб келтириш сарф харажатларини қисқаритирилишига олиб келади.

Узлуксиз ва сифатли электр энергия истемоли кишлоқ электр таъминотида тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб уни пухталигини ошириш учун ташкилий техник чоралар комплексини кўриб чиқиш зарур. Булар аввало қучланишни ростловчи автоматик қурилмалар, тармоқдаги авария ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи сигнализаторлар, қучланиши автоматик ростланувчи қуч трансформаторлари, реактив қувватни сўндирадиган конденсатор қурилмалари ва шунга ўхшашлардир. Электр тармоқларидан узокда жойлашган кичик объектлар, яъни яйловлардаги чўпонлар турар жойлари, фермер хўжаликларидаги дала шийпонлари ва шунга ўхшашлар учун биогаз қурилмаларидан, шамол электрстанцияидан, қуёш батареяларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Электр энергиядан кишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланиш, тармоқлардаги электр қурилмаларидаги исрофларни камайтириш нафақат суёқ ва қаттиқ ёқилғини тежаш, балки кишлоқ хўжалик маҳсулотларини тан нархини камайтириб кишлоқ аҳолиси меҳнат шароитини ва турмушини яхшилашга олиб келиши муқаррар.

Ушбу мавзуда ёритилган муаммолар ва уларни ечими Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ўбод турмуш йили” дастурида белгиланган режаларни амалга оширишдаги тадбирларни асосий қисмларидан бири десак адашмаган бўламиз.

## **ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

*С.А. Мирзаев, ТДТУ магистранти*

Давлатимиз Президенти Ислоҳ Каримов, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган

иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш» деб номланган маърузасида, “2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иктисодийётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутishi даркор”<sup>9</sup> деб таъкидлади.

Юртбошимиз раҳнамолигида ёнилғи-энергетика мустақиллигига эришиш йўлидаги вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши бугун мамлакатимиз иктисодий салохиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. 1990 йиллар бошида республикамиз ҳар йили хориждан 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотлари сотиб олишга мажбур булар эди. Ўша пайтда бир баррель нефтнинг баҳоси 15-20 доллар турган бўлса, айни пайтга келиб, 100 доллардан ошиб кетди. Шундай экан, нефть маҳсулотларини четдан харид этиш туфайли мамлакат иктисодийёти қанча зарар кўришини тасаввур вилиш кийин эмас.

Инновация – бу бошқарув объектини ўзгартириш ва иктисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа кўринишда самарага эришиш мақсадида янгиликларни жорий этишнинг яқуний натижаси ҳисобланади<sup>10</sup>.

Замонавий технологияларсиз жаҳон бозори талабларига жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмайди. Янги технологияларни, имкони бўлса, қўшма корхона тузиш йўли билан сотиб олиш, халқаро талабга жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни жаҳон ҳамда ички бозорга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади<sup>11</sup>.

Диверсификациялашган стратегия корхона(ташкilot)ларнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турини кенгайтириш олдидаги вазифаларнинг амалга ошириш йўлларини ифодалайди<sup>12</sup>.

Диверсификация сўзи икки хил маънода, биринчидан, товар стратегияси тури сифатида, унга асосан корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сонини кенгайтиради: иккинчидан, янги бозорларни эгаллаб олиш ва қўшимча фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг бир-бири билан боғлиқ бўлмаган икки ёки ундан ортиқ турини бир вақтнинг ўзида кенгайтириш ва ривожлантириш, тушунилади<sup>13</sup>.

2010 йилда «Навоий» эркин индустриал-иктисодий ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» унитар шўъба корхонаси иштирокида иккита корхона ишга туширилди. Улардан бири «Полиэтилен қувурлар» шўъба корхонаси бўлиб, ҳозирги кунда Австрия, Германия, Хитой давлатларининг етакчи компанияларидан келтирилган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли турли ҳажмдаги тўрт хил турдаги полиэтилен қувурларни халқимизга етказиб бермоқда.

<sup>9</sup>Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 19 январь

<sup>10</sup> Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник, 2-е изд., - М.: ЗАО «Бизнес-школа»Интел-Синтез», 2000, с.570

<sup>11</sup> Қосимова Д.С. Менеджмент назарияси. Дарслик. – Тошкент, “Тафаккур бўстони”, 2011. 143-бет.

<sup>12</sup> Икромов М.А., Қўчқоров А.Х. Стратегик менежмент: ўқув қўлланма. – Т.: Гофур Фулом, 2005, 38-бет

<sup>13</sup> Қосимова М.С. ва бошқарлар. Стратегик маркетинг: ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004, 202-бет

Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган ускуналарда барча турдаги полиэтилен қувурлар учун бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.

2012 йилда Жанубий Африка Республикасининг “Сасол” компанияси ва Малайзиянинг “Петронас” корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги санокли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва “премиум класс” тоифасидаги, яъни “евро - 4” стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси ишлаб чиқаради.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган нефть-газ саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор.

Ўзбекистонда иқтисодий инновацион ривожлантиришга ўтиш стратегиясидаги асосий мақсад мамлакатимиз ва хорижда тўпланган билим, тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобланади<sup>14</sup>.

Яқин келажакда эса ишлаб чиқарилаётган табиий газни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш ва унда йилига 500 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Бу эса истиқболда янгидан-янги муваффақиятлар сари йўл очиши, шубҳасиз.

Буюк Британияда фаолият юритувчи нуфузли “Диложик” консалтинг компанияси рейтингига кўра, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси 2012 йилнинг дунёдаги ўнта глобал лойиҳаси қаторидан жой олди. Бошқача айтганда, у ривожланаётган мамлакатлар бозоридаги энг йирик инвестициявий лойиҳа деб эътироф этилди. Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш доирасида эса йирик Сурғил газ конини ўзлаштиришни янада жадаллаштириш, табиий газни ажратиб олиш, крекинг ва якуний маҳсулот ишлаб чиқариш заводларини барпо этиш назарда тутилган. Буларнинг бари, биринчи навбатда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб тобора ортаётганини аниқлеса, иккинчидан, юртимиз саноатининг жадал раванкига хорижлик мутахассисларнинг қизиқиши юқориликдан дарак беради.

Инновацион-технологик ривожланиш анча катта молиявий ресурслар ва муайян вақтни талаб этади. Нефть ва газ саноатини ривожлантириш нефть ва газни геологик-қидирув ишларини амалга оширишни, мавжуд қувватларни қайта жиҳозлаш, уларни углеводород хом ашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга йўналтириш, авиакеросин, дизель ёқилғиси ва бензинга бўлган ички эҳтиёжни тўлақонли қондиришни кўзда тутати<sup>15</sup>.

МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва

<sup>14</sup> Эшбобоев Д. Инновацион ривожланиш истиқболлари. – «Жамият ва бошқарув» журнали, 2011, 2-сон, 77-бет

<sup>15</sup> Ўзбекистон: жаҳон молиявий инқирози, инновацион тарққиёт ва миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011, 214-бет.

ноорганик кимё институти мутахассислари билан ҳамкорликда маҳаллий углеводород хом ашёси – нефть ва газ конденсати асосида “Боинг”, “Эйрбас”, “А-310” каби замонавий русумдаги самолётлар учун “Джет А-1” юкори сифатли авиация ёнилғиси олиш технологияси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада 2009 – 2012 йилларда мазкур корхона томонидан 347,7 минг тонна ана шундай ёнилғи тайёрланиб, унинг 138,1 минг тоннаси чет эл компанияларига сотилди.

Ўзбекистоннинг нефть-газ саноати, нефть ва газ захираларининг мавжудлиги, уларни ўзлаштириш ва қазиб олиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар туфайли, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлайди<sup>16</sup>.

Инновацион технологиялар ишлаб чиқариш самарадорлигини орттириш имконини бермоқда. Айни пайтда мамлакатимиз нефть ва газ саноати корхоналаридаги технологик жараёнлар инновацион технологиялар ёрдамида иссиқлик ва совуқлик ҳарорати ҳосил қилиш асосида амалга оширилади. Масалан, 2012 йилда Муборак газни қайта ишлаш заводида ишга туширилган суюлтирилган газ ва газ конденсати иайёрлаш мажмуасининг биринчи навбатида бу каби ноёб агрегатлардан унумли фойдаланилмоқда. Янги блок сиқув-компрессор станцияси, газни цеолит ёрдамида қуритиш ҳамда газдан пропан-бутан олиш қурилмаларидан иборат. Биргина иссиқлик алмаштирич ускунасида уч хил ҳароратидаги оқим ҳосил қилинади. Бошқача айтганда, дастлаб уч оқимли пластина ва ковергали “теплообменник”дан 50-60 даражадаги иссиқ газ 47 даражагача совутилади, кейин у 50 даража иссиқ ҳароратга қайтарилди. Бу эса, ўз навбатида, юкори сифатли газ конденсати олишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур корхонада ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жорий этилиши маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш имконини берди.

Инновация стратегияси асосан янги маҳсулотлар ёки технологияларни яратиш натижасида рақобат устуңлигига эга бўлишни кўзлайди<sup>17</sup>.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги йиллар мобайнида Муборак газни қайта ишлаш заводида маҳсулотни тайёрлаш ҳажми 6 миллиард кубометрга кўпайди. Суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга янги – газдан пропан-бутан аралашмасини олиш мажмуаси ишга туширилиши, газни олтингурутгли бирикмалардан тозалаш учун қўшимча иссиқлик алмаштириш ҳамда аммиак билан совитиш ускуналарининг ўрнатилиши ҳисобига маҳсулот сифати янада яхшиланди. Корхонада ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб этиш мақсадида Швейцария, Испания, Германия, Чехия каби давлатларнинг нефть ва газ саноати корхоналари тажрибаси чуқур ўрганилмоқда. Мазкур йирик инвестиция лойиҳаси тўлиқ амалга оширилгач, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми республикамизда қарийиб йигирма баравар ошиши кутиляпти.

Маҳаллийлаштириш Дастури доирасида “Ўзбекнефтгаз” МХК корхоналарида ва “Узтрансгаз” акциядорлик компаниясида, импорт ўрнини босувчи, нефтьгаз

<sup>16</sup> Тарахтисева Г.К. Особенности формирования национального инновационного кластера нефтегазовой отрасли Республики Узбекистан. – Научно-технический « Узбекский журнал нефти ва газ», май, 2012, стр. 110

<sup>17</sup> Якубов И.О., Очилов К.Т., Абдулситторова Х.М., Ситдикова Л.А. Стратегии режаланштириш (Ўзв қўлланма) - Т.: ТДИУ. 2004, 52-бет

махсулотларини ўта сифатли тозалайдиган, керамикадан тайёрланадиган фильтр ускуналарини ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз иктисодиётининг етакчи соҳалари катори, нефт-газ тармогида ҳам амалга оширилган модернизация қилиш ишлари натижасида Ўзбекистон энергетика мустақиллигига эришибгина қолмасдан, балки эндиликда нефт-газ маҳсулотларини экспорт қиладиган етакчи давлатлар каторидан жой олди. Эндиликда мазкур соҳада технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, нефт-газ тармоғи корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ҳамда уларни жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаши асосий мақсадимиз ҳисобланади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 19 январь

2. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник, 2-е изд., - М.: ЗАО «Бизнес-школа»Интел-Синтез», 2000, с.570

3. Қосимова Д.С. Менеджмент назарияси. Дарслик. – Тошкент, “Тафаккур бўstonи”, 2011. 143-бет.

4. Икромов М.А., Кўчқоров А.Х. Стратегик менежмент: ўқув қўлланма. – Т.: Гофур Гулом, 2005, 38-бет

5. Қосимова М.С. ва бошқалар. Стратегик маркетинг: Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004, 202-бет

6. Эшбобоев Д. Инновацион ривожланиш истикболлари. – «Жамият ва бошқарув» журнали, 2011, 2-сон, 77-бет

7. Ўзбекистон: жаҳон молиявий инкирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011, 214-бет.

8. Тарахтияева Г.К. Особенности формирования национального инновационного кластера нефтегазовой отрасли Республики Узбекистан. – Научно-технический « Узбекский журнал нефти и газа», май, 2012, стр.110

9. Якубов И.О., Очилов К.Т., Абдусатторова Х.М., Ситдикова Л.А. Стратегик режалаштириш (Ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2004, 52-бет

### **ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ РИВОЖИ САРИ**

*Р.К.Юсупова ва АндМИ катта ўқитувчиси,*

*Ш.Мамадалиева- АндМИ талабаси*

“Биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ ва бошқа ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ, бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланяпмиз, холос.”

**Ислам Каримов.**

Кейинги ярим аср мобайнида сайёраимизда экологик хавф-хатарлар микдори ортиб бораётганлиги мутахассис-олимларни жиддий ташвишга солаётир. Иктисодий тараққиёт максалларида энергиядан фойдаланишнинг меъёридан ортиб кетиши муаммонинг асосий сабаби сифатида эътироф этилмоқда. Ёилнинг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станциялари ҳамда ички ёнув двигателларидан чиқаётган зарарли газлар туфайли атроф-муҳит ифлосланмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда атмосферага таркалаётган зарарли газларнинг қарийб 70 фоизи аънавий ёнилғида ишлайдиган транспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Атмосферага зарарли моддалар чиқиндисининг жуда катта миқдорда чиқариб юборилиши натижасида озон қатламига аста-секин путур ета бошлаган, ерда эса глобал энергия таъсири вужудга келмоқда. Натижада дунё иқлимининг ўзгариши, энергия қуввати манбаларининг камайиши бутун жаҳон озик-овқат танқислиги муаммоси билан чамбарчас боғланмоқда. Автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар наинки атроф-муҳит мусаффолигига, балки аҳоли саломатлигига ҳам жиддий зарар етказиши аллақачон исботланган. Муқобил энергетика дунёда инновацион ривожланишнинг муқаррар омилига айланиб бормоқда. Айниқса, жаҳон углеводород хом ашёси захираларини тугаб бориши шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш янада муҳим аҳамият касб этади. Дунёнинг 65 дан ортик мамлакатлари ўз олдига қуёш, сув энергиясидан, шунингдек, водород, биогаз ва бошқалардан кенгрок фойдаланишга қаратилган максалларни қўйишган. Бундан ташқари, бугунги кунда автомобилсозлик билан шуғулланаётган компаниялар ёки корхоналарнинг барчаси экологик талабларга жавоб берадиган транспорт воситалари ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Чунки, метан гази билан ҳаракатланадиган автомашиналар атмосферага аънавий мотор ёнилғисига қараганда 5 баробар кам зарарли моддалар чиқаради. Табиийки, Ўзбекистонда ҳам мазкур муқобил энергия манбаларини жорий қилиш йўналишини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилган. Бунда муқобил энергия манбаларини жорий қилиш республика иктисодиётининг инновацион рельсга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган экологик тоза технологияларга ўтиш йўлида муҳим интилишлар юзага келмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича катта салоҳиятга эга. Экспертларнинг баҳолашига кўра, улар қайта тикланмайдиган оргоник ёнилғи ресурсларидан бир неча баробар ортик. Республикада 1 йилда қуёшли ҳамда шамол эсувчи ҳудудлар, электр энергия ҳосил қилиш мумкин бўлган тоғ, дарёлар мавжуд. Ўзбекистон шароитида қуёш ресурслари, кичик гидротехника, шамол ресурслари, биомасса ва геотермал энергия муҳим саналади. Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергетика чекка, тоғли ва бориш қийин бўлган туманлар аҳоли пунктлари учун иктисодий асосланган энергия манбаи бўла олади. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятлари 51 миллиард тонна нефть эквивалентига эга. Бугунги кунда мавжуд технологиялар 180 миллион тонна нефть эквивалентига тенг энергия олиш имкониятини беради. Бу эса республикада қазиб олинаётган ёнилғи ҳажмидан 3 баробар кўп, шунингдек, атмосферага 447 миллион тонна карбонат ангидриди, турли сульфатли бирикмалар, азот оксиди ва бошқа ифлослантирувчи моддаларнинг ташланишини олди олинади. Юртимизда экологик

тоза энергия манбаларидан фойдаланишга қаратилган инновация лойиҳаларининг ишлаб чиқирилиши, уларга маҳаллий ва хорижий сармояларнинг кенг жалб қилиниши маъқул соҳа истиқболлини таъминлашга кенг хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилмоқда. Глобал энергетик хавфсизлик, энергия ва ресурс тежовчи технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши таҳлили, энергетикада таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, бу жараёнда инновацион технологияларни қўллаш самараларига бағишланган, энергияни тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, рақобатли энергетика бозорини ташкил этиш, ёшларда инновацион маданиятни шакллантириш ва иқтидорли ёшларнинг бу йўналишдаги изланишларини қўллаб-қувватлаш борасида қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. "Истеъдод" клуби томонидан ёш мутахассислар, ўқувчилар, ёшлар ижодий жамоалари, қорхоналар ва ташкилотлар ишланмаларини кенг намойиш қилувчи "Ёш инноватор-ислохотларга қўмақдош" кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам ёшларда инновация лойиҳаларига бўлган қизиқишларини орттирмоқда. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришга илғор ва истиқболли лойиҳаларни тадбиқ қилиш-самарадорлик гарови. Юртимизнинг географик жойлашуви, қулай иқлим шароити бундай технологияларни қўллаш ва улар орқали энергиянинг муқобил манбаларини ишлаб чиқариш учун айни муддао. Зеро, мутахассислар муқобил энергия ишлаб чиқариш технологияларига "Экологик тоза ва тежамкор", деган баҳони бежиз беришмаяпти. Муқобил ёқилғи, энергия ва чиқиндисиз технологияларни кенг жорий қилиниши, юртимизда бу борадаги ишларни янада ривожлантириш борасида қўйилган муқим қадамдир. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида 27 та қуёш батареяси, 6 та биогаз ва биоўғит қурилмалари, 1 та шамол энергиясидан фойдаланилаётган масканлар мавжуд. Жойларда муқобил энергия турларини жорий этишга қаратилган диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятида қуёш энергиясидан фойдаланиш ташкил этилди, вилоятнинг шаҳар ва туманларида 23 та 1 кВт ли қуёш батареяларини меҳрибонлик уйлари, қишлоқ врачлик пункти, болалар дам олиш оромгоҳлари, зиёратгоҳ, Каттакўрғон пахта заводида ўрнатилди. Шунингдек, қолган вилоятларда ҳам муқобил энергиядан фойдаланиш ишлари ривож топмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг энергия ресурс талабларини ўз имкониятлари доирасида тўлиқ таъминлайди. Мамлакатда 48 та амалда ўрнатилган электростанциялар қуввати 12,4 МВт дан ортқини ташкил этади. Бирок, экспертларнинг маълумотларига кўра, анъанавий табиий энергоресурсларнинг истеъмолини ҳозирги ҳолати сақланса, табиий газ ва кўмир захиралари Ўзбекистонда бир неча ўн йилликларга етади ҳолос. Маълумки, чиқиндилар масаласи мамлакатимизда долзарб экологик, бири. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон микёсида бир йилда 100 миллион тонна атрофида, саноат чиқиндиси, 35 миллион тоннага яқин маиший чиқинди "ишлаб чиқилади". Аграр сектордаги қишлоқ хўжалиги чиқиндилари йилига 10 миллион тоннадан зиёдни ташкил этиб, бу сезиларли захира ҳисобланади. Демак, Ўзбекистон йилига 9 миллиард кубометргача биогаз ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Бу 6,5 миллиард кубометр табиий газга тўғри келади. Йилига 18 миллиард

киловатгача қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Мазкур чиқиндиларнинг асосий қисмини қайта ишлаб, яхшигина фойда олиш мумкин. Уларнинг ҳар миллион тоннасида 360.000 тонна қоғоз ва картон, 55.000 тоннагача тўқимачилик, 45.000 тоннагача пластмасса ва кўплаб қайта ишланадиган фойдали компонентлар ажратиб олиш имкони бор.

Шу ерда тўқимачилик маҳсулотлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Тўқимачилик маҳсулотларининг асосий қисми толалардан ташкил топганлиги сабабли тўқимачилик саноатида қўлланиладиган асосий дастлабки маҳсулот – тола ҳисобланади.

Толалар умумий қабул қилинган тасниф (классификация) бўйича табиий ва кимёвий турларга бўлиб ўрганилади.

Табиий толалар деярли барчаси кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлиб, ҳар жойнинг ўз муҳитига мослашган ҳолда, табиий шароитларда дастлаб ёввойи ҳолда пайдо бўлган ва кейинчалик маданийлаштирилиб, кенг миқёсда етиштирила бошланган.

Кимёвий толалар – саноатда, инсон иштирокида, турли кимёвий, физик-кимёвий ва бошқа жараёнлар қўллаш ёрдамида турли саноат чиқиндилари, органик ва ноорганик полимерларни қайта ишлаш орқали тайёрланадиган тола ва иплардир.

Ҳозирги пайтга келиб кимёвий толаларсиз замонавий халқ хўжалигини тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги кунда бу турдаги толалар табиий толалар ўрнини босувчи сифатида бизнинг ҳаётимизга тўла қонли кириб келмоқда. Кимёвий толалар ўз навбатида сунъий ва синтетик турларга ажратилади.

Синтетик толалар қаторида полиэфир толалар (полиэстер) муҳим ўрин эгаллайди. Бу толалар макромолекуласи мураккаб эфирли боғлар билан бириккан элементар бўғинлардан ташкил топган полимерлардан олинади. Толанинг кўндаланг кесими аксарият ҳолларда юмалоқ шаклда бўлиб, пишиқлиги 40-50 сН/текс, чўзилиш 20-25% ни ташкил қилади, термочидамлилиги юқори, иссиқлик сақлаш хусусияти нисбатан кам, катта қайишқоқликка эга бўлиб, бу хусусият толадан ўз формасини яхши сақлайдиган ва кам қиришадиган матолар олиш имкониятини беради.

Одатда полиэфирлар икки асосли кислоталар билан икки атомли спиртларнинг поликонденсатланиши туфайли ҳосил бўлган маҳсулотдир. Полиэстер толасини ҳосил қилувчи полимер – полиэтилентерефталат терефтал кислота билан этиленгликолнинг поликонденсатланиши маҳсулотидир.

Полиэстер толаси учун ҳам ашё сифатида ишлатиладиган терефтал кислота ва этиленгликоллар куйидаги усуллар бўйича синтез қилинади:

а) терефтал кислотани асосан алкилбензоллардан олиш мумкин. Улардан энг кўп ишлатиладигани ксилол ва цимоллардир. Ксилол нефтни крекинглаб ёки тошқўмир смоласидан ажратиб олинади. Цимол турли эфир мойлар, айниқса скипидарни оксидлаб олинади.

б) этиленгликол саноатда этилендан синтез қилинади. Этилен асосий (огир) органик синтез маҳсулоти бўлиб, бу синтез углеводород ҳам ашё (нефть, газ, қўмир) ва уни қайта ишлаш чиқиндилари асосида органик бирикмаларни ишлаб чиқаришга асосланган.

Тола ишлаб чиқаришда шунингдек иккиламчи хом ашёдан ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, фойдаланилган ПЭТ идишлардан.

Фойдали қазилма бойликларига эга бўлган ватанимизда ҳам полиэстер толасини ишлаб чиқариш истиқболлари мавжуд бўлиб, бу йўналишда изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Полиэстер толасига бўлган эҳтиёж ҳозирги кунда Андижон вилоятида фаолият олиб бораётган “UZDONGYANGKO” кўшма корхонаси технологик жараёнида ҳамда туқимачилик корхоналарида кузатилмоқда.

Полиэстер толаларини Ўзбекистонда маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқаришни амалга ошириш туфайли салмокли валюта маблағларини тежаш, аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятида янги иш ўринларини очиш, Ўзбекистон автомобилсозлик саноатини яна бир турдаги маҳаллий хом ашё билан таъминлашга эришиш имконияти яратилади.

2013-йил “Обод турмуш йили” истиқлол йилларида узокни кўзлаб олиб борилаётган сиёсатнинг бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва фаровон, эртанги кунимизнинг бунданда ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан кадам бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

## **ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ**

*Раънохон Юсупова, Гулчехраҳон Каримова - АндиМ*

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳалари катори давлат ҳокимияти ва бошқарувида ҳам мамлакатимизда тинчлик-ҳотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

Минг шукрки, истиқлол йилларида мамлакатимиз хотин-қизларини эъозлаш, жамиятдаги ролини ошириш муҳим йўналишлардан бирига айланди. Шу мақсадда хотин-қизлар манфатини ифодаловчи қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Сайлов ҳақидаги қонунларга ўзгартиришлар киритилиб, сиёсий партиялардан кўрсатиладиган номзодлар умумий иқдорининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди. Жойларда репродуктив саломатлик ва перинатал марказлар очилди. Аёлларга кўплаб ижтимоий имтиёзлар жорий қилинди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли аёлларимиз бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг, давлат ва жамиятда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айландилар. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг жамиятимизда тутган мавқеи янада мустаҳкамланишига тўсик бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Ўзбек аёлларининг бир вакили сифатида яратилаётган имкониятларни эътироф этиш аёлга мамнуният бахш этади. Бугун аёллар депутат, мураббий, шифокор сифатида эрақлар билан ёнма-ён фаолият юритаётган, тадбиркорлар учун жорий этилган имтиёзлардан кенг фойдаланаётган, ўз шахсий бизнесига, мол-мулкига эга бўлган замонда яшашимиз. Айтилик, юртимизнинг қайсидир шаҳридаги юзлаб ходимлари, замонавий ускуналари бор хусусий корхонанинг соҳиби бўлган аёл тенг манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мақсадида

ривожланган хорижий мамлакатларга йўл олиши ҳам одатий ҳолга айланган. Депутат, сенатор, маҳалла раиси каби лавозимларда давлат ва жамият бошқарувида иштирок этаётган аёлларимиз ҳам кўп. Буларнинг барчаси аёлларимизга яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар шароитлар туфайлидир. Энг асосийси, ушбу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Аёлларнинг жамиятдаги мақоми ошириш масалалари билан Ўзбекистон хотин - кизлар қўмитаси, фуқаролик жамияти институти, илмий марказлар ва нодавлат нотажорат ташкилотлар шуғулланмоқда. Бирок, биз яратилган имкониятдан қандай фойдаланяпмиз? Тўғри, юртимизда ҳам оиласини, ҳам эгаллаб турган вазифасини аъло даражада бажариб келаётган аёлларимиз сони ортиб бораёпти. Лекин бу билан чекланиб қолиш керак эмас. Ҳамма ҳам аёлларнинг ўз имкониятини тўлиқ намоён этишига хайрихоҳ дея олмаيمиз. Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади деган мақол бор. Аёлларимизнинг давлат ва жамият бошқарувида янада фаол иштирок этишлари учун эркакларнинг бу масалага муносабатини ўзгартириш керак. Ана шундагина жамият ўзгаради, аёлларнинг мақоми янада мустаҳкам бўлади. Ахир ота-боболаримиз ҳам ҳар бир ишда элпарвар оқсоқоллар ва дўст-биродарлари қатори аҳли аёллари маслаҳатига таянгани тарихдан маълум-ку. Хотин-кизларимизнинг ёшлигидан ҳуқуқий онги, саводхонлиги етарли даражада шакллантирилмаётгани муаммонинг сабабларидан бири десак, хато бўлмайди. Мисол учун ўғил болалар билан кизлар таълим олишда тенг ҳуқуқга эга. Бирок кизларимизнинг бу борадаги ҳуқуқлари қай тарзда рўёбга чиқаяпти? Эрта никоҳлар, ёш оилалар ўртасида ажралишларнинг оқибатида келиб чиқаётган муаммолар ҳам хотин- кизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида камчиликлар борлигини кўрсатиб турибди. Албатта бу ҳақда гап кетганда миллий удумларимиз, анъаналаримизни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Кўпчилик эркакларнинг назарида аёл фақат фарзанд тарбияси, рўзгор ишлари билан шуғулланиши керак. Шу сабабдан айрим кизлар олий маълумотга эга бўлса ҳам ишлай олмайд.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг барчаси давлат томонидан хотин-кизларга яратиб берилган имкониятдан етарлича фойдаланмаслик оқибатидир. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида хотин-кизлар кўпаймаса, аёллар жамиятнинг тўлақонли, фаол катнашчиси бўла олмайд. Марказлар ўтказган қузатувлардан маълумки, ишлаётган, турмуш ўртоғи билан ҳамкорликда бизнес қилаётган аёлларнинг оиласида мураккабликлар, муаммолар деярли йўқ. Фарзандлари билан ҳам зиддиятлар, тушунмовчиликлар кўзга аниқ ташланмайди. Бундай оилаларда ҳаёт тинч ва тотув бўлади. Тинч оила деган тушунча аёлнинг ақли, билим даражаси билан боғлиқ экани ўрганишларда ўз исботини топди. Бизнинг мақсадимиз ҳам аслида шу эмасми? Бунинг учун кизларни ўн икки йиллик мажбурий таълим билан тўлиқ қамраб олиш, ота-оналарнинг фарзандлар саломатлигини ёшлигидан муҳофаза қилиш, таълим ва тарбия беришдаги масъулиятини ошириш керак. Бу мажбуриятлар Оила Фуқаролик кодексларида ўз аксини топган. Фақат уларга риоя этилиши қатъий назорат қилиниши шарт. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш ҳақидаги таклифини тезроқ амалга ошириш лозим. Чунки маҳалла ўз ўзини бошқарадиган институт сифатида жамиятимиз

асосини ташкил қилади. Мазкур қонун қабул қилинса, маҳалладаги барча ижтимоий тузилмалар, жумладан, маҳалла маслаҳатчилари, яраштириш комиссияси каби институтлар яхши ишлайди. Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини рўёбга чиқариш, жамият ва давлат ишларидаги иштирокини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижасини яққол кўриб турибмиз. Бизга яратилган имкониятга, берилган ҳуқуқларга кўпчилиكنинг хаваси келиши табиий. Ахир дунёдаги энг демократик давлат деб эътироф этиладиган Америкада ҳам аёллар сиёсий ҳуқуқлари учун 52 йил курашган. Уларга шундай ҳуқуқлар берилиши масаласида 400 дан ортиқ референдум ўтказилган. Ана шу таққослашнинг ўзи ҳам мамлакатимизнинг хотин-қизларга бўлган муносабат, ҳурмат, эътибор нақадар юксак эканидан далолат беради. Тўғри ҳали талай камчиликлар бор. Бунга қайсидир маънода менталитетимиз ҳам сабаб бўлмоқда. Айрим номақбул урф одатларимиздан ханузгача қутула олмапмиз. Мамлакатимизда ҳозир 17 ёшдан кизларга, 18 ёшдан йигитларга оила қуришга руҳсат этилган. Бунда минтаканинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек инсоннинг физиологик жиҳатдан ривожланиши ҳисобга олинган. Норвегия, Финляндия, Швецияда ҳуқуқмат аъзоларининг 50 фоизи аёллардан иборат. Шу сабабли ҳам Скандинавия давлатлари аҳолисининг турмуш даражаси бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

Республикаимизда халқ таълими, тиббиёт каби соҳаларда меҳнат қилаётганларнинг 70 фоизидан ортигини аёллар ташкил қилади. Шу босис ушбу соҳаларда раҳбарлик лавозимларига аёлларни янада кўпроқ жалб этиш керак. Бизнинг аёлларимизда улкан салоҳият бор. Бунга ўтмишдаги момоларимизнинг ҳаёти, кўрсатган жасоратлари мисол бўла олади. Тўмарис момоиз тенгсиз ақл-заковати, шижоати билан юртимиз тупроғини бостириб кирган босқинчиларни даф этган, Амир Темурдек буюк бобомизга ҳам давлат ишларини бошқаришда Бибиҳоним доимо маслаҳатгўй бўлган. Бу салоҳият замонимиз аёлларида ҳам йўқ эмас. Уни рўёбга чиқариш учун аёл қалбини тушуниш керак. Матбуотда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни мавзусида мунтазам чиқишлар қилиш, тарғибот ишларини янада жонлантириш керак. Конституцияимизнинг 46-моддасида аёл ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилган. Бу тамойил жамиятимизда ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Тадбиркорликни йўлга қўйиб, сифатли ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, қўшимча иш ўринларини очишга ўз ҳиссасини қўшаётган хотин - қизларни қўллаб қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам юртимизда тадбиркор аёллар сони йил сайин ортиб бормоқда. Улар давлатимизнинг бундай беқиёс эътибори ва ғамхўрлигига жавобан ўз меҳнатлари билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Тадбиркор аёлларимизнинг ташаббуси ва ғайратини янада қўллаб қувватлаш, янада кўпроқ имтиёзлар бериш хотин-қизларни айниқса, қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш масаласида ўз самарасини бериши шубҳасиз. Шуни ҳам айтиш керакки, бизда қасаначилик бутун мамлакат бўйлаб қулоч ёймоқда. Қасаначиликнинг ҳуқуқий механизмини, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини,

хусусан, иш берувчи ва касаначи ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштиришга жиддийроқ эътибор қаратиш лозим.

Яна бир муҳим масала шундаки, ота-оналарнинг жамият олдидagi масъулиятини кучайтириш керак. Зеро, билимли, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлодгина биз бугун гувоҳи бўлиб турган улкан ислохотларнинг муносиб давомчилари бўла олади, биз қураётган буюк давлатнинг ҳақиқий эгаларига айланади. Шундай мустақил ва гўзал диёрда яшаётганимизнинг ўзи, ҳар биримизни мамлакатимиз тақдири учун янада фидоийлик билан меҳнат қилишга ундайди. "Дунёдаги барча мўъжизавий қудрат ва гўзаллик, баркамоллик ҳамда чексиз меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган оналаримизни, дилбар аёлларимизни ардоқлаш, керак бўлса, уларнинг буюклиги олдида таъзим этиш ҳар қандай инсоннинг шарафли бурчидир" деган эди юртбошимиз Ислам Каримов.

Ҳақиқатда юртимизда аёлни улуғлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёлнинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасида қабул қилинган барча муҳим ҳужжатлар хотин-қизларнинг истъод ва имкониятларини намоён этиш учун шароит яратиб берди. Айни пайтда юртимиз хотин-қизлари фарзанд тарбияси билан шуғулланиш билан бирга давлат қурилишида иштирок этиш, тadbиркорлик ва иқтисодий соҳа тараққиётига ҳисса қўшиш, илм - фан ривожига ўз иктидорини кўрсатиш каби ишларга ҳам қодир эканини намоёниш этмоқда. Ҳаётимиз асоси, кўрки ва миллатимиз келажаги аёл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бошқаруви, тиббиёт, таълим тарбия, маданият, илм-фан тараққиёти бўладими, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик бўладими, мана шундай мураккаб вазибаларни аёллар самарали адо этиб келмоқдалар.

## **ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

*У.Қ.Сабиров, Э.Қўлдошев-АндМИ доцентлари*

Маълумки, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш миллий иқтисодийтни модернизациялаш шароитларида янада муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим муассасалари (ОТМ) кафедраларида олиб борилаётган амалий илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳалар натижаларини амалиётга жорий этишда ечимини топмагач: масалалар мавжуд.

ОТМ кафедралари ҳам илмий-лойиҳавий ва ҳам ўқув-услубий потенциалга эга. Академик гуруҳга бирор фандан дарс ўтувчи профессор-ўқитувчи ака шу фан бўйича илмий-лойиҳавий фаолият билан бевосита шуғуллангандагина тайёрланаётган кадрлар салоҳияти юқори даражада бўлади.

ОТМ кафедралари фаолиятининг хусусиятларидан бири шуки, бу ерда илмий-лойиҳавий ва ўқув-услубий фаолият уйғунлашган ҳолда бўлади. Демак, ОТМ ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишда қуйидаги икки хил ҳолатни кузатиш мумкин:

- биринчидан, тайёрланаётган кадрлар орқали ОТМ кафедраларида амалга оширилган илмий-лойихавий ишлар натижалари ишлаб чиқаришга етиб боради;
- иккинчидан, ОТМ ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари орасида тузилган турли хўжалик шартномалари орқали кафедралар профессор-ўқитувчиларининг илмий-лойихавий ишлар натижалари инновацион лойихалар ёки хўжалик шартномалари асосида ишлаб чиқаришга етиб боради.

Фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш масалалари бўйича юкори бошқариш тузилмалари томонидан ОТМга қўйилаётган талабларда ҳам асосан ана шу икки хил йўналиш инобатга олинади.

Биз қуйида қўшимча равишда яна бир учинчи йўналиш бўйича сўз юритмоқчимиз.

Бу ерда гап ОТМ кафедраларида талабалар томонидан профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида бажарилаётган турли ўқув-услубий ишлар натижалари назарда тутилмоқда. Булар жумласига масалан, қуйидагилар киради:

- мустақил иш сифатида бажарилаётган рефератлар;
- курс ишлари ва лойихалари;
- иқтидорли талабаларнинг алохида тадқиқот мавзулари доирасида бажараётган ишлари;
- баклавларнинг битирув малакавий ишлари;
- магистрларнинг диссертациялари.

Бу каби ўқув-услубий ишлар алохида битта ОТМнинг ўзида юзлаб, хаттоки минглаб бажарилади. Амалда булардан самарасиз фойдаланамиз, яъни

- биринчидан, уларнинг мавзулари кўпчилик холларда амалиётдан ажралган холда шакллантирилади;
- иккинчидан, бажарилган бу каби ўқув-услубий ишлар кераксиз нарсалар каби кейинчалик йўқотиб юборилади.

Юкоридагилардан келиб чиққан холда ОТМ шароитларида “илмий-лойихавий фаолият – ўқув-услубий фаолият – ишлаб чиқариш фаолияти” интеграцияси масаласига алохида аҳамият бериш зарурлиги тақлиф қилинмоқда.

Бунинг учун қуйидаги тадбирларни тақлиф этамиз:

1. Мавзулар банкини шакллантириш. Турли ташкилий қурилмалар, яъни ОТМ жойлашган худуддаги ташкилотлар, корхоналар фирмалар, бошқармалар ва х.к. билан алоқа ўрнатиб уларнинг етакчи мутахассислари ва раҳбарлари билан музокараларда улардаги мавжуд ечими топилмаган масалалар ва муаммоларни аниқлаш. Шартномалар тузиш. Аниқланган масалалар ва муаммоларни ОТМ кафедраларида профессор-ўқитувчилар томонидан экспертизадан ўтказилиб уларни мавзулар банкига жойлаштириш.

2. Мавзуларни ўқув-услубий фаолиятнинг турлари бўйича классификация қилиш ва тақсимлаш. Экспертизадан ўтган ва шакллантирилган мавзуларни ОТМ доирасида ўқув-услубий ишлар бўйича классификация қилиш ва тақсимлаш.

3. Мавзуларни кафедралар ва фанлар бўйича классификация қилиш ва тақсимлаш. Экспертизадан ўтган ва шакллантирилган мавзуларни кафедраларнинг

ва фанларнинг хусусиятларига кўра ўқув-услубий ишлар бўйича классификация қилиш ва таксимлаш.

4. Мавзуларни талабаларга етказиш ва тушинтириш. Мавзулар бўйича олиб бориладиган ишларнинг рўжасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни талабаларга етказиш ва тушинтириш. Бунда ўқув-услубий ишлар доирасида бажариладиган ва амалиётга жорий этиладиган лойиха қисмини бажарилишига алоҳида аҳамият бериш.

5. Натижаларнинг мониторингини олиб бориш. Амалдаги рейтинг тизими бўйича, агар зарур бўлса рейтинг тизимига ўзгартиришлар киритиб мавзулар бўйича бажарилган ўқув-услубий ишлар ва улар доирасида бажарилган лойихалар натижаларини баҳолаш.

6. Ишлаб чиқариш корхоналари билан боғланиш ва уларга ўқув-услубий фаолият доирасида бажарилган илмий-лойихавий ишлар натижаларини тақдим этиш.

Юқоридагилар “илмий-лойихавий фаолият – ўқув-услубий фаолият – ишлаб чиқариш фаолияти” занжирини тизимлаштиради ва натижавийлик даражасини оширади деб ишонамиз.

## **ЖАДИДЛАР ИҚТИСОДИЙ ҲОЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

*Р.К. Раҳимов – АнДМН доценти*

Мамлакатимиз кенг камровли, ўзгаришларга бой, тарихий ва яратувчанлик даврини бошидан кечирмоқда. Бу давр иқтисодий муносабатлар тизимига, кўп укладли иқтисодиётга асосланган, мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш даври деб ҳаққоний баҳоланмоқда. Бозор муносабатларини такомиллаштириш зарурияти тамомил янги иқтисодий фикрлашни шакллантиришни ҳолат долзарб вазифага айлантириб қўйди. Шунинг учун Президентимиз И.А. Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асаридида бу масалани иқтисодиётни ислох қилиш соҳасида стратегик мақсадлардан бири деб таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: “Кишиларда янги иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш керак”.<sup>18</sup>

Янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришда ўзбек халқига ўрганиш учун арзигулик илмий асослар мавжуд. Яъни, жадидларнинг илмий меросидан миллий истиқлолни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни раванк топтириш, халқимизнинг янги жаҳият қуриш йўлидаги вазифаларни амалга оширишда йўриқнома сифатида фойдаланиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида фидойи жадидларимиз ҳаёти биз учун ўрнак, ёшларни истиқлол, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгалиги, уларнинг босиб ўтган кураш йўлини ўрганиш бугунги тараққиётимиз учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилишига эътиборни қаратиб, “...чоризм мустахлақаси даврида маърифат гоҳисини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исоқхон Иброт, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-

<sup>18</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 18.

халоватидан кечиб, эл - улус манфаати, юртимизни тараккий топтириш максатида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди",<sup>19</sup> -деб ёзди.

Жадидчилик харакати миллий мафкура, миллий ғоя, миллий иктисодиётнинг шаклланиш тарихини ўрганишда мухим илмий манбалардан биридир. Шу нуқтаи назардан мустақиллигимиз фидойилари бўлган жадидларнинг иктисодий меросини ўрганиш бугунги кунда катта аҳамиятга эгадир. Жадидлар давлат, тузум, бошқарувни ўша давр муҳотидаги иктисодий ҳаётни ислоҳ этиш ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман жамиятни янги тараккийёт босқичига олиб чиқишни ўлкада бозор иктисодиётини яратиш ҳамда жаҳон мамлакатлари билан интеграциялашуви масалаларини мақсад қилиб қўйган ғояларни ишлаб чиқдилар. Бундай инқилобий ўзгаришларнинг аниқ амалий тадбирларини ўзида мужассамлаштирган илмий концепция яратдилар. Улар жаҳон цивилизациясида катта роль ўйнаган Туркистондек улкан тарихий бир маконда, кўп асрлар давом этиб келган ҳаётнинг Шарқона тарзини сақлаган ҳолда, уни Европа тараккийёти натижалари билан бойитишни қўзлаган фикрларни илгари сурган эдилар. Шунингдек, улар XX аср бошидан янгича яшамокни вужудга келтириш усулларини изладилар ва истибдод шароитида ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлида курашга киришиши кераклигини уқтирган эдилар. Жадидлар миллий истиклолга эришишнинг нафақат сиёсий асосларини, балки унинг иктисодий омилларини ҳам теран англаб етдилар.

Жадидлар ўзларининг асосий эътиборларини миллатнинг маърифатли, ўқимишли, билимдон ва касб – хунарли бўлишига қаратиб уни дунёнинг илғор миллати бўлишига чақирдилар, акс ҳолда, абадий қолоқлик исқанжасида қолишлари мумкинлиги хақида қайғурдилар.

Табийки, жадидлар Туркистонни иктисодий ривожланган, кудратли давлат сифатида кўришни истар эдилар, улар ўзларининг иктисодий ғояларини ҳам ишлаб чиққан эдилар. Жадидлар иктисодий ғоялари марказида иктисод илмини ўрганиш зарурлиги, ихрож ва аъмол саноати, ижтимоий-иктисодий ислохотлар масаласи, иктисодиётга хорижий сармояларни, илғор техника-технологияларни жалб этиш масалалари мухим ўрин тутди. Жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари маърифат ва илм тизимида иктисод илмининг миллат равнақи учун аҳамияти алоҳида эканлигини қайта-қайта тақидлаганлар. Жадидларнинг етуқ арбобларидан бири Абдулла Авлоний бу ҳақда шундай деган эди: “Иктисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саҳоватнинг зидди баҳиллик ўлдиги каби иктисоднинг зидди исрофдир...”<sup>20</sup>

Келтирилган лавҳада жуда чуқур иктисодий маъно яширинган: биринчидан, муаллиф пулни неъмат яъни меҳнат билан яратилган маълум қиймат унинг ифодаси деган илмий фикрни билдиради; иккинчидан пул тадбиркорни иш билармонни ёқтириши, фақат ана шундай кишилар қўлида пул, мол-дунё тўпланишини уқтиради.

Ҳар замонда инсоннинг мақсади эркин ва фаровон яшашдир. Айниқса, “... бу замонда мақсадга етмак учун, - деб ёзди Абдулла Авлоний, - ўз миллатига хизмат

<sup>19</sup> Керимов И.А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 49.

<sup>20</sup> Авлоний А. Танланган асарлар. 1 жилд. Т., 1998. –Б. 37.

килмоқ макбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги миллатларнинг хол ва кудратлари мол ва бойликлардандур. Ҳар ерда бой миллатлар огир келуб, факирларга енгил келуб кул ва асир бўлиб қоладур...<sup>21</sup>.

Иқтисод илмидан боҳабар бўлган кишилар ҳар доим қиладиган сарф ҳаражатларининг самара беришини олдиндан ҳисоб-китоб қиладилар. Олим мисол келтириб айтадики, илмдан яхши хабардор бўлган америкалик ва европаликлар иқтисодий билимликлари туфайли, фаровон тўқ яшайдилар. У ёзган эди: “Боболаримизнинг бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар” замонлари ўтуб, ўрнига “билгон битар, билмаган йитар” замони келди. Америкаликлар бир дона бўғдой экиб, йигирма кадок бугдой олурлар. Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамини кетуруб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар”<sup>22</sup>.

Абдурауф Фитрат ҳам иқтисод илмини эгаллашга, ёшларимизни тижорат ва савдо ишларига ўқитишимиз лозимлигига даъват қилган эди. У ватандошларига, миллатдошларига мурожаат қилиб шундай деб ёзган эди: “Сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо ишига ўқитингиз, чунки бегоналар (хорижий савдогарлар - муаллиф) тижорат илмидан хабардор. Сиз эса беҳабарсиз”<sup>23</sup>.

Юқоридаги таҳлиллар шундан далолат берадики, жадидлар ватанимиз озодлиги ва мустақиллигининг моддий ва маънавий асосларини яратиш, ана шу асосда миллатнинг ўз мустақиллиги учун курашини илмий даражага кўтариш мақсадларини кўзлаганлар. Шунингдек мулкдор бўлмоқ, миллий иқтисодиётни яратмоқ, миллат ва Ватан равнақини таъминламоқ учун иқтисод илмини эгаллаш долзарб масаладир. Бу масаланинг долзарблиги бизнинг бугунги бозор муносабатларини жадаллик билан шакллантираётган давримизда яққол кўзга ташланмоқда ва жадидларни мазкур масаладаги илғор ғояларини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш уни жамият, давлат ва миллат истиқболини яратишдаги ўзига хос манбаа сифатида қарашга ундайди.

Мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтилиши табиий равишда иқтисодий тафаккурни бойитиш, янгича иқтисодий фикрлашни такозо этади. Бундай шароитда одамларимизда, иқтисодиёт субъектларида, хусусан иқтисодиёт жабҳасида ишлаш учун тайёрланаётган мутахассисларда бозор иқтисодиёти илмини шакллантириш ва уларни миллий иқтисодий кадрятлар руҳида тарбиялашда жадидлар иқтисодий ғоялари ҳам катта аҳамиятга эга.

## **ALTERNATIV ELEKTR ENERGIYASI OLISHNING AYRIM XUSUSIYATLARI**

*B.R. Bekqulov, ass. X. Ismoilov, ass. Yo. Ma'mirov-AndMI*

Ma'lumki, yildan-yilga elektr energiyasiga bo'lgan talab ortib bormoqda. Buning sababi aholi sonining ortib borishi, turli ko'rinishdagi elektr jihozlarni ko'payib borayotgani, hamda texnik taraqqiyot natijasida katta quvvat talab etadigan ishlab chiqarish korxonalarining paydo bo'lishi kabilardir.

<sup>21</sup> Авлоний А. Гулiston ёхуд ахлоқ. - Т., 1967. - Б.33-34

<sup>22</sup> Авлоний А. Танланган асарлар. 1 жилд. - Т., 1998. - Б.57-58.

<sup>23</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. 1 жилд. Ҳинд сайеҳи баеноти. Т., 2000. - Б.167.

Elektr energiyaga bo'lgan talabni qondirish yo'llaridan biri alternativ elektr energiyasi hosil qilish bo'lsa, ikkinchisi esa, katta quvvat iste'mol qiladigan elektro dvigatellarning bajaradigan ishini mexanik energiya hisobiga bajarishdir. Alternativ energiyaning hosil qilishning turli usullari mavjud bo'lib, hozirda alternativ elektr energiyasi hosil qilish uchun quyosh batareyalari, shamol generatorlaridan foydalanish yo'lga qo'yilgan. Biroq quyosh batareyalari va shamol generatorini doimo ishlatish imkoniyati mavjud emas. Shuning uchun alternativ elektr energiyasini hosil qilish uchun o'z mamlakatimiz imkoniyatlari o'rganildi va o'ganilmoqda.

Ma'lumki, mustaqilligimiz tufayli mamlakatimiz avtomobil sanoatiga ega bo'ldi va jahon bozorida raqobatbardosh avtomobillarni ishlab chiqarmoqda. So'ngi yillarda mamlakatimizda benzin yonilg'isi orniga iqtisodiy jihatdan nisbatan arzon bo'lgan propan, metan gazlaridan foydalanish yo'lga qo'yildi. Bu esa avtomobillarimizni yanada raqobatbardoshligini oshirish uchun xizmat qilmoqda.

Taklif etilayotgan alternativ elektr energiyasini hosil qilish moslamasi hususiy tadbirkorlik asosida ishlab chiqarish korxonalari uchun mo'ljallangan bo'lib, avtomobillardan olinadigan mexanik xarakatni elektr energiyasiga aylantirish uchun xizmat qiladi.

Ma'lumki, avtomobillarning rusumiga mos ravishda tirsakli valning aylanma xarakati (ayl/min) uzatishlar qutisi orqali avtomobil g'ildiraklariga beriladi.

Avtomobilning uzatishlar qutisi quyidagi vazifalarni bajaradi:

a) Avtomobil g'ildiragiga xarakat tezligini pasaytirib, burovchi momentni oshiradi.

b) Avtomobil g'ildiragiga xarakat tezligini oshirib, burovchi momentni pasaytiradi.




Demak, uzatishlar qutisi reduktor va multiplikator vazifalarini bajaradi.

Shunday qilib, mavjud bo'lgan avtomobil ichki yonuv dvigatelidan olinadigan xarakatni uzatishlar qutisi orqali kerakli parametrlar bilan generatorga uzatish imkoniyati yaratilgan.

Maskur moslama asosan 25kVt.gacha elektr energiyani iste'mol qiladigan hususiy tadbirkorlik asosidagi ishlab chiqarish korxonalari uchun mo'ljallangan bo'lib, korxonani yetarli bo'lgan elektr energiya bilan ta'minlaydi.

Ma'lum bo'lishicha hususiy tadbirkorlik asosidagi ishlab chiqarish korxonalaridan biri 24kVt elektr energiya iste'mol qiladi va korxonadagi ish bajaruvchi vallarni joylashuvi sxemasi quyidagicha: (1-rasm).

Ushbu ishlab chiqarish korxonasi elektr energiyasi yordamida ish bajaruvchi vallarni harakatga keltirib ma'lum ish bajariladi. Biz tomondan elektr energiyasi o'miga mehanik usulda ishchi valga harakat berish sxemasini taklif qilindi va kerakli parametrlar xisoblab chiqildi. Taklif qilinayotgan harakat munbai sifatida quvvati 41 ot kuchiga ega bo'lgan avtomashina ichki yonuv dvigateli bo'lib, bu 30,2kVt quvvatni tashkil etadi va ushbu quvvat maskur korxonada ishchi vallarni aylantirishga yetarli bo'ladi. Ishchi vallarga harakat berish sxemasi quyidagicha taklif qilindi: (2-rasm, 3-rasm).



Shuningdek, mazkur ishlanmada ishlab chiqarish korxonasi uchun qo'shimcha ravishda quyidagi masalalarni hal qilish mumkin:

1. Ishlab chiqarish uchastkalarini yoritish mumkin. Bu masala ichki yonuv dvigatelidan olingan doimiy tok evaziga amalga oshiriladi.
2. Qo'shimcha ravishda inventori orqali 2 kVt atrofida o'zgaruvchan tok hosil qilish mumkin.
3. Ishlab chiqarish uchastkasidagi 15 kvadrat metrgacha bo'lgan xonalarni isitish mumkin (ichki yonuv dvigatellari radiatorida foydalanilgan holda.)

Hulosa qilib aytish mumkinki, bitta yashash punktida faoliyat ko'rsatayotgan ishlab chiqarish korxonalarini elektr energiyasi o'rniga muqobil bo'lgan mexanik energiya bilan ta'minlash, shu xududda iste'molchilarni elektr energiya bilan ta'minlashda ijobiy natija beradi.

#### Adabiyotlar.

1. Tojiboev R.N. va boshqalar "Mashina detallaridan masalalar to'plami" Toshkent, 1992 yil.
2. Sulaymonov I. "Mashina detallari" Toshkent, 1981 yil.

## ZAMONAVIY BENZINLI DVIGATELLARNING O'T OLDIRISH TIZIMIGA QO'YILADIGAN TALABLAR

S.S.Yusupov, A.U.Asqarov-AndMI

Dvigatellarni takomillashtirish yo'nalishi, ularni tejamliligini oshirish va 1 kVt quvvatga to'g'ri keladigan massasini kamaytirish bilan bir qatorda, aylanishlar chastotasi va silindrlarda yonilg'i-havo aralashmasini siqish darajasini tobora ortib borishi bilan ham tavsiflanadi. Zamonaviy dvigatellarda aylanishlar chastotasi  $5000-8000 \text{ min}^{-1}$  ga yetgan, yonilg'i aralashmasini siqish darajasi hozirgi kunda 7,0-8,5 ni tashkil qilayotgan bo'lsa, kelajakda bu ko'rsatkichni 9,0-10,0 va undan yuqoriroq qiymatlarga ko'tarish mo'ljallanmoqda. Aylanishlar chastotasi va siqish darajasining bu tarzda oshishi, yonilg'i me'yorida o't olishini ta'minlash uchun, o't oldirish sistemasining ikkilamchi kuchlanishini sezilarli darajada oshirilishini talab qiladi. Bundan tashqari, dvigatellar tejamliligini oshi-rishga intilish ularda, aksariyat holda suyultirilgan yonilg'i aralashmasini ishlatisiga majbur qiladi. Suyultirilgan yonilg'i aralashmasini ishonchli ravishda o't oldirish uchun o't oldirish shamining elektrodleri orasidagi tirqishni kattalashtirish, ya'ni uchqun uzunligini va quvvatini oshirish kerak bo'ladi. Hozirgi zamon dvigatellarida o't oldirish shamining elektrodleri orasidagi tirqish 0,8-1,2 mm ni tashkil qiladi. Demak, dvigatelni tejamli ishlashini ta'minlash uchun ham ikkilamchi kuchlanish qiymatini oshirish zarur.

Shunday qilib, aylanish chastotasi va tirqish darajasi katta bo'lgan tejamli ishlaydigan hozirgi zamon dvigatellariga o'rnatiladigan o't oldirish sistemasiga ancha yuqori talablar qo'yiladi. Xususan:

- ❖ ikkilamchi kuchlanish qiymatini oshirish bilan birga ishonchlilik darajasini va xizmat muddatini ko'tarish;

- ❖ uchqunli razryad energiyasining qiymati, dvigatelning hamma rejimlarida yonilg'i aralashmasini ishonchli o't oldirish uchun yetarli bo'lishi kerak ( $15...50 \text{ mDj}$  va undan ortiq);

- ❖ turli xil ekspluatatsiya sharoitlarida (*o't oldirish shamlarining ifloslanishi, atrof muhit haroratining o'zgarishi, tok manbai kuchlanishining kamayib-ortishi va hokazo*) barqaror uchqun hosil bo'lishini ta'minlash;

- ❖ hamma elementlar katta mexanik yuklamalar ta'sirida barqaror ishlashini ta'minlash.

Avtomobil dvigatellarida, aksariyat holda, energiyani induktiv g'altakning magnit maydonida to'plash asosida ishlaydigan o't oldirish sistemalari tatbiq topgan bo'lib, ularning quyidagi turlari mavjud:

- ❖ kontaktli;
- ❖ kontakt-tranzistorli;
- ❖ kontaktsiz-tranzistorli;
- ❖ mikroprotsessorli.

Kontaktli (*klassik*) o't oldirish tizimi yuqoridagi talablarga ko'p jihatidan javob bera olmaydi. Chunki, unda ikkilamchi kuchlanishni oshirishning amalda yagona yo'li - uzilish toki  $I_u$  qiymatini oshirishdir. Ammo uzilish tokining 4,0-4,5 A dan ortishi, uzgich kontaktlari kuyishiga va tezda ishdan chiqishiga olib keladi. Zamonaviy dvigatellarda o't oldirish jarayonining ishonchligini oshirish talabi yangi turdagi o't oldirish tizimlarini yaratilishiga olib keldi.


O't oldirish tizimi avj oldiradigan ikkilamchi kuchlanishni oshirish yo'llaridan biri, birlamchi tok zanjirini uzish uchun boshqaruvchi kalit vazifasini bajaruvchi ayrim o'tkazgich asboblari ishlatishdir. 1-jadvalda o't oldirish tizimining avlodlari keltirilgan.

Energiyani to'plash tartibotida ishlaydigan zamonaviy o't oldirish tizimlarida o't oldirish g'altagi faqat kuchlanishni oshiradigan impuls transformator vazifasini bajaradi va uning o'lchamlarini sezilarli darajada kamaytirish mumkin. Bu har bir silindr uchun alohida g'altak yasash va uni bevosita o't oldirish shamiga joylashtirish imkoniyatini beradi (1-rasm). Bunday tizim uchun yuqori kuchlanish o'tkazgichlariga zarurat yo'qoladi va ularda salt uchqun hosil bo'lmaydi.

1-jadval


O't oldirish tizimi	O't oldirish g'altagidagi birlamchi tokni ulab-uzgich bo'yicha 	O't oldirish burchagini ilgarilatish bo'yicha 	Yuqori kuchlanishli taqsimlagich bo'yicha 
Kontaktli o't oldirish tizimi			
Kontakt-tranzistorli o't oldirish tizimi			
Kontaktsiz-tranzistorli o't oldirish tizimi			
Elektronli o't oldirish tizimi			
To'liq elektronli o't oldirish tizimi			
 Elektronli	 Mexanikli		

1-jadvalda keltirilgan o't oldirish tizimlarini quyida alohida-alohida ko'rib o'tamiz.



1-rasm. Har bir silindrga alohida o'rnatiladigan o't oldirish g'altaklarning ulanish sxemasi.


Bu tizimda asosan har bir silindrga alohida o't oldirish g'altaklari (2-rasm) bilan birgalikda o't oldirish shamlari ham o'rnatilib, dvigatelga tushayotgan yuklamaga, yonilg'i aralashmasining tarkibiga, chiqayotgan zaharli gazlarning miqdoriga va boshqa faktorlarga bog'liq holda uchqunlanish burchagini va uchqunlanishlar sonini elektron boshqaruv bloki boshqarib turadi. Bu esa avtomobilning barcha ko'rsatkichlarini yaxshilashga erishiladi.



2-rasm. Har bir silindrga alohida o'rnatiladigan o't oldirish g'altagining umumiy tuzilishi. a) umumiy tuzilishi, b) sxemasi.

1-past kuchlanishli tokni birikish joyi, 2-temirli o'zak, 3-birlamchi chulg'am, 4-ikkilamchi chulg'am, 5-yuqori kuchlanishli tokni birikish joyi, 6-o't oldirish shami.

## Mexanikli va elektronli o't oldirish tizimlarining uchqunlanishi bo'yicha taqqoslanishi.



3-rasm. Elektronli o't oldirish tizimining uchqunlanishni bilish maydonlari.

a) kontaktli o't oldirish tizimining uchqunlanishni bilish maydoni.

b) elektronli o't oldirish tizimining uchqunlanishni bilish maydoni.

Mexanikli va elektronli o't oldirish tizimlarining uchqunlanishni bilish maydonlarini taqqoslanishini ko'rib chiqadigan bo'lsak, benzinli dvigatellarda o't oldirish shami orqali siqish taktining oxirida havo bilan benzinli ishchi aralashma majburiy o't oldiriladi. Bunda o't oldirish burchagi juda katta ahamiyatga ega bo'lib, bu esa ishchi aralashmani to'liq yonishi yoki yonmasligi bilan faktorlanadi.

Kontaktli o't oldirish tizimining uchqunlanishni bilish maydoni (3-rasm). a). Bu tizimda biz uchqunlanishni o'zgartira olmaymiz chunki, bunda uchqunlanish mexanikli ya'ni kontaktlidir. Shuning uchun uchqunlanishni bilish maydoni deyarli uncha o'zgarmagan. Mexanikli (*kontaktli*) o't oldirish tizimida uchqunlanish burchagini o'zgartira olishimiz mumkin, faqat bu chegaralangan. Bu chegara uchqun-taqsimlagichning markazdan qochma kuchiga va vakuum-rostlagichga bog'liq bo'lib, bu juda kichik burchakka o'zgaradi.

Elektronli o't oldirish tizimining uchqunlanishni bilish maydoni (3-rasm). b). Bunda biz uchqunlanish burchagini o'zgartira olamiz chunki bu elektronli boshqariladi. Agar uchqunlanish maydonini ko'rsak, bu joyda turli xil uchqunlanish burchagi mavjuddir. Bu tizim juda optimal bo'lib, silindrlardagi ishchi aralashmalarni to'liq va sifatli yonishini ta'minlaydi va zaharli gazlarni kamaytirib, bu tizim orqali biz hohlagan tezlikka erisha olishimiz mumkin.

Hozirda ishlab chiqarilayotgan barcha turdagi zamonaviy avtomobillar xususan, "GM-Uzbekistan" YoAJ zavodida ishlab chiqarilayotgan "Damas", "Matiz", "Nexia", "Epica", "Spark" va "Cobalt" :usumli avtomobillarda ham elektronli o't oldirish tizimlari keng qo'llanilib kelinmoqda.

Bu elektron o't oldirish tizimlarini mamlakatimiz avtomobillariga keng tadbiiq etilishi, avtomobillarning ekologik talablari bo'yicha me'yoriy ko'rsatkichlarini yaxshilaydi va Evro talablarini bajarilishini ta'minlaydi.

## ДЕМОКРАТИЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ МИЛЛИЙ – МАЪНАВИЙ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ЗАМИНЛАРИ

*М.Назаров – АндМИ доценти*

Демократия ва фуқаролик жамияти тушунчалари бугунги кунда ОАВ да, илмий адабиётларда энг кўп кўзга ташланадиган ҳодисалардир. Зеро, бугунги зиддиятли, ижтимоий тараккиётни бу тушунчаларсиз, унинг мазмун–моҳиятини чуқур билмай туриб келажак ҳаёт ҳақида, истиқболимиз ҳақида фикр юритиш кийин.

Демократия кенг камровли тушунча бўлиб, унинг бутун дунё учун бирдай мос келувчи ягона модели мавжуд эмаслиги шубҳасиз. Бу ҳақда турлича, ҳатто бир-бирига зид мулоҳазалар мавжуд. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, Шарқ халқлари, Ғарбликларга нисбатан ижтимоий жараёнлар, чунончи, демократик тартибларнинг ҳам босқичма-босқич, тадрижий кечишига мойилдир. Бу ҳаққоний фикр юртимизда табора кенг қулоч ёзаетган демократик ислоҳатларга бағоят мос.<sup>24</sup>

Ҳар қандай жамият ва давлатда демократия тақдири унинг сиёсий механизми, меъёрий ва ҳуқуқий асослари ва иқтисодий кафолатлари, маънавий омиллари билан узвий боғлиқ бўлади.

Ана шу ҳақиқат мантигидан келиб чиқадиган бўлсак, Шарқ, хусусан, Турон заминиде демократия ҳақидаги қарашлар кўп асрлик тадрижий такомилга эга. Бу идора усулига хос бўлган кўплаб унсурлар аллақачон миллий давлатчилигимиз тажрибасида синовдан ўтган. Буни исботловчи тарихий далиллар бисёр.

Буюк комусий аллома, улкан назарийтчи бобоколонимиз Абу Наср Фаробий қарашларида ҳам шарқона демократия, жамоавийлик тенденцияси кўзга яққол ташланади. “Ҳар бир инсон, деб ёзади Фаробий,-ўз табиати билан шундай тузилганки, у–яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади”.<sup>25</sup>

XI аср туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги бўлмиш, “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”)нинг муаллифи Юсуф хос Ҳожиб ҳам ўз даврида демократияга асосланган шарқона давлатчилик концепциясини баён қилади. “Қутадғу билиг”да адолат, инсонпарварлик ҳақидаги таълимот марказий ўринда туради. Асар қаҳрамонлари Қунтуғди, Ойтулди, Ўғдулмиш, Ўзгурмушлар элиг (давлат бошлиғи) вазир, вазирнинг ўғли ва унинг қариндоши сифатида намоён бўлсалар ҳам, аслида уларнинг бош вазибалари Адолат, Давлат, Ақл ва Офият (саломатлик)ни, қаноатни рамзий тарзда ақс эттиришга бўйсундирилган.<sup>26</sup>

Салжукий шоҳларга 30 йил ҳалол вазирлик қилиб, ўз номини сўнмас шон-шухратга чўлғаган Низом-ул-мулкнинг “Сиёсатнома” асарида ҳам шарқона демократик тамойиллар асосида давлатни бошқариш, сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларни идора қилиш масалалари ўша давр руҳиятидан келиб чиқиб баён этилган бўлсада, ундаги гоёлар бугунги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини

<sup>24</sup> Махмудов Й. Асл янги-инсонпарварлик. Тафаккур журнали 2/2007, 88-89 бетлар.

<sup>25</sup> Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т. “Ўзбекистон” нашриёт, 1983, 186-бет

<sup>26</sup> Б.Тўхлиев. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари. Т. “Ўзбекистон”, 1991, 5-бет

йўқотмаган. Жумладан унинг подшоҳ ва ҳукмдорларнинг мамлакатни адолатли бошқариш ҳақидаги ўғитлари фикримизга далилдир.

“Аллоҳ, - деб ёзади мутаффакир, бир кишига кудратини кўрсатиб, давлат ва иқбол беради. Ҳақ таолодан билим ва ақл топиб, шу билим билан қўл остидагилардан ҳар бирини ўзига тенг билади, ҳар бирига мартабасига мос кадр қилиб, мансаб беради, хизматкорларни халқ ўртасидан ажратиб олади, ҳар бирига бир мартаба ва манзала беради, дин ва дунё зарурияти-ю муҳимоти билан уларни таъминлайди, райятни муҳофазат қилади, токи унинг ақли савиясида ҳалойик роҳат ила яшаб кун кўрсин. Агар хизматкор ва ё маҳрамлардан бирортаси нолойик иш тутса-ю янглишганини тушиниб олса, ишга қайта қўйиш керак, агарда хушёр бўлмаса-ю (йўлдан қайтмаса), вафо қилмаса, уни бошқа бир кишига алмаштириш лозим”.<sup>27</sup> Аммо, унинг бу қарашларидан яхши фазилатлар фақат подшоҳ ва унинг амалдорларига хос бўлиши зарур экан, деган хулоса чиқмайди.

Чунки барча Шарк мутаффакирлари каби Низомулмулк ҳам подшоҳдаги эзгу ҳислатлар унинг фуқароларида ҳам намоён бўлиши зарур деб ҳисоблайди. Алломаларимиз ҳукмдорга, унинг маънавий-ахлоқий даражасига юксак талаб қўяр экан, подшоҳ орқали жамиятда эзгуликни маънавий баркамолликни кенг ёйишни кўзлаган. Шунинг учун улар адолат, эзгу амаллар ва маънавий-ахлоқий фазилатларни барча подшоҳ, фуқаролар ҳам ўзида шакллантиришини, уларга интилиб ва амал қилиб яшаши даркор, деган фикрни ижтимоий-ахлоқий мезон даражасига кўтарган. Бу мезон Шарк халқларининг тарихий-маданий парадигмаси, менталитети, турмуш тарзи ва эътиқодига айланаб кетганки, уларсиз бугунги демократик тараққиётни тасаввур қилиш қийин”.<sup>28</sup>

Ўтмиш аждодларимизни демократик кадриятларимиз ривождаги ўрни яна шундаки улар бағрикенглик, инсонларга адолатли муносабатда бўлишни илм-маърифат кишиларнинг ахлоқи-маънавияти билан боғлиқ эканлигини асослашга ҳаракат қилганлар. Жумладан Махмуд Қошғарийнинг “Девону лугатит турк” асарида билим энг бебаҳо бойлик бўлиб, унинг негизида инсоннинг маънавий-маърифий дунёқараши, одоб ахлоқи, гўзал инсоний фазилатлари шаклланади, билим инсоннинг бутун хатти-ҳаракатларини белгилаб беради, деб таълим беради. Асардаги “Халққа яхшилик қил, уни сув тагига ташласангда, уни сув устида кўрасан”, “Одам боласи ўлиб кетади, агар яхшилик қилган бўлса, ундан яхши ном қолади”.<sup>29</sup> деган йўриқларида демократиянинг инсонпарварлик тамойиллари ўз аксини топган.

Ана шундай мутафаккирлардан яна бири Аҳмад Югнакий ўзининг “Хийбагу:л-хақойик” (Ҳикматлар тухфаси) асарида халоллик, ҳақгўйлик, поклик, саҳийлик, мурувват, диёнат ва бошқа ҳислат ва фазилатларни инсон маънавий-ахлоқий етуклиги белгилари сифатида тилга олар экан ана шу фазилатларга эга бўлган фуқаролари бор жамиятда эркинлик, фаровонлик, таъминланиши мумкинлигини асослашга уринади.<sup>30</sup> Демократия ва маънавият уйғунлигини Шарк мутафаккирлари қарашлари асосида талқин этар эканмиз, яна бир муҳим масалани

<sup>27</sup> Низомулмулк Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Т «Адолат» 1997, 17-бет.

<sup>28</sup> Мусаев.Ф. Шарқона демократия таъриби ва аъёналар таъассуми. Тафаккур.№4/ 2006. 14-15 бетлар.

<sup>29</sup> Қаранг, Ўзбек педагогикаси антологияси. Т. “Ўқитувчи”, 1995, 190 бет

<sup>30</sup> Ўша жойда: 190 бет

хам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-хуқуқий меросида давлат ва жамият, шахс ҳамда жамият ёки фуқаролар билан подшоҳ ўзаро қарама-қарши қучлар сифатида қаралмаган. Ушбу тизимда уйғунликнинг бош субъекти подшоҳ (давлат) ҳисоблансада, у функционал хусусиятларига қўра, иерархия муносабатларида адолат принципини қарор топтириши шарт эмас. Адолатнинг бузилиши, бошқариш ишларини барбод этади. Фуқароларда норозилик уйғотади. Адолатни қарор топтириш Шарқона демократияга хос жамоа фикри ва манфаатлари устуңлигини таъминлайди. Халқимиз менталитетидаги ана шу ҳислатлар, бизнинг улўғ бобокўлонларимиз, ҳукмдорларнинг давлатчилиқ сиёсатида ҳам ўз аксини топган.

Буюқ соҳибқирон Амир Темурнинг салтанати худди ана шундай тамойилларга асосланган эди. Адолат Амир Темур учун давлатни идора этиш мезон ва меъёри, ҳаётининг мазмунига айланганлиги, унинг ҳаёт дастури бўлмиш “Темур тузуклари” гувоҳлик беради:

“Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забот этувчи иқтидорли набираларимга,—деган эди соҳибқирон,—йўл-йўриғи шуки, мен 12 нарсани ўзимга шиор қилиб олиб салтанат мартабасига эришдим. Шу 12 нарса ёрдамида мамлакатларни забот этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу-зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукга амал қилсинлар, давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар”. Амир Темур умр бўйи амал қилиб келган тамойилларини моҳиятини таҳлил қилар эканмиз, юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Бизнинг минг йиллар давомида шаклланган, неча-неча замонлар синовидан ўтиб, безавол яшаб келаётган ўзига хос урф-одат ва қадриятларимиз, турмуш-тарзимиз, умуман бошқалардан ажралиб турадиган миллий хусусиятларимиз бор”<sup>11</sup>—деган қатъий хулосаси назарий жиҳатдан ҳам, илмий-амалий ва мантиқий жиҳатдан ҳам ғоят чуқур мулоҳаза асосида айтилган, аини пайтда демократик тамойиллар билан миллий маънавиятимизнинг ўзаро муштараклигини тарихий асосларини ёритиб беришга хизмат қилувчи концептуал қараш илмий нуқтаи назар эканлигини тан олинади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, юртимизда қадим-қадимдан Шарқона демократик қарашларда давлат ва жамият ишларини юритишда адолат, яъни ҳуқуқий, ахлоқий-маънавий мезонларга алоҳида эътибор қилинган.

Демократиянинг ривожланиши миллий этник менталитетга боғлиқлигини Ғарб ва Шарқ халқлари ижтимоий мезонларини таққослаганда яққол назарга ташланади. Ғарбда шахс жамоага ўзлигини юзага чиқариш, истиснод ва имкониятларини намойиш этиш, мқайян мақсадларга эришишнинг воситаси сифатида қарайди. Жамоа инсоннинг ички, ботиний дунёси, руҳияти ва шахсий ҳаётига мутлақо аралашмайди. Шарқда эса жамоа, асосан инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлар доирасида иш тутаётганлигининг исботи сифатида талқин этилади. Жамоадан айрича иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатида баҳоланади.

<sup>11</sup> И.А.Каримов. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак ва маънавиятсиз қуриб бўлмайдми. Т. «O'zbekiston» 2006, 17 бет.

## AVTOMOBILSOZLIKDA PLASTMASSALARNI QO'LLASH ISTIQBOLARI

*M. Yuldasheva, N. Almatayev - AndMI*

Bizga ma'lumki [1-3] avtomobillarni ishlab chiqarish jarayonida konstruksion materillardan turli hil detal va mahsulotlar ishlab chiqarish natijasida mashina qismlari tayyorlanadi. Avtomobillarning kuzovi, yurish qismlari asosan temir, po'lat, mislardan tayyorlansa, avtomobil ichki salon qismlari, tashqi qismining buferlari asosan plastmassa materiallaridan tayyorlanadi. Plastmassa yunon va lotin tillaridan olingan bo'lib qayishqoq, yumaloqlangan ma'nolarini bildiradi. Plastmassalar shaklini qayta tiklashi bo'yicha termoplast va rektoplast turlariga bo'linadi. Termoplast plastmassalari issiqlik ta'sirida shaklini o'zgartiradi va qayta ishlash imkonini mavjud, rektoplastlarni esa qayta ishlab bo'lmaydi. Plastmassalar detal tayyorlanish jarayonida yuqori elastik xolatda yoki suyuq oquvchan xolatda bo'ladi. Ishlatish jarayonida esa qattiq kristal holatda yoki suyuq oquvchan holatda bo'ladi. Plastmassalar bir nechta komponentlarning o'zaro aralashuvidan tashkil topadi. Plastmassalar bir fazali yoki ko'p fazali bo'ladi. Bir fazali plastmassalar faqat bitta komponentdan tashkil topadi, ko'p fazali plastmassalar esa bir nechta komponentlardan tashkil topgan bo'ladi.

Avtomobilning plastmassa detallarini ishlab chiqarishda asosan quyidagi usullarda olinadi; bosim ostida quyish, ekstruziya, puflab yoki vakumlu shakllantirish, issiq siqish, shtamplash. Avtomobil detallarida plastmassalarni qo'llash quyidagi avzalliklarga ega;

- tashqi ko'rinishi yaxshilanadi;
- avtomobilning massasi kamayadi;
- xarakat vaqtida shovqinlar kamayadi;
- detallarning shakllari yaxshilanadi;
- ularning ishlash davri ortadi;
- yonilg'i sarfi kamayadi;
- avtomobilning tezligi oshadi;
- avtomobillarning shidamligi ortadi;
- ularni tayyorlash uchun ketadigan sarf-harajatlar kamayadi.

Amerikalik olimlarning fikricha xar bir kg plastmassa avtomobil massasini 1-2 kg ga kamaytiradi, massasini 10% ga kamayishi o'z vaqtida yoqilg'ini 20% gacha iqtisod qilishga yordam beradi.

Avtomobilsozlikda ishlatiladigan plastmassalarning turlari va ularning qo'llanish sohasi quyidagicha;

1. Polietilen yoqilg'i baklari, jipslashtirgichlar tayyorlanadi.
2. Polipropilen sovutish trubkalari, eshiklar ichki panellarning detallari tayyorlanadi.
3. Poliamid xar xil turdagi podshipniklar eshik qulflarini.g detallari tayyorlanadi.
4. Polivinilxloriddan (PVX) asosan avtomobil shlanglari, elektr izolyasiyalari, xar xil ruchkalar va tugmachalar tayyorlanadi.
5. Penopoliuretandan avtomobil o'rindig'i, pribor shitlar, ichki eshik panellari, taqsimlash vallarining tasmalari, rul mexanizmining sirpanish podshivniklari tayyorlanadi.
6. Polimetilmetakrilat- yoritish qurulumalarining detallari, yoritish qurilmalarining himoya qopqoqlari tayyorlanadi.

7. Fenoplast yondirish sistemasining elektr izolyatsiyasi tayyorlanadi.

8. ABS plastik asosan sovutish moslamasining ventilyatsion reshlyotkalari, g'ildirak qopqoqlari, o'rindiq g'illoflari tayyorlanadi.

Quyida 1-jadvalda avtomobilsozlikda keng qo'llanilayotgan plastmassalarning kimyoviy va mexanik hususiyatlari bilan tanishamiz.

Ushbu jadvalda avtomobillardagi plastmassa detallarning fizik mexanik xususiyatlari keltirilgan.

1-jadval

Ko'rsatkich	PE	PP	PVX	PUR	PA	PS	ED
Zichligi kg/m <sup>3</sup>	913-953	900	900-1000	3500-4000	1010-1020	1040-1700	1160-1250
Elastiklik moduli	120-650	-	-	350-400	-	2700	-
Mustahkamligi a) cho'zilishda b) egilishda	10-18 12-20	25-40 -	28-42 -	- -	45-55 60-65	18-65 35-100	400-500 1000-2000
Qattiqligi	14-52	60-65	60-70	70-90	40-50	35-150	
Erish t <sup>o</sup> C	100-110	160-170	150-200	200	178-180		
Qotish t <sup>o</sup> C	30-50	70-80	70-80	80	80	-	60-180
Ishlash t <sup>o</sup> C	80-100	120	130-140	120-150	140	70	200-300

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati;

1. V. E. Gul "Struktura i prochnost polimerov. M.: Himiya, 1978, 325 str.
2. T. Abduraximov, A G'aniyev, T.O Almataev,, G.Oripov. "Qishloq xo'jaligi va meliorativ mashinalar detallarini ta'mirlashning istiqbolli usullari" "Andijon" nashriyoti 1999,92 bet.
3. www.nammpi.uz Avtomobillarda ishlatiladigan plastmassalar.
4. Talaba.uz Ilm fan va ishlab chiqarish hamkorligi mustaxkamlanmoqda.
5. <https://uz.wikipedia.org.arxiv.uz> dunyo mashinasozlik sanoati.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФҚУРАСИ ТИՇЧЛИК, БАՐҚАРОРЛИК ОМИЛИДІР

*Абдуалимова М.- АнДМН доценти*

Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган маънавияти ва мафқураси бўлади. Инсонлар қайси бир жамиятда яшамасин нимагадир ишониши, эътиқод қилиши ва қандайдир бир ғояга таяниб фаолият кўрсатиши мумкин. Инсоннинг ўз меҳнати, умид ва орзуларини муайян мақсадлар билан боғлай олиши юксак маънавий камолотга эришгани, илғор мафқурага эътиқод қиладигани билан ҳам боғлиқдир. Инсон келажакка томон кўзини юмиб, тахминларга асосланиб, тавakkалчасига нш тутиб бора олмайди.

Мафқура ўз моҳиятига кўра ҳар бир жамият, давлат, миллатнинг келажак тараққиёт йўлини аниқлаб берадиган фаолият ҳамда бу йўлда кураш олиб боришда сиёсатнинг муштараклигидан иборат ғоялар тизимидир. Шу жихатдан истиқлол мафқураси бутун Ўзбекистон халқининг миллий руҳини, ҳис-туйғусини, миллий ғурур ва ифтихорини, куч қудратини, орзу-интилишларини олдиндан белгилашда, уларга интилиш йўллари, воситалари ва усулларини аниқлашда, жамият

ривожланишида ва тараккиётида муҳим ўрин тутади. Дарҳақиқат, жамият мафкура билан тирикдир. Шу боис мафкура жамиятимизнинг ривожланиши, олға томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, миллатни, барча фуқароларни умумий мақсад йулида бирлаштиради. Мафкура - халқни, меҳнатни севиш ва қадрлашга даъват этади. Мустақиллигимизнинг барқарорлиги ва тақдири ўша халқнинг фаолиятига боғлиқлигини улар онги ва қалбига чуқур сингдиради. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов жамият маънавий камолотига, миллий истиқлол мафкурасини яратиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигига эътиборни қаратиб, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари бўлган:

- умуминсоний кадриятларга соддиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши;
- ватанпарварлик қабиларни алоҳида қўрсатади. Шу жиҳатдан ҳозирги даврда маънавият масаласи мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлол сари ишонч билан боришнинг оқилона йулларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Чунки, маънавият бўлмаган жойда бахт-саодат ҳам бўлмайди. Аксинча, маънавияти ривожланган халқ ва миллат ўз-ўзини кадрлайди, қаддини тик тутади, ўтмиши билан фахрланади, келажакка ишонч билан қарайди.

Бугун мамлакатимиз маънавий ҳаётида қўп ўзгаришлар содир бўлмоқда, жумладан, маънавий тараккиётга салмоқли ҳисса қўшган мутафаккирлар, шоирлар, ёзувчилар, олимлар, меъморлар ва санъаткорларнинг ижодий меросини ўрганиш, уларнинг номларини келажак авлодларга етказиш соҳасидаги ишлар бениҳоя катта илмий-амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мустақилликка эришгандан сўнг Марказий Осиё (Ўрта Осиё)да яшаган ва ижод қилган қомусий алломалар - Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Улуғбек, Бобур ва бошқаларнинг меросини ўрганишга эътибор кучайтирилди, уларнинг асарлари нашр қилиниб жамоатчиликка тақдим этилди, юбилейлари ўтказилди. Шу давр ичида илгари номаълум бўлган кўплаб қўлёзмалар, оддий халққа таниш бўлмаган кўплаб олимлар ва ёзувчиларнинг номлари яна тикланди. Лекин, афсуски, 1920-1930 йилларда олиб борилган айрим бебошлиқлар натижасида халқимиз қўлида сақланиб келаётган кўпгина нодир қўлёзмалар абадий йўқолиб кетди. Ўша йилларда аҳвол шу даражада кескинлашиб ва хавфли тус олиб кетган эдики, кимнинг уйида арабча ёзувадаги бир-икки китоб топилса бас, уни сўраб суриштириб ўтирмай қалтақлашаверган. Уйида китоби бўлган кишилар китобларини ноилоҳидан кечалари тун қоронғусида қопларга солиб қабристонларга қўйишган, паҳса деворлар орасига қўйиб суваб юборишган, дарёларга оқишишган. Уларнинг иложлари бўлмаган, қўлга тушган китоблар илоҳиёт китобими ёки Навоий асарларими, Беруний ёхуд Ибн Синонинг нодир асарларими фарқ қилишмаган. Ислоҳ динига қарши кураш боронасида не-не олимларнинг қанчадан-қанча нодир китоблари йўқотилди. Диндорлар маънавий зўрандилар, ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Ҳатто, ота-она, қон-қариндошнинг дафн маросимида қатнашишга эскилик сарқити деб қаралди ва раҳбарларга нисбатан таъйик ўтказилди.

Факат истиклол туфайли бундай хўрликлардан кутулган халкимиз бугун бобокалонларимиз имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Хожа Ахмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Баховуддин Накшбандий қолдирган, инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлокий ва ҳуқуқий ҳикматларидан баҳраманд бўла бошлади. Илмли кишиларнинг кадр-киймати юксакликка кўтарилди.

Миллий истиклол мафқураси барча миллат ва элат кишиларини, хох катта, хох кичик ёшдагилар бўлсин, барибир, ҳамма-ҳаммани табиат ва унинг бойликларини, ер-суви жамики ўсимлик ва жониворларни, ноз-неъматларини, авайлаб-асрашга, шаҳар ва кишлоқларни обод қилишга, илм ва илмли кишиларни ҳурмат қилишга, эр билан хотинни, фарзандлар билан ота-онани, эркаклар билан аёлларни, ўзаро иззат-икром ва оқибатли бўлишга, маҳаллийчилик ва миллий айирмачилик мазмунидаги уруш-жанжал ва можароларга йўл қўймасликка, хамиша ва ҳамма жойда покиза юриш, покиза кийиниш, покиза еб ичишга, ҳалол, ростгўй бўлишга, бировларни алдамаслик ҳаққига хиёнат қилмасликка даъват этадиган миллий мафқура яратилди.

Ўзбекистонда, мустақиллик туфайли маданий-маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди, халкимизнинг эзгу ниятлари юзага чиқа бошлади. Бугунги кунда авлодаждодларимиз тарихи тикланмоқда. Ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихига оид дарслиқлар яратилмоқда. Ёшларимиз мактаблар ва олийгоҳларда ўзларининг жонажон тарихини энди ҳақиқий ўрганишга киришмоқдалар. Бугунги кунда Широқ, Тумарис, Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди сингари миллий қахрамонларнинг номлари ёшларимизда «Ватанпарварлик» ҳис-туйғуларини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Авлодларимиз қолдирган маънавий меросларда аввало инсон эрки, унинг руҳий қомиллиги, жисмоний соғлиғи масалалари устувор қўйилган. Инсонлар ўртасидаги бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат, беғаразлик, бир-бирига ёрдам бериш ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан холи бўлишга чақиради. Каттага ҳурмат, кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳроқибат ва бошқа бир қатор тамойиллар борки, булар миллий ғоямиз ва мафқураимизнинг асосий тамойилларига уйғун келади. Шунинг учун ҳам демократик жамият қуришда миллий маънавий меросга таяниш масаласига катта эътибор билан қаралмоқда.


Хулоса қилиб айтганда, миллий истиклол мафқурасига маънавий меросни асос қилиб олишимиз ва бугунги сиёсатимизнинг мафқуравий йўналиши тинчликка, ҳамкорликка, тинчликка йўналтирилиши барқарорлик омили бўлиб ҳизмат қилмоқда.

## **OQAR SUVNI BALANDLIKKA KO'TARISHI MOSLAMASI**

*B. Bekqulov – AndMl o'qituvchisi, Sh. Adhamov, M. A'zimov – AndMl talabasi*

Ma'lumki, oddiy charxpalak yordamida soy va anxorlardan suv olamiz. Ba'zi sug'oriladigan joylar daryoning oqim sathidan ancha yuqoriroqda bo'lgani uchun, bunday joylarga diametri ancha kattaroq charxpalaklar talab etiladi, ya'ni muammoni yechish texnikasi ancha qiyin. Suv charxpalak diametrining taxminan 1/2 va maksimal holda 3/4 qismigacha ko'tariladi. Ushbu moslama yordamida anxor, kanal, daryo va soylardagi

oqar suvni balandlikka ko'tarish yoki tinch turgan suvni ham balandlikka ko'tarish imkoniyatini beradi. Bunday hollarda ushbu moslamani qo'llash maqsadga muvofiq. Biz taklif qilgan moslamaning takibiy qismlari quyidagicha:



1-rasm. Moslamaning tuzilishi

Боғловчи сифатида танланган эпоксид смоласи ЭД-20 асосида юқори физик-механик хусусиятлар ва металл асосларга ёпишиши кучли бўлганлиги сабабли ҳар хил муҳитларда коррозияга қарши юқори самарали қопламалар олиш имконини беради. Бундан ташқари ПЭПА билан бириктирилган ЭД-20 табиий шароитда махсус термик ишловсиз қопламалар ишлаб чиқишга имкон беради бу йирик ҳажмли жихозлар учун жуда муҳим, аҳамиятга эга.

Композит таркибидаги гассипола смоласи кўп функцияли хусусиятига эга бўлиб, маҳаллий механик фаоллашган минерал АКТ-10 каолини билан бириктириш натижасида мустаҳкам ва юқори коррозияга бардош эпоксид гетрокомпозит материаллар ҳосил бўлади ва улар шу турдаги моддалардан 2-3 марта мустаҳкам бўлади.

Олиб борилган экспериментал таъдиқот натижаларида гидроабразив ейилишга чидамли коррозияга бардош материаллардаги тўлдирувчини оптимал миқдори аниқланди. Бу ҳам эса тўлдирувчининг миқдори 20-30 масса қисм Ангрен АКТ-10 каолин ва иккиламчи хом-ашёларни ишлаб чиқариш технологияси гидроабразив коррозия механик ейилишни кескин пасайишига олиб келади.

Кўп ҳолатларда саноатда қувурларнинг ички юзасида коррозиянинг ўзига хос ривожланишига қазиб олинган маҳсулотдаги механик аралашмалар, қатлам сувлар ион таркиби ва коррозия-актив моддалар мавжудлиги таъсир кўрсатади. Аҳамиятлиси, деворининг қалинлиги 9мм бўлган қувурларнинг ички юзасида зангларнинг доғ кўриништини олиши натижасида ишлатилаётган қувурлар 1 йилдан сўнг ишдан чиқади.

Агрессив коррозия сув фазалари кам сувланган маҳсулотнинг мустаҳкам қатламларида ажралади лекин бу ҳолат нефть қувурларида қатлам режимида амалга оширилади бундай шикастланишлар нефть қувурларига хос ҳисобланади.

Шу билан бирга охири пайтда нефтьқувурлари ишлаш унумдорлиги ва муддатини ошириш мақсадида маҳаллий ингридентлар, иккиламчи хом-ашё ва турли композицион полимер боғловчилардан фойдаланиб илмий изланишлар олиб

борилмоқда. Баъзи ҳолатларда нефть маҳсулотларнинг юза билан ўзаро таъсирига асосий омиллар ва қувур деворлари ейилиши жадаллигига эътибор қаратилади. Лекин механик хоссаси пастлиги сабабли саноат қувурлари ишдан чиқиши абразив-механик ва коррозион- механик ейилиш шароитларида уларнинг узокка чидамлилигини таъминлаш бўйича химояловчи мавжуд композицион материаллар таркиби шу кун талабларига тўла жавоб бермайди. Саноат қувурларини кўпинча юкори тезликда ишлаши сабабли ўзига хос шиддатли, тезлиги 10 мм/йил фаол абразив-коррозион ейилиш кўзатилади. Бу нафақат қувурларни муддатидан олдин ишдан чиқишига олиб келиши, балки олдиндан айтиб бўлмайдиган даражада жиддий авария ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Бундай ҳоллар учун металл қувурларга махсус полимер копланалар қўллаб узокка чидамлилигини ошириш билан бир қаторда, мамлакатимизда кенг қўламда, хар хил ўлчамларда (жадвал - 3) МЧЖ “Sog'dianaPipePlast(SPP)” ва “Қарши термопласт” корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган полиэтилен қувурларини мақсадли қўллаш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жадвал - 3

МЧЖ “SPP” ишлаб чиқараётган 4-20 атм. босимга мўлжалланган полиэтилен қувурларнинг турлари

Қувурларнинг диаметри, мм	63	75	90	110	125	140	160	180	200	225	250
---------------------------	----	----	----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган қувурлар ички босим учун белгиланган стандарт талабларига мустаҳкамлиги бўйича жавоб бера олади, ammo уларнинг абразив ва гидроабразив ейилиш бардошлилиги жуда паст. Масалан, 3-жадвалда келтирилган МЧЖ “SPP” полиэтилен қувурларининг чизиқли ейилиш жадаллиги композит эпоксид копланалардан 3-4 марта кўп, нархи эса деярли 2 марта арзон. Хозирги кунда полиэтилен қувурларини гидроабразив ейилиш шароитида узокка чидамлилигини таъминлаш борасида ТошДТУ олимлари ва манфаатдор мутахассислар билан ҳамкорликда кенг қўламли фундаментал ва амалий илмий - тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

## ИЗМЕРЕНИЕ ВЛАЖНОСТИ ВОЛОКНИСТЫХ МАТЕРИАЛОВ

*Матякубова П.М. д.т.н., проф., Маширапов Ш.М. ТашДТУ*

Влажность материалов имеет большое значение при приемке и сдаче материала заготовительным пунктам. На некоторых предприятиях влажность волокнистых материалов (хлопок-сырец, волокно и др.) при приемке определяется лабораторным анализом, который весьма трудоемок.

Для дискретных измерений влажности материалов конструкция датчика может быть аналогией конструкции существующих конденсаторов (плоскопараллельных, с круговыми цилиндрами и др.). Для непрерывного измерения влажности материалов емкостные датчики с параллельными или цилиндрическими электродами не обеспечивают условие подвода исследуемого материала к датчику.

Для непрерывного измерения влажности волокнистых материалов емкостным методом целесообразно датчиком использовать конденсатор, электроды которого расположены в одной плоскости.

Емкость датчика в при электродном слое велика, его сопротивление ничтожно мало и может быть не принятым во внимание. Исследуемый материал состоит из активного и реактивного сопротивления.

Схема замещения емкостного датчика с измерительными приборами представлена на рисунке 1. Для определения влажности материала, состоящего из активного сопротивления  $R$  и емкостного сопротивления  $X_C$ , измеряется напряжение  $u$ , ток  $I$ .




Рис.1. Схема замещения емкостного датчика  
В цепи напряжение которого изменяется по закону:

$$u = U_m \cdot \cos(\omega \cdot t) \quad (1)$$

то напряжение на конденсаторе будет отставать по фазе от тока в цепи. Изменение напряжения конденсатора вызывает появление тока в цепи. Ток прямо пропорционален изменению напряжения и ёмкости конденсатора. Математически это можно записать так:

$$i = C \frac{du}{dt} \quad (2)$$

Для наглядности изменение тока конденсатора и его напряжение можно представить в виде графиков:




Рисунок 2 - Графики тока и напряжения конденсатора

Если подставить (1) в (2) то можно получить закон изменения тока конденсатора:

$$i = -U_m \cdot C \cdot \omega \cdot \sin(\omega \cdot t) = U_m \cdot C \cdot \omega \cdot \cos\left(\omega \cdot t + \frac{\pi}{2}\right) \quad (3)$$

Откуда видно что напряжение на конденсаторе отстаёт по фазе от тока конденсатора на  $90^\circ$ .

Максимальное значение тока связано с максимальным значением напряжения соотношением:

$$I_m = U_m \cdot C \cdot \omega \quad (4)$$

Отношение напряжения к току даёт ёмкостное сопротивление. Формулу (4) можно свести к виду:

$$X_c = \frac{U_m}{I_m} = \frac{1}{\omega \cdot C} \quad (5)$$

где  $\omega = 2 \cdot \pi \cdot f$  - угловая частота;  $C$  - ёмкость;  $f$  - частота тока.

Из выражения (5) видно что ёмкостное сопротивление конденсатора зависит от ёмкости конденсатора и частоты источника напряжения.

Из схемы (рис.1.) комплексное сопротивление

$$z = \frac{R - j \cdot \omega \cdot R^2 \cdot C}{1 + \omega^2 \cdot R^2 \cdot C^2} \quad (6)$$

где  $R_{\text{экв}} = \frac{R}{1 + \omega^2 \cdot R^2 \cdot C^2}$  - эквивалентное активное сопротивление;

$X_{\text{экв}} = \frac{\omega \cdot R^2 \cdot C}{1 + \omega^2 \cdot R^2 \cdot C^2} j$  - эквивалентное реактивное сопротивление.

В рис.1. для определения угол сдвига фаз между током и напряжением включен  $\varphi$  фазометр.

Ёмкостный датчик с односторонними электродами показан на рис. 3




Рис.3. Емкостный датчик с односторонними электродами

Где  $a$  - ширина электродов;  $d$  - расстояние между электродами;  $l$  - длина электрода;  $h_0$  - толщина исследуемого материала;  $h_1$  - толщина изоляционного электрода.

Датчик состоит из изоляционной подставки (3) на которой закреплены электроды высшего потенциала (1) и нулевого потенциала (2). На поверхности подставки (3) помещается исследуемый материал (4), который находится в прямом контакте с электродом нулевого потенциала (2) и изолирован от электрода высшего потенциала (1). Контакты (1, 2) соединяются с измерительным устройством.

Электрическая емкость датчика, электроды которого расположены в одной плоскости с неизолированными электродами ( $h_1 = 0$ ), исследуемым материалом, определяется формулой.

$$C = l \cdot \varepsilon \cdot (n-1) \sqrt{\frac{a}{d}} \left( 1 - e^{-\frac{a^2 \cdot d}{4 \cdot 0,5 a d^2}} \right) \cdot 0,065 \quad (7)$$

Если  $h_1 > 0$ , электрическая емкость определяется формулой

$$C_1 = l \cdot \varepsilon_{cp} \cdot (n-1) \sqrt{\frac{a}{d}} \left( 1 - e^{-\frac{a^2 \cdot (d+h_1)}{4 \cdot 0,5 a d^2}} \right) \cdot 0,065 \quad (8)$$

Где  $\varepsilon_{cp}$  - средняя диэлектрическая проницаемость материала.

Таким образом, волокнистые материалы в некоторых случаях обладают неравномерным распределением влажности объеме материала. Неравномерность распределения влажности в некоторых случаях вызывает замыкание электродов конденсаторного датчика, что связано с погрешностью измерения. Для снижения погрешности измерений, вызванных неравномерным распределением влажности в материале, целесообразно один электрод датчика изолировать от исследуемого материала. для измерения влажности волокнистых материалов целесообразно использовать емкостный метод измерения влажности, электроды датчика которого расположены в одной плоскости. Для снижения погрешностей измерения, вызванных от неравномерности влажности исследуемого материала, целесообразно электроды датчика изолировать от исследуемого материала.

#### Литература

1. Кричевский, Е. С. Теория и практика эксперсного контроля влажности твердых и жидких материалов / Е. С. Кричевский. М.: Энергия, 1980. - 239 с.
2. Ананьев И.П. и др. Возможности повышения точности емкостных влагомеров зерна со свободной засыпкой пробы на основе автогенераторной двухкомпонентной диэлектрической // Приборы и системы. Управление, контроль, диагностика. 2009.-№2.-С.47-52.

#### NANOTECHNOLOGY IN OUR LIFE

*T.P.Rasulova- AndMBI assistant, D.A.Muhtorjonov- AndMBI student*

*Z.Holmirzayeva-AndMBI assistant*

The history of nanotechnology is dotted with a certain amount of skepticism. Some people hold firmly that this is a brand new form of scientific evolution that did not develop until the late 1980s or early 1990s.

Others have found evidence that the history of nanotechnology can be traced back to the year 1959.

Either way, as scientific development goes, nanotechnology is still a relatively fresh and new arena of scientific research.

Still other scientists hold the belief that humans have employed practical nanotechnological methods for thousands of years, perhaps even longer.

Nanotechnology is the development of progress, as many like to put it, and progress has included the vulcanization of rubber and the introduction of steel into society. These advancements count in the history of nanotechnology according to many well known scientific experts. Nanotechnology controls matter on an atomic level, modifying its effects to achieve desired results. Its uses are therefore extremely numerous.

Any substance in existence can be broken into molecules and tampered with in order to give it different properties and abilities.

The universality of nanotechnology means that it is being applied to almost every facet of modern life. Miraculous effects can be achieved by engineering nanoparticles; for example, researchers have already developed wool and silk that can clean them because their altered particles "eat" stains.

Self-cleaning household products are also being developed. The time is not far distant when you'll be able to spray a nano-chemical onto the grime in your kitchen and watch it disappear and practically never come back, since many nano-chemicals also prevent grime from accumulating.

Researchers have also developed "nanocomposites," a cluster of nanoparticles from different elements that can, among other things, solve the pollution problem. The Pacific Northwest National Laboratory, for example, has discovered how to alter silica particles so that they attract and capture toxic particles in water.

We enjoyed the macro-scale approach of the presentation; the impact of nanotechnology in our daily lives was interesting

#### **High quality slides:**

- looked like a lot of work was put into making them
- Clear and easy to read
- Great text to picture ratio

It was a good to split the topic into electronics, automobiles, and clothing. They all have a large impact on our lives. There were many pictures that helped convey the concepts throughout the presentation that made everything easier to understand.

Advanced computing: More powerful and smaller computers will encrypt our data and provide round-the-clock security. Quantum cryptography — cryptography that utilizes the unique properties of quantum mechanics — will provide unbreakable security for businesses, government, and military. These same quantum mechanics will be used to construct quantum computers capable of breaking current encryption techniques (a needed advantage in the war against terror). Additionally, quantum computers provide better simulations to predict natural disasters and pattern recognition to make *biometrics* — identification based on personal features such as face recognition — possible.

Energy: Nanotechnology is set to provide new methods to effectively utilize our current energy resources while also presenting new alternatives. Cars will have lighter and stronger engine blocks and frames and will use new additives making fuel more efficient. House lighting will use quantum dots — nanocrystals 5nm across — in order to transform electricity into light instead of wasting away into heat. Solar cells will finally become cost effective and hydrogen fuel cells will get a boost from nanomaterials and nanocomposites. Our Holy Grail will be a reusable catalyst that quickly breaks down

water in the presence of sunlight, making that long-wished-for hydrogen economy realistic. That catalyst, whatever it is, will be constructed with nanotechnology.

Water: Nanotechnology will provide efficient water purification techniques, allowing third-world countries access to clean water. When we satisfy our energy requirements, desalinization of water from our oceans will not only provide enough water to drink but also enough to water our crops.

The future of nanotechnology is completely uncharted territory. It is almost impossible to predict everything that nanoscience will bring to the world considering that this is such a young science.

There is the possibility that the future of nanotechnology is very bright, that this will be the one science of the future that no other science can live without. There is also a chance that this is the science that will make the world highly uncomfortable with the potential power to transform the world.

As impressive as nanotechnology might be, there are also potential disadvantages of nanotechnology. Some of the problems with nanoscience are practical while others fall under the ethical realm.

Practical problems can include everything from the need for mass produced forms of nanotechnology that may or may not be possible.

Ethical problems can include everything from the potential direction nanotechnology might take to the problems with the possible effects of the products created.

Every new technology is a potential tool for good or evil nanotechnology dangers are also possible. Our responsibility as propagators of each new technology is to be informed about their possibilities and act accordingly.

As we investigate the new realm of nanotechnology, it becomes necessary to realize that this new field offers both miraculous potential and also nightmare effects.

The issue is pressing because economic concerns often win out over health considerations. Nanotechnology is no exception; products that have been submitted to scanty research are already making slow but steady breakthroughs into the marketplace.

Billions of dollars have already been spent on development and advertising. Far less has been spent on investigating the ways in which these nano-products interact with humans and their environment.

Every new scientific breakthrough brings with it an effect on society, so nanotechnology's sociological effects are unavoidable.

Electricity is one of the most recent examples, heralding the development of both television and computers which have changed the entire neurological function of modern generations.

The first and most natural instinct of society is to turn new technology into marketable products. In this sense, nanotechnology's sociological effects may be primarily economic.

Most new technology finds its outlet in the marketplace under an array of brand names; the invention of computers was quickly followed by the branding and marketing of Microsoft. Sociological history has taught us that mankind's number one incentive is monetary, and nanotechnology is already following this pattern.

## НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ ДОЛЗАРБЛИГИ

*т.ф.д., проф. Р.Х. Сайдахмедов – ТошДУ, т.ф.н. О.А. Партиева, асс. Г.А.  
Юлдашева - АнДМИ*

Охири пайтда “нотехнология” ибораси сўзлашув жараёнида кўп қўлланилмоқда. «Нотехнология» нима, ва у қайси соҳаларда қўлланилади деган саволга барча олимлар қуйидагича қисқача таъриф беради: “Нотехнологиялар моддаларнинг одатий хусусиятларини ўзгартиради ва дунёни яхши тарафга ўзгаришига кўмаклашади”. Олимларнинг таъкидлашича, нотехнологиялар фаолият турларининг саноат, энергетика, космик изланишлар, тиббиёт ва бошқа жуда кўплаб соҳаларда қўлланилиши кутилмоқда. Масалан, инсон организмнинг ҳар қандай тўқималарига кириш қобилиятига эга, кичик ўлчамли нанороботлар у ёки бу касалликларни даволай олишлари ва энг малакали жарроҳлар удалай олмайдиган операцияларни амалга ошира олишлари мумкин. “Нотехнологиялар” туфайли келажакда “Ақлли уйлар” барпо этилиши кутиляпти. Бу уйларда инсонлар деярли одатий зерикарли маиший юмушлар билан шуғулланишига ҳожат қолмайди. Бу вазибаларни “ақлли жиҳозлар” ва “ақлли чангллар” ўз зиммасига олади. Агар ҳарорат юкори бўлса “ақлли материал” ҳарорат алмашиниши натижасида ўз рангини ўзгартиради.

Инсонлар гўбор тегмайдиган ва хаттоки ўз эгасига тушлик қилиш ёки ювиниш вақтини ҳам эслатиб турадиган кийимларни кийиш имкониятига эга бўладилар. Нанозаррачалар билан қопланган матодан тикилган кийимлар оддий ёмғир таъсирида кирлардан осон тозаланади. “Нотехнологиялар”нинг яна бир афзаллиги шундаки, компьютер техникаси ва мобил телефонларни дастрўмол каби буклаб ён чўнтакда олиб юриш имконияти туғилади. Келажакда яроксиз уяли алоқа воситалари уюмидан чиройли ва гўзал гуллар униб чиқади. Бир сўз билан айтганда, нотехнолог-олимлар инсон ҳаётининг сезиларли даражада ўзгаришига бел боғлаганлар.

“Нотехнология”нинг ўзи нима? Улар қай тарзда моддаларнинг хоссаларини ўзгартира оладилар? “Нотехнология” сўзи икки: “нано” ва “технология” қисмларидан иборат. “Нано” грекча сўз бўлиб, бирор бир нарсанинг масалан, метрнинг, миллиарддан бир қисмини билдиради. Битта атомнинг ўлчами нанометрдан бироз кичик ҳисобланади. Агар одамнинг бўйи бир нанометрга тенг бўлганида эди, оддий қоғоз варағининг қалинлиги бир юз етмиш километрга тенг бўлар эди. Технология” сўзи мавжуд материаллардан инсонга керакли бўлган нарсаларнинг ярата олишни билдиради. “Нотехнология” эса атом ва атомлар гуруҳидан (улар нанозаррачалар деб аталади.) махсус мосламалар ёрдамида инсон учун керакли бўлган нарсаларни яратиш ҳисобланади. Олимлар бирдан юз нанометргача бўлган ўлчамли нарсаларни нанозаррачалар деб ҳисоблашга қелишиб олганлар. Нанозаррачаларни олишни иккита усули мавжуд: буларнинг биринчиси содда усул бўлиб, “юкоридан қуйиға” усули дейилади, берилган материал турли усуллар ёрдамида заррачалар наноўлчамли бўлгунга қадар майдаланади. Оддий нўхот донаси Ер шаридан қанчалик кичик бўлса, нанометр метрдан шунчалик кичик бўлади. Иккинчи усул эса алоҳида атомларни бириктириш орқали

нанозаррачалар ҳосил қилиш бўлиб, “қуйдан юкорига” усули деб аталади. Бу усул мураккаброк усул ҳисобланади, бироқ, айнан шу усулни олимлар нанотехнологиянинг келажаги деб баҳоламоқдалар. Нанозаррачаларни ушбу усул ёрдамида олиш, берилган кўплаб деталлардан маълум бир механизмни ҳосил қилишга ўхшайди.

Нанотехнологиялар, одамлар нанозаррачаларни кўриш имкониятини берадиган, электрон микроскоплар пайдо бўлгандан кейин жадал ривожлана бошлади. Сўнгра, сканерловчи зондли микроскоплар яратилди ва олимлар нанозаррачаларни “бевосита ҳис қилиш” имкониятига эга бўлдилар. Бугунги кунда зондли микроскоплар ёрдамида изланувчилар нафақат нанозаррачалар сиртини ўрганиш имкониятигагина эга бўлиб қолмай, балки уларнинг таркибини ва атомларнинг нанозаррачалардаги жойлашишини аниқлаш, ҳамда хаттоки, бирлик атом ва молекулаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имкониятига эга бўлдилар. 1991 йили, гаройиб тузилма ва ажойиб хоссаларга эга углеродли нанотрубклар кашф этилди. Углеродли нанотрубклар ғовак труба шаклида жойлашган, миллионлаб углерод атомларидан ташкил топган нанозаррачалар ҳисобланади. Бундай трубка деворининг қалинлиги битта углерод атомга тенг. Нанотрубкларнинг кашф этилиши олимларга уларнинг асосида кўплаб турли наноускуналарни яратиш имконини берди. Масалан, буларга наноскалпел, наношприц, нанотермометр, нанопинцет ва наноторозилар мисол бўла олади. Бундай ускуналардан дастлабки наноинцет бўлиб, у иккита углерод нанотрубкасидан ташкил топган. Сўнгра, атом ва молекулалардан иборат янги материалларни яратишда жуда муҳим бўлган битта молекула вазнини торта билиш имконини берадиган дунёдаги энг сезгир наноторозилар ишлаб чиқилди. Олдий тиббий ҳарорат ўлчагичга ўхшайдиган ва ундан кўп марта кичик бўлган нанотермометр яратилди ва ҳ.к. Бир сўз билан айтганда нанотехнолог-олимлар ҳақиқатдан ҳам инсон ҳаётини сезиларли даражада ўзгартиришни мўлжалламоқдалар.

Нанотехнологияларнинг юқорида келтирилган ютуқларини ва нанотехнология тўғрисида умумий тушунчаларни мактаб ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига етказиш мақсадида муаллифлар “Қизиқарли нанотехнология” ўқув қўлланмасини тайёрлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Тайёрланган ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган “Қизиқарли нанотехнология” тажрибавий ўқув қўлланмаси, кўплаб фаолият турлари: саноат, энергетика, космик изланишлар, тиббиёт ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилиши кутилаётган нанотехнологиялар ҳақида ўқувчиларга дастлабки билим ва кўникмаларни беришга йўналтирилган бўлиб, у халқаро меҳнат ташкилотининг касбий малакаларга асосланган мутахассислар тайёрлашни кўзда тутадиган модуль концепцияси асосида ишлаб чиқилган.

*Ўқув қўлланманинг асосий мазмуни.* Мазкур ўқув қўлланмада содда ва раво тилда нанотехнологияларнинг учта асосий йўналиши тавсифи берилган. Булар янги материаллар, наноэлектрон қурилмалар ва биотехнологиялар ҳисобланади. Ўқувчилар нанотехнологиялар тўғрисида бошланғич тушунчаларга эга бўладилар. Улар “нано” оламининг буюмларини ҳосил қилиш учун қандай қурилма ва ускуналар кераклигини ва бу буюмлар қандай кўриниш касб этишини

билиб оладилар. Матнли материаллар иллюстрациялар, нанотехнологияларнинг мавзулари бўйича бошқотирма ва тестлар билан тўлдирилган. Қўлланма ўз таркибига қуйидагиларни камраб олган:

- янги материаллар, хусусан нанотехнология бўйича бошланғич билим ва кўникмаларни;

- нанокимё ва наноматериаллар ҳақидаги маълумотларни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини;

- микроэлектромеханик системалар, наносенсорлар ва наноэлектрониканинг қўлланилиш самарадорлиги ёритиб берилган;

- Ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлаш ва синаш мақсадида тест ва бошқотирмалар келтирилган ҳамда ва уларнинг жавоблари берилган.

Умумун олганда қўлланма янги материаллар, хусусан нанотехнологияни ўрганишда зарурий бошланғич материалларни ўз ичига камраб олган модулли ўқув материаллари тўпламини намоян килади.

*Қўлланманинг долзарблиги ва ундаги янгиликлар* ўқув-услубий ёндашув. Қўлланманинг долзарблиги, унинг яратилиши ва қўлланилишига бўлган эҳтиёж янги материалларнинг, хусусан нанотехнологияларнинг фаолият турлари sanoat, энергетика, космик изланишлар, тиббиёт ва бошқа жуда кўплаб соҳаларда қўлланилиш истикболлари билан белгиланади. Бу материалларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, хусусан машинасозликда қўллай билишнинг объектив зарурияти юзага келади. Нанотехнологиялар бўйича ўзбек тилидаги ўқув материаллар асосан назарий материалларни ўз ичига олган. Беvosита нанотехнологиялар бўйича содда ва равон тилда ёзилган, касб-хунар коллежлари ўқувчиларига, муайян касбий билим ва кўникмаларга мўлжалланган ўқув-услубий материаллар ҳозирги кунда мавжуд эмас.

Шу сабабли мазкур қўлланмадаги янгиликлар ўқув-услубий ёндашув қуйидагилардан иборат бўлиб, унда:

- нанокимё ва наноматериаллар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган, уларни ишлаб чиқаришда қўлланилишини ўрганиш учун керакли ўқув-услубий материаллар (модуль блоклари, ўқув элементлари, батафсил йўриқномалар) мужассам;

- микроэлектромеханик, наносенсорлар ва наноэлектрониканинг қўлланилиш самарадорлигини ёритиб берувчи материаллар катта миқдордаги иллюстрациялар билан ёритилган;

*Ўқув қўлланманинг амалий аҳамияти.* Биринчидан, қўлланмада касб-хунар коллежи ўқувчиси янги материаллар, хусусан нанотехнология бўйича билиши керак бўлган бошланғич билимлар қуйидаги зарурий йўналишлар (модулар) бўйича гуруҳланган, материаллар (ўқув элементлари) тўла келтирилган:

- 1) нанокимё ва наноматериаллар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари;

- 2) микроэлектромеханик системалар, наносенсорлар ва наноэлектрониканинг қўлланилиш истикболлари.

Иккинчидан, таъкидланган модуларни ўрганиш қуйидагиларни билиш имкониятини яратади:

- Нанотехнология ҳақида бошланғич маълумотлар, унда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, у билан шуғулладиган олимлар ҳақидаги маълумотларни,

• Фуллеренлар ва нанотрубкалар, фуллерен ва углеродли нанотрубкаларни олиш усуллари, кластерлар, рух оксиди, диоксид кремнийнинг нанозарралари, “терловчи металл” хусусиятларини,

• Микроэлектромеханик системалар, наносенсорлар ва наноэлектрониканинг (микро ва наноэлектромеханик тизимлар, “аклли” материаллар, наносенсорлар, “электрон бурун”, “электрон тил”, “аккли чанг”, наноэлектроника, нанобиотехнология, табиатда нанотехнология, “лотос самараси”, гекконлар, мидиялар ва супер елимлар, биокомпютерлар, нанобиореакторлар, нанокапсулалар мисолида) қўлланилиши ҳақидаги тегишли билим ва кўникмаларни модулли дастур асосида ўргана олишни.

Учинчидан, барча модуль блоклари бўйича батафсил иш (касбий) ҳаракатлар, ўқув элементлари аниқланган. Бу ўқув элементларини босқичма-босқич ўрганиш ва эгаллаш нанотехнологиялар ҳақида билимларни эгаллашда муайян натижаларга олиб келади ва бу мазкур ўқув қўлланмани амалиётга йўналтирилганлигини кўрсатади. Бу ҳолда ҳар бир ўқув модули ва ўқув элементида, ўқув материалларини сифатли эгаллаш учун қулай бўлган қўшимча материаллар (схемалар, расмлар, қўлланилаётган асбоб ва жиҳозларнинг тавсифномалари, бажарилаётган ишларнинг турлари ва бошқалар) келтирилган.

Ўқув қўлланма касб-хунар коллежларининг техника йўналиши ўқувчилари ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлиб, ушбу қўлланманинг мактаб ўқувчилари, лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув режаси, дастурида уз аксини топиши ўқувчи-талабаларда замонавий нанотехнологиялар бўйича билим ва кўникмаларни ҳосил қилишда катта аҳамият касб этади.

## **НАНОКИМЁ ВА НАНОЗАРРАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ**

*Ш. А. Эрматов- ф.м.ф.н. доцент, С.Сайдаралиев талаба, АДУ*

Нанотехнологияларни дунёдаги барча ривожланган давлатларда тез ривожланиши унга бўлган эътиборни кучайтирди. Хусусан, бизнинг Республикамизда ҳам Президентимиз ташаббуси билан нанотехнологиялар марказини очилиши ва унга дунёдаги таниқли олимларни жалб қилиниши бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу соҳа нисбатан янги бўлганлиги учун нанотехнологияларнинг асосий объекти – нанозаррачалар классификацияси муҳимдир. Ушбу ишда биз нанозарраларнинг ҳозирда кўпчилик томонидан қабул қилинган классификацияларини келтирдик.

Маълумки, суяқ модда сиртидаги атомлар ичкаридагиларига нисбатан ортиқча энергияга эга бўлади, сирт таранглик ва капилляр ҳодисалар шу қўшимча энергиянинг мавжудлиги билан тушунтирилади. Сирт атомларининг ортиқча энергияси модданинг суюшлик температурасига, эрувчанлигига, электр ўтказувчанлигига, оксидланиш даражасига, захарлилик даражасига ва бошқа хоссаларига сезиларли таъсир этади. Буларнинг ҳаммаси зарраларнинг ўлчамлари ҳам, унинг бошқа параметрлари сингари, зарранинг хоссаларини ва реакцияга кириш қобилиятини белгиловчи фаол ўзгарувчи эканлигини тасдиқлайди. Наносистемалар хоссалари макроскопик моддалар хоссасидан шунчалар фарқ қиладики, уларни нанозарралар физик қимёси ёки *нанокимё* деб номланувчи фаннинг махсус йўналиши ўрганади.

Кейинги ўн йил ичида фаол ривожланаётган нанокимё фани турли нанотузилмалар хоссаларини, уларни олишнинг янги усуллари ва нанозарраларни модификациялаштириш йўллари устида иш олиб бормоқда.

Нанокимёда *квант ўлчамий эффектларнинг* ўрни жуда бекиёсдир, яъни зарра хоссаларининг ундаги атом ва молекулаларнинг микдори, зарра ўлчамларига боғлиқ ўзгаришлари муҳим ўрин тутади. Ўлчамий эффектнинг ахамияти шунчалар каттаки, Д. И. Менделеев даврий системасига ўхшатиб кластерлар ва нанозарралар хоссаларини уларнинг ўлчами ва шаклига боғлиқлик жадваллари тузишга ҳаракат қилинмоқда.

Нанокимё фани ҳали ёш фан бўлгани учун, ҳозирча ягона терминологияси ҳам, ўрганилаётган зарралар классификацияси ҳам йўқ. Айтиш мумкинки, канча тадқиқотчи бўлса, классификация ҳам шунча. Ҳозирча нанокимё фани турли *наносистемаларни* камраб олади ва уларнинг хоссаларини ўрганади деган, ҳамма қабул қилган нисбий тушунча бор.

*Наносистема* деганда маълум бир муҳитдаги ўлчамлари 100 нм дан бирмунча кичикроқ бўлган нанозарралар тушунилади. Бунда нанозарра яна ҳам кичикроқ бўлган *кластерлар* тизимидан, модданинг энг кичик гиштчаларидан тузилган деб тушунилади. Кластернинг ўлчами 10нм дан катта эмас. Худи шу кластерлар ўлчамида мумкин бўлган барча квант эффектлари намоён бўлади.

Фанда нанокимё объектларини кўп марта классификация қилишга ҳаракат қилинган. Қуйидаги жадвал атамаларда адашиб қолмаслигингизга ёрдам беради:

1- жадвал.

### Нанокимё объектлари

Фазавий ҳолати	Алоҳида атомлар	Кластерлар	Нанозарралар	Компакт модда (макроскопик жисм)
Диаметри, нм	0.1- 0.3	0.3 - 10	10 - 100	100дан ортик
Атомлар сони	1 - 10	$10^2-10^6$	$10^6-10^9$	$10^9$ дан ортик

Шундай қилиб нанотузилмаларга кўп атомли кластерлар ва молекулалар, нанотомчи, нанокристаллар мисол бўлиши мумкин. Бундай ёндошиш ёлғиз атомларни нанокимёнинг пастки чегараси сифатида, нанозарра хоссасини йўқотадиган даражадаги атомлар миқдорини эса юқори чегара сифатида қараш имконини беради. Юқори чегара ҳар бир модда учун ҳар хилдир.

*Геометрик белгиси* (ўлчами) бўйича нанообъектларни турли нуқтаи назардан классификация қилиш мумкин. Баъзи тадқиқотчилар объект ўлчами унинг макроскопик ўлчамларига эга бўладиган ўлчамлар сони билан белгиланади деса, баъзилари асосан наноскопик ўлчалар сонини олишни таклиф қилади. Биз эса иккала ёндошишни бирлаштирувчи классификацияни келтираимиз:

2- жадвал.

### Нанокимё объектларини бирлашган классификацияси

Объект характеристикалари тавсифлари	100нм дан кичик бўлган ўлчамлар сони	100нм дан катта бўлган ўлчамлар сони	Мисоллар
Учала ўлчами (бўйи, эни, узунлиги) 100нм дан кичик	3 - ўлчовли объект	0 - ўлчовли объект	Фуллеренлар, квант нукталар, қоллоид эритмалар, микромульсиялар
Қўндаланг кесим ўлчами	2 - ўлчовли объект	1 - ўлчовли объект	Нанонайчалар,

(бўйи, эни) 100нм дан кичик, узунлиги ихтиёрий катта			нанотолалар, нанокапиллярлар ва наноговаклар
Факат эни ўлчами 100нм дан кичик, буйи ва узунлиги ихтиёрий катта	1 – ўлчовли объект	2 – ўлчовли объект	Нанопарда ва наноқатламлар
Ҳамма уч ўлчами 100нм дан катта	0 – ўлчовли объект	3 – ўлчовли объект	Оддий макрожисмлар

Нанообъект классификацияси факатгина расман нуктаи назардангина муҳим эмас. Нанообъект геометрияси унинг физик-кимёвий хоссаларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ягона классификацияга келиш илмий нуктаи назардан зарурдир.

Фойдаланилган интернет сайтлари рўйхати

1. [www.nanonewsnet.ru](http://www.nanonewsnet.ru)
2. [www.mno.ru](http://www.mno.ru)
3. [www.cmp.caltch.edu](http://www.cmp.caltch.edu)

## НАНОЗАРРАЧАЛАРНИНГ СУЮҚЛИШ ТЕМПЕРАТУРАСИНИ УЛАРНИНГ ЎЛЧАМИГА БОҒЛИКЛИГИ

*ф.м.ф.д. проф. С. Зайнобидинов, ф.м.ф.н. доц. Ш. Эрматов, магистр Р. Хабибуллин, талаба Д. Курбонова - АДУ*

Нанотехнологияларнинг тез ривожланиши нанозарраларнинг физикавий, кимёвий ва бошқа хоссаларини ўрганиш заруриятини келтириб чиқарди. Хозирги кунда дунёнинг кўп давлатларида бундай тадқиқотлар учун катта маблағлар ажратилмоқда. Нанозарраларнинг ажойиб хоссаларидан бири - уларнинг кўплаб параметрларини унинг ўлчамига боғлиқ бўлиб қолишидир. Жумладан, нанозарраларнинг суюқланиш температураси ҳам унинг ўлчамига қараб ўзгаради. Бир қанча адабиётларда келтирилишича каттик заррачаларнинг суюқлиш мувозанатий температураси учун куйидаги ифода олинган:

$$T_{melt}(r) = T_{melt} \left\{ 1 - \frac{2}{\rho_s L r} \left[ \sigma_s - \sigma_i \left( \frac{\rho_s}{\rho_i} \right)^{1/3} \right] \right\} \quad (1)$$

$\sigma$  - калинликдаги эритма қобиғи билан қопланган заррачалар учун

$$T_{melt}(r) = T_{melt} \left\{ 1 - \frac{2}{\rho_s L} \left[ \frac{\sigma_{s,i}}{r - \delta} + \frac{\sigma_i}{r} \left( 1 - \frac{\rho_s}{\rho_i} \right) \right] \right\} \quad (2)$$

бунда  $T_{melt}$  - суюқланиш температураси,  $r$  – заррача ўлчами,  $\sigma_s, \sigma_i, \sigma_{s,i}$  - каттик ва суюқ ҳолатлардаги, ҳамда суюқ ва каттик ҳолатлар чегарасидаги сиртий кучланишлар,  $\rho_s$  ва  $\rho_i$  - каттик ва суюқ ҳолатлар зичликлари.  $T_{melt}$  ни  $r$  га боғлиқ равишда камайишининг тажрибавий графиги 1 - расмда келтирилган. Қалай нанозаррачалари (диаметри 8-80 нм) ни электронографик тадқиқотлар тажриба натижалари  $T_{melt} \cong \frac{1}{r}$  чизигий боғланишдан кўп марта фарқланишини кўрсатди.


Тажриба натижаларини (2) ифода билан апроксимациялаш тажриба ва назарий ҳисоб натижалари бир-бирига мос келишини кўрсатмоқда. Бунинг учун (2) формулага кирувчи параметрларни қуйидагича олиш керак:

$$\rho_s = 7,18 \cdot 10^3 \text{ кг/м}^3, \quad \rho_l = 6,98 \cdot 10^3 \text{ кг/м}^3, \quad \sigma_s = 0,58 \text{ Нм}^{-1}, \quad \sigma_{sl} = 0,0622 \text{ Нм}^{-1}, \\ L = 58,5 \text{ кДж.кг}^{-1}, \quad \delta = 3,2 \cdot 10^{-9} \text{ м}, \quad T_{\text{melt}} = 505 \text{ К}$$

Қалай учун шу қийматлар асосида ҳисоблаш:


$$T_{\text{melt}}(r) = 505 - 40 \left( \frac{3,74}{r - 3,2} - \frac{1}{r} \right), \quad (3)$$

бундаги  $r$  нм ларда берилган. Бир қанча ишларда тажрибаларда аниқланган суюлиш температурасинг нисбий қиймати  $T_{\text{melt}}(r)/T_{\text{melt}}$  нанозаррачалари ўлчамлари  $r=10\text{-}40\text{ нм}$  деб олинганда, улар радиуси тесқари қийматга боғлиқлиги ҳисоблаш натижалари билан мос келган.



1-расм. Қалай (Sn) нанозарраси учун суюлиш температураси  $T_{\text{melt}}$  ни нанозарра тесқари ўлчами  $r^{-1}$  га боғлиқлик графиги. Узлуксиз чизиқ (1) ифода ёрдамида ҳисобланган

$T_{\text{melt}}(r)$  боғланишни электронографик усулда аниқлаш натижалари олтин нанозаррачалари радиуси 1 нм дан катта бўлмаганда ҳам (1), ҳам (2) формулалар билан ҳисоблашга яхши мос келади. Тажрибалардан (1) ва (2) моделлар ўртасидаги фарқни аниқлаш имконияти бўлмади (ўлчалар аниқлиги етарлича бўлмагани учун) Нанозаррачалар радиуслари 0,5-0,6 нм бўлгандан суюлиш температураси кескин камайиши кузатилган. Шунга ўхшаш Al, Cu ва Ti учун нанозарранинг ўлчамлари 0,5-0,6 нм дан кичик бўлганда  $T_{\text{melt}}$  0 га интилиши яққол кўринади. 2-расмда олтин нанозарраларининг суюлиш температурасини унинг ўлчамига боғлиқлиги келтирилган.



2-расм. Олтин нанозарраларини суюлиш температураси  $T_{\text{melt}}$  ни нанозарра ўлчамига боғлиқлиги. Уздукли чизиклар макроскопик олтин намунасининг суюлиш температураси

Бу ҳисоблашларда берилган атомларни параметрлари сифатида 1-жадвалда келтирилган кийматлардан фойдаланилди.

1-жадвал

Метал	$T_{\text{melt}}$ К	L ж.моль <sup>-1</sup>	$\sigma_s$ ж.моль <sup>-2</sup>	$\rho_s \cdot 10^3$ моль·м <sup>-3</sup>	$\sigma_\lambda$ ж.м <sup>-2</sup>	$\rho_\lambda \cdot 10^{-5}$ Моль·м <sup>-3</sup>	$\alpha \cdot 10^{-10}$ М
Al	934	10700	1,032	0,926	0,865	0,894	4,43
Cu	1358	13050	1,592	1,320	1,310	1,250	4,07
Ni	1728	17470	2,104	1,400	1,750	1,350	3,82
Ti	1943	14150	1,797	0,910	1,500	0,868	5,80

Бу ҳолда  $T_{\text{melt}}(r)$  нинг тажрибавий натижаларини нанозаррачанинڭ суюқ катлами мавжудлигини эътиборга олинадиган ифода билан ҳисоблаш энг яхши натижалар беради. Аммо, ҳисоблашлар суюқ катлам мавжудлигини ҳисобга олмайдиган (1) формула асосидаги ҳисоблашлар ҳам аввалгидек ҳулосага олиб келади. Шундай қилиб нанозарралар ўлчамларини кичрайиши уларнинг суюлиш температурасини камайишига олиб келар экан.

#### Фойдаланилган сайтлар рўйхати:

1. [www.nanonewsnet.ru](http://www.nanonewsnet.ru)
2. [www.mno.ru](http://www.mno.ru)
3. [www.cmp.caltech.edu](http://www.cmp.caltech.edu)

### НАНОЗАРРАЛАРНИНГ ИССИҚЛИК СИҒИМИ

*ф.м.ф.д., проф. С.Зайнобидинов, Г.Ҳолйигитова, М.Худойбердиева, Р.Алиқулов  
талабалар АДУ*

Нанотехнологияларнинг ривожини нанозарраларнинг физикасини ўрганишсиз тасавур қилиб бўлмайди Шунинг учун нанозарраларнинг физикавий хоссаларини ўрганиш замонавий физиканинڭ долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу иш нанозарраларнинг иссиқлик хоссаларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда уларнинг иссиқлик сиғимларини зарра ўлчамларига боғланиши кўриб чиқилади.

Тадқиқотлар майда заррачаларнинг фононлар спектрида, йирик намуналар кристалларида учрамайдиган, паст частотали модалар пайдо бўлишини кўрсатади. Нанозаррачаларда заррачанинڭ энг катта ўлчами D ни иккиланган кийматидан катта бўлмаган узунликка эга бўлган тўлқинлар ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун фононлар спектри паст частотали тебранишлар томонидан энг кичик частота  $\omega_{\text{min}} \sim c/2D$  (c-товуш тезлиги) билан чегараланган, йирик намуналарда эса бундай чекланиш бўлмайди.  $\omega_{\text{min}}$  нинг киймати модданинڭ хоссалари, заррачанинڭ шакли ва ўлчамларига боғлиқ. Заррачанинڭ ўлчамларини кичрайтириш фононлар спектрини юқори частоталар томонига силжитишини кутиш мумкин. Нанозаррачаларнинг тебраниш спектрларининг алоҳида хоссалари биринчи навбатда унинг иссиқлик сиғимида акс этади.

Фононлар спектри чегараларини ҳисобга олган ҳолда майда заррача иссиқлик сифимини топиш мумкин:

$$C_V = \int_{-\infty}^{\infty} \frac{\partial \varepsilon(\omega, T)}{\partial T} g(\omega) d\omega, \quad (1)$$

Чегараланган  $r$  ўлчамли кристалнинг моляр иссиқлик сифими кўриниши куйидагича:

$$C_V(r) = 3N_A k_B \sum_{j=1}^{3N} \frac{(\hbar\omega_j / k_B T)^2 \exp(\hbar\omega_j / k_B T)}{[\exp(\hbar\omega_j / k_B T)]^2} \quad (2)$$

бундаги  $\omega_j$  частота, заррача ўлчамига боғлиқдир. Бу ифоданинг  $\eta\omega_{\max} / k_B \ll T < \vartheta_D = \eta\omega_{\max} / k_B$  температуралар оралиғида Пуассон формуласидан фойдаланиб асимптотик ёйилмаси куйидаги ифодага беради:

$$C_V(r) = C_V + \vartheta_m \frac{9\zeta(3)k_B^3 T^2}{4\pi^2 c^3 r} + \vartheta_m \frac{k_B^3 T}{6\hbar c r^3}, \quad (3)$$

бунда  $\vartheta_m$ -моляр ҳажм,  $\zeta(3)=1,20206$ .  $r \rightarrow \infty$  да (3) нинг иккинчи ва учинчи ҳадлари 0 га айланди, биринчи ҳад эса иссиқлик сифими учун Дебай ифодасига тенг бўлади.

$$C_V = 9R \left( \frac{T}{\vartheta_D} \right)^3 \int_0^{\vartheta_D/T} \frac{x^4 \exp\{x\} dx}{(\exp\{x\}-1)^2} = 9R \left( \frac{T}{\vartheta_D} \right)^3 D(x) \quad (4)$$

Юқори температураларда  $T \gg \vartheta_D$  (4) ни интеграллашнинг юқори чегараси  $1 \gg \vartheta_D/T \rightarrow 0$ ,  $D(x) \rightarrow (1/3)(\vartheta_D/T)^3$  ва иссиқлик сифими  $C_V \rightarrow 3R$ , яъни Дюлонг-Пти қонуни билан аниқланадиган чегаравий қийматга интилади. Аниқ ҳисоблар кўрсатишича, (3) нинг иккинчи ва учинчи ҳадлари йиғиндиси, яъни майда заррачалар иссиқлик сифимининг тебранишларга тегишли қисмининг ортиши, квант ўлчам эффеқтларини эътиборга олган ҳолда:

$$\Delta C = C_V(r) - C_V = \vartheta_m \sum_r \sum_l \frac{3(2\ell+1)k_B \xi^2}{4\pi^3} \frac{\exp\{\xi\}}{(\exp\{\xi\}-1)^2} \quad (5)$$

кўринишга эга бўлади. Бунда  $\xi = \hbar c a_{r,l}^3 / k_B r T$ , (34) нинг  $s$  ва  $l$  ни  $\sum_{\ell=0}^s (2\ell-1) \leq \gamma$  гача бирга қийматлари бўйича йиғиндиси олинади. (5) ва (3) ифодалардан кўринадик,  $\eta\omega_{\max} / k_B \ll T < \vartheta_D$  бўлганда майда заррачанинг иссиқлик сифими фарқ  $C_V(r)$  йирик кристал иссиқлик сифими  $C_V$  дан катта ва заррача ўлчами ортиши билан ( $r \rightarrow \infty$ ) булар орасидаги фарқ  $\Delta C = C_V(r) - C_V \rightarrow 0$  бўлади. Паст температураларда ( $T \rightarrow 0$ ) кўринишидаги иссиқлик сифими асимптотик ҳолда

$$C_V(r) \approx 3N_A k_B \left( \frac{\hbar\omega_{\max}}{k_B T} \right)^2 \exp\left\{ -\frac{\hbar\omega_{\max}}{k_B T} \right\} \quad (6)$$

кўринишга эга бўлади.

( $T \rightarrow 0$ ) да бу фарқ  $C_V(r)$  (3) даги  $C_V$  га нисбатан тезроқ камаяди ва паст температуралар соҳасида  $\Delta C = C_V(r) - C_V < 0$  бўлиши мумкин, бу демак, бирор  $T_0$  температура мавжудки, ундан паст  $T < T_0$  да  $\Delta C < 0$  ва  $T > T_0$  да  $\Delta C > 0$ . Умуман, йирик металлларда паст ва юқори температуралар соҳасида электронлар ним тизими иссиқлик сифимига етарлича электрон ҳиссаси  $C_{el} = \gamma_e T$  ни қўшади.

Нанозаррачалар электрон иссиқлик сифимини, улардаги атомлар сони чекланганлиги туфайли вужудга келадиган электронлар энергетик сатхларининг узуклиги туфайли, баҳолаш кийинлашади. Майда зарралар ва паст температуралар ҳолатида, сатхлараро масофа  $\delta = \eta p_F / 2m^* D > k_B T$  ( $p_F$  – Ферми импульси,  $D$  – заррача ўлчами,  $m^*$  – ўтказувчанлик электронининг эффе́ктив масса́си) бўлганида унинг электрон иссиқлик сифими  $C_{el}$  йирик металникдан кўп марта фарқли бўлиши мумкин.  $C_{el}(T)$  функция энергетик сатхлар тақсимо́ти билан белгиланади. Электрон сатхларни тасодифий тақсимо́ти ҳолатида электрон иссиқлик сифими  $\gamma_e^* = (2/3) \gamma_e$  коэффи́циент билан температурага боғлиқ бўлади. Икки ўлчамли тизимларда иссиқлик сифимининг назарий тахлили кўрсатишича, унинг электрон қисми  $T$  га чизикли боғланиш ҳолида қолади, тебранишларга тегишли қисми эса, температура квадратига пропорционал равишда ўзгаради. Бундай ҳудоса майда заррачаларнинг иссиқлик сифими температуравий боғланиши ифодаси сиртлар хиссаси билан боғлиқ бўлган  $bT^2$  ҳад пайдо бўлиши билан тасдиқланган.

### Фойдаланилган интернет сайтлари рўйхати

1. [www.nanonewsnet.ru](http://www.nanonewsnet.ru)
2. [www.mno.ru](http://www.mno.ru)
3. [www.cmp.caltech.edu](http://www.cmp.caltech.edu)

## НАНОЗАРРАЧАЛАРНИНГ МАГНИТИК ХОССАЛАРИ

*ф-м. ф. н. доц. В. Абдуазимов, Д. Холмирзаева талаба, АДУ*

Нанозаррачаларнинг ўзига хос магнитик хоссалари уларнинг электрон ва фононлар спектрларининг дискретлигидан келиб чиқади. Мана шундай хоссалардан бири парамагнитик металлар нанозаррачалари қабул қилувчанлигини магнитик майдон кучланганлиги  $H$  га осцилляция ҳолда боғлиқлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари кичик ўлчамлар туфайли Кюри парамагнитизми Паули парамагнитизмини сезиларли даражада тўсиб қўйиши мумкин. Электрон ҳолатлар дискретлигини майда заррачалар магнитик қабул қилувчанлигига таъсирини тадқиқ этиш кўрсатадики, кучсизроқ магнитик майдон ( $\mu_p H \ll \Delta$ ) да ( $\Delta$  – қўшни электрон сатхлар орасидаги масофа,  $\mu_p$  – магнитик сингдирувчанлик), жуфт электронлар сонига эга метал заррачалар электрон-спин парамагнитизми етарли паст ( $k_B T / \Delta \ll 1$ ) температураларда жуда пасайиб кетади лекин, сустр спин – орбитал ўзаро таъсир туфайли йўқ бўлиб кетмайди. Ток сонли электронлар ҳолатида темпратура пасайганда парамагнитик қабулчанлиги Кюри қонуни бўйича ортади. Етарлича катта температураларда ( $k_B T / \Delta > 1$ ) ток ва жуфт электронли заррачалар парамагнитизми асимптотик равишда Паули парамагнитизмига интилади.


Мисол учун  $Li(D \sim 1 \text{ нм})$ ,  $Pt(D \sim 2 \text{ нм})$ ,  $Al(D \sim 2 \text{ нм})$  нанозаррачаларининг магнитик қабул қилувчанлиги  $\chi$  паст температураларда Кюри қонунига асосан ўзгаради.  $D \approx 3,2$  нм бўлган  $Li$  нанозаррачалари магнитик қабулчанлигини ўзгариши паст температураларда Кюри қонунига, юқори температураларда Паули парамагнитизмига мос келади.

Магнитик қабулчанлиқнинг нанозаррачалар ўлчамларига боғлиқлиги 1 дан 1000 гача нанометрли келен ва теллур нанозаррачаларида қузатилган:  $Se$  заррачалари ўлчамларни сечрайтириш диамагнитизм ортишига,  $Te$  учун эса Ван-

Флек орбитал парамагнитизми ортиши туфайли  $\chi$  карама-қарши йўналишда ўзгаради.

Келтирилган мисоллар бошқа кўплаб металлларда ҳам бироз четланишлар билан кузатилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай тажрибалар натижалари сабаби – ушбу металллар жуда кичик ва наноўлчамли заррачаларнинг металллик хоссаларига эга бўлмаслиги сиртки s-электронлар бевосита атомларда жойлашганидир. Уларнинг хоссалари йирик металлларникидан фарқ қилади. Шу туфайли кластерлардаги атомлар ўртасида оддий алмашиниш ўзаро таъсирлашуви мумкин бўлиб қолади. Нанотузилишли ҳолат ферромагнетиклар хоссаларига таъсир қилади.

Заррачалар ўлчамини яна ҳам кичрайтириш уларнинг суперпарамагнитик ҳолатларга ўтиши билан коэрцитив кучни нолгача кескин камайиб кетишига олиб келади. Тадқиқотлар субмикрокристал мисни магнитик қабул қилувчанлиги дастлабки мисникидан катта ва p-Cu ни қабул қилувчанлигида магнитик майдон кучланганлиги H га тесқари пропорционал боғланиш вужудга келади, яъни намунада ферромагнитик Fe атомлари мавжудлигини кўрсатади.



1-расм. Магнитик индукция 8,8 кГс майдонда темир аралашмали нанокристаллик мис (p-Cu) матрицани магнитик қабулчанлиги  $\chi$  нинг: 1- температуравий боғланиши  $\chi(T)$ ; 2- куйдиришга боғланиши  $\chi(300, T)$ ; 3- 0,01% темир аралашмаси бўлган миснинг қабулчанлигини температурани орқага қайтишига боғланишига

Расмдаги  $\chi(300, T)$  боғланишни  $T_n \approx 425\text{K}$  (мисни субмикро-кристалликдан йирик донаторлик ҳолатига ўтиши) яқинида  $\chi$  сакраб ўзгаради, 450-650 K ораликда кўп ўзгармайди ва кейинги температура ортишида  $\chi$  ўсади, 975K да максимумдан ўтади ва диамагнетик кийматларгача пасайиши кузатилади, 850K да миснинг  $\chi$  сининг температуравий боғланишига ўтади.

$T < 425\text{ K}$  ларда  $\chi(T)$  боғланишда  $\chi$  нинг пасайиши, 425-475 K ораликда диамагнетиклик кийматгача тушиши ва 850 K дан бошлаб миснинг магнитик қабулчанлигининг температуравий боғланишига ўтиши кузатилади.  $\chi$  нинг магнитик майдон кучланганлиги H га боғланганлиги  $T > 850\text{ K}$  да йўқ бўлади. 1225 K дан 300 K гача ораликда  $\chi(T)$  тесқари боғланишни H га боғлик эмас ва 0,01% темир аралашмали мисни  $\chi(T)$  га мос бўлади.

Лекин, бу  $\chi(T)$  нинг бундай катта ўзгаришларига олиб келмаслиги керак. Шунинг учун  $n$ -Cu учун наноўтишларда ( $\Delta\chi = \chi(300, T) - \chi(T)$ ) нинг 500K да катта бўлишини факат мис ҳолатлари ўзгариши билан тушунтириш кийин. Тахлиллар курсатишича, куйдириш  $\chi(300T)$  ва температуравий  $\chi(T)$  боғланишларда 425 - 450K оралиқда  $\chi$  нинг сакраб ўзгаришига миснинг магнитик қабулчанлигини ўзгариши эмас, балки мис донаторликлари чегараларида нанозаррача шаклида ажралиб чиқаётган темир зарраларининг хиссаси ўзгариши сабаб бўлади.

Фойдаланилган интернет сайтлари

1. [www.mno.ru](http://www.mno.ru)

2. [www.nanonewsnet.ru](http://www.nanonewsnet.ru)

3. [www.neuroelectronics.ru](http://www.neuroelectronics.ru)

## MACRO AND MICROSTRUCTURE OF HIGH-CHROMIUM WHITE IRON SAND PUMPS OF VARIOUS INDUSTRIES

*B. K. Tilabov-TashSTU*

Many details of the metallurgical equipment are out of service due to surface damage under the influence of hard abrasive particles entering the zone of friction [1]. Cost of restoration is now are tens of billion soums in the republic. In these circumstances, a cost-effective life castings by increasing their durability and longevity, as repair and restoration of parts may not always provide the required product quality.

This paper presents the results of research into the causes of premature failure of the impeller sand pumps. At present in the foundry central repair and mechanical plant (Crnz) at Almalyk Mining and Metallurgical Combine (AMMC) are made (housing, impellers, throat bush, etc.) of a white high chrome cast iron brand ICHH28N2 (fig.1,a,b,c). These details during fast wear and gradually go down. So now between TashGTU AMMC and the department "Materials Science and Technology of Materials" is conducted scientific research to determine the causes of failure and increased wear resistance in two or more times by heat treatment [2,3].

In the mining industry of the country there are a great number of centrifugal pumps (of sand, soil, sludge, etc.) for the transportation of various ore slurry, sludge, etc. The details of these pumps are made of high-chromium white cast irons possessing simultaneously high abrasive wear resistance and corrosion resistance.

One of the world's leading companies in the production of pumps is an Anglo-Australian company Warman, supplying pumps of various types. Resource of centrifugal pumps is high.

To ensure smooth operation of ferrous or non-ferrous mechanical repair plants monthly cast hundreds of repair parts of centrifugal pumps of these irons. However, the life of castings is significantly lower than the Australian company Warman.

In connection with the above, has been tasked to investigate the parameters of the structure and properties of cast iron centrifugal pumps Warman imported and locally produced Crnz at AMMC. To do this, pump parts excised samples for research. The study involved the cast samples of white high chrome cast iron, cut from the blades of the impeller sand pump with dimensions 20h20h15 and (70h35h15) imported «Warman» and

the local production of «Crnz». All dimensions of the samples allowed conducting macro - and micro structural analysis.

The chemical composition of the investigated iron is given in table 1. The chemical composition of pig iron imported Warman did not match well-known brands, and chemical composition of the local production of iron Crnz ICHH28N2 consistent brand standard and central mechanical repair plant [4].

The hardness of the samples cut from the impeller pump imported production Warman, was quite high - HRC 57 + 62.

зубчатых передач, шарниров и др. В этой связи, конструкция их проста, габариты малы, срабатывают быстро, с относительно высоким коэффициентом полезного действия. Например, вибропривод дискового носителя информации. Благодаря отсутствию в нем посторонних движущихся масс фронты пуска и остановки не превышают 5 мс, а торцевое биение по окружности диска - десятые доли микрометра.

#### Литература

1. Фролов К.В. и др. Наука о машинах - основа машиностроения: Этапы развития научных исследований. Москва, Наука, 1987, 559 с.

2. Karimov K., Umurzakov A. The modeling of the frictional mechanisms with operating couplings. "Modeling, Simulation, Control". Organized by AMSE (Association for the Advancement of Modeling and Simulation techniques in Enterprises). Press. vol. 35, №4, 1991, p. 9-14. Casablanca, Morocco.

### **САНОАТ КОРХОНЛАРИГА СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Н.Х. Халилов - АндМИ тадқиқотчи*

Ҳозирги кунда республикамизда ички ва ташқи бозорларда барқарор талабга эга бўлган ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида корхоналарда халқаро стандартларни жорий этишга қаратилган ишлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда республикамизда 520 дан ортиқ корхоналар ISO 9001 стандартига мувофиқ сертификатлаштирилган<sup>37</sup>. Бироқ, тармоқ ва корхоналарнинг халқаро стандартларни жорий этишга бўлган манфаатдорлигининг сустиги, мазкур йўналишда етук менежер ва мутахассисларнинг етишмаслиги қўплаб корхоналар томонидан халқаро стандартларни жорий этишда катор муаммоларга дуч келишларига сабаб бўлмоқда.

Саноат корхоналари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун сифати халқаро ва миллий стандартларга мос келувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шу асосда истеъмолчиларнинг қониқлигини таъминлаш, натижада маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш ва маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш, технологик жараёнларнинг хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш орқали хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш лозим.

Бозор муносабатларининг эволюцияси жараёнида ташкилотларда сифат бошқарувини ривожлантириш концепцияси таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвалда кўриниб турганидек, ишлаб чиқарувчининг бозордаги ҳукмронлигидан тортиб истеъмолчининг ҳукмронлигигача бўлган бозор эволюцияси жараёнида сифат назорати концепцияси белгиланган қондаларга мувофиқ маҳсулотнинг бутун ҳаёт цикли даврида сифатни комплекс бошқариш концепциясига айланди. Бу концепция истеъмолчилар бозори шарт-шароитларига тўлиқ жавоб берди. Ушбу бозор товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги умумий рақобат, товарларнинг кенг тақлифи ва маҳсулот сифатига истеъмолчи қўядиган талабларнинг ошиши билан характерланади.

<sup>37</sup> "Ўзстандарт" агентлиги маълумотлари, 2013 йил

Илмий-техник тараккиётнинг жадал тус олиши, бозорларнинг тезкор суръатларда тўйиниб бориши ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида оммавий ракобат сифат бошқарувининг янгича ташкилий шакллари ва усулларини излаб топишни тақозо этади.

### 1-жадвал

#### Бозор муносабатлари эволюцияси жараёнида саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш концепцияси

<i>Босқич номи</i>	<i>Бозор характеристикаси</i>	<i>Ишлаб чиқариш мақсади</i>	<i>Сифатни бошқариш</i>
Ишлаб чиқарувчи бозори (ишлаб чиқарувчининг ҳукмронлиги)	Талабнинг тақлифдан ортиб кетиши, ишлаб чиқарувчилар ўртасида ракобатнинг у қадар кучли эмаслиги.	Оқилона таъминот ва айланмани ошириш	Белгиланган талабларга мувофиқ маҳсулот сифатини назорат қилиш
Тенгликка асосланган бозор	Товар бозорининг тўйиниши, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида ракобат	Маҳсулотни такомиллаштириш ва таннархни камайтириш имкониятларини излаш	Маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш жараёнлари сифатини таъминлаш
Истеъмолчилар бозори (истеъмолчиларнинг ҳукмронлиги)	Тақлифнинг талабдан ортиб кетиши. Мавжуд бозорларнинг ҳаддан ортик тўйиниши. Бир хил гуруҳли товарларни ишлаб чиқарувчилар ўртасида ракобат.	Маҳсулот истеъмолчилик хусусиятларининг янада такомиллашуви ҳисобига маҳсулотга бўлган талабнинг кўпайиши	Маҳсулот ҳаёт циклининг барча босқичларида уни сифатини бошқариш

Хориждаги сифат бошқаруви назарияси ва амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унда уч хил мактаб мавжудлигига гувоҳ бўламиз:

1. Европа мактаби. Бу мактаб Европа сифат ташкилоти (ЕСТ) атрофида шаклланган бўлиб, мазкур ташкилотнинг олдинги номи Европа сифат назорати ташкилоти (ЕСНТ) деб юритилган. Ташкилотнинг йиллик сессиялари (бу каби сессиялардан аллақачон 45 таси ўтган) ва семинарлари, тавсия ва кўп сонли адабиётлари Европада сифатни бошқариш жараёнларига жиддий таъсир кўрсатди. 1999 йилда Европа сифат ташкилоти “Сифат муаммолари Европа наздида” номи ҳужжатни чоп этди. Унда замонавий сифат концепцияси ишлаб чиқилган. Сифат бошқаруви бўйича Европа фонди ташкил этилган. Ушбу мактабнинг энг маълум ва машҳур намоёндалари сифатида Сегеце, Кантарелли, Мезинг, Конти, Никсонларни айтиб ўтиш мумкин.

Ушбу жараёнларнинг ривожланишига ҳужжатлар (Умумий бозор директивалари), шунингдек, Стандартлаштириш бўйича Европа ташкилоти (фр. Comité Européen de Normalisation, CEN) ҳамда шунга ўхшаш яна бир ташкилот, Электротехника маҳсулотларини стандартлаштириш бўйича Европа қўмитаси (CENELEC фр.: Comité Européen de Normalisation Electrotechnique) томонидан ишлаб чиқилган стандартлар фаол қўмаклашади. Европанинг ақарият мамлакатларини камраб олган маҳсулотларни сертификатлаш, тажриба-синов бўлимларини аттестациядан ўтказиш тизимлари фаол иш олиб боради.

Бизнес такомиллиги модели асосида Европа сифат мукофотини қўлга киритиш бўйича йиллик танловлар ўтказилади. 2007 йил апрелда Европа Хамжамияти ушбу мукофотнинг 15 йиллигини нишонлади.

Сифат бошқарувиغا бўлган ёндошувларнинг энг самаралиси Буюк Британияда кузатилди. 1979 йилда Британия стандартлаштириш ташкилоти (British Standards Institution - BSI) BS 5750 "Сифат тизими" стандартини чоп этди. Бу стандарт сифат бўйича миллий кампания асосини ташкил этади, қайсики у Маргарет Тэтчер ҳукумати томонидан қўллаб қувватланган.

Сифат тизими BS-5750 стандартига мувофиқ сертификатланган Буюк Британия компаниялари регистри таъсис этилди. Бора-бора ушбу стандарт ИСО 9000 серияли стандартларнинг биринчи версияси учун асос қилиб олинди.

Ушбу ҳукумат тузилмасининг "Сифат" бўлимига уч турли хизматлар қиради: Аккредитация, Марказий лаборатория ва Метрология хизмати.

Аккредитация хизмати БЕЛСЕРТ (БЕЛГИЯ СЕРТИФИКАТЛАШИ) ва БЕЛТЕСТ (Белгия синови) аккредитация тизимларини ривожлантириш учун масъул. Ушбу аккредитация тизимлари Белгия маҳсулот ва хизматлари сифатини тасдиқлаш ва уларнинг халқаро бозорга чиқишини кафолатланишини таъминлайди. БЕЛСЕРТ сифат тизими, маҳсулот ва ходимларни сертификатловчи сертификатлаш органларини аккредитациядан ўтказиш учун масъул.

Марказий лаборатория ҳукумат номидан озик-овқат, тўқимачилик ва нефт маҳсулотларининг кимёвий таҳлилларини амалга оширади. Ушбу лаборатория, шунингдек, тажриба-синов лабораторияларини (БЕЛСЕРТ) аккредитациядан ўтказиш учун ҳам масъулдир.

Метрология хизмати мажбуриятлари доирасига миллий эталонларни амалга ошириш ва сақлаш ва ўлчаш асбобларини текшириш, шунингдек, саноат маҳсулотлари сифатини таъминлаш ва илмий-тадқиқот ишланмалари қиради. Метрология хизмати текшириш хизмати, марказий текшириш хизмати ва ҳудудий текшириш хизматини ўз ичига олади.

Австрияда сифат ва хавфсизликни таъминлаш масалалари қатор федерал қонунлар, шу жумладан, "Стандартлаштириш тўғрисида Федерал қонун", "Синов лабораториялари ва сертификатлаш органлари аккредитацияси тўғрисида Федерал қонун", "Ўлчов ва вазнлар тўғрисида Қонун", "Буг қозонлари тўғрисида Қонун" ва ҳоказо қонунлар билан тартибга солинади.

1988 йилда асос солинган Сифат ва бошқарув тизимларини сертификатлаш бўйича Австрия жамияти (OQS) сифат ҳаракатларида салмоқли рол ўйнайди. Мазкур жамият 4 ҳудудий бошқарувга эга: Шарк, Марказ, Ғарб, Жануб. Жамият ихтиёрида бутун Австрия бўйлаб малакали ходимлар, 190 нафар аудиторлар мавжуд. OQS фаолият соҳаси сифат тизимлари, бизнес ва атроф муҳитни бошқаришдан иборат. OQS 4000 га яқин мувофиқлик сертификатларини берган. OQS сертификатлари ва хизматлари нафақат мамлакат ичида, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилади, бунинг сабаби OQS сертификатлаш бўйича мустақил миллий ташкилотлар уюшмаси – IQNet – аъзоси саналади. Дунёдаги 60 фоиздан ортиқ сертификатлар мазкур уюшмага аъзо ташкилотлар томонидан берилди.

Юкори химоя даражасини яратиш бўйича қўйилган максадга маҳсулотнинг юкори сифатлигини таъминлаш орқали эришилади. Маҳсулот ва хизматлар сифатининг ягона ва юкори Европа даражасини яратиш бўйича талаблар билан бирга, яна қуйидаги икки максадларни ҳам амалга ошириш кераклиги кўзда тутилади:

- Европа саноатида рақобатбардошликни яхшилаш, хусусан, халқаро бозор талаблари нуктаи назардан;

- Бутун Европада “ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи” муносабатларида ўзаро ишонч базасини яратиш бўйича тадбирларни олиб бориш;

Ҳозирда ЕИ мамлакатларини уйғунлаштириш концепциясида белгиланган вазифалар, умумий олганда, ҳал этиб бўлинди ва 1999 йилда Европа сифат ташкилоти (ЕОQ) Финляндия мутахассислари (1999 йилда ЕИ га Финляндия раислик қилган) билан бирга “Сифат муаммолари Европа наздида” номли ҳужжатни ишлаб чиқадилар. Ушбу ҳужжатда сифат соҳасининг бугунги замондаги вазифалари белгилаб берилган янгича концепция ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатни иктисодийёт соҳасида фаолият юритувчи нуфузли Европа ташкилотлари имзолаганлар, шу жумладан, UNICE (Union of Industrial and Employer's Confederations of Europe), UAPME (European Association of Craft, Small and Medium Sized Enterprises), EUROCHAMBRES (Association of European Chambers of Commerce and Industry), EFQM (European Foundation for Quality Management), EOQ (European Organization for Quality), FMQ (French Movement for quality).

Европада маҳсулот ва хизматларнинг юкори сифатлигини таъминлаш воситаси сифатида сифат тизимига мўлжал олган ғоялар ғолиб чиқди. Бу сифатни таъминлашда маҳсулотни сертификатлаш йўлидан чекиниб, сифат таъминоти тизимини жорий этиш орқали сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишни англади.

2.Америка мактаби. Бу мактаб хорижий мактаблар ичида қадимгиларидан бири бўлиб, унинг фаолияти Америка сифат уюшмаси атрофида қурилган. Унинг атокли намоёндалари Деминг, Джуран, Фейгенбаум, Харрингтонлар бутун дунёда, биринчи навбатда, Японияда сифат бошқаруви ғояларининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатишган.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида АҚШ саноати кескин рақобат шароитларида, биринчи навбатда Япония томонидан, ўз маҳсулотларини сотишда, нафақат хорижда, балки АҚШ нинг ўзида ҳам катта қийинчиликларга дуч келди<sup>38</sup>.

70-йилларнинг охирига келиб бу муаамолар АҚШ компанияларини ўз асосий ташкилий тузилмаларини, бизнес жараёнлари ва операцияларини қайта кўриб чиқишга, ҳукуматни эса сифатга бўлган муносабатини қайта кўриб чиқишга ундади.

1980 йилда Миллий стандартлар бюроси (NBC) мамлакат бўйлаб “ок китоб” таркатади, унда шундай мурожаат ёзилган эди: “Япониянинг қўлидан келган экан, нега бизнинг қўлимизда келмас экан?” Бу америка жамоатчилигига сифат бошқарувининг японча усуллари ҳақида тасаввур берган эди.

<sup>38</sup> Охрепилов В.В. Международные стандарты в управлении качеством продукции. -Л.:Знание, 1990.

Ниҳоят 1981 йилда Л.Добринснинг “Япониянинг қўлидан келган экан, нега бизнинг қўлимизда келмас экан?” номли фильми намойишидан кейин АҚШ қўлдан бой берилган устунликни қўлга киритиш учун курашни бошлайди.

Президент Рейган раҳбарлигидаги АҚШ ҳукумати сифат муаммосига, яъни илгор технологиялар асосида сифат орқали рақобатбардошликни ошириш масаласига эътибор қаратади. 1988 йилда АҚШ конгресси томонидан “Савдо ва рақобатбардошлик тўғрисида умумий қонун” қабул қилинади. Унда маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш технологиялари даражасини бирданига кўтариш кўзда тутилади. Ушбу қонун кучга кириши билан жаҳон миқёсида АҚШ рақобатбардошлигини ошириш бўйича федерал, маҳаллий ва хусусий тузилмалар ўртасида ҳамкорликни янада муостаҳкамлашнинг замонавий босқичи бошланади.

Рақобатбардошликни ошириш дастури миллий дастурга айланди. Ушбу янгиликларни ташвиқ қилиниши учун оммавий ахборот воситалари жалб қилинди, барча тоифадаги кадрларни ўқитиш ишлари амалга оширилди, кўп сонда махсус адабиётлар чоп этилди. Ҳар йили сифат бўйича умуммиллий конференциялар (конгресс) ўтказилди.

Америка мактабининг характерли хусусияти Стандартлар ва технологиялар миллий институти бошчилигида илмий-техник жамиятлар, стандартлаштириш тизимлари, метрология ва синов-тажриба тизимлари, технологик маркалар ўртасида яқин алоқаларнинг йўлга қўйилганлигидир. Шу билан боғлиқ яна бир ҳолатни, яъни АҚШда синов-тажриба ишларига жавобгарлик муносабати шаклланишини, айниқса, қайд этиб ўтиш лозим. У MIL ҳарбий стандартларидан келиб чиққан. Бу стандартлар элементлар базаси, бутловчи қисмлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қўйиш ва улардан фойдаланишда уларнинг чуқур синов-тажрибадан ўтказишни кўзда тутади. Давлат буюртмасининг объекти саналган бутловчи қисмлар ва маҳсулотларни синов-тажрибадан ўтказиш натижалари асосида миллий каталоглаштириш тизимга қўшилади.

2. Япон мактаби. Ушбу мактабининг шаклланиши ўтган асрнинг 50-йилларига тўғри келади. Бу мактаб АҚШ мактаби таъсири остида шаклланган. Кейинчалик бу мактаб бир неча ривожланиш босқичларини босиб ўтади. Бу босқичлар статистик усулларни қўллашдан тортиб умумий сифат бошқаруви босқичларини ўз ичига олади.

Японияда Ялпи сифат назорати (Total Quality Control) тизими кенг қўламда ривожланди. Унда корхонанинг барча раҳбарлари ва ходимларининг сифат соҳасидаги жавобгарлиги, ваколатлари ва ўзaro муносабатлари белгилаб берилган<sup>39</sup>. Кейинчалик ушбу тизим Япония ва бошқа мамлакатларда Умумий сифат бошқаруви (Total Quality Management) номи олади.

Сифат соҳасида япон мактабининг характерли хусусиятлари сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин:

- мамлакат миқёсидан тортиб корхона миқёсигача стандартлаштиришга таяниш;
- иш ҳолатини мунтазам такомиллаштириб бориш (Kaizen);

<sup>39</sup> Лушников В.С., Стрешков А.Н. Мотивация работников предприятия в условиях действующих систем обеспечения качества. Стандарт и качество, 1998, №4.

- сифат тўғараклари ёрдамида корхонанинг барча ходимларини сифат бошқарувига жалб этиш;

- технологик интизомга қатъий амал қилиш;

Японияда ўзини оқловчи бошқарув усуллари сифатида куйидаги усуллар кенг қўлланилади<sup>40</sup>:

- Тейлор цикли PDCA (Plan – Do - Check – Action);

- етти таҳлил усули;

- сифатни таъминлашнинг етти янги воситалари;

Ҳозирда тажрибани (эксперимент) режалаштириш усули (Тагути усули) фаол қўлланилиб келинмоқда. Шу билан бирга, японлар 90-йилларнинг бошларидан бошлаб ИСО халқаро стандартининг 9000 серияси асосида қўлга киритилган сифат соҳасидаги ютуқлардан фойдаланиб келмоқда. Сифат соҳасида япон мактабининг атоқли намоёндаларидан Исикава, Тагути, Цубаки, Шиба, Кумзларни санаб ўтиш мумкин.

Юқоридаги уч мактабдан ташқари сифат соҳасида бошқа мамлакатлар мактаблари ҳам шаклланган.

Хитой Халқ Республикасида сифатни ошириш ҳаракатлари оммавий тус олган. 1993 йилда Махсулотлар сифати тўғрисида ХХР конуни чиқарилади ва у 2000 йилда қайта кўриб чиқилади. Унда давлат махсулот сифатини бошқариш соҳасидаги илмий усулларнинг ривожланишига ёрдам беради, дея қайд этилади. Мазкур конунда халқаро стандартлар асосида сифат тизимларини жорий этаётган корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши ва уларга кўмак берилиши кўзда тутилади.

Сифат тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва фаолиятини юрғизиш масалалари тизимли асосда умумхитой ва ҳудудий миқёсдаги илмий-амалий анжуманлар ва семинарларда кўриб чиқилади, оммавий ахборот вооситааларида ёритилади.

Хитойда икки жамоат ташкилотлар фаолият кўрсатади, булар Хитой сифат назорати уюшмаси ва ИСО 9000 ни жорий этишга кўмаклашиш уюшмаси<sup>41</sup>.

Шундай қилиб, ҳар бир мамлакат паст сифат ва рақобатбардошлик даражаси муаммоларини ҳал этишнинг ўзига хос усулларини танлаган бўлиб, бу усуллар корхона ва давлатнинг кучларни бирлаштирган ҳолда биргаликда ҳаракат қилишини кўзда тутди. Европа мактаби давлатнинг жиддий кўмагида (Буюк Британия, Австрия, Белгия, Германия) миллий сифат дастурларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга асосланади. АҚШ мактаби сифат бошқарувининг шундай усулидан фойдаланадики, унга кўра давлат амалда сифат тизимини ривожлантириш учун субсидия бериш ёки маълум стратегияларни белгилаш билан шугулланмайди, аммо алоҳида дастурларни жадал қўллаб-қувватлайди. Бундай ёндошушни Мальколм Болдридж миллий сифат мукофотини молиявий қўллаб қувватлаш ва унга жамоатчилик эътиборини кучайтириш ҳаракатларида кўриш мумкин. Сифат бошқарувининг япон мактаби эса юқори сифатни ўз иқтисодий стратегиясининг асосий элементи сифатида қабул қилган мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея)

<sup>40</sup> Харрингтон Дж.Х. Управление качества в американских корпорациях.-М.: Экономика, 1990.

<sup>41</sup> Управление в строительстве: Учебник для вузов/ Общ.Ред. В.М.Васильева, Ю.П.Панибратова.-М.:Изд-во АСВ, 1994.-288 с.

катта худуд ёки табиий бойликларга эга бўлмаётган туриб катта муваффақиятларга эришишини яққол кўрсатиб бердилар.

АҚШ, Япония, Буюк Британия, Хитой ва бошқа катор мамлакатларнинг тарихий тажрибаси самарали бошқарув тизимларини қўллаш орқали сифат соҳасида тараққиётга эришилганлигини кўрсатади. Бу ушбу давлатларнинг иқтисодий бўҳронни бартараф этиш, жаҳон бозорида мустахкам ўрин эгаллашга эришишида ёрдам берган ричагларидан биридир.

## **ВЫБОР ОПТИМАЛЬНЫХ МЕТОДОВ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ КООРДИНАТНЫХ ИЗМЕРЕНИЙ**

*Иногамова Д. А. т.ф.н., Шоазимова У.Х. ассистент,*

*Юлчиева Г. А. магистрант- ТДТУ*

Стремление к постоянному повышению уровня качества продукции на всех этапах производственного цикла обуславливает рост требований к его метрологическому обеспечению.

Под качеством метрологического обеспечения понимается совокупность свойств, методов и процедур метрологического обеспечения, которые придают результатам измерений способность удовлетворять потребности контроля, испытаний и исследований средств измерений.

Повышение интереса к вопросам контроля, а также метрологическому обеспечению измерений геометрических параметров деталей объясняется тесной зависимостью между качеством деталей и функциональными параметрами готовых изделий. Совершенствование методик по выполнению координатных измерений позволяет повысить качество измерительных процедур и снизить их себестоимость.

Таким образом, одной из важнейших задач повышения качества продукции машиностроения является совершенствование методов управления качеством метрологического обеспечения путем проектирования оптимизированных методик координатных измерений.

Повышение качества и конкурентоспособности машиностроительной продукции обеспечивается путем управления ее метрологическим обеспечением на основе разработки методологии оптимизации методик выполнения координатных измерений, базирующейся на принципе технологически – метрологического соответствия.

Управление метрологическим обеспечением в машиностроении может осуществляться путем проектирования оптимизированных методик измерений на базе принципа технологически – метрологического соответствия.

Оптимизированные методики измерений отклонений от плоскостности и круглости, а также рекомендации по выбору минимально необходимого числа контрольных точек, обеспечивают максимальную эффективность процедуры контроля с требуемой точностью. Разработанных методики контроля расположения центров отверстий, критерии оптимизации систем координат и рекомендации по их применению, обеспечивают уменьшение методической составляющей погрешности измерений, что приводит к совершению процента необоснованно забракованных деталей.

Они позволяют повысить эффективность проектирования методик выполнения измерений и оптимизировать их выбор по предложенным критериям качества. Разработанным принципом проектирования специальных многопозиционных многощуповых средств измерений дают возможность с максимальной эффективностью реализовать оптимальные методы выполнения измерений.

Целью метрологической подготовки производства является разработка на стадии подготовки производства методов и средств аппаратного контроля параметров изделий и технологических процессов, необходимых для обеспечения требуемого уровня качества изделий.

Преобладающее большинство измерений в машиностроении связаны с измерениями длин и углов и осуществляются с использованием координатных средств измерений (СИ) путем нахождения нужного числа контрольных точек в принятой системе координат и последующей обработкой измерительной информации. Комплексный анализ состояния координатных измерений в машиностроении с целью определения возможных путей совершенствования метрологического обеспечения производства показал, что совершенствование методик выполнения координатных измерений осуществляются, главным образом, путем применения новых более точных и дорогих средств измерений при сохранении традиционных методов. Это приводит к значительным экономическим потерям.

Наличие конкурирующих методик выполнения координатных измерений для решения конкретной задачи приводит к необходимости сравнительной оценки, что не может быть корректно реализовано из-за отсутствия методики комплексной оценки качества измерений.

Качество метрологического обеспечения машиностроительного производства определяется общими свойствами на основе квалиметрического подхода. Методом управления качеством метрологического обеспечения в машиностроении является применение оптимизации методик выполнения координатных измерений геометрических параметров.

На основе теоретического обобщения данных о закономерностях формообразования реальных поверхностей деталей сформулирован принцип технологическо – метрологического соответствия, который необходимо использовать для оптимизации методик координатных измерений геометрических параметров типовых поверхностей. Возможность оптимизации методик координатных измерений геометрических параметров приводит к использованию замены реальных поверхностей адекватными аналитическим моделями, а также к выполнению измерений расположения номинально цилиндрических поверхностей путем оптимизации систем координат, обеспечивающей уменьшение методической составляющей погрешности измерений.

Разработанные методы координатных измерений номинально плоских поверхностей эффективно применяют как методы «семи» и «девяти» точек для контроля поверхностей с отклонениями формы пятой степени точности и грубее. Принципы построения специальных многомерных многощуповых средств измерения и конструкции обеспечивают эффективную реализацию

оптимизированных методов измерений параметров микрогеометрии реальных поверхностей.

### ЛИТЕРАТУРЫ.

1. Сенюк О.В. Комплексная оценка качества процесса измерения// Надежность и контроль качества. – 1997.- № 10. –С.3 – 1.
2. Соломахо В.Л., Соколовский С.С. К вопросу о контроле плоскостности // Измерительная техника. -1988. - №3. –С.22 – 25.
3. Биктимиров Р.И., Гречишников В. А. и др. Управление качеством в машиностроении. Уч. пособие, С.Пб.: Питер, 2005. 256 с.

### СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ – ОБОД ТУРМУШ БЕЛГИСИ

*Эралиев А. Катта ўқитувчи, АнДМИ*

Ҳозирги, «ҳамон давом этаётган глобал молиявий – иқтисодий инкироз»<sup>42</sup> шароитида жаҳон бозорида таклифни талабдан ошиб кетиши ва бундай ҳолат истеъмолчиларнинг абсолют ҳукмдорлигига олиб келди. У бирор бир маҳсулотни танлашда ўзини талабларини қониқтирадиган даражадаги маҳсулотга эътибор беради ва уни харид қилишга ҳаракат қилади.

Шунинг учун маҳсулотнинг бозори чаккон ва рақобатбардош бўлишлиги янгиликлар ва сифат кўрсаткичи орқали истеъмолчининг қутилаётган талабини қондиришига боғлиқ бўлади. Маҳсулот сифатини ошириш миллий иқтисодиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг асосий воситаларидан бири – маҳсулот сифатини самарали бошқаришдир.

Маҳсулот сифатини бошқариш – маҳсулот сифати даржасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир. Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш тадқиқот қилиш ва лойиҳалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий – техникавий ютуқлар таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий–иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорирок бўлиши керак, чунки янги маҳсулот савдо соҳасига чиқишига қадар унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.


Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу ерда маҳсулот сифати маҳсулотни таёрлаш меъёрий–техникавий ҳужжатлар, жихозлар, ускуна ва асбоблар, олинadиган хом ашё, материал ва бутловчи қисмлар сифати билан аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий–иқтисодий кўрсаткичлар лойиҳа ҳужжатларда, яъни биринчи босқичда қўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

<sup>42</sup> И. Керимов «Беш мақсадимиз – кенг қуламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» «Халқ сузи» 2013 йил 19 январь № 13

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати уни сақлаб туриш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амалга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотилиш сифати сақлаш ва уларнинг логистик (транспортировка) сифатларидан йиғилади. Фойдаланишдаги маҳсулот сифатига келганда, у фойдаланиш ва таъмирлаш хужжатлари, фойдаланиш ва таъмирлаш жихозлар, эхтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар сифатларига ҳамда фойдаланувчи ходимлар малакасига боғлиқ. Фойдаланишда маҳсулот сифатини баҳолаш мезони унинг кўрсаткичлари илова қилинган техникавий хужжатларда қайт қилинган мос кўрсаткичларга, яъни кондириш зарур бўлган амалий эхтиёжлар мувофиқлиги даражасидир.

Айтиб ўтилган босқичлар маҳсулотнинг ҳаётий циклини ташкил қилади (1-чизма). Унинг фойдаланиш босқичидаги муддати ҳар босқичда эришилган сифат даражасига боғлиқ.

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик ва технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади. Маҳсулот сифати кўп сонли ва ҳар хил техник, иқтисодий, ижтимоий – психологик хусусиятлар омилига боғлиқ.



1- чизма. Маҳсулотнинг ҳаётий цикли

Шартли равишда бу омилларни 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Материал-техник (ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, дастгоҳлар ишлаб чиқаришни техник ва метрология таъминоти, синов ва назоратнинг услуб ва воситалари, ишлатиладиган материаллар, бино ва қурилмалар);
2. Инсон омили (малакаси, профессионал билими, ўз ишига бўлган қизиқиши);
3. Маъмурий (ташкilotнинг умумий ишлаб чиқариш фаолиятини ва қисман сифат бошқарувини ташкил этилганлиги).

Умуман олганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини юқори даражада ушлаб туриш ва таъминлаш – комплекс муаммодир.

Фақатгина илмий асосланган ҳолда тизим ва комплексли, бир вақтда ва ўзаробоғлиқ бўлган техник, ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий тадбирлар ёрдамида тез ва аниқ ҳолатда маҳсулот сифатини мукаммалаштириш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, корхоналар ўзаро бир бирига боғлиқ бўлгани сабабли бирор бир асосий маҳсулотнинг сифатсиз бўлиши кўпчилик тармоқларда унумдорлик пасайишига ва рақобат куришида энгилишига олиб келади, чунки, сифатни самарали бошқариш маҳсулот рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Президентимиз Ислон Каримов 2013 йилда ва кейинги йилларда, олдимизга қўйган вазифаларда: «Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш»<sup>43</sup> халқимиз томонидан сифатли маҳсулотларни истеъмол қилиш ва сифатли сервис хизматларидан фойдаланишларига бевосита боғлиқдир.

## **КАЛАВА ИПЛАРНИ ҚАЙТА ЎРАШ ЖАРАЁНИДА ЎРАМА СИФАТИНИ ОШИРИШ**

*М. Аҳмедова катта ўқитувчи, У.Қ. Қосимов ассистент- АнДМИ*

Барча ривожланган мустақил давлатлар қатори, мустақил Ўзбекистонда ҳам маҳсулот экспортни асосий вазифалардан ҳисобланади, бугунги кунда экспорт маҳсулотлари ичида пахта толаси етакчи ўринлардан бирини сақлаб келяпти. Асосий бойлигимиз бўлмиш пахта толасини қайта ишлаш, олинадиган ипларни чет давлатга хом-ашё сифатида сотишдан кўра шу иплардан ўзимизда сифатли ип газламалар ишлаб чиқариш, пахта толасига бошқа табиий толалар ва кимёвий толалар аралаштириб янги ассортиментдаги газламалар яратиш имкониятларини излаб топиш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, тўқима ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар билан савдо қилишга эришиш, муаммоларини ҳал этиш ҳозирги кунда тўқимачилик мутахассислари олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Пахта толасидан калава ип олиш жараёни бир нечта муҳим технологик жараёнларни ўз ичига олади. Жумладан, титиш-саваш, тараш, пилталаш, йигириш ва қайта ўраш жараёнларидир.

Тўқимачилик саноатида ипларни қайта ўраш муҳим технологик жараёнлардан бири ҳисобланади. Чунки бу технологик жараёнларда ип йигирув машиналаридан олинадиган кичик ҳажмдаги ипларни катта ҳажмга ўтказилиши билан бир қаторда, ипларда йигириш жараёнида ҳосил бўлган нуқсонларини ҳам бартараф қилинади. Қайта ўраш машиналарида ҳосил қилинадиган ўрамаларнинг сифатига асосан ип таранглиги, ўрамани ўраш валига эзиш кучи, ўраш тезлиги каби омиллар таъсир этади. Ушбу қўйилган талаблар маҳсулот сифатини ошириш ва уни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга олиб келади. Бундан ташқари кейинги жараён маҳсулотини сифатига ҳам таъсир этади. Қайта ўраш ускуналарининг самарадорлигини ошириш ипларнинг сифатини яхшилаш, узиллишларни камайтириш, ускуналарни тўхтаб туришини қисқартириш ва қайта ўраш жараёнининг муқобил омилларини ўрнатиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Қайта ўраш жараёнидан мақсад, ип ўрамларини кейинги босқичларга

<sup>43</sup> И. Каримов «Бош мақсадимиз – кенг қуламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» «Халқ сузи» 2013 йил 19 январь № 13

мувофиклаштириб, яъни хажмини кўпайтириб, уни йўгонлиги бўйича текширилади, турли ифлослик(хас-чўп, чанг)лардан тозаланлади.

Тадқиқотларда аниқланишича ипнинг таранглиги ўраманинг сифатига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади. Аммо ип таранглиги ўраш жараёнида бир текис бўлишини ўрама сифатига қандай таъсир кўрсатиши кам ўрнатилган. Баъзи адабиётларда ип таранглигини мувозанатлаш (компенсациялаш) қурилмалари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, бу қурилмаларнинг конуструкцияси жуда мураккабдир. Бу қурилмаларни эса ишлаб чиқариш жараёнларига тадбик қилиш кийин масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги бозор иктисоди шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва таннархи арзон бўлган, ишлаши қулай ва содда конструкцияга эга бўлган қурилмалар яратиш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофик бўлади.

Биз тақлиф қилаётган ип таранглигини мувозанатлаш қурилмаси содда конструкцияга ва қўйидагича тузилишга эга. У битта горизантал ўкка жойлашган учта кўзгалмас валиклардан ва бу кўзгалмас валиклар орасида эса пружинали ричак кўринишидаги кўзгалувчан, ўз ўқи атрофида айланадиган валиклардан иборат.

У қўйидагича ишлаш принципига эга. Чувалаётган ип биринчи кўзгалмас валикдан иккинчисига пружина таъсирида кўзгалувчан валик орқали ўтади. Иккинчи ва учинчи кўзгалмас валиклар орасида ҳам ҳудди шундай кўзгалувчи валик бўлиб, ип шу орқали кўзгалувчи валикка, сўнг ип тахлаш механизмига ўтади.

Кўзгалувчи валиклар бир – бири билан тенг елкали ричаг ёрдамида бириктирилган бўлиб, уларга бир хил пружиналар ўрнатилган. Ипнинг таранглик қиймати ошиб кетганда олдинги кўзгалувчи валик юқорига кўтарилади ва иккинчи кўзгалувчи валикни эзди, яъни етарлича сўндирилмаган таранглик иккинчи кўзгалувчан валик билан текисланади. Агар таранглик етарлича қийматга эга бўлмаса унда иккала кўзгалувчан валиклар ўқи билан битта ўкда бўлади ва ип зарур тарангликни беради. Бизга малумки, қайта ўралаётган ипларда ғалтакдаги ипнинг диаметри ортган сари унинг зичлиги ҳам ортиб боради. Бу эса кўп ҳолларда ипнинг сифатсиз ўралишига асос бўлади. Ип таранглигини бир хил мувозанатда ушлаб туриш ипнинг диаметри ортганда ҳам ғалтакдаги ипларни ўралиш жараёнида сифатли бўлишини таъминлайди. Ишлаб чиқариш шароитида ипнинг таранглигини тензометр асбоби ёрдамида ўлчанади ва назорат қилиб турилади. Ип таранглигини бир хилда бўлишини таъминлаш кейинги технологик жараёнларда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

## **“ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ” ФАНИНИ ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ УСЛУБИ**

*А.Абдурахманов доцент, т.ф.и. АндМИ*

Ўзбекистон Республикасининг президенти И.Каримов жаҳонга ўзининг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан кириб борадиган юқори технологияларга эга бўлган қўшма корхоналар ташкил этилишига катта эътибор қаратмоқда. Бунга мисол тариқасида Асакадаги GM-Uzbekiston автомобил заводи, ҳамда шу завод маҳсулотларига бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган ўнлаб заводларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, локализация дастури бўйича яна бир

канча заводлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу корхоналарда ишлаш учун эса, хар томонлама етук мутахассислар таклиф этилади, чунки, ишлаб чикаришда мехнатни тартибсиз, амалдаги конун-қондалар, стандартлар ва кўрсатмаларга амал қилмасдан амалга оширилиши, нафақат жароҳатланиш ёки шикастланишни келтириб чикариши, балки айрим ҳолларда ўлимига ҳам келиши мумкин. Табиийки, бу инсонни ўзининг мехнат фаолиятидаги табиий, техник, антропоген, экологик ва бошқа турдаги барча хавфли факторлардан химоялашни илмий асосда ташкил этишни талаб этади. Айнан «Хавфли фаолият хавфсизлиги» фанининг асосий мақсади ва вазифалари ушбу масала ечимига қаратилган бўлиб, у фанининг ўз қонуниятлари, услублари ва принциплари асосида амалга оширилади. Аммо ушбу фанни ўрганишда кўпроқ умумий назарий билимлар берилмоқда. Юқорида келтирилган илғор технологияларга эга бўлган корхоналар салоҳиятидан кам фойдаланилмоқда, бунинг натижасида институтларни тамомлаган мутахассислар ишлаб чикаришга бориб, тўғридан-тўғри муҳандислар бажарадиган вазифаларни бажариб кетаолмаяптилар.

Лойиҳа мақсади:

«Хавфли фаолият хавфсизлиги» фанини илғор технологиялар асосида ўқитиш услубининг асосий мақсади бўлажак бакалаврларга инсоннинг хавфли фаолияти даврида юзага келадиган хавфли факторлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўллари, мехнат хавфсизлигини таъминлаш, ҳамда хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратиш бўйича назарий билимларни илғор педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш ва амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборатдир.

Юқоридагиларга мос ҳолда бўлажак бакалаврлар фанни ўрганиш давомида давлат стандартида кўрсатилганидек, қуйидагиларни назарий жиҳатдан ўзлаштиришлари лозим:

-мехнат хавфсизлигининг назарий асослари. Эргономика ва мехнат хавфсизлиги психологияси;

-мехнат хавфсизлигини таъминловчи асосий принциплар, услублар ва воситалар тизими;

хавфсизлик системаси, унинг тахлили ва оптималлаштириш дастурлари. Мехнат хавфсизлигини бошқариш асослари;

-мехнат хавфсизлигининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар, стандартлар системаси, низомлар, кўрсатмалар, қурилиш ва санитария меъерлари ва бошқа меъерий ҳужжатлар, уларни амалда ҳаётга тадбиқ этиш;

-ишлаб чикаришда мехнат хавфсизлигини таъминлаш, соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиш бўйича режали тадбирлар ишлаб чиқиш;

-ишлаб чикаришдаги бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш, уларни текшириш ва ҳужжатлаштириш тартиблари;

-мехнат хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, бахтсиз ҳодисалар сабабларини аниқлаш услубларини ўрганиш;

-хавфсиз мехнат шароитини таъминлашга қаратилган шахсий химоя воситалари билан ишчи-хизматчиларни таъминлаш тартиби ва улардан фойдаланиш йуллари;

-соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш бўйича санитар-гигиеник тадбирлар ишлаб чиқиш;

-ишлаб чиқаришдаги техника воситаларидан, машина-механизмлар, қурилмалар ва мосламалардан фойдаланишдаги хавфсизлик қоидаларини пухта ўрганиш;

-ёнгин хавфсизлиги: ёнгиннинг келиб чиқиш сабаблари, уни олдини олиш, ёнгинни ўчириш техника воситалари ва усулларини ўрганиш;

-жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби ва қоидаларини ўрганиш;

Талабалар фанни ўрганиш даврида маъруза, амалий, лаборатория ишлари ва мустақил ишларни бажариш давомида мана шу белгиланган кўникмаларни олишлари зарур. Мақсадга эришиш учун ўқув дастурларидаги мавзуларни қуйидаги ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш тавсия этилади.

### **Маъруза машғулотларини ташкил этиш.**

Маъруза машғулотларини ташкил этишда GM-Uzbekiston, Uz Dong Ju, Uz Tong Ho Ko, Uz Sem Yung, Uz Koram Ko ва шулар каби ўнлаб замонавий машинасозлик корхоналарида ҳар бир мутахассислик бўйича техника хавфсизлиги бўйича ҳамда, инсон хавфсизлигини таъминловчи ҳимоя воситаларини амалдаги қўлланиши тўлиқ ўрганилади ва видео тасмага ёзиб олиниб, касб ҳунар коллежи ва олий ўқув юртларида дарс машғулотларида фойдаланиш учун тарқатма материаллар белгиланган тартибда тайёрланади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш.**

Амалий машғулотларни ташкил этишда тайёрланган видеоматериаллардан, тарқатма фотоматериаллардан, ҳамда кўргазмали ўқув қўлланмаларидан фойдаланилади.

### **Лаборатория машғулотларини ташкил этиш**

Лаборатория машғулотларини бажариш берилган услубий кўрсатмани ўрганишдан бошланади. Машғулотларни ўтказиш учун мавзу бўйича ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроқлар, слайд ва видеоматериаллардан фойдаланилади. Лаборатория машғулотларини ўтказишда ишлаб чиқариш корхоналаридаги лабораториялардан ҳам фойдаланилади.

### **Мустақил ишларни ташкил этиш:**

Фанга оид ўлчовчи асбоб ускуналар билан танишиш ва улардан амалда фойдаланиш вазифаси қўйилади.

## **ҚАТТИҚ МУХИТДА ХРОМЛАШ**

*М.Ахмедова ката ўқитувчи З.Маматалиева ассистент- АндМИ*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин фан-техника ривожига катта эътибор берилди, айниқса, оғир саноат, металлургия ва машинасозлик жадал ривожланмоқда. Кўплаб ҳиссадорлик ҳамда қўшма

машинасозлик корхоналарининг ташкил этилиши Ўзбекистонга янги техника ва технологияни олиб келишга имкон берди. Саноатнинг бундан кейинги ривожланиши арзон, пухта, ишлатиш қулай бўлган янги-янги материалларни излаб топши, мавжуд материалларни хоссаларини яхшилаш ёки зарурий йўналишда ўзгартириш технологиясини яратишни талаб этади.

Кўпгина деталлар сирт юзасининг каттиклигини ошириш, коррозиябардош ва ейилишга чидамли қилиш, пулат хоссаларини яхшилаш мақсадида кимёвий термик ишловлар берилади ёки легирловчи элементлар билан бойитилади.

Кимёвий термик ишлов беришда химиявий актив мухит сифатида углерод, азот, хром, кремний ва бошқа бошқа элементлар ишлатилади. Кимёвий термик ишловда мухит малекулалари диссоцияланиб ажралаётган атомлар буюм сиртига диффузияланиб, каттиқ эритма ёки кимёвий бирикма ҳосил қилиб, каттикликни оширади. Бу усулда буюмларнинг сирт юза қатламини таркибининг ўзгариши мухит турига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги амалиётда энг кўп қўлланилаётган кимёвий термик ишлов турлари пулат юзасини углерод, азот, хром элементлари билан диффузион бойитилади.

Пулатдан ясалган машина воситаларининг юза қатлами таркибини ўзгартириш жараёни учта босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда диффузияланадиган элемент атомлари фаоллаштирилади. Бунда асосан ҳарорат ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунда фаолликни оширувчи қўшимча элементлар ҳам қўлланилиши мумкин.

Иккинчи босқичда диффузияланадиган элементлар юзадаги микротексикларга молекуляр яқинлашади, модификацияловчи элементнинг юзага адсорбцияланиши деб аталади.

Учинчи босқичда агага молекуляр яқинлашган фаол атомлар юзага шимилади, натижада заготовканинг юзасида диффузияланган элементлар қатламларининг таркиби ҳар хил бўлиб қолади. Кейин фаол атомлар металнинг ички қатламларига диффузиялана бошлайди.

Хромлашдан кўзда тутиландиган мақсад пулатдан ясалган деталлар сиртки қатламининг каттиклигини ва ейилишга чидамлилигини, коррозиябардошлик ва юқори температурада оксидланмаслик хоссаларини оширишдан иборат. Бундан ташқари оғир шароитда ишлайдиган деталларни коррозияга, иссиқликка, кислоталар таъсирига ҳамда ейилишга чидамлилигини ошириш мақсадида сиртки юзалари (Cr) хром ва бошқа элементларга тўйинтирилади.

Пулатдан ясалган машина воситаларининг юзалари хром элементи билан бойитилганда, юқори ҳароратда оксидланиб, куйинди ҳосил бўлишига қаршилиги ҳамда тажовузқор муҳитдаги зангбардошлилиги ортади. Агар буюм ўрта углеродли пулатдан ясалган бўлса, юза қатламининг каттиклиги ва ишқаланиб ейилишга қаршилиги ортади. Кўпинча сув паридида ишлайдиган арматуралар, клапанлар, вентиляторлар, патрубклар тайёрлашда, агрессив муҳитда ишқаланишга ишлайдиган буюм юзалари хромланади. Хромлашни суюқ, газ ва каттиқ муҳитда амалга ошириш мумкин.

Каттиқ муҳитда хромлаш қуйидагича амалга оширилади. Металл қутига аввало майдаланган 60-65% феррохром, 30-35% гил тупроқ, 3-6% хлорид кислота ёки аммоний хлориддан иборат аралашма қуқунлари 1/1 нисбатда олиниб

солинади, кейин мой, занглардан тозаланган пўлат буюмлар киритилгач, кути копкоғи беркитилади ва гил билан сувалади, сўнгра  $1000^{\circ}\text{C}$  ли печга киритилиб 20 соат тутиб турилади. Хромлаш жараёнида хром хлоридлар  $\text{CrCl}_2$ ,  $\text{CrCl}_3$  ҳосил бўлади. Уларни буюм сирти билан муносабатда бўлишида хром ажралиб, буюм сиртига ўтади.

Хромлашда темир юза каттиклиги (НВ) 250-300 МПа, пўлат каттиклиги 1200-1300 МПа га тенг бўлади.

Зангламас пўлатлар тайёрлашда котишма хром элементи билан легирланади. Хромли пўлатлар феррит, мартенсит ёки феррит-мартенсит структурага эга бўлади. Хромли зангламас пўлатларнинг структура ва хассалари хром ва углерод миқдорига боғлиқ бўлади. Хромнинг миқдори 12-14 % га етганда тургун хром оксид пардаси узлуксиз ҳосил бўлади. 13% хромга эга бўлган пўлат занглатувчи хаво мухит, денгиз суви, хатто бир қатор кислота ва ишқорлар ҳамда туз эритмаларида ҳам барқарор бўлади.

Углерод миқдори 0,4% бўлганда бўлганда хромли пўлат эфтектоиддан кейинги структура, яъни перлит-легиранган цементит-хром карбиддан иборат бўлади. Бундай пўлатларни тоблаш учун  $1000\text{...}1500^{\circ}\text{C}$  да қиздириб, мойда тобланади, сўнгра  $180\text{...}200^{\circ}\text{C}$  га қиздириб бўшатилади. Шундан кейин бу пўлатлар мартенсит тузилишини сақлаб қолади, каттиклиги ортиб, ишқаланишга чидамли бўлади.

Хром элементи билан легиранган пўлатларнинг 30Х, 40Х, 40ХФА, 38ХС, 30ХГС, 35ХТФ маркаларидан машина жихозлари деталларини тайёрлашда кенг фойдаланилмоқда.

**ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО ИНЖЕНЕРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ:  
ПРОГРЕССИВНАЯ ПЕДАГОГИКА И ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ  
ТЕХНОЛОГИИ**

**МЕТОДИКА ПРОЕКТИРОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННОЙ СТРУКТУРЫ  
ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ В ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

*В.В. Спасенников- д.п.н., проф. - БрянГУ, г. Брянск*

Оценка деятельности образовательной организации и ее структурных подразделений многоуровневая и многокритериальная. В качестве субъектов оценки могут выступать как звенья системы управления и представляющие их должностные лица, так и контрагенты: учредители, работодатели, студенты, магистры, аспиранты. Показатели, формирующие результаты оценки, должны быть детализированы на нижнем уровне системы управления образовательной деятельностью, затем их необходимо обобщать и агрегировать.

Концептуальная модель исследования качества инженерного образования и реструктуризации факультета экономики и управления Брянского государственного технического университета в государственную автономную научно-образовательную организацию «Институт экономики машиностроения и эргономики» представлены на рисунке 1.

В процессе исследования предполагается решить следующие основные задачи [1, 2]:

1. Реализовать более полную увязку рынка труда с рынком образовательных услуг;

2. Создать условия на местах постоянной адаптации студентов к социальному запросу востребованных инженерно-экономических и управленческих специальностей;

3. Использовать выгодное геополитическое положение региона при выборе специальностей (направлений) по подготовке выпускников;

4. Осуществить учет запросов потребителей в текущих и перспективных образовательных услугах (мобильность в системе подготовки специалистов);

5. Обосновать функциональную модель процесса оценки уровня образовательных услуг;

6. Осуществить декомпозицию контекстной диаграммы функциональной модели уровня образовательных услуг.

Для того, чтобы структурировать задачу оценки качества образовательной услуги, предлагается использовать минимаксный критерий [3], вычислять несоответствия или рассогласования (коэффициент  $\delta$ ) между тем, как оценивает качество образовательной услуги сам вуз, и тем, как её воспринимает целевой рынок в лице работодателей, как оценивают уровень своих знаний выпускники и какими они видятся работодателям, как потенциальные возможности вуза соотносятся с требованиями международных, региональных, местных стандартов.



Рис.1. Концептуальная модель реструктуризации на основе анализа качества образовательных услуг

Для того, чтобы результаты оценки были наглядны и удобны для анализа, целесообразно использовать матрицу (табл.1), в которую сводятся рассчитанные величины  $\delta_{ij}$  [4].

Таблица 1

Матрица оценки значений рассогласований

Субъект оценивания Объект оценивания		Студент $i=1$	Работодатель $i=2$	ВУЗ $i=3$	Стандарты		
					Международный $j=4$	Федеральный $j=5$	Местный $j=6$
Студент $j=1$		$\delta_{11}$	$\delta_{21}$	$\delta_{31}$	$\delta_{41}$	$\delta_{51}$	$\delta_{61}$
Работодатель $j=2$		$\delta_{12}$	$\delta_{22}$	$\delta_{32}$	$\delta_{42}$	$\delta_{52}$	$\delta_{62}$
ВУЗ $j=3$		$\delta_{13}$	$\delta_{23}$	$\delta_{33}$	$\delta_{43}$	$\delta_{53}$	$\delta_{63}$
Стандарты	Международный $j=4$	$\delta_{14}$	$\delta_{24}$	$\delta_{34}$	$\delta_{44}$	$\delta_{54}$	$\delta_{64}$
	Федеральный $j=5$	$\delta_{15}$	$\delta_{25}$	$\delta_{35}$	$\delta_{45}$	$\delta_{55}$	$\delta_{65}$
	Местный $j=6$	$\delta_{16}$	$\delta_{26}$	$\delta_{36}$	$\delta_{46}$	$\delta_{56}$	$\delta_{66}$

Данные из таблицы затем оформляются в виде матрицы коэффициентов, с помощью которых можно извлечь много полезной информации. Для определенности будем считать, что коэффициенты  $\delta_{ij}$  выражены в относительных единицах и что  $0 < \delta_{ij} < 1$ . Крайние значения отбрасываются как тенденциозные или являющиеся результатам погрешности исследования. Чем меньше  $\delta_{ij}$ , тем меньше рассогласование между тем, какими видят себя все заинтересованные стороны. Большое значение рассогласования говорит о претензиях сторон и является сигналом к внесению необходимых изменений в организацию своей деятельности. Таблица 1 показывает слабые места в вузе. Можно исследовать каждую  $\delta_{ij}$  в отдельности и по её величине судить о качестве заинтересовавшего показателя. Можно проводить попарную оценку рассогласований, (например, сравнивая  $\delta_{21}$  и  $\delta_{12}$ , судить о степени расхождения во взглядах двух противоположных сторон и сделать заключение о том, какими видят они друг друга). Сравнивая диагональные элементы таблицы с другими элементами строки или столбца, можно определить расхождение между самооценкой и оценкой сторонних наблюдателей. Чем меньше разница  $\Delta = \delta_{ji} - \delta_{ij}$ , тем объективнее оценка. Если  $\Delta$  велика, стоит преобразовать систему управления образовательной организации.

В процессе организации и приведения инновационно-обучающей игры на основе использования изложенного подхода был разработан проект организационной структуры научно-образовательной организации БГТУ «Институт экономики машиностроения и эргономики» (рис.2) [5].

Экономисты проявляют повышенную заинтересованность в решении организационных проблем в становлении и развитии экономической психологии, т.к. она у них выступает фундаментом для теоретических построений, тогда как для психологов – лишь одной из сфер практической реализации их исследований [5].

В институциональной экономике и экономической теории давно произошло признание того, что в основе экономических процессов лежат и психологические факторы. В психологических исследованиях так же присутствуют экономические интересы, социальные установки и диспозиции, при этом «белым пятном» (*terra incognita*) остаются психологические детерминанты экономического поведения. Конфликтный характер предметов данных дисциплин сохраняется до сих пор.

**Государственная автономная научно-образовательная организация  
высшего профессионального образования**

<b>ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ МАШИНОСТРОЕНИЯ И ЭРГОНОМИКИ</b>		
	Зам директора по НИР международным	Зам директора по учебной работе
<i>СВЯЗИ</i>		
<p><b>5. Кафедра экономической теории и инновационного менеджмента</b> Миссия: бакалавриат, специалитет, магистратура, координация системы непрерывной подготовки в связи с работодателями, повышение квалификации</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория информационных технологий, рекламы и связей с общественностью</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Докторантура: 08.00.01 – экономическая теория</li> </ul>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория маркетинга образовательных услуг</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аспирантура: 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством</li> <li>19.00.03 – психология труда,</li> </ul>
<p><b>4. Кафедра экономики машиностроения и организации производства</b> Миссия: бакалавриат, специалитет, корпоративное обучение промышленности и торговому делу</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория реинжиниринга и бизнес - процессов</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Докторантура: 08.00.10 – финансы, денежное обращение, кредит</li> </ul>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория корпоративного обучения в промышленности и торговле</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аспирантура: 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством</li> </ul>
<p><b>3. Кафедра эргономики, инженерной и экономической психологии</b> Миссия: бакалавриат, специалитет, магистратура, последипломное образование, подготовка аспирантов к преподавательской деятельности</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория экономической психологии и</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Докторантура: 05.13.01 – управление социальными и экономическими</li> </ul>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория эргономики и промышленной экологии</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аспирантура: 05.02.20 – эргономика в машиностроении</li> </ul>
<p><b>2. Кафедра философии, социологии, истории, естествознания, и техники</b> Миссия: довузовская подготовка, профессиональные классы в школах, бакалавриат, канд экзамены по философии</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория мониторинга демографических изменений и профориентации</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Докторантура: 22.00.03 – экономическая социология и демография</li> </ul>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория социологических исследований</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аспирантура: 19.00.05 – социальная психология</li> </ul>
<p><b>1. Кафедра иностранных языков и межкультурной компетентности</b> Миссия: дополнительное образование, связи с грантодержателями</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория конкурентной разведки, бенчмаркинга и технических переводов</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Докторантура: 10.02.19 – теория языка и психолингвистика</li> </ul>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>Лаборатория организации международного и культурного обмена</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аспирантура: 19.00.07 – педагогическая психология</li> </ul>

Рис.2. Проект организационной структуры института экономики машиностроения и эргономики

К примеру, в паспорте специальностей научных работников раздел «Психология экономических отношений» можно найти в специальности 22.00.08 – экономическая социология и демография. Аспиранты и соискатели, которые осуществляют экономико-психологические исследования, вынуждены защищаться по таким специальностям, как 08.00.01 – экономическая теория (экономические науки); 22.00.08 – экономическая социология и демография (социологические науки); 19.00.03 – психология труда, инженерная психология, эргономика; 19.00.05 – социальная психология (психологические науки) [6].

Основной сложностью в процессе реструктуризации факультета экономики и управления в институт является отсутствие необходимых партнерских отношений между ведущими кафедрами, а так же организационные сложности, связанные с выборными технологиями в управленческой команде (директора института и его заместителей). Целесообразно управленческую команду сформировать из разных структурных подразделений с учетом профессионально-квалифицированного уровня компетенций не только заведующих кафедрами, но и руководителей научно-исследовательских лабораторий.

Новая научно-образовательная организация должна осуществлять подготовку к оценочной деятельности, отслеживанию четкости исполнения команд на основе обеспечения всех участников процесса реструктуризации необходимой объективной информацией. Перспективными направлениями развития, представленной на рис. 4 оргструктуры, являются создание современной материально-технической базы лабораторий, структуры нормативно-правового обеспечения управленческой деятельности и мониторингового сопровождения качества учебного процесса.

#### Литература:

1. Речь Президента РФ В.В.Путина на расширенном заседании Государственного совета «О стратегии развития России до 2020 года» 8 февраля 2008 года. Москва. Кремль.
2. Ложкин, Г.В. Экономическая психология / Г.В.Ложкин, В.В.Спасенников. – Киев: ВД «Профессионал», 2009. – 400 с.
4. Марка, Д. Методология структурного анализа и проектирования: (SADT-методология) [текст] / Д. Марка, К. Мак Гоуен. – М.: Прогресс, 1993. – 282 с.
6. Экономическая психология инновационного менеджмента // Материалы Международной научно-практической конференции / под ред. В.И. Аверченкова, В.В. Спасенникова. – Брянск: БГТУ, 2010. –194 с.

**ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ СОХАЛАРИДА МУТАХАССИС ТАЙЁРЛОВЧИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРГЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЎҚУВ-МЕТОДИК АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ДАВЛАТ ТИЛИДАГИ АТАМАЛАРНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАҚИДА.**

*А.Б.Джумабаев т.ф.д., проф. -ТашДТУ, О.Ю.Жумаев, Ш.Н.Темиров -Ўзстандарт агентлиги “Ахборот-маълумот маркази” давлат корхонаси мутахассислари*

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб давлат тилига этибор хар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди. Таъқидлаш лозимки, сўнги йилларда ижтимоий соҳалардаги иктисодий, снёсий, маданий-маърифий, техник

тараққиёт ва янгилинишлар туфайли миллий адабий тилимиз *бизнес, брокер, инвестиция, интеграция, интернет, ипотека, кадастр, компьютер, консалтинг, контракт, лизинг, ноутбук, пейджер, принтер, сайт, саммит, сервер, файл, факс* сингари сўз ва терминлар билан бойиди.

Зарур талаб ва эҳтиёжлар сабабли хорижий сўз ҳамда терминларнинг қўлланиши мумкинлиги тўғрисида “Давлат тили хақида”ги қонуннинг 7-моддасида ҳам кўрсатиб ўтилган: “*Давлат ўзбек тилининг бойишлиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди. Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий қилинади*” [1].

Мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳам қатор маъруза ва асарларида мутахассислар, жумладан тилшунослар олдига замонавий терминологик тизимларни тараққий эттириш, мавжудларини такомиллаштириш, эквиваленти мавжуд бўлмаганларини илмий жиҳатдан асосли ишлаб чиқиш муаммоларини қўяр экан, жумладан, шундай таъкидлайди[2]: “*Фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий лугатлар тузиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз*”.

Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида ҳам турли соҳаларга оид терминология акс этган. Масалан, *банк активлари, диверсификация, инвестиция, инновация, инфратузилма, коммуникация, конъюнктура, корпоратив манфаат, кредит институтлари, ликвидлик, модернизация, прогноз, сальдо* ва ҳоказо.

Терминлар фан-техниканинг жаҳон миқёсида ривожланишига боғлиқ ҳолда халқаро мазмунга эгаллиги, қулайлиги ва жамият аъзолари учун тушунарли эканлиги билан муҳимдир. Масалан, *глобал, жалюзи, интернет, компьютер, цунами*.

Терминларни қўллашда *гуруҳ* группа, *дастур* программа, *иктисодиёт* экономика, *кукун* порошок, *матн* текст, *маъруза* доклад, *меъёр* норма, *меъёрий* норматив, *муаллиф* автор, *муҳр* печать, *назорат* контроль, *режа* план, *талаба* студент, *таркиб* состав, *фуқаро* граждандан деб ўзилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ва аксинча, *банкир* банкчи, *бизнесмен* бизнесчи, *ипотека* гаровга қўйиш, *кредит* ажратма маблағ, *монополия* яқка ҳокимлик, деб қўлланиши ҳам тўғри эмас. Умумистеъмолдаги сўз сифатида қўллаш мумкин, аммо термин тарихида *банкир, бизнесмен, ипотека, кредит* терминларидан фойдаланиш лозим.

Чет эл тилларидан сўз ва терминлар қабул қилинганда маълум меъёр сақланиши лозим. Лекин ўзбек тилига кириб, ўзлашиб бўлган ҳар қандай хорижий сўз ёки терминга муқобил излаш шарт эмас. Уларни асл ҳолича қўллаш керак. Масалан, *аудит* (аудит буюртма, аудит буюртмачи, аудит бўйича гуруҳ, аудит

бўйича ўтказиладиган ҳаракат ва тадбирлар, аудит далил, аудит кузатив, аудит натижа, аудит режаси, аудит таҳлил, аудит ҳажми ва бошқ. ), *градация* (градацияни пасайтириш), *зооветеринария* (“зооветеринария” ихтисослиги), *зоотехнология* (зоотехнологик курс), *иерархик* (иерархик муносабат, иерархик тизим), *иерархия* (иерархия доирасида), *метрологик* (метрологик тавсиф, метрологик тасдиқлаш, метрологик хизмат), *партитив* (партитив боғланиш, партитив муносабат), *пластинка* (икки пластинкали, уч пластинкали), *семинар* (халқаро семинар), *стандарт* (ягона Давлат стандарти), *стратегия* (стандартлаштиришни ташкиллаштириш стратегиялари), *субординат* (субординат тушунча), *суперординат* (суперординат тушунча), *схема* (конструктив схема, функционал схема), *ячейка* (сигимли ўлчаш ячейкалари) ва ҳоказо.

Терминология, жумладан, илмий-техник терминология, асосан, муайян бир фан соҳалари мутахассислари учун хизмат қилади. Айрим хорижий сўз, муайян бир предметнинг номини ифодалаганда, унинг ўрнида миллий адабий тилда муқобили бўлган сўз қўлланилса, ўша хорижий сўз фан, техника, касб-ҳунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси, атама, яъни термин мазмунини англатса, ушбу хорижий сўзнинг ўзи қўлланиши лозим. Масалан, **товар** сўзининг эквиваленти сифатида *махсулот* сўзи қўлланса-да, **товаршунослик** сўзи ўрнида *махсулотшунослик* сўзини қўллаб бўлмайди.

Интернационал терминларни таржима қилиш ёки унга эквивалент қидириш терминологик синонимиянинг аралаш тури юзага келишига олиб келади. Масалан, *анкета* – сўровнома, *бизнесмен* – ишбилармон, *бухгалтер* – ҳисобчи, *вексель* – қарз бериш, *гарантия* – кафолат, *дебитор* – қарздор, *дефицит* – тақчил, *дилер* – ишбилармон воситачи, *инвестор* – узок муддатга қарз берувчи, *инфляция* – пулнинг қадрсизланиши, *ипотека* – гаровга қўйиш, *капитал* – маблағ, *кредит* – ажратма маблағ, *кредитор* – қарз берувчи, *лизинг* – ижара шартномаси, *лимит* – чекли миқдор, *лицензия* – рўхсатнома, *маклер* – воситачи, *менеджер* – иш бошқарувчи, *облигация* – қимматли қоғоз, *ревизия* – тафтиш, *ревизор* – тафтишчи ва бошқалар.

Ҳозирда *веб-сайт*, *глобал*, *чат*, *е-майл*, *маркетинг*, *минимаркет*, *пластик карточка*, *супермаркет* каби тилимизга кириб келаётган неологизмлар ҳам терминларга айланмоқда.

Махсулотларнинг сифати, уларни сотишдан олинадиган даромад ҳамда бевосита фойда олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки махсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот саналувчи реклама матнларини яратиш фаолияти ва амалиётида ҳам *адресант*, *адресат*, *биллборд*, *брэндмауэр*, *видеореклама*, *виртуал реклама*, *импорт рекламаси*, *Indoor* – *ички реклама*, *копирайтер*, *копирайтинг*, *SEO-копирайтинг*, *пиллар*, *призборд*, *призматрон*, *реклама сумкаси*, *реклама штемпели*, *рерайтинг*, *реципиент*, *ситилайт*, *слайд фильм*, *слоган*, *суперсайт*, *твивижн*, *троллер*, *ультравивижн*, *экспорт рекламаси*, *электртабло* сингари махсус терминлар кенг қўлланади.

Замонавий визуал (кўрув) реклама воситаларини англатувчи *биллборд*, *брэндмауэр*, *ситилайт*, *троллер* терминлари кўпчилик ўқувчилар учун янги атамалар саналади. “*Биллборд*” (инг. *bill board* - «эълон тахтаси») маъносини

англатади) – реклама плакати жойлаштириладиган алоҳида рекламаси тахтаси, “*брендмауэр*” (инг. *brandmower* “ - ташқи реклама” маъносини англатади) – йирик плакатлар ёки бино деворларидаги тахталавҳалар, “*ситилайт*” (инг. *Citylight* – “*ёруғликли реклама*” маъносини англатади) – йўлка (тротуар)ларда, транспорт воситалари бекатларида ўрнатиладиган паннолар, “*троллер*” (инг. *troll* – «овчи» сўзидан олинган) – икки томонлама реклама қурилмаси. Шаҳар кўчаларида, катта автомагистрал йўлларида ўрнатилади. Ичидан ёритилиб, кечки қоронғуликда жуда самарали таъсир кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, юқорида зикр этилган сўз ва сўз бирикмалари – атамаларда кўп марта ҳар хил мазмунда такрор келган “реклама” сўзининг тўла эквивалентини топиш кийин. Шунинг учун реклама терминини муомалада тўғридан-тўғри таржимасиз қабул қилиниши нафақат сўз бойлиги учун янги уйғунлашган термин бўлиб хизмат қилади, балки таржима жараёнларини соддалаштириш эвазига қулайлик келтиради ва асл мазмунини тўла сақланишига имкон яратади.

Замонавий матбуотда инглиз тилидаги герундий шаклини ўзида ифодаловчи – *инг* қўшимчаси билан ясалган, масалан, *боулинг* (шар, шарлар билан ўйнаш), *дайвинг* (сув остида сузиш), *лифтинг*, *роуминг* ҳамда – *ер* қўшимчаси билан ясалган, масалан, *байкер* (велосипедчи, мотоциклчи), *брокер*, *дайвинг* (сув остида сузишни яхши кўрувчи, водолаз), *миксер* (аралаштирувчи ускуна), *постер*, *ростер* (ковурмоқ), *шейкер* (коктейль тайёрланувчи ичак) сингари от гуруҳидаги **неологизмлар** (янги сўзлар), яъни кейинчалик терминларга айланувчи сўзлар фаол қўлланмоқда.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, ижтимоий-маданий ҳаёт, фан, техника, технология ва ишлаб чиқариш жараёнлари йилдан-йилга тараққий этиб, янада ривожлана боргани сари янги тушунчаларни ифодаловчи турли хил сўз ва терминлар вужудга келиб, улар ўзбек тилининг ички имкониятлари ҳамда хориж тилларида ўзлаштирилган янги терминлар ҳисобига бойиб бориши зарурий қонуниятдир. Демак, терминологияни такомиллаштириш масалалари даврга ҳамоҳанг равишда оптимал ечимларни топиб бориши керак.

“Ўстнадарг” агентлиги “Ахборот-маълумот маркази” давлат корхонасида олиб борилаётган И-2012-52 инновацион грант бажарилишида бу масала маълум даражада ўз ечимини топади.

Муаллифлар мазкур мақола юзасидан анжуман жараёнида билдирилган танқидий фикр - мулоҳаза ва таклифларни инобатга олишдан мамнун бўладилар.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни (янги таҳрирда). Иш юритиш (амалий қўлланма, 2-нашри). Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2003. 437-бет.

2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2008. 87-бет.

3. Мухаммад аль-Бухари. Рекламоведение и международные связи с общественностью. Ташкент, НУУз. 2009.

## ИНГЛИЗ ТИЛИДА ПРЕДЛОГЛАР ВА ПРЕДЛОГЛИ КОНСТРУКЦИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

*Мирзаева Н.С. - АндМИ катта ўқитувчиси*

Маълумки, инглиз тили ўрганувчилар учун предлоглар ва уларнинг бошқа сўз туркумлари (от, феъл) билан бириктиш конструкциялари қийинчилик туғдиради. Ушбу қийинчиликни ҳисобга олган ҳолда, мен ўз мақоламни инглиз тили ўрганувчилар учун предлог ва предлогли конструкцияларни осон ўрганиш йўллари очиб беришга ҳаракат қилдим.

Одатда, предлог от, олмош ва бошқа сўзлар ўртасидаги алокани ифодалайди. Ўзбек тилида предлоглар йўқлиги учун, улар англатган маъносига кўра келишик, эғалик кўшимчалари ва кўмакчи сўзлар орқали келади. Шунинг учун ҳам предлоглар англатган маъноларига ва уларнинг бошқа сўзлар билан берилишига эътибор берилиши даркор. Предлог урғу олмайди ва ўзи қарашли бўлмаган сўз олдида келади. Лекин предлог ўзи қарашли бўлган сўздан ажратилиб, гап ёки эрғаш гапнинг охирига қўйиладиган ҳоллар ҳам учрайди.

- In the automobile assembly plant such systems have reached a highly-developed form.

Автомобилларни йиғув заводида ўша тизимнинг юқори ривожланган шаклига эришиди.

Предлогларнинг морфологик структурасига кура:

1. Simple (соғда) - at, in, on, for, about, from, with.
2. Derivative (ясама) - behind, across, along.
3. Compound (қўшма) inside, without, outside.
4. Composite (составли) - in front of, because of, in accordance with.

Маъносига кўра предлоглар одатда жой ва йўналишни, пайтни ва абстракт муносабатларни ифодаловчи предлогларга бўлинади. Юқорида айтилгандек предлоглар кўп вазифага эга. Бу дегани бир ёки айнан ўша предлог фойдаланиш мазмунига боғлиқ ҳолда турли мазмунга эга бўлиши мумкин. Мисол учун.

1. Оп предлоги кўп ҳолларда жой ва йўналишни ифодайди.

Put your hands on the table! - Қўлингиз стол устига қўйинг.

Лекин айрим предлоглар мазмунига кўра таржима қилинади.

I work at the factory. - Мен заводда ишлайман.

2. Саналар, ҳафта кунлари орқали пайтни ифодаланганда.

- I'll meet you on Sunday. - Мен сиз билан шанбада кўришаман.

The independence day is widely celebrated on the 1st of September every year.

Мустақиллик байрами ҳар йили 1-сентябрда кенг нишонланади.

3. Турли хил предлогларни қайсидир бир сўз билан бириктиш конструкцияси сўзнинг маъносини ўзгартириб юборади.

- to bring - олиб келмок

- to bring up - тарбияламок

- to bring about - амалга оширмок

Маъносига кўра предлоглар:

- жой ва йўналишни (in, on, to, under, below, between, along, among.)

- пайтни - (after, before, at)

- абстракт – муносабатларни (by, with, because, of) ифодаловчи предлогларга бўлинади.

Жойни ифодаловчи предлогларнинг мазмуни қандай? Бу ҳолат предлогларнинг ишлатилиши жойнинг хажмига боғлиқ.

in – предлоги жуда катта ёки жуда кичик жойларга нисбатан ишлатилади.  
in the country; in the state, region, province; in the city; in the street; (Британия варианты)

оп предлоги ўртача хажмдаги жойларга нисбатан қўлланилади on the street (Америка варианты) on the corner of the street; on the shore, bank, coast; on the river; on the ship; on the train; on the plane

at предлоги – харитадаги нукта ёки аниқ адресга нисбатан ишлатилади. at 35, Carnival Drive

Пайтни ифодаловчи предлоглар at, till, after, before, during ва бошқалар ҳисобланади.

at two o'clock – соат иккида

before Sunday – яшанбадан олдин.

before meeting – йиғилишдан аввал.

before lesson – дарсдан аввал.

till six o'clock – соат олтигача

till the morning – эрталабгача

till Tashkent – Тошкентгача

after two years – икки йилдан сўнг.

after summer – ёздан сўнг.

during his visit to Uzbekistan – унинг Ўзбекистонгача қилган сафари давомида.

Баъзи предлогларнинг лексик маъноси аниқ ва конкретдир бу предлоги икки икки маънода ишлатилади. He stood by the windows – У дераза ёнида турар эди. They were sitting by the fire – Улар олов ёнида ўтирар эдилар. This book was written by an English writer. – Бу китоб инглиз ёзувчиси томонидан ёзилган.

Лексик маъноси кучсизланган предлоглар ҳам мавжуд. With предлоги айрим ҳолларда against, opposite, in spite of каби маъноларни ҳам билдиради.

Don't write with a pencil, write with a pen. - Қалам билан ёзма, ручка билан ёзинг. His face became pale with fear. - Қўрқинчдан унинг юзи оқариб кетди. He fought with the wolves. - У бўрилар билан биргаликда курашган. With all his faults I like him. - Унинг барча камчиликларига қарамадан мен уни ёқтираман.

Демак, предлог ва предлоги бирикмалардан самарали фойдаланиш учун инглиз тили ўрганувчилар қуйидагиларга асосий эътиборини предлогларни жуда яхши ёд билиши, бошқа сўз туркумларининг предлоглар конструкциясини луғат ёрдамида тушуниши, таржима жараёнида инглизча асл нусха мазмунан бир-бирига мос тушишига эътибор қаратмоғи даркор.

## ЧЕТ ТИЛЛАРИ ДАРСЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Н. Мирзаева- АндМИ катта ўқитувчиси*

Ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини танлаб олган Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасини ҳам собит кадамлик билан ислоҳ қилиб бормокда. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»

кабул қилинган бу борадаги ишлар кенг қўламга эришди. Бугунги кунда чет тилларни ўқитиш ва ўргатиш давр талабларидан бирига айланган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан чет тилини ўқитишни такомиллаштиришда ижобий ўзгаришлар содир бўлаётганлигига амин бўлмоқдамиз. Шу мақсадда биз ўқитувчилардан инглиз тилини ўқитишда интерактив дарсларни ташкиллаштириш ва уларни технологик харитасини тузиб чиқиш вазифалари қўйилмоқда.

Тил ўрганиш кишилиқ жамиятида бағоят муҳим соҳалардан ҳисобланади. Мулоқат воситаси бўлмиш тилни табиий муҳитда ёки уюшган ҳолда амалий ўрганиш мумкин. Тил ходисаларига оид билимларни олиш назарий жиҳатдан ўрганилади. Маълумки, чет тилини ўрганиш ва ўргатиш муайян жиҳатлари билан она тилидан кескин фарқ қилади. Бу эса ўз навбатида, инглиз тилини ўқитиш технологиясини талаб қилади.

Она тилига ноқардош бўлган тилларни ўргатишда айрим қийинчиликлар пайдо бўлади. Бу қийинчиликларни бартараф этишда ўқитувчилар томонидан янги услублар, илғор технологиялар қўлланилмоқда. Чет тилларини ўргатишда педагогик технологияда эришилган ютуқлардан ва бу борадаги ўқитиш амалиётида эришилган тажрибадан фойдаланиш кўп жиҳатдан чет тилини ўқитиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, чет тилини ўқитишда дарсда технологик жараён нуқтаи назардан келиб чиқиб лойихалаштиришни талаб этади. “Лойихалаштириш” дейилганда материални маълум бир кетма-кетликда ўқув жараёнига киритиш, талабаларни ўрганилаётган мавзуга йўналтириш, ўрганиш жараёнида улар хотирасининг ички резервларида фойдалана билиш, улар қобилиятлари, кизиқишлар, истак-хохишларини ҳисобга олган ҳолда фаоллаштириш ва шу қабилар тушунилади.

Умуман олганда, ҳар бир дарс ҳар қандай талабанинг онгида бир умрга эсда қолади, вақти келиб уни қачонлардир таҳлил қилишга, мазмунини чақишга ундайди.

Маълумки, ҳар бир дарс, фан ёки мавзунини ўрганишда ўзига хос технология, метод ва воситаларни танлаш ва фойдаланишга тўғри келади. Ўқитиш жараёнида юқори натижага эришиш учун дарс жараёнини олдиндан лойихалаштириш зарур.

Лойихалаштириш жараёнида ўқитувчи предметнинг ўзига хос томонларини, ўқув жойини ва шароитини, талабаларнинг эҳтиёжларини ва имкониятларини, билим савиясини, шароитга қараб ишлатиладиган технологияларни танлаши керак.

Ўқитувчи ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиши ва уни тасаввур этиши учун ҳам бўлажак дарс жараёни лойихалаштириш керак. Бунда дарснинг технологик харитасини туза билиш жуда муҳимдир, чунки дарснинг технологик харитаси дарснинг кизиқарли бўлиши учун асосий восита ҳисобланади ва дарс талабалар эгаллаши лозим бўлган билимларнинг кафолатлинишига ёрдам беради.

Нофилологик олийгоҳ талабаларига чет тилларни ўргатишда ўзига хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда машғулларни лойихалаштириш даркор. Бундай олийгоҳларда ўқув режасига биноан ҳафтасига тўрт соатлик машғуллар олиб борилади.

Нофилологик олийгоҳларда чет тили ўқитишнинг мақсади – талабаларни умумқиссий ва техник терминлар, кискартмалар ва бошқа сўзлар билан таништириш, уларнинг оғзаки нутқини тушуниш кўникмаларини, чет тилида ҳар хил қоғозларини, хатларни ёзиш тажрибасини ўстириш, умумий тил кўникмаларини ривожлантириш, ўз мутахассисликларига оид мавзуларда адабиётларни ўқиш, суҳбат қилиш, таржима қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Чет тили дарсини ташкил этишда янги педагогик технологиялар асосида ҳамда компьютер технологиялари аудио, видео материаллари билан талабаларни билимларни ривожлантириб бориши мумкин. Асосий мақсад талабаларни оғзаки нутқини ривожлантиришдан иборат.

## VERBS - AN OVERVIEW

*M.I.Ibragimova- Andijon machine – building Institute*

Verbs are class of words used to show the performance of an action (do, throw, run), existence (be) possession (have) or state (know, love) of a subject. To put it simply a verb shows what something or someone does. Most statements in speech and writing have a main verb. These verbs are expressed in tenses which place everything in a point in time. Verbs have moods, which indicate the viewpoint of the verb, whether it is a fact, a command or hypothetical. Verbs have a voice too. The voice shows whether the subject of a sentence is carrying out an action, or is having an action carried out on it. Verbs are conjugated (inflected) to reflect how they are used. There are two general areas in which conjugation occurs; for person and for tense. Conjugation for tense is carried out on all verbs. All conjugations start with the infinitive form of the verb. The infinitive is simply the *to* form of the verb For example, *to begin*. The present participle form (the *-ing* form), is formed by adding *ing* to the bare infinitive. For example, the present participle of the verb *to begin* is *beginning*. There are two other forms that the verb can take, depending on the tense type and time, the simple past form (*began*) and the past participle (*begun*). Conjugation for person occurs when the verb changes form, depending on whether it is governed by a first, second, or third person subject. This gives three conjugations for any verb depending on who is acting as the subject of the verb. For example, we have: *to begin*, *you begin*, and *he begins*. Note that only the third conjugation really shows a difference. While most English verbs simply do not show extensive conjugation forms for person, an exception is the verb to be.

### Action Verbs

Action verbs are verbs that show the performance of an action. They are dynamic verbs that show something happening. There are regular and irregular action verbs. For example: To walk is a regular action verb - see example. To run is an irregular action verb - see example.

### Auxiliary (Helping) Verbs

Auxiliary means functioning in a supporting capacity, and that is exactly what these auxiliary verbs do, which is why they are also known as helping verbs. They are used together with a main verb to give grammatical information and therefore add extra

meaning to a sentence; information that is not given by the main verb. They are used to form the passive voice. They are used to form the continuous tense. They are used to form the perfect tense. Be, Do and Have are auxiliary verbs, they are irregular verbs and can be used as main verbs. The verbs 'to be' and 'to have' are the most commonly used auxiliary verbs and work alongside the main verbs in any statement.

Modal verbs are also auxiliary verbs, but will be treated separately, these are can, could, may, might, must, shall, should, will, and would, they differ from the others in that they can never function as a main verb

### **Verbs - Finite / Non Finite**

#### ***Finite Verbs***

A finite verb (sometimes called main verbs) is a verb that has a subject, this means that it can be the main verb in a sentence. It shows tense (past / present etc) or number (singular / plural).

*For example:-*

I live in Germany. (*I* is the subject - *live* describes what the subject does - *live* is a finite verb).

#### ***Non-Finite Verbs***

A non-finite verb has no subject, tense or number. The only non-finite verb forms are the infinitive (indicated by to), the gerund or the participle.

*For example:-*

I travelled to Germany to improve my German. (*To improve* is in the infinitive form).

### **The Main Verb**

Sometimes there is more than one kind of verb in a sentence. There are auxiliary verbs, modal verbs, and main verbs (sometimes called full or non-auxiliary verbs). The main verb expresses the main action or state of being of the subject in the sentence and changes form according to the subject (singular, plural, 1st person, 2nd person, 3rd person). Most statements in speech and writing have a main verb. The main verb changes its form according to the verb form (perfect tense, past tense, simple tense etc).

### **What is a Phrasal Verb?**

A phrasal verb is a combination of a verb and preposition, a verb and an adverb, or a verb with both an adverb and a preposition. A phrasal verb has a meaning which is different from the original verb. That's what makes them fun, but confusing. You may need to try to guess the meaning from the context, or, failing that, look it up in a dictionary. The adverb or preposition that follows the verb are sometimes called a particle. The particle changes the meaning of the phrasal verb in idiomatic ways. They are also known as 'compound verbs', 'verb-adverb combinations', 'verb-particle constructions', "two-part words/verbs" and 'three-part words/verbs' (depending on the number of words). Phrasal verbs are usually used informally in everyday speech as opposed to the more formal Latinate verbs, such as "to get together" rather than "to congregate", "to put off" rather than "to postpone", or "to get out" rather than "to exit". They should be avoided in academic writing. Some linguists differentiate between phrasal verbs and prepositional verbs, while others assume them to be part of one and the same construction, as both types are phrasal in nature. So, unless you want to become a linguist, don't worry about it.

## THE TEACHER'S ROLE IN COMMUNICATIVE ACTIVITIES

*M.I.Ibragimova- Andijon Machine – Building*

Communicative activity provides opportunities for positive personal relationships to develop among learners and between learners and teacher. These relationships can help to "humanize" the auditorium and to create an environment that supports the individual in his efforts to learn.

Especially in the more creative types of activity, unnecessary intervention on the teacher's part may prevent the learners from becoming genuinely involved in the activity and thus hinder the development of their communicative skills. However, this does not mean that once an activity is in progress, the teacher should become a passive observer. His function becomes less dominant than before, but no less important. For example:

- If learners find themselves unable to cope with the demands of a situation, the teacher can offer advice or provide necessary language items. If student cannot agree on any point, he can resolve their disagreement. In other words, he is available as a source of guidance and help. His presence in this capacity may be an important psychological support for many learners, especially for those who are slow to develop independence.

- While learners are performing, the teacher can monitor their strengths and weaknesses. Even though he may not interfere at the time, he can use weaknesses as signs of learning needs which he must cater for later, probably through more controlled, pre-communicative activities. In this way, he can maintain a constant link between pre-communicative and communicative activities in the course, each type reinforcing and providing input to the other.

- There may be occasions when the teacher decides to exercise a more immediate influence over the language used. Most obviously, he may need to discourage learners from resorting to their mother tongue in moments of difficulty. He may also decide that a particular error is so important that he must correct it at once, to prevent it from becoming fixed in the learners' speech.

In making the above points, I have assumed that the teacher has no direct role in the activity. There will also be activities, of course, in which the teacher can take part as a 'co-communicator'. Provided he can maintain this role without becoming dominant, it enables him to give guidance and stimuli from 'inside' the activity.

One of the most obvious features about the development of communicative ability (so obvious, indeed, that it can easily be ignored) is that occurs through processes inside the learner. The teacher can offer the kinds of stimulus and experience that these processes seem to require, but has no direct control over them. There is evidence, in fact, that whatever the teacher does to influence the course of development, the learner will attempt to follow a sequence of learning determined by his own natural processes (or 'internal syllabus'). If we look at foreign language learning as it occurs in the natural environment, it also becomes clear that these processes can work without any teacher at all, so long as the environment provides the necessary stimuli and experience. The most essential of these seems to be communicative purposes.

This does not mean that teachers are not necessary, because the classroom is not the natural environment: unless the language classroom is intentionally structured, it will not provide learners either with adequate exposure to the foreign language or with

adequate motivation to communicate through it. However, the teacher must be prepared to subordinate his own behavior to the learning needs of his students. This includes recognizing that learning does not only take place as a direct result of his own instruction. There are some aspects of learning that can take place more efficiently if, once he has initiated an activity, he takes no further part in it, but leaves full scope to his students' spontaneous learning processes.

## ЧЕТ ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА КОММУНИКАТИВ УСУЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

*Ибрагимова М.И. —АндМИ ўқитувчиси*

Ёш авлодни интеллектуал салоҳияти юксак, маънан етук, жисмонан соғлом ва малакали кадрлар қилиб тайёрлаш давлатимиз сиёсатини устувор йўналишларидан биридир. Юртбошимиз: “Биз таълим тизимида ёш авлодни нафакат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, аини пайитгда, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги кунда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шarti хисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз”, дея таъкидлади.

Маълумки, ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи-янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш, таълимдаги ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, таълимнинг ноанъанавий турларини яратиш ва уни ривожлантиришдан иборатдир.

Технологияларнинг асосий мақсади - ўқитувчи ижоди орқали ноанъанавий дарсларни ташкил этиш ва таълим самарадорлигини оширишдир. Ўқув фаолиятини коммуникатив топшириқлар орқали уюштириш каби янги педагогик технологиялар ҳам талабаларнинг ўқув фаолиятини оширишнинг бош омилларидандир.

Интерфаол усуллар дейилганда, хорижий тилларни ўргатишда талабаларнинг ўзаро ўқув фаоллигини, билимларни мулоқот жараёнида ўзлаштирилишини таъминлайдиган машқлар, усул ва воситалар тушунилади. Бугунги кунда коммуникатив таълим айнан ана шу мақсад ва вазифаларга жавоб бера оладиган методик система сифатида тан олинган. Шундан келиб чиққан ҳолда чет тили машғулотларида муайян мавзуну коммуникатив усулларда қуйидаги босқичларда ташкил қилиш мумкин.

1. Тайёрлов босқич. Бу босқичда ўқитувчи мавзу бўйича тушунтирилиши лозим бўлган янги сўз ва ибораларни аниқлайди. Уларни коммуникатив вазиятларда тушунтиришга мўлжалланган коммуникатив топшириқлар тайёрлайди. Коммуникатив топшириқ ичидаги сўзни ёки бутун бир жумлани таржимасиз тушунишга ёрдам берадиган аудио-визуал воситаларни эмоционал ва экстроллингвистик воситаларни тайёрлайди. Шунингдек, мустақил иш жараёнида биргаликда ишлайдиган талабалар жуфтликлари ва гуруҳлари белгиланади.

2. Коммуникатив топшириқлар орқали янги сўзларни тушунтириш босқичи. Ўқитувчи ҳар бир коммуникатив топшириқни юқоридаги усуллардан фойдаланиб, тушунтиради.

3. Кўп марталик такрор оркали ҳар бир коммуникатив топширикни мустаҳкамлаш ёки автоматлаштириш босқичи. Бу босқич ўқув машғулоти жараёнида, ўқув лабораториясида ва уйда ўтказилиши кўзда тутилади. Ҳар бир талабалар жуфтлигига карточкалар тарқатилади. Ўқитувчи коммуникатив топширикни қандай бажаришни яна бир бор кўрсатиб, жуфтликларга ўзи бажарган ҳар бир нутқий ҳаракатни такрорлаш лозимлигини таъкидлайди. Талабалар жуфтликлари ўқитувчи гапирган оҳангни, бажарган ҳаракатларни, кўрсатган аудио-визуал воситалардан фойдаланиб, такрорлаб гапиришни машқ қилади. Кўп марталик такрор гапириладиган жумланинг тасдиқ, инкор, сўроқ формаларда гапиришни ўрганиш оркали давом эттирилади. Талабалар топширикларни дастлаб ўз карточкаларига қараб, кейинчалик қарамасдан бажаришга ўрганадилар.

4. Ўрганилган коммуникатив топширикларни ўқув лабораториясида мустаҳкамлаш босқичи. Талабалар машғулотлардан ташқари вақтда ўқув лабораториясига келиб, машғулот жараёнида ўзлаштирилган топширикларни видео ёки магнит лентасига ёзилган вариантни эшитадилар ва ҳар бир топшириқдан кейин қолдирилган паузаларда эшитилган гапга тасдиқ, сўроқ ва инкор формаларда жавоб беришни машқ қиладилар.

5. Уйга вазифани тушутириш босқичи. Ўқитувчи бу босқичда талабаларга машғулот жараёнида ўрганилган коммуникатив топширик асосида мавзунинг дастлабки матнини ёзиб келишни топширади. Бу ўринда ўқитувчи вазифани жуфтликлар ҳамкорлигида бажаришга ҳам ижозат бериш мумкин. Чунки ҳамкорликда бажарилган иш ўзаро хатоларни тўғрилашга олиб келади. Бундай вазифа талабаларга топширикни яна бир марта ёзма шаклда мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Чет тилларини ўрганиш талабаларнинг дунёқарашига ўз таъсирини ўтказди, касбий малакаларини шакллантиришга, ривожлантиришга ҳамда такомиллаштиришга ёрдам беради. Талабаларни жамиятимиз ривожланишига ҳисса қўшадиган қомил инсон бўлиб етишишида жуда катта аҳамиятга эга.

## **ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ЛУГАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

*Н.Нурматова-АндМИ ассистенти*

Луғатлар- тил ўрганишининг асосий воситаси ва улар жуда мураккаб, биз ўйлагандан кўра ишлатишга қулайдир. Луғатлар маълум микдордаги сўзларни ўзида мужассам этган ва алифбо тарзида жойлаштирилган китобдир. Улар сўз маъноларини тушунтириб, у ҳақида тўлиқ маълумот беради. Луғатлардан фойдаланиш тилимизнинг ривожига катта ҳисса қўшади. Биз луғат билан ишлаш жараёнида кўглаб сўзларни ва ибораларни ўрганамиз, бизнинг сўз бойлигимиз, нутқимиз ошади. Кўп талабалар луғатдаги ҳарфларни ўқишлигини, сўзлар маъносини, сўзларни қандай ишлатиш ҳақидаги маълумотларга бефарқ бўлишади ва луғатлардан қандай фойдаланиш усулларини билмайдилар. Лекин улар орасида Америка ва Британия тиллари ўртасидаги фарқларни билишни хоҳлайдиган талабалар ҳам йўқ эмас. Барчамиз биламизки, талабаларга луғатлардан фойдаланиш учун йўналиш ва кўрсатмалар бериш зарур.

Луғатлар устида ишлайдиган мутахассислар энг қулай деб ҳисобланган маъноларни луғатларга саралаб киритишади. Сўнги замонавий луғатларда тилдаги мавжуд сўзлар ифода этилади ва буни журналист ва ёзувчилар ўз иш фаолиятларида қўллашади. Бундай луғатлар таркибига қуйидагилар қиради:

1. Ҳар кунги ҳаётимизда ишлатиладиган одатий сўзлар.
2. Умумлаштириб ишлатиладиган бадий сўзлар.
3. Техник сўзлар.
4. Асосан ноодатий ҳолларда ишлатиладиган сўзлар.
5. Ёзишда ишлатиладиган кадимий сўзлар.
6. Ҳозирда ишлатилмайдиган, лекин баъзи муаллифлар асарларида учрайдиган сўзлар.
7. Бошқа тилдаги сўз ёки иборалар.
8. Идеомалар.
9. Қисқартма сўзлар.
10. Мухим жой ёки шахслар номлари.

Ҳар кунги ҳаётимизда ишлатиладиган одатий сўзлардан ташқари инглиз тили минглаб географик жой номлари ва юзминглаб техник терминларни ўз ичига олади. Янги илмий ва техник кашфиётларни яратиш жараёнида янги сўзлар пайдо бўлади ва улар учун махсус луғатлар яратилади. Турли хил миллатга мансуб шахслар бизнес ва саёҳат орқали бир-бирларига яқин бўлганларидек, фазовий алоқалар ва техник алмашинувлар тилга янги сўзларни олиб қиради. Шунинг учун луғат кашф этувчилар жуда ҳам эҳтиёткорлик билан луғатларга сўзлар киритадилар. Шундай луғатлар борки, улар сўз маъноларини эмас, балки бошқа манбаалар ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Луғатлар икки кўринишда бўлади: умумий луғатлар ва махсус луғатлар. Умумий луғатлар ҳар куни фойдаланиладиган сўзлар ҳақида маълумот беради, лекин техник терминларни ўз ичига олмайди. Махсус луғатлар чегараланган бўлиб, унда маълум бир соҳага оид сўзлар берилади. Улар умумий луғатларга қараганда асосан аниқ бир соҳа ҳақида кўпроқ маълумот беради. Бундай луғатларда сўзлар микдори унинг турига боғлиқ. Ҳар бир луғат маълум бир соҳа вакиллари саволларига жавоб топишга мўлжалланган. Масалан, техника, кишлоқ хўжалини, тиббиётга оид. Умумий луғатлар чўнтақбоб китоблардан тортиб катта ҳажмдаги луғатларгача бўлади. “The world dictionary” луғати оилавий фойдаланиш учун мўлжалланган луғатларга мисол бўла олади. Агар луғатда сўзлар сони 40000дан ортик бўлса, улар техник терминларни ўз ичига олган бўлади. Бошқа луғатлар эса 15000дан тортиб 200000гача сўзлардан иборат бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, луғатларнинг асосий вазифаси ўша тилнинг сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш билан бирга унинг меъёрларининг белгилаш ва барқарорлаштиришдан иборат. Айни пайтда у нутқ маданиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

## ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Б.Р.Ҳамдамов-АндМИ ассистенти*

Маълумки, бугунги кунда жадал ривожланаётган информацион даврда талабаларга сифатли билим бериш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Талабаларга замонавий билимлар беришнинг эски анъанавий усуллари талабалар учун зерикарли туюлмоқда. Муаммони ҳал этиш учун жараёнга инновация олиб кириш лозим. Бу вазифани бажаришда таълимда ахборот технологияларини жорий этишнинг назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти пайдо бўлди. Зотан, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги” қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни сифатли амалга ошириш жамиятимизни янада тараққий этишга олиб келади. Вазиятни тўғри баҳолаган ҳукуратимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.05.2011 йилдаги №ПҚ-1533 сонли “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ва ОУМТВнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “Мультимедиа технологиялари ва ўргатувчи компьютер тренажерлари асосида электрон ўқув-услубий мажмуалар яратилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 462-сонли буйруғи олий таълим педагог-ҳодимлар зиммасига бир қатор масъулиятларни юклайди. Ушбу қарор ва буйруқлар ижроси таълим тизимини такомиллаштиришга, самарадорлигини оширишга, таълимга инновацияни жорий этишга ва натижада талабалар керакли билимларни қулай, аниқ, сифатли олишига ва етарли кўникмалар ҳосил қилишига олиб келади.

Таълимда инновацион технологияларни жорий этиш, таълим технологияларини, электрон ўқув – услубий мажмуалар ва бошқа услубий кўлланимларни яратиш – бугунги айрим педагогик ходимлар олдида турган асосий муаммолардан биридир. Кузатишлар ва ўрганишлар натижасида бу каби педагоглар бундай мураккаб технология ва электрон ўқув–услубий мажмуаларни яратишда бир қатор муаммоларга рўбаро келмоқдалар, хусусан,

- ✓ вақт тифғизлиги
- ✓ инфорацион техника ва технология муаммоси
- ✓ ундан фойдаланишни билмаслик
- ✓ мавжуд услубий маълумотларни бир-бирига трансферини амалга ошира олмаслик
- ✓ ўқув-услубий мажмуа яратиш технологиясини билмаслик ва ҳ.к.

Юқоридаги муаммони ечишга долзарб масала сифатида ёндашиб, институт ёки таълим муассасаси қошида “Инновацион услубий марказ” ташкил этиш лозим деб топдим. Ушбу марказнинг фаолияти танлов асосида қабул қилинган профессионал мутахассислардан ташкил топган жамоадан иборат бўлиб, гуруҳда камида 1 нафар компьютер дастурчиси, 1 нафар таълим технологияси услубчиси ва 1 нафар барча фанлар бўйича етук билимга эга бўлган юқори малакали ва тажрибали марказ раҳбар–менежеридан иборат бўлиши лозим. Лойихага кўра, педагог, профессор–ўқитувчи ходимлар ўзларининг фанлари бўйича ўқув-услубий мажмуа яратишда марказга мурожаат қиладилар ва ўзларидаги фан бўйича барча

маълумотларини, керакли кўрсатмаларини марказга тақдим этадилар ҳамда буюртма берадилар. Марказ жамоаси буюртма устида ишлаб, дастурлаштирилган, овозли, 3D ҳаракатли, мукамал WEB-дизайн элементларини қамраб олган сифатли инновацион таълим технологияларидан иборат электрон ўқув услубий мажмуани яратадилар. Тайёр бўлган буюртма буюртмачига тақдим этилади, агар камчиликлари аниқланса, бартараф этилади ва иш ҳажми, сифатига қараб ҳақ олинади. Бажарилган буюртмалар бўйича жамоа иш ҳақи оладилар. Агар буюртмачи мазкур таълим муассаси ходими бўлса, чегирмалар берилиши мумкин.

Тайёрланган ўқув-услубий мажмуа таълим сифатини такомиллаштирилишига, таълим олувчиларни мустақил таълим олиш самарадорлигини оширишига, педагог профессор-ўқитувчиларни самарали иш ташкил этишига ва меҳнат фаолиятига нисбатан мотивацияни барқарорлаштиришига олиб келади.

Бундан ташқари таълим муассасасининг сифатли электрон ўқув-услубий мажмуалар билан таъминланганлик кўрсаткичи кўтарилади ва тизимда ишлар самарали, режали ташкил этилишига олиб келади.

Таълим муассасасининг яна бир муаммоларидан бўлган ҳўжалик шартномаси бўйича бажарган ишлар кўрсаткичига ҳам ижобий таъсир кўрсатади ва бир қатор янги иш ўринлари яратилади.

Кейинчалик марказ такомиллаштирилиб, турли қўшимча лойиҳаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **ЧЕТ ТИЛИДА НУТҚ МАҲОРАТИ ТУРЛАРИНИ ИЗЧИЛ ЎРГАТИШ**

*А.Жўраев – АндМИ ассистенти, Ш.Ҳакимов- АндМИ талабаси*

Чет тили таълим предмети сифатида умумтаълим мактабларида, коллеж ва олийгоҳларда кўпгина вазибаларни бажаради, шулардан бири коммуникативлик асосий ўринда туради. Чет тилида оғзаки нутқни ўргатиш жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилади.

Чет тилини ўргатиш объекти нутқ фаолиятидир, унинг предмети эса фикр ҳисобланади. Нутқ фаолиятини ўргатиш доимий машқ қилишни, чет тилда ўз фикрини оғзаки баён қилиш тажрибаларини эгаллашни талаб этади. Чет тилини ўрганиш жараёнида мулоқот воситалари ва нутқ малакаларини эгаллаш вазифаси асосий ўринни эгаллайди.

Нутқ кўникма ва малақалари нутқий машқлар, аниқ коммуникатив вазибалар ва топшириқларни бажариш натижасида шаклланади. Нутқ машқлари қундалик ахборотни, аниқ воқеа-ҳодисалар ва ўқувчи-талабаларнинг ҳаёт тажрибаларини ўзида мужассам этиши керак. Машқлар ижодий фаолиятни ривожлантиради, ўқувчи-талабаларни мустақил ишлашга йўналтиради. Турли мавзулардаги нутқий вазият ва мулоқотларни ташкил этиш ўқувчиларнинг фаоллигини оширади ва ўз фикрларини эркин айтишга ундайди.

Тилдан мутахассислик бермайдиган олий ўқув юртида чет тил ўқитиш талабаларда умумпедагогик, ижтимоий-сиёсий ва мутахассисликка оид матнларни луғатсиз ва луғат ёрдамида ўқий олиш, ўрганилган материал асосида оғзаки

сухбатлашиш, ўзгаларга оғзаки ва ёзма ахборот бера олиш малакаларини ривожлантиришни кўзда тулади.

Чет тили ихтисослигини ўрганувчилар тилшуносликка оид билимлар, тил кўникмалари ва нуткий малакаларни эгаллайдилар. Чет тили таълими жараёнида ушбу жиҳатлар мотивацион, операцион ва информацион машқлар бажариш орқали ўзлаштирилади.

Чет тилида нутқ кўникма ва малакалари системасини яратиш ёки эгаллаш изчиллик принципи моҳиятини ифодалайди. Гапириш, тинглаб тушуниш, ўкиб тушуниш, ёзма ахборот бериш дастурда тавсия этилади. Саволга жавоб қайтара олиш, ўзга шахс нутқини идрок этиб тушуна олиш каби машқлар қилинади.

Тинглаб тушунишни ўргатишда алоҳида машқлар бажарилиши ва махсус вақт ажратилиши кўзда тутилади. Чет тили ўқитишнинг биринчи соатидан бошлаб, ўқувчи-талаба то чет тили курсини тугатгунга қадар, тинглаб тушунишни ўргатиш давом этади.

Тинглаб тушунишни ўргатиш босқичлари куйидагилардан иборат: а) тинглаш чоғида кутиладиган қийинчиликлар бартараф этилади; б) аудиоматнни тинглаш бўйича топширик берилади; в) тушунганлик топширик ёрдамида текшириб кўрилади; г) иккинчи, учинчи ва х.к. маротаба тинглашга яна бошқа топшириқлар берилади; д) тушунганлик текшириб кўрилади.

Тинглаб тушуниш гапириш билан ўзаро алоқаси рўёбга чиқадиган нуткий мулоқотнинг яхлит кўникмаси ҳисобланади. Тинглаб тушуниш билан гапириш, ўқиш билан тинглаб тушуниш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш тингланган матн маъносини идрок этишни жадаллаштириш имконини беради.

Маълумки, гапириш ва тинглаб тушуниш жараёни оғзаки нутқнинг икки узвий боғланган томонларидир. Уларда ишлатиладиган лексик ва грамматик ходисалар умумийдир. Оғзаки нутқда изчиллик масаласи жуда муҳим, чунки олий мактабда талабаларнинг ўрганилган тематика бўйича савол-жавоб, тинглаб тушуниш, қисқа маълумот бериш малакаларини эгаллашлари талаб этилади.

Ўқиш ва ёзувни машқ қилишда ҳам тинглаб тушуниш “иштирок” этади. Ўқиётган ёки ўз фикрини ёзма баён этаётган киши қўлланилган тил материални тинглаб тушуна олади.

Гапириш – нутқ фаолиятининг тури сифатида оғзаки фикр баён этиш демакдир. Чет тилда гапириш уч қисмдан иборат нуткий фаолиятдир. Даставвал гапиришга мойиллик (мотивация) бўлиши тақозо этилади. Ушбу тил воситасида фикр айтиш эҳтиёжи туғилади. Ундан кейин фикр изҳор этилади. Бунда хотирада тутиш (ассоциатив боғланиш), интерференция ва транспозиция ходисалари пайдо бўлади. Гапиришнинг учинчи қисми ижро этиш, яъни ташқи нутқда уни ифодалашдан иборат.

Фикрни оғзаки баён этиш (гапириш)ни ўргатиш фикрни ёзма баён қилиш, ўзгалар нутқини идрок этиб фаҳмлаш (тинглаб ва ўкиб тушуниш) каби нутқ фаолияти турлари билан узвий боғланган ҳолда ташкил этилади. Масалан, дарсда ўқувчига аудиоматн эшиттирилади, ушбу аудиоматн юзасидан ўқувчиларга муаммоли саволлар берилади, яъни тинглаб тушуниш машқи гапиришга мойилликни юзага келтиради, ўқитувчининг саволлари эса фикр айтишга туртки бўлади.

Демак, тинглаб тушуниш билан гапириш ўртасида изчиллик ўрнатилади.

Фикрни оғзаки икки шаклда: якканутк/монолог ва суҳбат тарзидаги жуфтнутк/диалогда ифодалаш мумкин.

Якканутк ва жуфтнутк таълим шароитида қуйидаги изчилликда ўргатилади:

1. Тайёрлов машқлари (мантийкий операцияларни алмаштириш, қайта тақсимлаш ва шаклини ўзгартириб айтишга, намунадан фойдаланиб жумла ёки матн тузиш).

2. Нуткий машқлар (таянч сўзлар, режа, сарлавҳа, ахборот манбалари, расм, диафильм, матн асосида гапириш кабилардан фойдаланиб фикрни баён этиш).

3. Тайёрланмаган нуткни ўргатиш машқлари (она тилидаги ахборотга ва аввалдан таниш бўлган ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб гапириш).

Ҳар бир таълим босқичида ўзига хос хусусиятлар билан ўқиш амалиёти жорий этилади. Бошланғич даврда таниш материал асосида матн, ўрта босқичда таниш бирликлар ва қисман нотаниш сўзлар кирган матнлар, юқори синфларда эса кўпроқ потенциал луғат иштирокидаги матнлар ўқиш тавсия этилади.

I 'read a 'good, book.

I 'read a very 'good book.

Здесь особенно ярко проявляется взаимодействие ритма и темпа:

увеличение слогов в ритмической группе ведет к увеличению темпа, но соизмеримость ритмических групп остается.

Ясно, что такого рода упражнения возможны в том случае, если соизмеримость ритмических групп отработана при стабильном темпе на материале отдельных словосочетаний следующего типа:

- a'book
- a good 'book
- a 'very good 'book
- a 'very good 'English 'book

Последний тип упражнения можно усложнить – взять за основу одно из словосочетаний и предложить учащимся различные варианты его ритмической структуры, например:

- a 'very good 'English 'book
- a very 'good English 'book
- a 'very 'good 'English 'book и т.д.

Полезно начать чтение предложенных упражнений в несколько замедленном темпе и постепенно увеличивать скорость произнесения. На начальном этапе поможет отстукивание ритма карандашом или рукой. Как привило, акцентирование слов сопровождается движениями головы и даже всего тела. Постепенно следует снижать роль невербальных средств в создании выделенности слов, и если ученик будет правильно выделять слова просодическими средствами и правильно соизмерять расположения выделенных слов, то это означает, что у него выработан внутренний ритмический стандарт.

Итак, отметим ещё раз: самым сложным в отработке ритма является то, что в процессе иноязычно речи его нельзя выделить в качества отдельного элемента просодии. Ритм формируется всеми компонентами просодии должен отрабатываться одновременно с ними. Тренировка ритма чрезвычайно важна в процессе овладения иноязычной речью, так как ритм – системное явление, пронизывающее язык в целом.

## **КЕСУВЧИ КУЧ ВА ЭГУВЧИ МОМЕНТ ЭПЮРАЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ҚОИДАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАДБИҚИ.**

*Хаджиева С.С. «УТФ» кафедраси катта ўқитувчиси.*

Ишлаб чиқаришда деформацияланувчи каттик жисмлардан тайёрланган барча муҳандислик конструкциялари ва уларнинг қисмларига қўйилган юклар таъсирига чидамли бўлиб, ишлатилиш даврининг бошидан охиригача ҳавф хатарли ҳолатларни мутлоқ содир этмасликлари учун мустаҳкамлик, бикирлик ҳамда устиворлик талабларни қаноатлантириши лозим. Шу талабларни “Материаллар қаршилиги” фанининг мураккаб бўлимларидан бири эгилиш деформацияси ўргатади.

Текис қўндаланг эгилиш деформациясига ишлайдиган конструкцияларнинг кесимларида ташқи кучлар таъсиридан эгувчи момент  $-M_x$  ва кесувчи куч  $-Q_y$  ҳосил бўлади. Кесувчи куч ва эгувчи моментларни аниқлашда кесиш усулидан фойдаланилиб ички кучлар аниқланади, ҳамда топилган қийматлар асосида

уларнинг эпюралари курилади. Эпюра бу эгувчи момент ва кесувчи кучларнинг тўсин ўки бўйича ўзгаришини кўрсатувчи графикдир. Кесувчи куч, эгувчи момент эпюраларини тўғри курилганлагини куйидаги коидалар асосида текшириш мумкин.

1. Тўсиннинг факат тўпланган куч таъсир қилаётган оралиғидаги кесувчи куч эпюраси эпюралар ўкига параллел тўғри чизик билан, эгувчи момент эпюраси эса оғма тўғри чизик билан чегараланади.

2. Тўсиннинг тарқалган юк таъсир қиладиган оралиғида кесувчи куч эпюраси эпюралар ўкига оғма тўғри чизик билан эгувчи момент эпюраси эса эгри чизик билан чегараланади.

3. Тўсиннинг факат жуфт куч таъсир қиладиган оралиғида кесувчи куч эпюраси эпюралар ўқидан иборат бўлади, эгувчи момент эпюраси эса эпюралар ўкига параллел тўғри чизик билан чегараланади.

4. Тўсиннинг тўпланган ташки куч таъсир қиладиган кўндаланг кесимда кесувчи куч эпюраси шу куч миқдорича шу куч йўналишида сакрайди, эгувчи момент эпюрасининг ташки чизиги синади ёки ўзининг йўналишини ўзгартиради.

5. Тўсиннинг ташки тўпланган момент таъсир қиладиган кўндаланг кесимда эгувчи момент эпюраси шу куч миқдорича сакрайди, кесувчи куч эпюраси ўзгаришсиз келади. Агар ташки тўпланган момент (жуфт куч) соат црелкаси йўналишида таъсир қилса эгувчи момент эпюрасидаги сакраш пастга, жуфт куч йўналиши соат мили йўналишига тесқари йўналишда бўлса, сакраш юқорига бўлади.

6. Агар тўсиннинг эркин учига тўпланган куч қўйилмаган бўлса, шу кўндаланг кесимда кесувчи куч эпюраси нолга тенг бўлади, жуфт куч ҳам қўйилмаган бўлса, бу кўндаланг кесимда эгувчи момент ҳам нолга тенг бўлади.

7. Қистириб маҳқамланган таянчларда кесувчи куч шу таянчлардаги вертикал таянч реакция кучига, эгувчи момент эса таянчдаги реактив моментга тенг бўлади. Шу сабабли қистириб маҳқамланган таянчли статик аниқ тўсинларда таянч реакция кучларини аниқламасдан тўсиннинг эркин учидан бошлаб ички кучларнинг эпюраларини куриш мумкин.

8. Кесувчи куч эпюрасини тўсиннинг чап учидан ўнг учига томон текширганимизда бу эпюра эпюралар ўқини кесиб ўтиб ўзининг ишорасини мусбатдан манфийга ўзгартирган кўндаланг кесимда эгувчи момент эпюраси энг катта қийматга, манфийдан мусбатга ўзгартирган кўндаланг кесимда эса эгувчи момент эпюрасининг энг кичик қийматига эришади.

9. Тўсиннинг кесувчи куч мусбат ишорали бўлган оралиқларда эгувчи моментнинг миқдори (чапдан ўнга текширганда алгебраик нуктаи назардан) ўсади, манфий ишорали бўлган оралиқларда эгувчи момент камаяди.

10. Кесувчи кучнинг мутлоқ миқдори қанчалик катта бўлса, эгувчи момент эпюрасининг чегара чизиги шунчалик тик ўзгаради.

11. Агар тўсиннинг маълум оралиғида кесувчи куч миқдори (чапдан ўнга) алгебраик нуктаи назардан камаювчи бўлса, эгувчи момент эпюрасининг чегараловчи чизиги кабариклиги пагга, агар кесувчи куч миқдори усувчи бўлса, кабариклиги юқорига юнлаган бўлади.

12. Тўсиннинг қайси оралигида кесувчи куч эпюраси ўзгармас миқдорга эга бўлса, шу ораликда эгувчи момент эпюраси оғма тўғри чизик билан чегараланади.

13. Агар икки ораликнинг чегарасида кесувчи куч эпюраси сакраб ўзгармаса, бу ораликдаги эгувчи моментнинг чегараловчи чизиклари синмай (силлик) қўшилади.

14. Агар ўзаро қўшни ораликлардаги кесувчи куч эпюралари “сакраб” қўшилса, шу ораликлардаги эгувчи момент эпюрасини чегараловчи чизиклари синиб қўшилади.

15. Тўсиннинг кесувчи куч нолга тенг кесимларида эгувчи момент эпюраси ўзгармас бўлади.

16. Тўсиннинг таркалган юк таъсир қилмайдиган ораликларда кесувчи куч ўзгармас бўлади, эгувчи момент эса чизикли қонун бўйича ўзгаради.

Демак, конструкцияларни мустаҳкамлик, бикрлик, устиворликка ҳисоблашда кесувчи куч ва эгувчи момент эпюраларини текшириш қоидалари ва уларнинг тадбиқини билиш муҳим экан.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Qoraboev B., Leksashev Yu. Materiallar qarshiligi. Oliy texnika o'quv yurtlari uchun darslik. T.: «Fan va texnologiya», 2007.
2. Xadjieva S. «Materiallar qarshiligi» fanidan amaliy mashg'ulotlarni bajarish uchun uslubiy ko'rsatma AndMI, 2011 y.

## ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ИШЛАРИ

*т. ф. н., Парпиев О. А., Акрамов М. - АндМИ катта ўқитувчиси*

Талабаларнинг илмий-изланиш ишлари ўқув жараёнининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Илмий иш билан шуғулланаётган талаба фақат ўзига жавоб беради; изланиш мавзулари, бажарилиш муддати шунингдек, шуниси аҳамиятга моликки, умуман бу иш бажариладими ё йўқми, бу нарса фақат унинг ўзига боғлиқ. Талаба ўзининг шахсий вақтини сарфлаб, бўлажак изланувчи учун муҳим бўлган, ижодий фикрлаш, масъулиятлилик, ўзининг нуқтан назарини химоя қила олишлик каби сифатларни ривожлантириб боради. Бугунги кунда талабаларнинг илмий фаолиятига диққат-эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Мазкур мақола доирасида талабаларнинг илмий-изланиш ишларининг маълум бўлган турлари ва шаклларига тўхталиб ўтамыз ва уларнинг айримларини иктисодий назарияни ўрганиш соҳасидаги изланишларга татбиқ этиш бўйича тавсияларни киритишга ҳаракат қиламиз. Дарс пайтидан ташқарида бажариладиган талабалар илмий изланиш иши (ТИИИ) нинг асосий шаклларига фан тўғарақлари; муаммоли тўғарақлар; талабаларнинг муаммоли лабораториялари; илмий ва илмий-амалий анжуманларда қатнашиш: олийгоҳ доирасидаги ва республика миқёсидаги конкурсларда иштирок этиш қуйидагилар қиради.

**Фан тўғарақлари.** ТИИИ нинг ушбу шакли кичик курсдаги талабалар билан ишлашда кўп қўлланилади. Бу тўғарақларнинг раҳбарлари сифатида умумилмий ва умумназарий кафедралар майдонга чиқади. Илмий тўғарақ ТИИИ да энг биринчи қадам ҳисобланади ва улар ўз олдига ўта мураккаб вазибаларни қўймайдилар. Кўп ҳолларда, бу ишлар илмий тўғарақ доирасида ёки илмий конференцияларда иштиладиган доклад ёки рефератлар кўринишида бўлади. Тўғарақ ўз ичига гуруҳ,

факультет ва баъзан институт талабаларини камраб олиши мумкин. Охири вариант ижтимоий ва гуманитар фанлар мумамоларини ўрганадиган тўғарақларда учрайди, чунки техника йўналишларининг тўртинчи талабалари олиб бораётган илмий тадқиқотлар биринчи курс талабалари учун дерли тушунарсиз бўлиши аниқ. Натижада уларда бу кўринишдаги тўғарақка бўлган қизиқш ва иштиёқ сўнади. Тўғарақларнинг фаолияти, одатда, қуйидаги кўринишда ташкил этилади: тахминан октябрь ойида ўтказиладиган ташкилий йиғилишда доклад ва реферат мавзулари, танлов асосида, тарқатилади. Ундан кейин ўқитувчи ҳар бир мавзу учун мавжуд асосий ҳамда ёрдамчи адабиётларни кўрсатиб беради ва яқин орада иш режасини тузиш тўғрисида ўйлаб кўришни таклиф этади.

Бу ўринда ўқитувчи томонидан талабаларга илмий изланиш асослари, берилган мавзу бўйича материал тўплаш, адабиётлар билан ишлаш, илмий аппаратдан фойдаланиш ҳақида бир-иккита маъруза қилиб бериш ортикчалик қилмайди. Шунингдек, ўқитувчи талабаларни кафедрада олиб борилаётган илмий йўналишлар билан таништиради. Бундан кўзда тутилган мақсад шундан иборатки, талабалар айрим масалалар бўйича тегишли тўларок маслаҳатлар олиш учун кимга мурожаат қилишни билишлари керак.

**Муаммоли тўғарақлар.** Илмий тўғарақлар ҳақида келтирилган фикрларни муаммоли тўғарақлар учун ҳам келтириш мумкин, фақат айрим фарқланишларни инобатга олиш керак бўлади, холос. Муаммоли тўғарақ турли факултет ва турли курс талабаларини бирлаштириши мумкин. Олдинга тўғарақнинг илмий раҳбари шуғулланаётган муаммо ёки унинг танловига асосан бошқа бир муаммо қўйилади. ТИИИ нинг мазкур шаклининг энг катта афзаллиги танланган мавзуни чуқурроқ ва турли жабҳалардан кўриб чиқиш ҳисобланади. Муаммоли тўғарақлар ТИИИ нинг “енгиллаштирилган” шаклини намоён қилади ва шунинг учун уларнинг асосида, тўғарақ микёсида кўриб чиқилаётган муаммога ишда ва кундалик ҳаётда дуч келадиган одамлар билан учрашувларни ташкил этиш, турли викторина ҳамда кувноқлар ва зукколар клубининг ўйинларини ўтказиш мумкин.

**Талабаларнинг муаммоли лабораториялари.** Талабаларнинг муаммоли лабораториялари (ТМЛ) талабалар илмий изланиш ишларининг кейинги мураккаб босқичига тегишли. Унда иккинчи ва ундан юқори курс талабалари катнашадилар. Лаборатория илмий иш мактаби ҳисобланмайди, ундаги машғулотлар билим ҳамда кўникмаларнинг маълум бир захирасини кўзда тутати. ТМЛ доирасида моделлаш, реал ҳужжатлар, иш ўйинларини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг турли хиллари, шунингдек корхоналарга амалий ёрдам амалга оширилади. Бундай лабораторияда ишлаш нафақат адабиётни ўрганиш ҳамда таҳлил қилишни, балким тажрибаларни қўйиш, янги бирор-бир нарсани яратишни кўзда тутати. ТМЛ, энг аввало, илмий ва муаммоли тўғарақлар каби унчалик кўп сонли бўлмайди. Талабаларни саралаш амалга оширилади, уларнинг ичидан қобилянтлиларидан янада қобилянтлилари саралаб олинади.

**Илмий ва илмий –амалий анжуманларда иштирок этиш** Анжуманда ёш изланувчилар кенг аудитория олдида ўз ишлари билан чиқиш қилиш имкониятини қўлга киритадилар. Бу талабаларни кейинги чиқишларини янада синчковлик билан тайёрлашга мажбур қилади, унинг нотиклик қобилянтини кучайтиради. Бундан ташқари, ҳар бир талаба, унинг иши умумий савияда қандай

кўринишини таққослаши мумкин ҳамда тегишли хулосаларни қилиши мумкин. Бу илмий анжуманнинг энг фойдали натижаси ҳисобланади, чунки бошланғич босқичда кўплаб талабалар ўзларининг шахсий фикр-мулоҳазаларини ҳатосиз, ўзларининг ишларини илмий нуқтаи назардан эса энг чуқур ўрганилган ва энг қимматли деб ҳисоблайдилар. Кўпинча, ҳатто ўқитувчининг оғохлантиришларини ҳам оддий танбеҳ сифатида қабул қиладилар, аммо бошқа талабаларнинг докладларини эшитиб, ҳар бир талаба ўз ишининг камчиликларини сезмасликлари мумкин эмас. Бундан ташқари, агар шундай қирралари мавжуд бўлса, улар ўзларининг қучли томонларини ўзлари учун ажратиб оладилар. Илмий-амалий анжуманлар, ўз номидан келиб чиқиб, нафақат назарий илмий докладларни, балким амалий масалалар ечими йўлларининг муҳокамасини қамраб олади. Кўп ҳолларда, улар ўз вақтларини олийгоҳ деворларидан ташқарида, олийгоҳ билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган завод, фабрика, фермер хўжалиги ҳудудида ўтказадилар. Масалан, илмий-амалий анжума талабаларнинг ёғи амалиёти натижалари бўйича ўтказилиши мумкин. У ерда талабалар муайян бир муаммога дуч келганиларида, ишлаб чиқаришнинг етакчи ходимлари ва ўқитувчилар ёрдамида бу муаммо ечимини топишга интиладилар. Бундай анжуманлар олийгоҳ ва корхоналар ўртасида яқин дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига ва талабаларга ўрганилган назарияни амалиётда қўллашга ёрдам беради. Илмий-амалий анжуманларнинг ўзига хос томони, ундаги иштирок талабалар ва ишлаб чиқариш ходимларига бирдай фойдали ҳамда қизиқарли бўладиган, унинг тартиб билан йўлга қўйилган ташкилий томонининг мураккаблиги ҳисобланади. Бундай анжуманни ишлаб чиқиш ва уни ўтказиш унинг ташкилотчилари ва иштирокчиларидан катта диққат-эътибор ҳамда сабр-тоқатни талаб этади. ТИИИ унда ўқиш ва амалиёт муштараклиги кузатиладиган ўқув жараёнининг шаклларида бири ҳисобланади. Талаба илмий иш доирасида энг аввало изланиш ишининг дастлабки (биринчи босқич, яъни илмий ва муаммоли тўғараклар) кўникмаларига эга бўлади. Сўнгра у ёки бу ҳолда амалиёт билан боғланган олинган назарий билимлар изланишларга айланади (иккинчи босқич-турли талабалар лабораториялари). Бу узун жараён охирида талабаларни “катталарнинг” турли даражадаги, ҳаттоки халқаро миқёсдаги илмий анжуманларида, симпозиумлардаги иштироки кўзда тутилади. **Хулоса:** ТИИИ илмий раҳбарлардан катта диққат-эътибор ва сабр-тоқатни талаб этади, чунки ҳар бир талабанинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги, кўпинча, уларнинг шахсий тўғри ва нотўғри ҳаракатлари натижаси ҳисобланади.

## **ГУМАНИТАРНЫЕ НАУКИ И ИХ РОЛЬ В ФОРМИРОВАНИИ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА**

*А.Н.Таджиакбарова—стар. преп. АндМИ*

Техническое высшее образование, будучи относительно самостоятельным, оказывает сильное воздействие на развитие общества. Образование интегрирует вокруг себя различные общественные системы - экономику, науку, культуру, экологию, предопределяя перспективы развития общества, но и деятельность каждого о человека.

И последние годы система подготовки технических кадров в Узбекистане прошла через серьезные испытания. Правительство, указывая на необходимость

реформирования высшего образования, огромное внимание уделяет развитию технического образования.

Изменения в структуре мирового хозяйства оказали существенное влияние на содержание и формы высшего образования. Можно утверждать, что уже сформировалось представление о специалисте высшей квалификации. В связи с этим, основным требованием к преподаванию в высшей школе становится создание теоретической базы, необходимой для последующего обучения

Огромное внимание общественность уделяет вопросам формирования человеческого капитала и его использования. Понятие "человеческий капитал" в экономике появилось недавно. Это один из важнейших источников экономического роста, богатство народов в конечном счете зависит оттого, что содержится в головах людей, и оттого, как они взаимодействуют друг с другом. Человеческий капитал - это знания, умения, навыки, мотивы, физические способности человека, которые позволяют людям получать доходы. Используемый в корпорациях человеческий потенциал, по нашему мнению, это актив, создающий базу для получения дохода. В связи с этим в понятие «человеческий капитал», по нашему мнению, необходимо включать не только человека определённого возраста с его образованием, умениями, навыками, физическими способностями, но и этику поведения.

Этику поведения, воплощающего в себе наилучшие человеческие качества, можно сформировать на основе национальных традиций и обычаев. Огромное значение имеет, в этом отношении, и религиозное воспитание.

Образование является системой проектирования будущего, призванной формировать личность, не подверженную манипуляциям, откуда бы они ни исходили, главной особенностью которой становится социальная ответственность, научно-инженерная этика.

В настоящее время возрастает количество молодых людей, имеющих цель - получить хорошее образование. Завтрашний день потребует не просто грамотных инженеров, необходимы специалисты качественно иного уровня, следовательно, нужна принципиально иная стратегия их подготовки. Главным показателем эффективности системы образования, определяющим судьбу человеческого капитала, является востребованность выпускаемых специалистов. При этом можно не сомневаться, что ориентация специалистов на определенную сферу технического производства неизбежна, и, если говорить о подготовке инженеров, сохранится специализация, например, для машиностроения, химической промышленности, энергетики и т. д.

Однако проблема, о которой мы пишем, гораздо глубже, она кроется в людях. Стало очевидным, что требуется уделять больше внимания гуманитарной составляющей подготовки технических специалистов. Им нужно дать новое понимание существующих проблем. Совершенствование высшего технического образования, на наш взгляд, предполагает расширение профиля специалиста, углубленную теоретическую подготовку, повышение роли фундаментальных дисциплин, приоритетное внимание к вопросам ресурсосбережения и экологической безопасности, гуманитаризацию высшего технического образования. В рамках технических специальностей наряду с предметами,

относящимися к области социально-гуманитарных наук, могут быть уместны и такие дисциплины, как "История металлургии", "История машиностроения", "Социальные последствия инженерных решений" и другие.

Формирование нового мышления, изменение (преодоление стереотипов) состояния и тенденций массового сознания от консервативных норм и привычек к способности ориентироваться в условиях демократических процессов, предполагает наличие гуманитарных знаний. Успешное выполнение работы определяется творческим отношением к делу и самоотдачей, умеренным честолюбием. Эти качества очень важны. Но они не могут быть по заказу или приказу вложены в молодого человека. Они должны быть развиты в процессе обучения. Рассуждая о человеческом капитале, человеческом потенциале как факторе экономического роста, как факторе инвестиционной привлекательности, в центре внимания необходимо держать понятия, без которых экономика лишена жизни - это "нравственность", "духовность". Обучение точным дисциплинам строится преимущественно на преподавательском опыте, приносимом нравственное воспитание в преподавание точных наук. Никакое воспитание и образование не может быть полноценным, если в нем не присутствует духовный процесс.

Возрастающий темп глобальных и локальных перемен определяет необходимость своевременной адаптации личности к изменениям, постоянное повышение образовательного уровня с целью соответствия меняющимся условиям на рынке труда, способность к овладению постоянно совершенствующимися техническими, информационными и коммуникативными возможностями. Специалист высокой квалификации нового столетия должен точно понимать смысл происходящих в обществе событий, специфику этого общества, особенности индивидуальностно-личностной субъектности. Он должен уметь пользоваться средствами социального анализа, быть способным интерпретировать информацию, полученную другими исследователями. При этом необходимо постоянно учитывать темп и направленность происходящих изменений в развитии человека, социальных групп, общества в целом, скорость старения информации. Решение этой группы задач определяет эффективность работы специалистов, овладевших гуманитарным знанием.

Практика показывает, то, чтобы получить хорошую работу, молодой человек должен продемонстрировать знание в избранной им области человеческой активности. Чтобы удержать это рабочее место через пять лет после университета, он должен быть фундаментально образован в соответствии с требованиями современности. Чтобы стать лидером, руководителем, не по выслуге лет и по форме, а по сути дела, выпускник университета должен быть фундаментально образован в гуманитарной области, в области наук о человеке, наук социальных.

Важно упомянуть о требованиях работодателей к молодым кадрам. Самый главный навык, который требуется от выпускника - это коммуникативные компетенции (умение искать работу, разговаривать с работодателем, умение самопрезентации). Важно умение говорить с профессионалом на одном языке. Наконец, на что обращают внимание работодатели - это, зачастую, неоправданно завышенная самооценка молодых кадров.

Таким образом, концепции качественно нового этапа общественного развития несут в себе ряд позиций, ориентированных на коренное изменение образовательной деятельности. Эти позиции держатся на приоритете общечеловеческих ценностей, создании глобальной идеологии, в основе которой - общечеловеческое сознание (понимание людьми общности исторической судьбы, тесной взаимозависимости государств и народов, необходимости партнерства в борьбе за выживание человечества); социальном контроле за технологией и др.

## **ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИЖОД ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*М. Мусажанова – АндМИ катта ўқитувчиси*

*А. Тохировг АндМИ талабаси*

Барча тамаддунларнинг ривожланиш тарихи инсоният тафаккурининг илмий юктлари, инсоннинг атроф-муҳитни билишга интилиши ва унинг бу муҳитга мослашиш қобилияти билан уйғунлашиб кетади. Хозирги кунда илгор илмий ғоялар ва технологиялар ҳам алоҳида шахснинг, ҳам бутун халқлар, давлатлар, тамаддунларининг ҳар томонлама (сиёсий, иқтисодий, маданий) ривожланиши учун стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб эта бошлади. Жумладан, жамият учун фан ва техника тараққиёти инсоннинг ҳаёт фаолиятини ривожлантирибгина қолмай, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мувозанатини саклаб қолишга ҳам хизмат қилиши кераклиги яққол намойён бўлди. Бунинг учун замонавий мутахассис фан ва технологиялар тараққиётини тез илғаб олиши, интеллектуал ижод учун ўз билимларини мустақил равишда мустаҳкамлаши зарурдир. Бу заруриятни олий ўқув юртларидаги талаба ёшларга замонавий илмий усулларини барча арсеналидан фойдаланишни ўргатиш орқали амалга оширилади. Лазер технологиялар, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, ахборот технологиялар, замонавий хом ашёлар технологиялари шуни кўрсатмоқдаки, олий ўқув юртларидаги талаба ёшлар ўртасида техник ижодни илмий асосларини ривожлантириш, ижод жараёнини фаоллаштириш, ижод асосларини ўргатиш ва уларни ижод қилиш учун шароитларни яратиш ҳозирги вақтда ечилиши зарур масала бўлиб қолмоқда. Олий ўқув юртларида талаба ёшларнинг интеллектуал ижод қобилиятини ривожлантириш масалалари талаба ёшлар томонидан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқдир:

Талаба ёшлар:

- ўзи танлаган билим соҳасини мустақил чуқур ўрганиши, унинг тараққиёт тарихини, айниқса, бу соҳадаги етук олимлар томонидан амалга оширилган ишларини илмий англаши;
- илмий жиҳозлар билан ишлай олиши, мустақил тарзда тажрибалар ўтказиши, илмий далилларни тўплаши, таҳлил қилиши, умумлаштириши, уларга назарий ва амалий изоҳ беришини ўрганиши;
- хорижий тиллар бўйича билимларга эга бўлиши;
- кутубхона каталоги ва ахборот-маълумотлардан мустақил фойдаланишни билиш, махсус библиографик усулларни қўллаган ҳолда кўчирмалар олиш ва илмий маълумотларни йиғиш;

▪ янги илмий маълумот моҳияти бўйича мулоҳаза юритишни ўрганиши, унинг афзал ва камчилиқ томонларини баҳолаш олиши;

▪ танлаган соҳасидаги ўзи англаган муаммоларнинг ечимини топишга интилиши ва ушбу муаммоларни бартараф этишдаги ечимларни ёзма баён этишни билиши;

▪ тезислар, рефератлар ва илмий мақолалар ёзишни билиши, илмий анжуман ва форумларда фаол иштирок этиши керак.

Олий ўқув юртлирида талаба ёшлар учун илмий-таълим базасини барпо этиш юқоридаги вазифаларни бажариши учун имконият яратади. Ушбу илмий-таълим базаси замирида амалга ошириладиган фаолият ёрдамида мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш бўйича қуйидаги:

▪ талаба ёшларнинг илмий изланишлари учун халақит берувчи муаммолар ўз ечимини топишига;

▪ илмий изланишларнинг сифатли янги босқичига;

▪ илмий изланишларнинг натижасида амалий ва касбий ўқув фанларининг ривожланишига, янги негизларини яратилишига, янги йўналишларини мавжуд этишига;

▪ етук олимлар раҳбарлигида талаба ёшлар илмий услубий кўрсатмалар яратилишига эришамиз.

Бундай омиллар ёрдамида талаба ёшларнинг интеллектуал техник ижодини ривожлантирибгина қолмай, балки уларни бевосита интеллектуал ижодини тижоратлаштириш орқали иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарани амалга оширишда иштирок этишига эришамиз. Бундай самара эса авлодимизнинг келажаги ҳар томонлама барқарор ривожланишида кучли тўртки бўлади.

## **ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАР ИЖОДКОРЛИгини ЯРАТУВЧИ ОМИЛЛАР**

*М. Мусажонова – АнДМИ,*

*К. Юлдошев – АнДМИ катта ўқитувчиси.*

Ҳар қандай жараён — ҳаракатдир, моддий дунёдаги нарсалар ёки ходисаларнинг аста-секин ўзгаришидир. Ўқитиш жараёни ҳам ёш авлодда ақлий кучларни ривожлантиришга ва ахлоқий сифатларни шакллантиришга қаратилган ҳаракатдир. Биз ўқитиш жараёнини қандай тушунамиз? Ўқитиш жараёни — ўқитувчининг ва у раҳбарлик қиладиган ўқувчиларнинг — уларда ақлий қобилиятларни ўстириш, диалектик дунёқараш асосларини таркиб топтириш ва ҳаётга тайёргарликни амалга ошириш мақсадида — билим, кўникма ва малакалар тизимини онгли ҳамда пухта ўзлаштиришга қаратилган илмий асосдаги ишларнинг мажмуидир.

Ўқитиш жараёнига қўйиладиган талаблар жамият ривожланишининг турли босқичларида ҳам доимо бир хил бўлмаган. Бу ҳол жамият ривожланишининг қонуниятларидан ва унинг энг муҳим вазифаси — ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитишдан келиб чиққан. Ҳозирги куннинг талаби — ўқув жараёнини ўқувчиларда фақат такрорлашга доир фикрлашни эмас, балки ижодий тафаккурни ҳам шакллантирадиган йўсинда ташкил қилишдир. Психологларнинг таъкидлашича,

тафаккур доимо муаммо ёки масаладан, ажабланиш ёки тушуна олмасликдан, зиддиятдан бошланади.

Ана шулар туфайли таълимий муаммолар асосидаги ўқитишда муаммоли ёндошиш тушунчаси педагогика назарияси ва амалиётига фаол кириб келади. Бу муаммонинг моҳияти — ўқувчиларга маълум билимлар, кўникма ва малакалар билан тушуниш ҳамда тушунтириш учун илгариги билимлар кифоя қилмайдиган янги фактлар, ҳодисалар ўртасидаги дидактик зиддиятдир. Бу зиддият ижодий ўзлаштиришга туртки ва шу билан бирга ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Биз ўқитишдаги муаммолиликни ўқувчиларнинг ўқув муаммосини англаши ва ҳал қилишга қаратилган билиш фаолиятини ташкил этиш деб тушунамиз. Ўқитишдаги муаммолиликнинг муҳим белгиси масалани қўйишдан кўра муаммоли вазиятни яратиш кўпроқ зарурлигидир. Бунда мазкур вазиятни ҳаётий фактлар ва ходисалар асосида яратишни назарда тутиш муҳимдир. Чунки муаммоли вазият қанчалик табиий шаклга эга бўлса, ўқувчиларни фаоллаштириш ва муаммони ҳал қилишда қатнашишга жалб этиш имконияти шунчалик кенг бўлади. Ўқитишдаги муаммолилик анъанавий дидактиканинг асосий принциплари ва қоидаларини инкор қилмайди, балки уларга таянади. Ўқитишда муаммоли ёндошишни қўллашдан мақсад, ҳозирги ўқитиш жараёнини ўқувчиларда ижодий фикрлашни фаол ривожлантиришга ёрдам берадиган методлар ва усуллар билан тўлдиришдир.

Умуман айтганда, ўқув жараёнини такомиллаштиришдан кўзланадиган асосий мақсад унинг сифатини янги поғонага кўтаришдир. Шунга кўра ўқитувчининг фаолиятида қандай янгилик вужудга келиши керак? Аввало у материални шунчаки баён этмаслиги ва ўқувчиларга тайёр хулосалар ҳамда умумлашмаларни айтиб бермаслиги, балки уларнинг фикрини ўрганиладиган объектга жалб қилиши, ундан муаммо топиши ёки имкони бўлса, ўқувчиларнинг ўзларини мазкур объектдаги муаммони мустакил ҳолда ўйлашга рағбатлантириши, муаммоли вазиятни яратиб, уларнинг муқаддаслигини сафарбар қилиши, тафаккурни фаоллаштириши, таълимдаги лоқайдликни бартараф этиши, ўқувчиларга ўзларича мулоҳаза юритиб зарур хулосалар ва умумлашмалар чиқаришда ёрдам бериши, уларни кузатишга, тасаввур қилишга, эслаб қолишга, ижодкорликка ўргатиши, яъни у ўз тарбияланувчиларини олган билимлари билан кузатилган ҳаётий фактлар ва ходисаларга таққослаш, шу асосда тўғри хулосалар ва умумлашмалар чиқаришга одатлантириши керак. Мана шуларнинг ҳаммаси таълим жараёнига замонавий мазмун бахш этади.

Ҳозирги куннинг вазифаларини амалга оширишда ўқитишнинг чуқур ижтимоий эътиқодлилик билан илмийлигига қўйилаётган талаблар ғоятда муҳимдир.

Дидактикада ўқитишнинг илмийлиги нима экани асосли равишда баён қилинади. Маълумки, мактаб таълими мазмунига кирган барча билимлар воқелик қандай бўлса, уни шундайлигича, ҳеч бир қўшимчаларсиз акс эттиради. Педагогнинг вазифаси ўқувчиларга илмий, ҳаққоний билимларни асли ҳолича тушунтиришдан, уларни билимдарни мустакил ўрганишнинг ўзлаштирилган ҳақиқатлар борлиқдаги — инсон онгидан ташқари объектив мавжуд нарсаларга мувофиқлигини қафолатлайдиган йўлга солишдан иборатдир. Ҳатто болалар таълимнинг биринчи поғонасида олган билимлар ҳам ҳақиқатни бузмаслиги керак.

Илмий асосдаги тўғри ўқитиш натижасида ўқувчилар онгида объектив оламнинг ҳаққоний манзараси ҳосил бўлади.

Чинакам илмийлик доимо ижтимоий ривожланиш ва моддий олам қонуниятларининг объективлигини ўз ичига олади. Бизнинг фан диалектик фалсафа пойдеворига қурилади. У воқеликнинг совуққонлик, лоқайдлик билан ёзилган тавсифи эмас, балки моддий олам ҳақидаги қарама-қарши тушунчаларнинг ўзаро қурашиш майдони ва қуролидир. Фанлар — эътиқодларни шакллантиришнинг кучли омили. Шунинг учун бугунги кунда биз тарбиялаётган ёшлар олган билимларни уларнинг эътиқодига айланиши жуда муҳимдир.

Мана шу вазифаларни амалга оширишда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муҳим талабдир. Биз фақат ана шунга асосланиб болаларни мустақил ўйлашга ўргатишимиз, уларда ўзларининг қарашлари ва нуқтаи назари тизимини таркиб топтиришимиз мумкин.

Агар билимларни баён этиш, ишнинг усулларини кўрсатиш мумкин бўлса, ижодий фаолиятни ўргатиш учун ўқувчиларни худди ана шу фаолият жараёнига бевосита жалб этиш шарт. Мана шу муаммо бўйича айрим мулоҳазаларни ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Аввало ҳар қандай ижодкорлик, хусусан ўқувчиларнинг ижодкорлиги махсус тайёрланган шароитларда амалга ошиши мумкин. Бунда билимлар, кўникмалар ва малакалар тизими ҳал қилувчи омил бўлади. Ижодни, ижодкорликни қандай тушуниш керак? Одатдаги тушунчага кўра ижод озчилик кишиларнинг, буюк санъат асарларини, янги машиналар, дастгоҳлар ва ҳоказоларни яратадиган истеъдодли одамларнинг қисматидир. Лекин ижод буюк асарлар яратишдангина иборат эмас, балки кишининг фикр юритиши, бирор тadbирни ўйлаб топиши, озгина бўлсада қандайдир янгилик яратиши ҳам ижоддир. Ижод жараёнига тасодиф сифатида эмас, балки қоида сифатида қараш лозим.

Ўқувчининг ижодкорлиги энг аввал унинг ҳар қандай фаолият жараёнидаги: ўзига хос усул билан масала ечиши, иншо ёзиши, тажриба ишлари, меҳнат дарслари ва ҳоказолардаги мустақил фикрлашида намоён бўлиши лозим.

Ўқувчининг ижоди — унинг олган билимларини ҳаётда кўрган фактлар ва ходисаларга боғлай олиши, уларни тўғри баҳолаб, дастлабки маълумотларни таҳлил ва синтез қила билишидир.

Хулоса шуки, ҳар қандай ижод борликни рад этиш эмас, балки борликқа тўлароқ кириб боришдир.

## **ВИРТУАЛЬНЫЕ ЛАБОРАТОРИИ ДЛЯ РАЗДЕЛА «ЭЛЕКТРИЧЕСТВО И МАГНЕТИЗМ»**

*М.Насиров, С.Алиев, Ж.Алиева  
Андижанский Машиностроительный Институт.*


В настоящее время компьютер стал составной частью экспериментальных научных установок и теоретических разработок. Поскольку методы обучения связаны с методами научного познания, компьютер должен использоваться и в учебном процессе. Для этого нужны специальные обучающие программы, которые позволяют отрабатывать алгоритмы решения физических задач, моделируют

физические явления, то есть служат созданию своеобразной физической лаборатории, в которую можно «впустить» учащихся для самостоятельного экспериментирования, позволяют демонстрировать весьма тонкие физические эффекты, ранее не доступные для демонстрации в кабинете физики. За счет применения компьютеров, позволяющих моделировать и наблюдать многие явления, значительно расширяются возможности традиционного физического практикума.

В настоящее время существует большое количество работ по различным разделам физики, но не все программы имеют удобный пользовательский интерфейс, качественное графическое оформление и достаточную методическую проработку. Многие до сих пор имеют DOS - интерфейс, хотя более удобным является графический. Огромное значение имеет качество динамической графики. Использование некачественной анимации может привести к тому, что у учащихся сложится неправильное представление о происходящем процессе. Приближенная же к реальности анимация помогает школьнику лучше разобраться в явлении. Хорошо оформленный практикум способствует пониманию сложных процессов и явлений, стимулирует познавательный интерес учащихся [1-2].

Разработанные ранее учебники, учебные пособия, программы пригодны лишь для полностью укомплектованных физических кабинетов, но и они не могут в полной мере удовлетворить требованиям подготовки. В связи с этим целесообразно использовать компьютерные технологии в процессе обучения физике и, в частности, в постановке физического эксперимента. На сегодняшний день существует очень много образовательных программ по моделированию физического эксперимента на компьютерах. Выбор педагогических программных средств огромен и рядовой учитель теряется в море информации, обрушиваемой на него производителями.

В данной работе сообщается о создании виртуальных лабораторных работ по электричеству и магнетизму. При создании лабораторий были использованы один из современных языков программирования VisualBasic-6.0, который может использовать все возможности Windows. Сущность программы состоит в том что, она имеет расширение «\*.exe» может работать в любом компьютере, занимает очень малый объем (всего лишь 27 Mb) и ее можно запускать самостоятельно столько раз, сколько захочется. При запуске программы экран принимает вид:



Виртуальные лаборатории состоят из следующих работ:

1. Изучение электрического поля;

2. Изучение последовательного соединения проводников;
3. Изучение параллельного соединения проводников;
4. Определение удельного сопротивления проводника;
5. Определение ЭДС и внутреннего сопротивления источника;
6. Определение магнитной индукции;
7. Изучение движение электрона в электрическом и магнитном поле;
8. Изучение полупроводниковых диодов;
9. Изучение эффекта Холла.

После запуска программы надо выбрать (нажимать кнопку) одну из 9 лабораторных работ. Все лаборатории как обычно состоят из цели и порядка выполнения работ, краткой теории, контрольных вопросов для самопроверки, списка литературы, возможности управления электрической цепью и наблюдения анимации, а также таблиц для введения измеренных и вычисленных величин и погрешностей. Например, если выберем лабораторную работу «Определение магнитной индукции» экран принимает вид:



Лабораторная работа состоит из двух окон. Первое из них предназначено для сборки цепи и наблюдения анимации, а второе для просмотра текстовых информаций. Здесь имеются также кнопки «Сборка цепи», «Исходное положение», «Необходимые оборудования», «Порядок выполнения работы», «Теория», «Контрольные вопросы», «Литература», «Вычисление» и таблица для введения измеренных и вычисленных величин.

Сначала с помощью кнопки «Теория» можно ознакомиться начальными сведениями об электричестве и магнетизма, о силе Ампера и т.п., затем с помощью кнопки «Необходимые оборудования» необходимыми оборудованиями. Кнопка «Порядок выполнения работы» предназначена для ознакомления работой над программой. Нажимая кнопку «Сборка цепи», можно собрать электрическую цепь, показанной на рисунке. Кнопка «Исходное положение» предназначена для рас сборки схемы. Если включаем переключатель с помощью мыши, то по цепи пройдет электрический ток и проводник длиной  $l$  движется в магнитном поле под действием силы Ампера. Часы  $t_1$  и  $t_2$  указывают времени движения проводника внутри ( $S1$ ) и вне ( $S2$ ) магнитного поля. Длина ( $l$ ) и масса ( $m$ ) проводника измеряется линейкой и весами. Амперметр показывает силу тока, проходящий

через проводник. После определения всех необходимых величин, значение магнитной индукции вычисляется по формуле [3]

$$B = \frac{2mS_2}{l l_1 l_2}$$

Изменяя силу тока с помощью реостата, опыт повторяется не менее трех раз. Затем вводится значения всех величин в таблицу и нажимается кнопка «Вычисление». Программа сама вычисляет среднее значение магнитной индукции, а также абсолютные и относительные погрешности.

Кнопка «Контрольные вопросы» предназначена для самопроверки полученных знаний, а кнопка «Литература» для получения дополнительных знаний по данной тематике. Данная лабораторная работа позволяет не только определить значение магнитной индукции, а изучить зависимости этой величины от массы, длины проводника, а также от силы тока [4-5].

Все остальные лаборатории работают подобным образом.

Представленными здесь, виртуальными лабораториями можно пользоваться при проведении лабораторных занятий в средне специальных и высших учебных заведениях, а также при осуществлении самостоятельного и дистанционного образования.

#### Литературы:

1. Бурсиан Э.В. Задачи по физике для компьютера, М. Просвещение, 1991, 256 с.
2. Король В.И. Визуал Базис-6.0, Москва, 2000, 449 с.
3. М.Насиров, Р.Алиев, Б.Туланова, А.Базаров Изучение электрического поля на компьютере с использованием анимаций и численных методов, Москва, Физика в школе, №1, 2011, с.40-43.
4. М. Насиров, З. Мехманова Виртуальные лаборатории по механике, Вестник АГУ (Узб), 2012, №1, с.101-103.
5. М. Насиров, В. Абдуазимов, З. Мехманова., Виртуальные лаборатории по оптике, Физика, математика, информатика.

### **ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАРИНИ СИНГДИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*М. Дадажоновна - АндМИ доценти, Д. Рахмонова – АндМИ ассистенти*

Миллий тараққиётимизнинг хозирги даврдаги бош вазифаси мустақилликни мустаҳкамлашдир. Жамият ҳаётининг барқарор бўлишида юрт тинчлиги, миллатлар ва элатлар орасидаги ҳамжихатлик, ижтимоий ҳамкорлик асосий ўринни эгаллайди.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжихатлик, диний бағрикенглик тушунчаларини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли амалга ошаётганлигини қайд қилишимиз зарур.

Мамлакатимизда тинчликни барқарорлаштириш, олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, тарбиявий ишларни юқори босқичга кўтариш борасида эришилган муваффақиятлар Ватан равнакини таъминлайди. Равнак топаётган мамлакат фуқароларининг ҳаётигина фаровон бўлиши мумкин. Фаровон ҳаёт эса ҳар бир шахснинг ва умуман бутун жамият аъзоларининг жисмоний ва интеллектуал камолини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан қараганимизда ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз юксак маънавиятли кадрларни тайёрлашда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини жамиятимиз аъзоларини, авваломбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги тамойили тарафдоримиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз. Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетаяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб бора олмаёпти. Тажрибасиз, гўр, билими, дунёқарashi чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузгунча ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз котилларга айланмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганимизда, бугунги ёшларни миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари асосида тарбиялаш ва таълим бериш шу бугуннинг долзарб вазифаси сифатида қаралиши давр талаби ҳисобланмоқда. Зеро, инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон бир жамиятнинг узокка бора олмаслигини кўрсатди. Шу боис, мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйди.

Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиши, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол ғояси тасодиқ эмас, балки ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларга эга бўлган яхлит назариядир. Шу маънода, у мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурияти, қонуний ҳосиласи, халқимиз мақсад-муддаоларининг ифодасидир.

Бу эса ўз навбатида “Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур, мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар”- деган фикрнинг ҳаққонийлигини исботлайди. Биз ушбу ҳақиқатдан келиб чиққан ғолда фуқаролар, айниқса, ёшлар қалби ва онгига сингиришимиз лозим.

Бунда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ўргатишда қуйидагиларга алоҳида эътибор беришни зарур деб ҳисоблаймиз:

• таълим тизимида ўқув машгулотларини олиб боришда талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёкараши ва кизикишларини ҳисобга олиш;

• таълим ва тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;

• айрим тушунчаларни талабалар эътиборига етиб борадиган даражада халдан зиёд содалаштириш, таълимнинг эскича услуб ва тамойилларини қўллаш натижасида фаннинг кадрсизланишига асло йўл қўймаслик;

• таълим жараёнида талабаларга таълимий ўтказмасдан, маорифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс ва мунозаралар юритиш кўникмаларини оширишга эътиборни кучайтириш- ўқитувчи ва тингловчилар орасида ўзаро ҳамфикрлик ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, мавзунинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда ҳаётий мисоллар, бугунги дунёда рўй бераётган воқеалар таҳлилдан, оммавий ахборот воситалари материалларидан кенг фойдаланиш;

• ёшларда ғоялар ўз маъно-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақидаги ҳаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш;

• миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик биз учун энг олий қадрият ва неъмат эканлигини, уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини талабаларнинг қалби ва онгига сингдириш.

• ўз халқининг тарихини яхши билиш ва ундан ғурурланиш туйғусини шакллантириш;

• буюк аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидай асраб, келгуси авлодларга етказиш хиссини уйғотиш;

• аждодлар урф-одати, расм-русуми ва удумларини, меросини ўрганиб, унинг қадриятга айланган қисмини давом эттириш кўникмасини ҳосил қилиш;

• давлатимиз келажаги, истиқлолнинг барқарорлиги, келажакнинг буюклигини чин дилдан ҳис этиш, шундай келажак барпо этишга астойдил кўмаклашиш юзлаб фазилатлар каби хусусиятларни онгига сингдириб бориш.

Биз ўқорида кўрсатиб ўтилган вазибаларни бажариш таълим соҳасида фаолият олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилардан катта маъсулият талаб қилади. Зеро, миллий истиқлол ғояси юртимизда яшайдиган ҳар бир миллат, ижтимоий гуруҳ, дин, партия ёки қатлам вакили учун умумий мезондир. Шу маънода, 130 дан ортиқ миллат вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон халқининг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган жамиятимизнинг умумий ғоясидир.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил аъзоси ва таркибий қисми бўлган Ўзбекистонни миллий давлатчилик анъаналаримизни асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ап бнгона ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиш бу ғоянинг асосий мақсад ва вазифасидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, Аллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа

олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етиштирсаккина ўз мақсадимизга эришган бўламиз. Бу эса давлатимиз қудрати, мамлакатимиз келажаги билимли, доно ва маънавий баркамол кадрларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда фаолият юритишни тақозо этади.

## **АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИДА ФИЗИКА КУРСИНИ ЎҚИТИШДА ИШЧИ ДАСТУРЛАР ВА МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ЯРАТИШДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР.**

*М.Т.Халилов- АндМИ доценти, Ф. Султонова-АндМИ ассистенти*

Машинасозлик соҳасида етук мутахассислар тайёрлашда фундаментал фанларнинг, шу жумладан физика курсининг аҳамияти жуда катта. Бўлажак муҳандислар на фақат физика қонунларини мукамал ўрганиш, фанни амалиётга боғлаш олиш ва уларни математик ифодалаш, балки бу қонунлар асосида муҳандислик масалаларини, лойиҳаларни амалга оширишда физика қонунларини қўлай бишлилари керак.

Шунинг учун физика курсидан маъруза, амалий, лаборатория машғулотларини ташкил этишда Давлат таълим стандартлари (ДТС), намунавий ўқув дастурларига катъий амал қилган ҳолда, йўналишларни ҳисобга олган ҳолда ишчи дастурлар тузилиб, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларини амалга ошириш керак деб ўйлаймиз.

Навбатдаги асосий долзарб масалалардан бири ёш мутахассислар асосан қайси дарслик ва ўқув адабиётлардан фойдаланишлари кераклигидир.

Охириги йилларда чоп этилган техника олий ўқув юртлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳажми жиҳатидан кенг, мазмунан мукамал бўлсада 2013 йилда тасдиқланган олий таълим давлат таълим стандартида келтирилган физика курси мазмунининг кетма-кетлигига мос келмайди.

Масалан ДТСда техник йўналишлар учун физика курсининг мазмунида қуйидагилар келтирилган:

- Механиканинг физик асослари
- Электр ва магнетизм
- Тебраниш ва тўлқинлар
- Квант физикаси элементлари
- Статистик физика ва термодинамика

Бу бўлимларни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 23 августдаги 263-сонли буйруғи билан тасдиқланган физика фанининг ўқув дастуридан фойдаланиб, ишчи ўқув режаси тузилади. Лекин ўқув дастурида келтирилган физика курсининг бўлимлари, ДТСда келтирилган кетма-кетликка мос келмайди. Бу масаланинг биринчи томони бўлса, иккинчи томондан наъмунавий ишчи дастурда келтирилган соатларни қандай тақсимлаш, машинасозлик йўналишлари учун физика курсини ДТС келтирилган бўлимларига қанча соат ажратиш масалалари туради.

Бизнинг назаримизда ХХІ аср бу янги технологиялар асри бўлиб, ишлаб чиқарилаётган автомобиллар асосан ҳозирги замон механикаси ва электр қурilmалари билан жиҳозланган. Шунинг учун физика курси учун ишчи дастурга

қуйидагича соатлар ажратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан: Физика курсининг маърузалар машғулотига қуйидагича соатлар тақсимотини таҳлил қилардик:

- Механиканинг физик асослари учун -36 соат
  - Электр ва магнетизм қисмига-36 соат
  - Тебраниш ва тўлқинларга 6 соат
  - Квант физикаси элементларига- 6 соат
  - Статистик физика ва термодинамика учун 6 соат
- жами 90 соат ҳажмида белгиланган.

Худди шундай пропорцияда лаборатория ва амалий машғулотлари учун соатларни ажратиш назарда тутилмоқда.

Юқорида келтирилган физика курсидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этишда кўплаб дарслик, ўқув қўлланмаларини тавсия қилиш ва интернет маълумотларидан фойдаланишга тўғри келади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, машинасозлик йўналишлари учун физика курсидан дарсликда кириш қисмида ДТС ва наъмунавий, ишчи дастурни келтириб, шулар асосида физика курси тайёрланса, физика соҳасидаги ёш ўқитувчиларга яхши дастурул амал бўлар эди.

## **«ГИДРАВЛИКА, ГИДРО ВА ПНЕВМОЮРИТМАЛАР» ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

*асс. Д.А. Маматқулов, к.т.н., доц. О.Х. Низамов,  
маг. М.А. Мухаммадиев, маг. Ф.Т. Шодибекова-ТашГТУ*

Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг “Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда” номли рисоласида республикаимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бири маънавиятни юксалтириш экани алоҳида таъкидланган: “Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-хуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак” [1].

Баркамол авлодни тарбиялашда энг аввало педагогнинг ўзи замонавий педтехнология асосларини, нутқ санъати ва муомала маданиятини мукамал эгаллаши керак.

Бугунги кунда таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг олдида турган энг асосий, муҳим вазифа – таълим мазмуни сифатини янги босқичга кўтариш, яъни таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этишдир.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун профессор-ўқитувчилар жамоасидан худудимизга мос бўлган замонавий педагогик технология тамойилларини тўғри талқин қилган ҳолда, ўзлари ўқитаётган фанларнинг ўқув машғулотлари босқичли лойиҳасини тузиб чиқиш талаб этилади.

Таълимнинг ўқув жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг баркамол ёшларни тарбиялаш усул ва воситалари тўғрисида фикр юритилганда ҳамда уларни қўллаганда самара берадиганини танлаш, бугунги куннинг энг асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Педтехнология-педагог фаолияти ички маънавий бойлик ва ташқи ҳаракатлар узвийлигида ўз ифодасини топади.

Ўқитиш усуллари ўқув жараёнининг асосий қисми саналади. Тегишли ва танланган усуллар асосида педагогик фаолиятни амалга узатиш ва қабул қилиш характериға қараб сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалийларға бўлинади.

«Гидравлика, гидро ва пневмоюритмалар» фани бакалаврият йўналишларида ўтиладиган умумқасбий фанларнинг энг асосийларидан бири ҳисобланади. Ушбу фанни ўтиш жараёниға таълим олувчи диққат-эътиборини берилаётган билимға қаратиб, уни билимни илмий асослаб бериш; билим беришда талабанинг имконияти ва ёш хусусиятидан келиб чиқиш; билим беришда мумкин қадар кўпроқ кўргазмали воситалардан фойдаланиш; билим беришда мунтазамлик ва давомийликни сақлаш; ўқув жараёнини меҳнат жараёни билан қушиб олиб бориш; яхлит педагогик жараёнда талабаларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш; таълим ва тарбиянинг тизимли, изчил бўлиши ҳамда унинг бирлиги каби тамойиллари қиради.

«Гидравлика, гидро ва пневмоюритмалар» фани ўқув жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш замонавий таълим тизимида заруриятдир. Яъни янги педагогик технологиянинг афзаллиги, аввало, педагогика, психология ва кибернетика ютуқларига тўлиқ таянишидир.

Бу эса таълимни такомиллаштиришға, уни дунё тараққиёти даражасига олиб чиқишға қатта имконият яратади. Биргина интернетнинг ўзи талабаларни «Гидроэнергетик қурилмалар ташҳиси ва ишончилиги» тўғрисидаги замонавий бугунги данё фани ва техникаси ютуқлари билан таништиради ҳамда зарур маълумотлар беради [2]. Бундан ташқари талабаларни мустақил ўқиш, ўрганиш, мустақил фикрлаш ва изланиш қобилиятларини оширади ҳамда ривожлантиради. Янги педагогик технологияларнинг энг муҳим хусусияти ҳам унда ахборот технологияларининг кенг ва самарали қўлланишидир.

Хулоса шуки, «Гидравлика, гидро ва пневмоюритмалар» фанидан ахборот технологиялари ёрдамида билим бериш қуйидаги афзалликларға эға:

- Талабалар бевосита кўриб бўлмайдиган гидравлик ва гидротехник жараёнларни техник воситалар ёрдамида кузатади, яъни жараён визуаллашади;

- «Гидравлика, гидро ва пневмоюритмалар» фанининг ўқув материаллари чуқурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштиради;

- Мазкур фандан олинган билимлар ва кўникмалар амалда қўлланилади ҳамда талабалар хотирасида кўп вақтгача сақланиб қолади;

- Вақтдан самарали фойдаланилади.

Бугунги кун баркамол ёшларини тарбиялашда юқорида таъкидлаб ўтилган тарбия усулларидан кенг фойдаланилса, уларнинг ҳаёт сўқмоқларидан адашмасликлари таъминланган, республикамиз равнақи учун юқори малакали ва савияли кадрларни етказиб бериш масалалари самарали ҳал қилинган бўлар эди.

## Адабиётлар

1. Каримов И.А. «Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». Тошкент, «Ўзбекистон», 1999-йил.
2. Ташматов Х.К. ва бошқалар. «Гидравлика» фанидан лаборатория ишларини ўтиш жараёнини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари. «Педагогика коллежлари таълим жараёнини такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги ЎЗРО ва ЎМТВ микёсида ўтказилган НАК, ТДПУ 29-апрель 2009 йил, Тошкент.
3. [http:// www.uzbekistan.uz](http://www.uzbekistan.uz)
4. [http:// www.ges.ru](http://www.ges.ru)

## КОМПЬЮТЕР ЁРДАМИДА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ

*Н.Нурматова- АндМИ ассистенти*

Таълимнинг мазмунини такомиллаштириш, талабаларни таълим воситаларидан, компьютердан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантиришни талаб этади.

Таълим жараёнида техника воситаларидан компьютерни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Таълим жараёнида компьютерларни қўллаш талаба билим фаоллигини ички омилларига жиддий таъсир кўрсатади. Компьютер фаоллаштиришнинг кўргазмалилик, ўқитишни индивидуаллаштириш, билимнинг янги услубларини эгаллаш, амалий ишларни бажариш, мустакил ишлашни ривожлантириш сингари омилларнинг таъсирини кучайтиради.

Компьютер технологияларининг ривожланиши таълим жараёнини янги босқичга кўтаради, бу ўз ўрнида таълим мазмунини, метод ва шаклларни қайта кўриб чиқиш, уни янги билим ҳамда кўникмалар билан янада бойитиш заруриятини туғдиради.

Хар бир ўқитувчи дарсни режалаштиришда дарснинг нафакат самарали ва сифатли бўлишига, балки унинг кизиқарли бўлишига ҳаракат қилади. Чунки, кизиқарли, кўргазмали ўтказилган дарс талабалар хотирасида кўпроқ сақланади.

Бундай дарсларни амалга оширишда таълим даргоҳларида мавжуд бўлган ўқитишнинг замонавий воситалари ёрдамчи вазифани ўтайди. Замонавий олий таълимда инглиз тили ўқитиш жараёнида компьютер, мультимедиа проектори, телевизор, магнитофон ва видеомагнитофон интерактив доска кўриш қобилиятини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам, компьютер воситасида ўтказиладиган дарслар дастурланган лойиҳаланган холларда амалга ошириш учун қулай вазият яратади. Компьютерлашган дарсларда: ўқув материаллари алоҳида-алоҳида бўлақларга бўлинади ва ўқув жараёни ҳам кетма-кет олиб борилади. Ўқув материали маълум бўлақларда фикр юритиб, ўзлаштиришга мослаштирилади ҳамда талабанинг ўзлаштиришдаги ҳар бир ҳаракати назоратга олиниб мониторинги йўлга қўйилади. Ўқув вазифани бажариб бўлиш билан талабани ўзлаштириши учун навбатдаги вазифа берилади. Шу тарика босқичма-босқич ўзлаштиришга муҳит яратилади. Вазифаларни бажаришда талаба нотўғри жавоб қилса, унга ўша заҳотиёқ йўл кўрсатилади. Бундай таҳлил этилган дарсларда ҳар бир талаба алоҳида-алоҳида мустакил иш юритади. Шу асосда ҳар бир талаба ўз имконияти даражасида ўқув

материали мазмунини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Берилган мавзу материали мазмуни, бажариладиган натижалар талабага ҳам, ўқитувчига ҳам аён бўлади.

Бундай жараёнда ўқитувчи ҳам ташкилотчи, ҳам ёрдамчи ва маслаҳатчига айланади. Талаба эса мустақил ишлайди. Бу эса таълимнинг сифатли, самарали кечишини таъминлайди. Компьютер ўқитувчи учун ёрдамчи вазифасини бажаради. Бунда ўқитувчи дарсни ҳар бир талабанинг қабул қилиш даражасини эътиборга олган ҳолда иш олиб боради. Компьютердан фойдаланиш таълим жараёнини жадаллаштиради. Маълумки, назорат ўқув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўқув жараёни назорати яъни жорий, оралиқ, якуний ўтказиш учун компьютер яхши ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади. Компьютердан фойдаланишда талабалар билими сифати назорати объектив баҳоланади. Бундан ташқари, компьютер ёрдамида назорат, ўқув вақти тежалди.

Ўқув жараёнини бориши давомида компьютер ахборотни ўзида сақлайди. Олинган ахборотдан ўқитувчи хатолар сони, тўғри, нотўғри жавоблар, талабаларнинг билим даражаси қай даражада эканлигини таҳлил қилади. Таъкидлаш жоизки, компьютер талабадаги саволга эркин жавоб бериш, қўрқувни енгишга ёрдам беради.

Компьютер ўз имкониятлари билан грамматика, лексика, фонетикани ўргатишда бошқа техник воситалардан ажралиб туради. Лексик материални тақдим этишда компьютер бир вақтнинг ўзида сўзнинг график ва товуш образини шакллантиришга имкон беради. Намойиш этиш босқичида, экранда сўз ва уларни тасвирловчи расмлар кўрсатилади. Сўзнинг график намоишида талабалар сўзларни тинглаб, талаффуз қилиш имконига эга бўладилар. Кўриб, тинглаш талабага лексик материални осон ўзлаштиришга ёрдам беради. Ёзув эса сўзларнинг боғланишини мустаҳкамлайди. Кўриш ва тинглаш талабада лексик материал ҳақида тасаввур пайдо қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, лексикани компьютер ёрдамида тақдим этишда ўқитувчидан ҳар бир талабанинг билим даражасига эътибор қаратиши талаб этилади. Чунки, бир гуруҳ талаба сўзнинг график образини, иккинчи гуруҳи эса тинглаб тушунишни қабул қилиши қийинроқ кечади. Ўқитувчи талаба қайси вазифани бажаришда қийинчиликка учраётган бўлса, ўша қийинчиликни бартараф этувчи вазифалар бажартириши лозим.

Назоратлар жараёнида компьютердан фойдаланиш талаба учун ўқув жараёнини энгиллаштиради, ўқитувчи учун мураккаблаштириши мумкин. Чунки ўқитувчи электрон машғулотлар яратиш мобайнида унинг қонун-қоидаларига риоя қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инглиз тили дарсларида компьютер, проекторлардан фойдаланиш барча ёшдаги тил ўрганувчилар билиш фаолликни ва уларнинг дунёқарашининг ошишига хизмат қилади. Ўқитувчи дарсни тўлиқ техник воситалардан фойдаланиши эмас балки, дарснинг бирор бир қисмида дарснинг самарали ўтиши учун фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

## ТАЛАБАНИ МУСТАҚИЛ ИШЛАШГА ЎРГАТИШ

*М.Ахмедова катта ўқитувчи, У.Қосимов ассистент- АндМИ*

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талабанинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига кизиқишни кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида педагогик технологиялардан фойдаланган холда талабаларни фанларга кизиқтириш, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини ошириш имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси талабани кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилонга фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Шу билан бир каторда ўқитувчи иш фаолияти давомида доимо талабанинг хулқ атвори, тартиб-интизомига тузатишлар киритишга, улардаги шахсий хислатлар ва табиатларидаги кирраларни ривожлантиришга, мавжуд камчиликларини бартараф қилиш имкониятига эга. Бунинг учун уларни узлуксиз равишда мустақил ишлашга ўргатиш яхши самара беради.

Мустақил ишни бажаришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-ишнинг мавзуси бўйича амалий маълумот йиғиш ҳамда услубий материал ва адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш; ўрганилаётган фан соҳасида тажриба олиб бориш, изланиш, таҳлил қилиш, услубиятини эгаллаш; маълумотларни таҳлил қилиш натижасидан илмий асосланган хулосалар, таклифлар шакллантиришдан иборатдир.

Мустақил ишни мавзусини танлашда ва топшириқларни бажаришда қуйидагиларга эътибор қарагиши лозим:

-фанларни ўрганиш жараёнида пайдо бўладиган муаммоли саволларни аниқлаш;

-фанлар бўйича махсус кунлик ёки хафталик журналлар ва чоп этилган мақола ва аналитик материаллар билан танишиб бориши лозим.

Талаба мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш учун қуйидаги усуллардан бирини танлаши керак.

-илмий адабиётларни ўқиш;

-ахборотни ёзма равишда узатиш;

-ахборотни оғзаки равишда узатиш;

-таҳлилий маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усуллари ва воситаларидан унумли фойдаланиш;

-хамкорликдаги ўқишни ташкил этиш усул ва воситалар танлаш;

-муаммони жамоали тарзда хал этиш, уни хал этиш бўйича устувор ғояларни танлаш ва баҳолаш усуллари ва воситаларни аниқлаш;

-амалий вазиятларни хал этиш услублари ва воситаларини танлаш;

“Материалшунослик” ва “Конструкциян материаллар технологияси” фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда юқоридаги кўрсатилган усуллардан ахборотни ёзма равишда узатиш усулидан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Бу усул танланган мавзунинг конспектлаш ёки реферат тайёрлашдир.

Реферат – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шакллардан бири саналади. Шу боисдан, оддий конспекташдан фарқли равишда, реферат янги муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик янгилик тақдим этилиши, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуктаи назарларни ўзаро солиштириш алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Рефератлаштириш ўзида бир ёки бир қанча манбааларни бирлаштириш, таҳлил ва синтез қилишга асосланиб маълум бир саволни ифода этишни мужассам этади.

Рефератда муфассал исботлар, солиштирмалар, мулоҳазалар баҳолар бериш таълаб этилмайди, матнда ёритилаётган мавзу бўйича муҳим саволларга жавоб берилади.

Ўқув фани бўйича мустақил иш учун реферат тайёрлаш қуйидаги вазифаларни хал этишни назарда тутади:

Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга оид олинган назарий билимларни ижодий қўллаш қўникмаларини ҳосил қилиш;

Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлар ва муаммоларини ўзлаштириш;

Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу қабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва тақлифлар қилиш;

Ёзма кўринишда ишларни тўғри расмийлаштириш қўникмаларни ривожлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил ишни реферат тарзида тайёрлаш танланган мавзунини бир ёки бир неча манбаалар материалларини ўрганиб бир хулосага келиш орқали ўз фикрлари, қарашлари хулоса ва тақлифларини аниқ тарзда ифода этишга ўргатишдан иборат.

## **АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАЪЛИМГА ТАЪСИРИ**

*Г.Г.Базарова, О.А.Партиев –АнДМИ доцентлари*

Ахборот технологияларидаги улкан ўзгаришлар ва уларнинг катализатори ҳисобланган Интернет бизнинг ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборди. Ахборотлар оқими бизни ҳар томонлама қўраб олди, уларга ҳамма жойда дуч келамиз. Сўнгги ўн йилликда компьютер технологиялари ва Интернетнинг ривожланиши туфайли ахборот оламида рўй бераётган янгиликлар, қўндалик ҳаётимизда бизнинг банклар билан билан бўлган муносабатимиздан тортиб, одамлар ўртасидаги муносабатгача сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Ахборот технологиялари соҳасидаги ўзгаришларнинг таълимга таъсирини, айниқса олий таълимга таъсирини таърифлаш қийин эмас. Китоблар ўрнини электрон дарсликлар эгаллаб бормокда. Энди кўп ҳолларда, талабалар кутубхоналарнинг ўқув залларига кириб саноксиз

китоблар мутоаласи билан банд бўлмай, тинч ва сокин муҳитда электрон дарсликлар ёрдамида тест ва синовларга тайёргарлик қўришлари мумкин.

Ўқитиш бир нечта малакаларни ўз ичига камраб олади.

- Ахборот малакаси, яъни интернет ва электрон ташувчиларни қўллаб, маълумотни излаш, уни олиш ҳамда зарурий маълумот ва билимларни маъруза, амалий машғулотлар орқали узатиш;

- Маъруза ва амалий машғулотларга қатнаш ва материалларни мустакил ўрганиш орқали билим олишни ўзида мужассам қилган когнитив малака:

- Талабаларга муайян вазиятларни таҳлил қилиш ва аъналарни аниқлашга асосланган гоъларни яратиш кўникмаларини ҳосил қилиш имконини берувчи ижодий малака;

- Олинган билим ва кўникмаларни баҳолаш имконини берувчи верификацион малака.

Маълумотларни излаб топиш ва уларни олиш осонлиги нафақат Интернет ва бошқа замонавий маълумот ташувчиларгагина боғлиқ бўлибгина қолмай, балки инсонларнинг реал вақт режимида барча (матн аудио ва видео) форматларда ўзаро мулоқотга киришувчи ва маълумот алмашилиш имконини берувчи мисли қўрилмаган кўламда ривожланаётган ижтимоий тармоқлар билан ҳам тавсифланади.

Бундай шароитларда педагогик жараёнинг оғирлик маркази машғулотнинг ахборот шаклларида кўпроқ амалий шакллари томон силжиши керак. Ўқитишнинг асосий мақсади билим эгаллашдангина иборат бўлиб қолмай, балки кўпроқ таҳлил қилиш ва шу таҳлил асосида қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлишдан иборат бўлиб бормоқда. Бундан билимларни эгаллаш иккинчи даражали вазифага айланмоқда деган хулоса келиб чиқмайди, чунки ижодий ва таҳлилий фаолият билимларга асосланиши сир эмас. Бугунги кунда талабалар материалларни мустакил излаб топиш ва ўрганишнинг бекиёс имкониятларига эга.

Кўп жиҳатдан ўқитиш жараёнини, демократлаштирувчи бошқа бир омил тўғрисида тўхталиб ўтиш керак. Аввалги вақтларда, талабалар ўқув жараёни маълум бир материаллар тўплами асосида ташкил қилинар эди. Бу материаллар юқоридан мажбурий материал сифатида тавсия этилар ва улар тегишли кафедралар томонидан тайёрланар эди. Шундай қилиб, талабалар муайян бир доирада қолишга ва маълум ўқитиш тартибига риоя қилишга мажбур эдилар.

Бугунги кунда ҳолат ўзгарди ва маълумотларнинг кўпчилиги ҳамда уларни излаб топиш имкониятининг кенглиги туфайли, талабалар ўзларининг олийгоҳлари доирасида “ўралашиб” қолмасдан, шу билимлар билан чекланибгина қолмасдан, бошқа ўқитиш услублари, бошқа нуқтаи назарлар билан танишишлари мумкин. Бундай вазият ўқитувчилардан маълум бир доирадаги билимларни талабаларга етказишигина эмас, балки уларнинг тасдиғи ва исботларини ҳам келтиришларини талаб этади. Ҳатто аънаваный услуб ҳисобланган маъруза доирасида ҳам гуруҳий баҳслар ва савол-жавоб модуллари сезиларли ўрин эгаллаши керак, яъни оддий маъруза микёсида оддий билимларни берибгина қолмай, балки тушуниш учун кийин бўлган саволларга жавоб топишга олиб келади, ижодий фикрлашни “уйғотади”. Шундай қилиб, таълим жараёни талабаларга ўқишни

тамомлаганларидан кейин амалий фаолиятларида асқотадиган кўникмаларни эгаллашга ёрдам беради.

Замонавий ўқитиш шаклларининг ўзига хослиги таълим жараёнини муайян бир шахсга қаратилганлигида намоён бўлади. Таълим жараёнининг компьютерлаштирилиши бу вазифани бажаришни осонлаштиради. Хар бир талабанинг феъл-атвори, савияси ва имконияти ўзига хос бўлади. Кўп ҳолларда, рухий жиҳатдан талаба учун ўқитувчи билан компьютер орқали мулоқотга киришиш осон. Яна бир бошқа талаба учун материални ўзлаштириш реалликка яқин моделларда анча енгил.

Шу кун ўқитувчисининг маҳорати шунда намоён бўладики, у хар бир талабага индивидуал ёндошиши, талабанинг шахсий фазилатларидан юкори савияда фойдаланишга қаратилган ўқитиш шакллари ҳамда ёндошувларни қўллай билиши керак. Ўқитиш ва малака оширишнинг замонавий дастурларида маъруза машғулотлари мазкур курс давомийлигининг қирқ фоизини ташкил этади. Қолган қисми машғулотнинг мавжуд амалиёт татбиқининг таҳлили, баҳс, гоъларни шакллантириш каби таълим жараёнини индивидуаллаштиришни таъминлаб берувчи шаклларига ажратилади.

Бу нуқтаи назардан Шахсий Тренинг Сессия (Шахсий инновацион Режаси) каби машғулот шаклидан фойдаланиш айна муддао ҳисобланади ва у Йорк Университетида (Торонто) муваффақиятли синаб кўрилган. Ушбу машғулот шаклининг мазмуни шундан иборатки, талабаларнинг индивидуал ишлари дарс жараёнидаги ўқитувчи маслаҳатлари билан муштарак ҳолда олиб борилади. Мазкур вазиятда ўқитувчининг вазифаси ҳамкорликдан, аниқроғи талабани ижодий ва амалий фаолиятига ёндашдан иборат бўлиб қолади. Айна ўқитишнинг мана шундай шакллари таълим жараёнини индивидуаллаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, ўқитиш вазифаси ижодий фикрлаш, таҳлил қилиш, гоъларни яратиш ва ечимларни топа билишдан иборат бўлиб қолади. Бу машина ва компьютерлар қуввати ошиб боришига қарамай, инсон омили сезиларли даражада ортиб борувчи, инновацион ишлаб чиқаришда зарур бўлган элемент ҳисобланади. Мана шундай кўринишдаги ишлаб чиқаришга фақат билувчи, уддабурон ва ўзига хос фикр юрита оладиган мутахассислар керак бўлади.

## **КАСБ ХУНАР ТАЪЛИМИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*Г.Г.Базарова, О.А.Парпиев – АндМИ доцентлари*

Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни ўқув жараёнида қўлланилиши янгилик бўлмай, бугунги кунда у бутун дунё учун реал воқеълик ҳисобланади. Замонавий жамият ахборотлаштириш жараёни билан узвий боғланган. Компьютер технологияларининг барча жабҳаларда татбиқ этилиши кузатишмоқда. Бу ҳолда замонавий жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг долзарб йўналишларидан бири таълимни ахборотлаштириш, яъни янги ахборот технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳисобланади. Бу анъана ўрта таълимнинг, ўқитиш усуллари, воситалари ва шаклларининг янгиланишини талаб этувчи, ўзгарган мақсадларига мос қолади.

Келажакда бутун дунё ҳамжамиятига очик бўлган, халқаро ҳаётда сезиларли роль ўйнайдиган давлат сифатида, биз ахборотлашган жамиятнинг бир қисми ҳисобланамиз. Сўнги вақтларда, педагоглар доирасида, ахборот технологиялари ўқув жараёнини ташкил этишда ўйнаши мумкин бўлган роль ҳақида тўғри тушунча шаклланиб бормоқда. Компьютер технологияси дастурланган ўқитиш ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютер-ларнинг бекиёс имкониятлари билан боғланган, мутлақо янги, ҳали ўрганиб улгурилмаган ўқитишнинг технологик вариантларини очиб беради.

Компьютерларнинг пайдо бўлиши билан маълумотлар билан ишлаш ва уларни расмийлаштириш технологиясида инқилоб рўй берди. Компьютерда ишлашни билиш бирламчи маданий кўникмалар сарасига қиради. Шунга қарамай, кўплаб ўқув фанларни ўрганиш ўқув муассасаларида асосан анъанавий усуллар: ручка, чизгич, харита, дафтар, тахта, бўр қўллаш орқали олиб борилади. Ўқувчилар эртами-кеч ўзларининг бўлажак фаолиятларининг ҳар қандай турида компьютерларни қўллаш заруриятига дуч келадилар.

Жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги даври барча фаолият соҳаларида, шу жумладан таълимда ахборотлар ўрнининг ошиши билан тавсифланади. Замонавий жамият таълими ривожланишининг бу глобал анъанаси таълим илмий ахборотларига эришиш имкониятининг мутлақо янги босқичига ўтишини талаб этади. Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда таълим тизимининг ўрни батафсил қўшимча далилларни талаб этмайди. Кўплаб олимларнинг фикрича, айнан ҳозир инсоният ривожланишининг индустриал босқичидан янги индустриал ости босқичига ўтиш амалга ошириш мумкин. Изланувчиларнинг кўпчилигининг баҳолашларига қараганда, келажак ахборотлашган жамият кўринишида намоён бўлади.

Ахборот ва ахборот технологиялари воситаларининг жадал ривожланиши ва инсонларнинг барча ижтимоий фаол соҳаларга кириб келиши бу башоратнинг тўғрилигини тасдиқлаб берувчи амалий гувоҳлик ҳисобланади. Жамиятни ахборотлаштириш жараёни ҳозирги даврнинг энг кўзга ташланган жараёнларидан бири бўлиб қолди. У кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни, шу жумладан Ўзбекистонни ҳам қамраб олди.

Ахборотлаштириш замонавий жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий соҳаларига шу қадар катта таъсир кўрсатмоқдаки, уни “ижтимоий-технологик инқилоб” деб ҳам атамоқдалар. Уни келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари ҳозирги вақтда етарли даражада ўрганилмаган ва англаб етилмаган. Шу нарса аниқки, ахборотлашган жамиятнинг юзага келиши, нафақат ишлаб чиқариш соҳаси ва инсонларнинг иш фаолиятида, балким бутун ижтимоий соҳада тубдан ўзгаришлар рўй беришига олиб келади.

Мутахассисларни тайёрлаш сифатидаги кейинги тараққиёт замонавий таълимнинг илмий-услубий ва илмий-изланиш фаолиятини такомиллаштириш фақат тармоқ компьютер воситалари, ахборот технологиялари асосида замонавий технологияларга ўтиш орқали амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги вақтда жамиятда маданий ривожланишининг янги истикболли йўналиши-ахборот маданиятининг пайдо бўлиши кузатилмоқда. Айнан у инсонга нафақат ахборот эркинлигини, балким шахс сифатида ривожланишнинг янги имкониятларини

бериши керак. У нафақат жамиятда ахборот жараёнларининг қонуниятларини билишгагина эмас, балким одамларни жамиятнинг бошқа аъзоларини ахборот хавфсизлиги тамойилларини таъминлашда ўзининг маъсуллигини тушунишга асосланади. Айнан шунинг учун жадал ривожланиб бораётган таълимнинг истикболли тизимида гуманизм ва ахлоқий муаммоларга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ахборот маданияти шахснинг ахборот манбаларига эркин чиқиши имкониятини берувчи, мулоқотнинг янги тури ҳисобланади. Ахборот маданияти тушунчаси инсон фаолиятининг касбий ва шахсий қирраларини бирлаштириш имконини беради. Ахборот маданияти тушунчасига қуйидагилар киради:

- олинган маълумотларнинг таҳлили ва синтези;
- кўплаб иккинчи даражалилар тўпламидан энг асосийларини ажрата билиш;
- маълумотларга ишлов бериш;
- ахборот бирликларини ёдда сақлаб қолиш, уни кейинчалик тиклай олиш;
- олинган маълумотларни ўзининг билимларига айлантира олиш;
- янги маълумот, янги билим ва ҳ.к. ларни яратиш жараёни.

Ахборот маданиятини шакллантириш талабаларга қуйидаги талабларни қўяди:

- ташаббускорлик, ўз муаммоларига ечим топа билишлик;
- қисқа кўникаш давридан кейин ўз фаолиятининг исталган соҳасида барча бурчларни бажара олиш қобилияти;
- тизимли услубият, билимлар, амалий фаолиятни таҳлил қилишнинг замонавий усулларини эгаллай билиш;
- ҳаётдаги фаол ўрни, ташкилотчилик сифатлари;
- ахборот вазиятларини мустақил таҳлил қилиш;
- ахборотлар оқимида мўлжални тўғри ола билиш;
- оператив кўникмалар, жараёнларни моделлай олиш; руҳий кўникма;
- фан ва техника янги ютуқлари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- бошқара олиш, илмий-изланиш ишларига бўлган қизиқувчанлик;
- ижодий ёндошув, интеллектуал потенциал.

Шундай қилиб, талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш, янги ахборот технологияларининг қўлланилиши, бўлажак кадрларнинг малакавийлиги ва касбий имкониятларини сезиларли даражада орттиради, уларнинг касбий маданият доирасини кенгайтиради.

## **HARAKATDAGI AVTOMOBILLARGA TA'SIR ETUVCHI QARSHILIK KUCHLARNI TAHLIL QILISH VA ULARNI KAMAYTIRISH USULLARI**

*S.S. Yusupov – AndMI assistenti*

О'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligini qo'lga kiritgandan so'ng mamlakatimizda ko'p sohalarda islohatlar amalga oshirilmoqda. Ularning natijasida iqtisodiyotimizda sifat o'zgarishlari ro'y berib, buni natijasida esa mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohotlarni chuqurlashtirish jarayonlari amalga oshirilib kelinmoqda.

Respublikamizda ishlab chiqarilayotgan avtomobillarimiz jahon bozorida o'z o'miga ega bo'lishi uchun ularning konstruksion va ekspluatatsion ishonchligi xalqaro standartlariga to'la javob beradigan darajada bo'lishi zarur. Avtomobilning ekspluatatsion xususiyatlari nazariyasi uni ishlatish davrida avtomobildan effektiv foydalanish usullarini va konstruksiyasining ekspluatatsiyaon talablarini qanoatlantirish darajasini harakterlab beradi. Avtomobilning ekspluatatsion xususiyatlariga tortish va tormozlash dinamikasi, yonilgi sarfining tejamliligi, boshqaruvchanlik, turg'unlik, yo'l to'siqlaridan o'ta olish xususiyati yurish ravonligi, harakat xavfsizligi, puxtaligi, remont qilishning osonligi kabi ko'rsatkichlar kiradi.


Avtomobilning ekpluatatsion xususiyatlari nazariyasi transport harakat qonunlari va ekspluatatsion xususiyatlarini o'rganuvchi fan bo'lib nazariy mexanika, mexanizm va mashinalar nazariyasi, materiallar qarshiligi kabi kurslarga asoslangan.

Avtomobilning ekspluatatsion xususiyatlari nazariyasi uni ishlatish davrida avtomobildan effektiv foydalanish usullarini va konstruksiyasining ekspluatatsiyaon talablarini qanoatlantirish darajasini harakterlab beradi. Avtomobilning ekspluatatsion xususiyatlariga tortish va tormozlash dinamikasi, yonilg'i sarfining tejamliligi, boshharuvchanlik, turg'unlik, yo'l to'siqlaridan o'ta olish xususiyati yurish ravonligi, harakat xavfsizligi, puxtaligi, remont qilishning osonligi kabi ko'rsatkichlar kiradi.

Avtomobilni harakatlantiruvchi kuch – dvigateldan transmissiya orqali yetakchi g'ildiraklarga uzatilgan kuchdir. Totish dinamikasida avtomobil quvvati tirsakti valning aylanishlar chastotasiga bog'liq deb hisoblanadi. Bu vaqtda drossel-zaslodka to'la ochiq va boshqa ta'sir etuvchi faktorlar o'zgarimas deb faraz qilinadi. Ko'rsatkichlar dvigatelning tashqi tezlik harakeristikasidan o'rganiladi.

Avtomobilning harakatiga havo ham qarshilik qiladi, uni yengish uchun dvigatel quvvatining bir qismi sarf bo'ladi. Agar shamol avtomobil harakati yo'nalishiga qarshi yo'nalgan bo'lsa, havo qarshiligi yana ham kattalashadi. Havoning avtomobilga qarshiligi quyidagi sabablardan kelib chiqadi.

Avtomobil har xil kuchlar ta'sirida harakatga keladi. Bu kuchlarni ikki guruhga



bo'lish mumkin: avtomobilning harakatlantiruvchi kuchlar; uning harakatiga qarshilik ko'rsatuvchi kuchlar. Umumiy holda, avtomobilga ta'sir etuvchi kuchlar i-rasmda ko'rsatilgan.

1-rasm. Umumiy holda avtomobilga ta'sir qiluvchi kuchlar.

Tortish kuchi  $P_k$  harakatlantiruvchi kuch bo'lib, yetakchi g'ildiraklarga uzatiladi. Bu kuch dvigateldan olinib, yetakchi g'ildirakning yerga ishqalanishi natijasida vujudga keladi.

Avtomobilning harakatiga qarshilik kuchlari:

$P_f$  – aylanma-ilgarilanma harakatga qarshilik kuchi;

$P_i$  – balandlikka chiqishga qarshilik kuchi;

$P_w$  – havoning qarshilik kuchi;

$P_{\mu}$  – avtomobilning tezlanishga qarshilik (inertsiya) kuchi.

$P_f$  kuch g'ildirakning aylanma-ilgarilanma harakatiga qarshilik momentining shu g'ildirak radiusiga bo'linganiga teng. Aylanma-ilgarilama harakatga qarshilik kuchi har bir g'ildirakda paydo bo'ladi va qulaylik uchun qiymatlari teng deb qabul qilinadi.

Havoning avtomobilga qarshiligi quyidagi sabablardan kelib chiqadi.

1) harakat davrida avtomobilning orqa va old qismida havo bosimining har xilligi natijasida peshtoqda hosil bo'ladigan qarshilik umumiy qarshilikning 55 — 60% ini tashkil etadi;

2) avtomobilning qanoti, zinapoyasi, nomeri va boshqalarning qarshiligi (12—18% ni tashkil etadi);

3) havoning radiator orqali kapot tagidan o'tib ko'rsatadigan qarshiligi (10—15% ni tashkil etadi);

4) avtomobil kuzovining havoga ishqalanish qarshiligi (8—10% ni tashkil etadi);

5) avtomobilning yuqori ra pastki qismidagi bosimning har xilligi tufayli sodir bo'ladigan qarshilik (5—8% ni tashkil etadi).

Havoning qarshilik kuchi avtomobilning har xil nuqtalariga tushganligi sababli uni aniq hisoblash qiyin. Ta'sir etuvchi elementar qarshilik kuchlarining teng ta'sir etuvchisi avtomobilga havoning qarshilik kuchi  $P_w$  deb ataladi.  $P_w$  kuch qo'yilgan nuqtani *yelkanlik markazi* deyiladi. Bu nuqta yo'l tekisligidan  $h_m$  balandlikda bo'ladi.

Avtomobilga havoning qarshilik kuchi quyidagi empirik formuladan topiladi:

$$P_w = K \cdot F \cdot v_a^2 / 13;$$

bu yerda,  $K$  — havo qarshiligini yengish koeffitsienti;

$F$  — avtomobilning old yuzasidan qaralgandagi yuzi.

Demak, havoning tezligi,  $v_a$  uning qarshilik kuchiga katta ta'sir ko'rsatadi. Agar  $v_a \leq 30$  — 40 km/soat bo'lsa, formulada  $v_a$  birinchi darajada olinadi,  $150$ — $180 \geq v_a \geq 30$  — 40 km/soat bo'lsa,  $v_a^2$  va  $v_a > 180$  km/soat bo'lsa,  $v_a^3$  bo'ladi.


Havo qarshiligini yengish koeffitsienti  $K$   $1$  m/s tezlik bilan harakatlanuvchi avtomobilning  $1$  m<sup>2</sup> yuzasiga havoning qarshilik kuchi bilan aniqlanadi.

Harakatdagi avtomobillarga ta'sir etuvchi qarshilik kuchlarni Nexia N-150 GLE DOHC avtomobili misolida ko'rib chiqamiz.


Avtomobilni harakatlanishiga havoning qarshilik kuchi quyidagi ifoda yordamida topiladi:

$$P_{w-U_{n}} = k \cdot F \cdot v_{a-U_{n,n}}^2; N$$

bu yerda;  $k$  - avtomobilning suyrilik koeffitsienti;  $k=0.36-0.44$ ;



1-grafik



2-grafik

- - suyrilik koeffitsienti  $k=0,40$  bo'lgan Nexia avtomobili uchun,
- - suyrilik koeffitsienti  $k=0,30$  bo'lgan Nexia avtomobili uchun.



2-rasm.

Harakatdagi avtomobillarga ta'sir etuvchi qarshilik kuchlarni tahlil qilish va ularni kamaytirish usullaridan biri bu avtomobil kuzoviga qo'shimcha havo kesuvchi moslamalarni o'rnatish kerak bo'ladi. Masalan quyida Nexia N-150 GLE DOHC avtomobilining kuzov qismlariga o'rnatilishi tavsiya etilayotgan joylari keltiriladi (2-rasm).

Kelajakda faqat avtomobillarni kashf etib qolmasdan, infratuzilmalarni ham o'zgartirish kerak. Bu qanday bo'ladi? Yengil va yuk avtomobillarini harakatini alohida trassalarga to'g'rilash harakat oqimini bir xilligiga olib keladi va buning evaziga-xavfsizlikni anchagina oshishi ta'minlanadi. Qimmatbaho boshqarish tizimi yo'l darajasini amalda nonga olib keladi. Shu bilan birgalikda bir xil tezlik va avtomobillar oralig'ini avtomatik ravishda boshqarilishi, hozirgiga nisbatan, harakatning atrof muhitga ta'siri yoqimliroq va yonilg'i tejamkorligi esa yuqoriroq bo'ladi.

Eng asosiy kuchlardan biri bu havoning qarshilik qiluvchi kuchi hisoblanadi, shuning uchun avtomobillarni loyihalash maxsus quvurlarda avtomobil kuzovining aerodinamik xususiyatlarini tekshiriladi va tahlil qilinib, avtomobil kuzovining suyrilik koeffitsienti aniqlanadi. Nazariy tomondan olib qaralganda avtomobilning suyrilik koeffitsienti yengil avtomobillar uchun  $k=0,36 - 0,44$  deb qabul qilinadi.

Biz Nexia N-150 GLE DOHC avtomobili uchun shartli  $k=0,40$  deb qabul qilib, Avtomobilni to'rtinchi uzatmadagi harakatlanishiga havoning qarshilik kuchi uzatmaning **34,08 m/s** tezligida **838,74 N** kuchni hosil qildi (1-grafik). Avtomobilni to'rtinchi uzatmadagi yoqilg'i sarfi esa **34,08 m/s** tezligida **11,46 l/km** yonilg'i sarfini ko'rsatdi (2-grafik).

Harakatdagi avtomobillarga ta'sir etuvchi qarshilik kuchlarni tahlil qilish va ularni kamaytirish usullaridan biri bu avtomobil kuzoviga qo'shimcha havo kesuvchi moslamalarni o'rnatish kerak bo'ladi (2-rasm). Shuning uchun Nexia N-150 GLE DOHC avtomobili uchun shartli  $k=0,30$  deb qabul qilib, Avtomobilni to'rtinchi uzatmadagi harakatlanishiga havoning qarshilik kuchi uzatmaning **34,08 m/s** tezligida **629,05 N** kuchni hosil qildi (1-grafik). Avtomobilni to'rtinchi uzatmadagi yoqilg'i sarfi esa **34,08 m/s** tezligida **10,83 l/km** yonilg'i sarfini ko'rsatdi (2-grafik).

Bundan ko'rinadika biz tavsiya qilayotgan jihozlarda avtomobilning havoning qarshilik kuchi va yoqilg'i sarfi ham sezilarli darajada kamayar ekan. Hozirgi globallashuv davrda eng asosiy masalalardan biri bu atrof - muhitni asrash, transport vositalaridan chiqayotgan zararli gazlarni kamaytirish talab etilayapti. Shu sababdan biz avtomobillarda qancha kam yonilg'i sarflasak shuncha kam zararli gazlar chiqishini kuzatishimiz mumkin.

Kelajakda avtomobillarni loyihalovchi avtokonstruktorlar tomonidan avtomobillarning suyrilik (aerodinamik) koeffitsientini  $0,2 - 0,3$  qiymatga keltirish bo'yicha ilmiy izlanishlar olib borishni maqsad qilib olganmiz.

## МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА “5 - ПОФОНАЛИ МЕТОД” ДАН ФОЙДАЛАНИШ.

*С.С. Юсупов, Ж.М. Усмонов – АндМИ ассистентлари*

Янги педагогик технология - бу таълим ва шахсни ривожланишига йуналтирилган педагогик жараёнинг лойиҳаси. Янги педагогик технологияни асосий вазифаси - шахсни ривожлантириш ва ўқитиш жараёнининг усулларини ҳаётга тадбиқ этишдир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислохотлари кўзда тутилган. Бунинг учун аввало, узлуксиз таълим тизимининг барча шаклдаги таълим муассасаларида таълим жараёнини таъминловчи илғор илмий-методик жиҳатдан асосланган методикаларни амалда қўллаш лозим. Фан, техника ва илғор технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда талабаларга таълим ва тарбия беришда ушбу “5 – Поғонали метод”ни махсус фанларни ўқитишда қўллаш ўз касбининг етук мутахассиси ва жаҳон талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашда жуда катта аҳамият касб этади.

Мутахассислик фанлар масалан: “Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси”, “Автомобиллар техник эксплуатацияси”, “Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари”, “Автомобиллардан фойдаланиш ва таъмирлаш асослари” каби фанлардан лаборатория ва амалий машгулотларини ўтказишда “5 – Поғонали метод” - (“қизиштириш - маълумот бериш – кўрсатиб бериш – қўллаш ва текшириш”)дан фойдаланиб, талабаларни фанларга ёки мавзуга оид билимларини ва кўникмаларини янада мустахкамлаш, амалиётда қўллай олишга ўргатиш, шунингдек, уларга фан сирларини очиб беришдан иборат.

Мутахассислик фанларига талабаларнинг қизиқиши юқори бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, фанлар бўйича албатта плакатлар, деворий ва қирқимли стендлар ҳамда намуна деталлар мажмуаси талаб этилади. Андижон машинасозлик институти “Ер усти транспорт тизимлари” кафедрасининг ўқув-лаборатория хонасида “Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси”, “Автомобиллар техник эксплуатацияси”, “Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари”, “Автомобиллардан фойдаланиш ва таъмирлаш асослари” фанларидан лаборатория ва амалий машгулотларини ўтказиш учун автомобилларнинг қирқимли стендлари ва намуна деталлари мавжуд. Автомобил узел ва агрегатларини қисмларга ажратиш, йиғиш ва ташхислаш учун турли хил технологик жиҳозлар ва калитлар жамланмаси керак. Ушбу метод орқали юқорида айtilган жиҳозлардан фойдаланилиб, таълим жараёни янада жонлантирилади.

Ушбу методни қўллаш орқали ўқув жараёни ва касбий таълимни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаришни зарур деб биламиз:

- таълимга янги педагогик технологиялар олиб кириш;
- ўқитиш услубларини такомиллаштириш;
- дарс ўтишда электрон дарсликлардан кенг қўламда фойдаланиш;
- назарий таълимни ва ишлаб-чиқариш жараёнини чамбарчас боғлаб олиб бориш;
- меҳнатни Фан ва Техника ютуқлари асосида ташкил этиш;
- ёшлар онгига дунёвий илмлар ва касбий билимларни кенг қўламда сингдириш;
- лойиҳада олинган тажрибалар ва кўникмалар асосида институтда ўқитиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида услубий қўлланмалар яратиш;
- талабаларни меҳнатсевар, мустақил фикрлайдиган юксак маданиятли мутахассислар қилиб тайёрлаш.

Бу вазифаларни бажаришда дарс ўтишда замонавий усулларга, ёшларнинг касбий малака ҳосил қилишига, янги педагогик технологиялар асосида ўқитишни билимларимиз ва кўникмаларимизни асос қилиб оламиз.

“Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси” фанидан лаборатория ишларини олиб боришда “Автомобил двигателининг тузилишини ўрганиш” мавзусида маркерли доска, кодаскоп, двигатель, верстак, калитлар жамланмаси керак бўлади. Бунинг учун ўқитувчи ва талабалар махсус кийимлар кийиб, ўқитувчи томонидан мавзу бўйича қилинадиган топшириқлар тарқатилади.

“5 – Поғонали метод”, қуйидаги *қизиштириш, маълумот бериш, кўрсатиб бериш, қўллаш ва текшириш* поғоналарни ўз ичига олади.

**Биринчи поғонада,** ўқитувчи мавзу бўйича қизиқарли саволни ёки муаммолни вазиятни келтириб, доскага ёзади. Талабаларни мавзу бўйича қизиқиши ортади.

**Иккинчи поғонада,** мавзу бўйича керакли маълумотлар масалан: вазифаси, қисмлари, тузилиши, ишлаши ва хавфсизлик талаблари каби муҳим маълумотлар келтирилади.

**Учинчи поғонада,** кўрсатиш, намойиш этиш масалан: двигатель деталларини қисмларга ажратиш ва йиғиш ишларини технологияси ўқитувчи томонидан кўрсатиб берилади. Мавзу бўйича махсус слайдлар кодаскоп орқали яна бир бор технологик жараён кўрсатилиб, муҳокама қилинади.

**Тўртинчи поғонада,** қўллаш, яъни ўқитувчи томонидан кўрсатиб берилган технология, талабалар томонидан мустақил бажарилади ва керакли жадваллар тўлдирилиб борилади. Ўқитувчи эса талабаларни назорат қилиб, қилинган хатоларни белгилаб боради.

**Бешинчи поғонада,** талабалар томонидан бажарилган топшириқни қай даражада бажарганлиги, қайси жойда хатоларга йўл қўйганлиги айтиб ўтилади ва текшириш жараёни бўйича баҳолар эълон қилинади.


Ушбу жараён орқали талабаларнинг билим ва кўникмалари янада мустаҳкамланади.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишда Мутахассислик фанларини ўқитиш учун ўқув-лаборатория хонаси, махсус кийим, ўқув-услубий материаллар, компьютер технологияси, деворий ва қирқимли стендлар, маркерли доска, кодаскоп, автомобилларнинг намуна узел ва агрегатлари, махсус верстак, калитлар жамланмаси ва ташхисловчи жиҳозлар керак бўлади.

Ҳаракатларни баҳолашда ҳар бир мавзу бўйича ҳисобот жадвалларини тўлдирилганлиги ва савол-жавоб усулларидан фойдаланамиз.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эса олиб қолинган билимларнинг микдори ва сифати шунчалик юқори бўлади.

Қуйидаги 1-расмдан шуни кўриш мумкинки, агар билимлар фақат маърузалар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25%ни эслаш мумкин ҳолос. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш), намойиш ва кўргазмални қилиш (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 50% ни эсга тушириш мумкин. Агарда билимлар беришда маърузадан, кўргазмалиқдан ва амалий топшириқларни бажаришдан фойдаланилса (тинглаш, кўриш ва амалда бажариш), 3 кундан сўнг 75 % ни эслаш мумкин. Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргалиқда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.



1-расм. Эслаб қолиш даражасига сезги органларининг таъсири.

*Эшитсам унутаман,  
Кўрсам эслаб қоламан,  
Ўзим бажариб англаб етаман.  
Конфуци.*

#### **Кутилайётган натижа.**

Мутахассислик фанларидан лаборатория ишларини ўтказиш учун “5-Погонали метод” талабаларга ўқитишнинг янги технологияси, янгича ишлаш методи ва баҳолаш босқичлари билан бошқа методлардан ажралиб туради. Шу ўринда талабалар назарий олган билимларни амалда қўллаш орқали, ўзи мустақил бажариш орқали эгаллаган билимлари асосида ўқув жараёнида аниқ шароитларда аниқ натижаларга эришадилар.

Бу метод орқали куйидаги натижалар кутилади:

- Янги педагогик технологияларни қўллашни тадбик этиш;
- Лаборатория ишларида иш ўринларини ташкил этиш ва бажариладиган ишлар кетма-кетлигини тайёрлаш;
- Услубий қўлланмалар, қўргазмалар куруллар яратиш ва янги педагогик технологиялар асосида дарс олиб боришни ривожлантириш;
- Бошқа турдош мутахассислик фани ўқитувчиларига семинарлар уюштириш, кейинчалик мультипликаторлик фаолиятини йўлга қўйиш.

Лойиҳа самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва мониторинги бўйича тўхталадиган бўлсак, Талабалар замонавий педагогик технологиялар асосида автомобилларнинг тузилишини, уларга диагностика қўйишни ва техник хизмат кўрсатишни ҳамда иш ўринларини ташкил қилишда ушбу метод ўз самарасини кўрсатади.

Ушбу методнинг мониторинги талабаларнинг мавзунини ўзлаштириш даражаси, ҳисоботларни ёритилиши орқали баҳоланилиб, фаннинг якуний қисмида

талабалар иштирокида эволюация, яъни талабаларнинг фанга бўлган кизиқишлари ва мавзуларни янада қизиқарли ўтказишда нималарга эътибор қаратилиши махсус эволюацион суров ўтказилади. Шу жараён орқали биз кутаётган натижага яъни кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

## **ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ**

*Р.Аджимбетова-АндМИ ассистент*

Таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича жамиятимизнинг тез суръатлар билан ўсиб боровчи эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда олий ўқув юртларида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда электрон қўлланмалар, виртуал стендлар, масофавий ўқитиш ҳамда интернет имкониятларидан фойдаланишнинг назарий, услубий жиҳатидан такомиллаштириш муаммолари долзарбдир.

Таълим жараёнига ахборотлаштириш қуйидагиларни:

- шахснинг интеллектуал ва ижодий қобилиятини ривожлантириш;
- жамиятнинг ҳар бир аъзосини ўз малакасини ошириш ва фаолият соҳасини ўзгартира олиш;

- тезкор таълим учун шарт-шароит яратиш ва масофавий таълим самарасини ошириш имконини беради.

Масофавий таълим бирданига ва тўлиғича содир бўлган эмас. Ривожланиш жараёни секин – аста амалга ошиб борган. Билим беришнинг янги технологиялари пайдо бўлиб бориши билан масофавий таълим тизимига қўлланила бориб, унинг турли кўринишлари тараккий эта борган. Ҳозирга келиб эса, масофавий таълим технологияларининг турли авлодлари ва мультимедияни ўз ичига олган тўлик мультимедиялаштирилган материалларга асосланган модели кўринишини олди. Буларнинг барчаси технологиялар бир-бирининг ўрнини эгаллаши эмас, балки бир-бирларини тўлдиришлари натижасидир.

Масофавий таълимнинг ривожланиш тарихига назар ташласак, у XIX асрдаёқ почта орқали ёзма ва босма материаллар тарқатиш билан ўзини намоён қилган. Бу тизим «почта орқали курслар» деб номланиб, талабалар ўқув қўлланма, дарсликлар, қўшимча адабиётлар рўйхати билан таъминланганлар. Бу курсларда талаба саволларига ёзма жавоблар қайтариши ва шу орқали масофадан туриб ўқитувчи томонидан текширилган ва баҳоланган. Радио (1920 йилларда) ва телевидение (1950 йиллар) пайдо бўлиши билан бу «янги» информация ва коммуникация технологиялари масофавий таълимга янги шакл олиб кирди.

Масофавий таълим (МТ) – турли географик минтақаларда жойлашган ўқитувчи ва талабани боғловчи жараён бўлиб, ўзаро алоқалар махсус технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Ўзаро алоқаларни амалга оширишда турлича усуллар қўлланилади: почта ва телефакс орқали типографик босма материаллар алмашиш, аудиконференция, видеоконференция, компьютер орқали виртуал конференция. Ўқув юртидан узоқда яшовчилар, катнаб ўқиш учун шароити бўлмаганлар, малакасини оширишни хоҳловчилар, ногиронлар ва яна бошқа турли сабабларга кўра бевосита олий ўқув юртларида билим олиш

имкониятига эга бўлмаганлар ўртасида масофадан туриб билим ва таълим олишга талаб ортиб бориши табиий. Айниқса, иш билан банд бўлган катта ёшдаги кишилар, иккинчи мутахассислик бўйича таълим олишни хоҳловчилар учун масофавий таълим жуда қулай воситадир.

Масофавий таълимни беш асосий ҳолат билан тавсифловчи таълим сифатида айтиш мумкин:

-ўқитувчи ва ўқувчининг мавжудлиги ва улар ўртасида ўзаро келишув бўлиши;

-таълим муассасаси ва ўқитувчининг ўқувчи билан бир-бирларидан маълум масофада эканлиги;

-ўргатувчи ва ўқувчининг ўзаро иккиёқлама мулоқоти;

-масофавий ўқиш учун мўлжалланган махсус материалларнинг мавжудлиги;

-ҳар икки томоннинг компьютер ва бошқа техника ва коммуникация билан таъминланганлиги.

Масофавий ўқитиш жараёни таълим соҳасига нафақат янги педагогик ва ахборот технологиялари, балки бир қатор янги тушунча ва атамаларни ҳам олиб кирди:

-виртуал синф (гурух);

-ўқитишнинг таъминоти;

-ўқув телекоммуникация лойиҳалари;

-тескари алоқа;

-диалогли технология;

-компьютер алоқаси;

-телеконференция;

-координатор, модератор, телеконференция фасилитатори, тьютор.

Виртуал синф (гурух) – ўқув топшириқларни бажаришда ўқувчиларнинг компьютер тармоқлари орқали амалга оширадиган биргаликдаги ҳаракатларининг умумлашмаси.

Ўқитишнинг таъминоти – масофавий таълимда ўқитувчи томонидан масофадан турган ҳолда ўқувчига турли ўқув материаллари ва маълумотлар орқали ёрдам бериб бориши.

Ўқув телекоммуникация лойиҳаси бир мақсадга эришишга қаратилган ўқувчиларнинг биргаликдаги (коллектив) фаолиятларидир. Бунда ўқувчи олдига ўқув характеридаги мақсад эмас, балки илмий ёки ишлаб чиқариш фаолиятини моделлаштирувчи мақсад қўйилади. Шу билан ўқувчиларни коллективда ишлаш, меҳнатни тақсимлаш каби қўникмаларни ҳосил қилишда ёрдам беради. Ўқув телекоммуникация лойиҳасининг муҳим белгилари:

-унинг вақти ва чекланганлиги (бир неча ҳафтадан 2-3 ойгача муддат);

-виртуал синф ҳосил қилувчи лойиҳанинг барча катнашувчилари ўзаро ахборот алмашишда компьютер телекоммуникацион тармоқлар ва дастурий воситалардан фойдаланишлари;

-лойиҳа кординатори томонидан ўқувчилар фаолиятини аниқ ташкил қилиниши зарурлиги.

Масофавий ўқитишда тескари алоқа – масофавий ўқувчи фаолиятини ўқитувчи томонидан баҳолаш натижасига қўра педагог томонидан ўқувчига юборилаётган

ахборот оқимидир. Бу жараёнда педагог ўқувчининг ўзлаштиришига ўз муносабатини билдиради ва унинг фаолиятини баҳолайди. Ўз вақтида ва рационал ташкил қилинган тесқари алоқа ўқитиш фаолиятини барқарор рағбатлантириш позициясини шаклланишига олиб келади. Анъанавий ўқитишда тесқари алоқа ўқитувчи томонидан овози интонацияси, турли мимик ҳаракатлар орқали осонлик билан ўрганиш мумкин.

## **УМУММУХАНДИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

*А.А. Запаров – т.ф.н., доц., М.З. Носиров – ф-м.ф.н., доц. - АДУ*

*Х.Ў. Акбаров – т.ф.н., доц. - АндМИ*

Замонавий ишлаб чиқариш корхоналарига ва узлуксиз таълим тизимининг алоҳида бўғини ҳисобланدىган касб-хунар таълими тизимига малакали мутахассислар етказиб бериш учун мухандис-педагоглар тайёрлаш таълим жараёнига инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш зарур. Бунинг учун эса таълимга янги дидактик жиҳатдан ўзини оқлайдиган методлар, шакллар ва воситаларни жорий қилиш талаб қилинади.

Ахборот коммуникация технологияларининг муҳим коғмонентларидан бири бўлган электрон дарсликларни биринчи навбатда мураккаб ўқув материалларини ёритиб бериш учун ишлаб чиқиш ва қўллаш лозим. Уларни қўллашнинг мақсадга мувофиқ соҳалари эса касб таълими йўналишидаги умуммухандислик ва махсус фанлар ҳисобланади.

Электрон дарсликларга талаблар объектив жиҳатдан маълум бир тизимдан иборат ва унинг структураси ўзининг иерархиясига, тўғри ва тесқари алоқа каналларига эга. Унинг тузилмасининг элементлари ўзига хос хусусиятларга, маълум бир мустақилликка эга бўлиб бу уларнинг яхлит коғмонентлари (дидактик, методик, техник) кўринишда тизимга бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқ эканлигини белгилайди.

Электрон дарсликлар ёрдамида касб таълими йўналиши талабаларининг касбий фанлардан тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг асосий шарти, касб таълими тизимининг ўқув-тарбия жараёнига дидактик жиҳатдан такомиллаштирилган ва педагогик имкониятлари кенг электрон дарсликларни қўллаш ҳисобланади.

Электрон дарсликларининг асосий қўлланилиш соҳалари махсус ўқув фанларининг назарий ва амалий-лаборатория машғулотлари бўлиб, моделлаштиришнинг асосий предмети эса талабалар томонидан ўзлаштириш учун қийин бўлган ўрганиш объектлари ҳисобланади. Мураккаб ўқув маълумотининг ҳажми катта бўлиб ўқув вақтининг реал бюджети кам бўлган ҳолатда электрон дарсликларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Электрон дарсликлар ахборотни турли кўринишларда - матн, жадвал, графика, овоз, анимация, видеотасвир, мусика ёрдамида йиғиш ва сақлаш вазифаларини бажаради. Электрон дарслик «инсон-компьютер» интерфаол мулоқотининг янги такомиллашган поғонаси бўлиб, бунда фойдаланувчи кенг ва хар томонлама ахборот олади, ўқув тарбия жараёни фаоллаштирилади, таълим самарадорлиги ошади, мавзунинг узоқ вақт хотирада сақланишини таъминлади, мустақил таълим олиш имконияти кўпаяди, талабанинг компьютер саводхонлиги ошиб боради. Ўқитувчининг ўзи компьютер орқали талабанинг фаолиятини алоҳида кузатиб боради. Демак, электрон дарслик компьютер воситасида ўқув курсини ёки унинг бирор катта бўлимини ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил ўзлаштиришни таъминловчи дастурий методик комплекс бўлиб ҳисобланади.

Ахборот технологиялари шунингдек, физик ходисаларни моделлаштиришда, лабораторияларнинг виртуал стендларини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ишда олий таълим тизимида умуммуҳандислик фанларини, хусусан “Гидравлика ва гидравлик машиналар” ҳамда “Иссиқлик техникаси” фанларини ўқитишда компьютерлар ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳақида сўз боради. “Гидравлика ва гидравлик машиналар” фанидан тайёрланган электрон дарслиқда анимациялар ёрдамида бирор жараён ёки жараённинг бориши чизмаси айнан ҳаракатлар кетма-кетлиги тарзида берилган. Электрон дарслиқнинг асосий қисми анимация ва дизайн учун мўлжалланган Flash MX таҳрирлаш дастурида, маърузалар Web саҳифа кўринишида Dreamweaver дастурида, мавжуд расмлар ва фон қисмлари Adobe Photoshop дастурида, дарслиқдаги анимациялар эса Flash MX дастурида тайёрланган. Анимациялар ёрдамида жараён ёки жараённинг бориши айнан ҳаракатлар кетма-кетлиги тарзида берилди. (1-расм)



1-расм

“Иссиқлик техникаси” фанини ўқитишда, хусусан газ қонунларини ўрганишда компьютерлар ва янги ахборот технологияларидан фойдаланиш мақсадида Windows тизимида ишловчи замонавий тиллардан бири Visual Basic-6.0 да дастур тузилди. У бешта ойналардан иборат бўлиб, биринчи учтаси изожаараёнлар графикларини уч хил ўқларда тасвирлаш учун мўлжалланган. Тўртинчи ойна изожаараёнлар ҳақида маълумотлар бериш учун хизмат қилади.

Дастур ишга туширилганда экран куйидаги кўринишни олади(2-расм). Бешинчи ойнада муайян изожараённинг анимациси тасвирланади. Экранда шунингдек ҳоҳлаган изожараённи танлаш тугмалари ўрнатилган.

Ихтиёрий изожараён тугмаси танланса, шу жараёнга тегишли маълумотлар берилади, уларнинг рангли графиклари чизилади ва товланиб туради ҳамда шу жараёнга оид тажрибанинг анимацияси тасвирланади.

Масалан, “Изотермик жараён” тугмаси танланса, биринчи учта ойналарда ((p, V), (V,T) ва (p,T) ўқларда) изотермик жараён графиклари (изотермалар) намоиш этилади. Тўртинчи ойнада изотермик жараён (Бойль-Мариотт қонуни) ҳақида маълумот берилади. Бешинчи ойнада температура ўзгармас бўлганда газнинг босими ва ҳажми ўзгарса ҳам уларнинг қўпайтмаси ўзгармаслиги намоиш этилади.



2-расм.

Дастурнинг ўзига хос афзаллик томонларидан бири шундаки, талаба уни бир неча марта ишга тушириши, кузатиши, ўрганиши ва хулосалар чиқариши мумкин. Келгусида дастурга изожараённинг яратилиш тарихи ва унга оид тест топшириқлари қўшиш режалаштирилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланиш машулотлар самарадорлигини оширишидан ташқари қўшимча имкониятлар ҳам яратади. Жумладан, электрон конференциялар ўтказиш, презентациялар намоиш этиш, илмий тажрибалар бўйича маълумотлар бериш [1,2].

#### А Д А Б И Ё Т

1. А.А. Запаров ва бошқ. Ахборот технологияларини таълимда қўллашнинг баъзи масалалари. Наука и образование: проблемы и решения, Тошкент, «Фан», 2003.
2. Король В.И. Visual Basic 6.0, М., 2000, 449 с.

## ОБ ИСПОЛЬЗОВАНИИ РЕЙТИНГОВОЙ СИСТЕМЫ В ПРЕПОДАВАНИИ ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ МЕХАНИКИ

В.М. Шаков, З.М. Курбанова - ТашГТУ

Одной из современных технологий, которая применяется для оценки качества образовательного процесса, является рейтинговая система. Она позволяет реализовывать механизмы обеспечения качества и оценку результатов обучения, активизировать учебную и самостоятельную работу студентов.

Суть рейтинговой системы в том, что итоговая оценка по дисциплине отражает не только результаты итоговой контрольной оценки, но и результаты учебной работы в течение всего семестра. Учебный процесс при этом включает в себя контрольные точки - мероприятия, за которые студент получает определенное число баллов, а итоговый рейтинг по дисциплине представляет собой сумму баллов, полученных студентом за прохождение контрольных точек. В настоящее время рейтинговая система оценки внедрена в учебный процесс учебных заведений, что потребовало разработки методики рейтинговой оценки.

Рассмотрим применение рейтинговой системы оценки в процессе преподавания теоретической механики. Особенностью применения рейтинговой системы оценки в этом процессе является наличие большого количества видов деятельности студента, которые могут быть объективно оценены. Эти виды деятельности приведены в виде схемы на рисунке 1.

В этом случае, в качестве максимального числа баллов выбирается 100, а дальнейшее разделение проводится в соответствии с положением о рейтинге: 70 баллов выставляется за текущую работу в семестре и 30 баллов - за итоговую контрольную работу. Дальнейшее распределение баллов зависит от продолжительности курса, наличия и количества самостоятельной работы.

Учет посещаемости студента удобно вести тоже в виде балльной системы. При этом, число баллов за каждое занятие должно варьироваться в зависимости от общей продолжительности курса, так как «ценность» занятия в коротком курсе выше. В тоже время общее число баллов за посещение занятий не должно превышать половины максимального значения баллов за работу в течении семестра.

Важной является оценка самостоятельной деятельности студента в течении практического занятия. Это может быть самостоятельное решение типовых задач с опережением других студентов и решение новых задач у доски с большой степенью самостоятельности. Общее количество баллов за семестр при этом может быть достаточно велико и, как следствие позволит студентам существенно повысить свой итоговый результат. Это существенно влияет на активность студента, развивает самостоятельность.

Контрольные мероприятия являются неотъемлемой частью учебного процесса. Они могут проводиться как на каждом занятии, при наличии возможности, так и являться промежуточной и итоговой оценками в курсе. Последний вариант является более распространенным. Между тем, общее число баллов при проведении промежуточного контроля является только частью итоговой оценки, и не должно являться определяющим. При низких результатах на

контрольном мероприятии, например, ниже 55 процентов, целесообразно проводить пересдачу, что способствует мотивации студента к восполнению пробелов в знаниях.

Баллы за самостоятельную работу студента необходимо, на наш взгляд, разделить на две части - за выполнение работы и ее защиту. Баллы за выполнение могут начисляться за своевременную сдачу работы и за надлежащее ее выполнение и надлежащее оформление. Защита работы позволяет выяснить уровень знаний студента по пройденной части курса, и, при наличии пробелов в знаниях, выявить их и помочь студенту их устранить. Общим подходом здесь будет являться выставление максимального балла за безупречную защиту работы (или при наличии небольших недочетов) и снижение балла за небольшие ошибки и повторную защиту. Как и при выполнении контрольной работы, защита работы предусматривает минимальный балл, который студент обязан получить.

Дополнительной возможностью получить высокие баллы является успешное участие студента во вне учебной деятельности на кафедре. Ежегодно в техническом университете проводятся научные студенческие конференции и студенческие олимпиады по теоретической механике. Большая доля самостоятельной работы и активности студента при этом оценивается высоко, что позволяет студенту, при необходимости, получить максимально возможное число баллов и без выполнения части учебной и самостоятельной работы.

Несмотря на требования объективности оценки, необходимо отвести некоторое количество баллов, на наш взгляд, на субъективную оценку студента преподавателем. Это, в первую очередь, оценка дисциплины, как составляющая воспитательной части учебного процесса. Сюда входят такие нарушения дисциплины как опоздания, нарушение порядка и другие. При этом студенту, нарушающему дисциплину, который нарушает порядок, баллы за посещаемость не выставляются и дополнительные баллы могут быть выставлены за хорошую дисциплину, постоянную активность в течении аудиторных занятий и самостоятельной работы. В качестве примера распределения баллов рассмотрим процесс изучения теоретической механики в одном из направлений немеханического профиля ( метрология, стандартизация и сертификация, радиоэлектроника).

Общая нагрузка за семестр - 100 часов, в том числе:

- аудиторная работа - 54,
- лекции - 36,
- практические занятия - 18,
- самостоятельная работа - 46.

Максимальный балл студента за каждое практическое занятие -2 балла, сюда входят 1балл за посещение занятия, 1 балл за активную работу на занятии. За выполнение и защиту расчетно-графической работы выделяется 4 балла.



Рис.1

Таким образом, система рейтинговой оценки позволяет не только создать общие критерии оценки деятельности студента, но и, в данном случае, повысить активность и мотивацию студента на обучение в течении всего семестра, создать «прозрачную» систему правил для совместной деятельности преподавателя и студента.

#### Литература

1. Сборник заданий для курсовых работ по теоретической механике: Учебное пособие для технических вузов. - 16-е изд., стереотипное / под ред. А.А. Яблонского. - М.: Интеграл-Пресс, 2007. - 384 с. - ISBN5-89602-016-3

### ИЖТИМОЙ ФАНЛАРДА «БУМЕРАНГ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

*А.Таджиакбарова- АндМИ катта ўқитувчиси*

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурияти бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, янги сифат даражасига кўтариш унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, таълим самарадорлигини ошириш мақсадида технологиялардан фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Таълимнинг бугунги вазифаси талабаларни кун сайин ошиб бораётган ахборот- таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилонга фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Замонавий педагогик технологияларнинг талабаларни фанларга

кизикишларига, уларнинг мустақил ишлашларида фаолликларини оширишга имкониятлари чексиз эканликларини тасдиқламоқда. Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларини эгаллашдан ташқари, замонавий педагогик технологияларни биладиган, улардан ўқув машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қондаларини биладиган ўқитувчилар керак

Ўзбекистон Республикаси демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шarti замонавий иктисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожини асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратишдан иборат.

Олий таълим ўқитувчисининг фаолияти шахсни тарбиялаш жараёнида таълим – тарбия олиш шароитларини яратиш, унинг эҳтиёжларини қондириш ва қобилиятларини очиш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог кадрларга замонавий педагогик технологияларни ўргатиш зарур. Педагоглар ўзлари ўқитаётган талабаларнинг руҳиятларига мос равишда мулоқотда бўла олиш, замонавий педагогик технологияларни эгаллаш ва ўқув жараёнда қўллай олиши керак.

Турли технологиялар: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Чархпалак”, шу қабдан фойдалана олишлари керак. Масалан, “Бумеранг” технологиясидан “Ўзбекистон тарихи”, “Маданиятшунослик” фанларида фойдаланиш услугига мурожаат қилайлик.

Технологиянинг тавсифи қуйидагича: ушбу технология талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, сўзлаб бериш фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш, дарс мобайнида ўқитувчи тамонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

Технологиянинг мақсади – ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни талабалар томонидан яқка ёки гуруҳ томонидан ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардан матнлар ёки суратлар, маълумотлар қай даражада ўзлаштирилганини назорат қилиш ва баҳолаш. Бу технологиядан амалий машғулотлар, семинарларда, суҳбат – мунозара дарсларида яқка тартибда, гуруҳ ёки жамоа шаклида фойдаланиш мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар бу мустақил ўқишлари, ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матинлар, суратлар, тест саволлари, қарвордлар, маълумотлар). Бу технология бир неча босқичда ўтказилади;

- Талабалар кичик гуруҳларга ажратилади;
- талабалар дарснинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;
- талабаларга мустақил ўрганишга матнлар ёки суратлар тарқатилади;
- берилган матн ёки суратлар талабалар тамонидан мустақил ўрганилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади;

- янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бир гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборат алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар;

- гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол жавоб қиладилар;

- дарс жараёнида талаба билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчаси” тайинланади;

- саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларни тўплаган умумий баллари ҳисобланади;

- гуруҳлар тамонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади; (“гуруҳ ҳисобчилари” берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар;)

- гуруҳ аъзолари тамонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланади;

- гуруҳлар тўплаган умумий баллар гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимланади;

- дарсни яқунлаш, уйга вазифа бериш.

Ушбу технологияни қўллаган ўқитувчилар ўз ўқув придметлари мавзуси (Ўзбекистон тарихи, Маданиятшунослик) ёки суратлар асосида фойдаланган ҳолда ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ташкил этишган.

Биринчи мавзу “Ўзбекчилик”

Тарқатма материаллар:

Биринчи гуруҳга-Соҳибқирон бобомиз айтганидек “нима эканлигимиз билан фахрланамиз”;

Иккинчи гуруҳга-Херман Вамбери тадқиқотларида “Ўзбек” сўзининг маъноси;

Учинчи гуруҳга-Ҳозир ер юзида неча милондан ошиқ ўзбек яшайди;

Тўртинчидан гуруҳга-Ўзбекнинг меъморий истеъдоди ҳақида нима биласиз?

Иккинчи мавзу: “Шарқона муомала одоби”. Тарқатма материаллар.

Биринчи гуруҳга- “Устозларни ҳурматлаш баёни”;

Иккинчи гуруҳга-Қариндош уруғлар ўртасидаги муомала одоби;

Учинчи гуруҳга-дўслар ўртасидаги муомала одоби;

Тўртинчи гуруҳга-Хорижда муомала одоби.

3-мавзу: “Қадимги Шарқ маданияти”

Тарқатма суратлар.

1-гуруҳга-Қадимги Миср маданияти.

2-гуруҳга-Қадимги Мессипатания маданияти.

3-гуруҳ- “Қадимги Ҳиндистон маданияти”.

4- гуруҳ-“Қадимги Ҳитой маданияти”.

Суратлар ичида ҳар бир давлат маданиятига оид суратлар танлаб олиниб, шу давлатлар маданияти ҳақида гапириб, ниманинг сурати эканлиги ҳақида изоҳ беради.

Мазкур технология машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган.

“Бумеранг” технологияси талабаларга танқидий фикрлаш, улардан манتيқни шакиллантиришга имконият яратади. Шунингдек, уларнинг хотирасини, ғояларини, фикрларини, даллиларини ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш

имкониятини ривожлантиради. Таълим билан бир қаторда тарбиявий характердаги: жамоа билан ишлаш маҳорати, муомалалилик, хушфеллик, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш, ишга ижодий ёндашиш, ўзини баҳолаш каби сифатларини ҳам шакллантиради.

## YOSHLARNI TARBIVALASHDA SHARQONA MA'NAVIYATNING BA'ZI MASALALARI

*G. Ismatillayeva- Andijon tumani 43-umumta'lim maktabi  
matematika fani o'qituvchisi*

Har qanday jamiyat va davlatda demokratiya taqdiri uning siyosiy mexanizmi, meyoriy xuquqiy asoslari va iqtisodiy kafolatlari, ma'naviy omillari bilan chambarchas bog'liq bo'ladi. Xuddi ana shu omillar ustivorligini amalga oshirilayotgan islohatlar jamiyat hayotidagi yangilanishlar zamirida fuqorolarimizni erkin demokratik tamoyillar asosida faoliyat yuritish, mehnat va ijod bilan shug'ullinishga davlat va jamiyat ishlarida mustaqil ishtirok etishlariga sharoit yaratilmoqda.

Mamlakatimizda fuqorolik jamiyatini shakllanishi jarayonida amalga oshirilayotgan ijtimoiy yangilanishlar jamiyatni siyosiy tizimi uni boshqarish tamoyillarini milliy mentalitetimizga xos tarzda modernizatsiya qilishning ustivor yo'li demokratiya va ma'naviyat uyg'unligini ta'minlash bilan bevosita bog'liq ekanligini nazariy jihatdan ilmiy –amaliy jihatdan ham asosli ekanligini bugungi kun voqeligimizning real haqiqatiga aylandi. Chunki jamiyat rivojlanib borgan sari uning ma'naviy-axloqiy tizimi ham o'zgarishlarga extiyoj sezib boradi. Shu ma'noda shaxs "jamiyat extiyojlariga ko'ra ahloqiy jihatdan yuksalib borsa, uning ijtimoiylashishi jadallashadi."

Bunga misollarni ko'plab keltirish mumkin. "Bir-biridan chiroyli qad roslayotgan binolar milliylik bilan zamonaviylik uyg'unlashgan ko'chalarni keltirishimiz mumkin." Ayni mana shu jarayon omma ijtimoiy kayfiyatida jamoaviylikka uzluksiz zaruratni yuzaga keltiradi. Bu esa fuqorolik jamiyatning muhim o'ziga xos unsuri, ma'naviyat bilan demokratik tamoyillarni o'zaro aloqadorligini milliy zaminni qaror toptiradi.

Sharqona demokratiyaning milliy ma'naviyat bilan mushtarakligi hayotiy extiyojga aylanadi. Ana shu haqiqat mantig'idan kelib chiqadigan bo'lsak sharq, xususan, turon zaminda demokratiya haqidagi qarashlar ko'p asrlik tadrijiy takomilga ega. Bu idora usuliga xos bo'lgan ko'plab unsurlar allaqachon milliy davlatchiligimiz tajribasida sinovdan o'tgan. Buni isbotlovchi tarixiy dalillar bisyor.

Buyuk qomusiy alloma, Abu Nasr Farobiy qarashlarida ham sharqona demokratiya, jamoaviylik tendensiyasi ko'zga yaqqol tashlanadi. "Har bir inson, deb yozadi Farobiy, - o'z tabiyati bilan shunday tuzilganki, u-yashashi va oliy darajadagi yetuklikka erishmoq uchun ko'p narsalarga muxtoj bo'ladi, bir o'zi bunday narsalarni qo'lga kirita olmaydi, ularga ega bo'lish uchun insonlar jamoasiga ehtiyoj tug'iladi".

Saljuqiy shohlarga 30 yil halol hizmat qilib, o'z nomusini so'nmas shon-shuxratga cho'lg'agan Nizom-ul-mulkning "Siyosatnoma" asarida ham sharqona demokratik tamoyillar asosida davlatni boshqarish, siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy jarayonlarni idora qilish masalalari o'sha davr ruhiyatidan kelib chiqib bayon etilgan bo'lsada, undagi g'oyalar bugungi kunimiz uchun ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

Jumladan uning podshox va xukumdorlarning mamlakatni adolatli boshqarish haqidagi o'g'itlari fikrimizga dalildir.

“Alloh,- deb yozadi mutafakkir bir kishiga qudratini ko'rsatib, davlat va iqbol beradi. Haq taolodan bilim va aql topib, shu bilim qo'l ostidagilardan har birini o'ziga teng biladi, har biriga martabasiga mos qilib, mansab beradi, xizmatkorlarni xalq o'rtasidan ajratib oladi, har biriga martaba va mansab beradi, din va dunyo zaruriyati-yu muhimoti bilan ularni ta'minlaydi, raiyatni muxofaza qiladi, toki uning aql saviyasida xaloyiq rohat ila yashab kun ko'rsin. Agar xizmatkor va yoki mahramlardan birortasi noloyiq ish tutsa-yu yanglishganini tushunib olsa, ishga qayta qo'yish kerak, agarda xushyor bo'lmasa-yu (yo'ldan qaytmasa), vafu qilmasa, uni bir kishiga almashtirish lozim”. Ammo uning bu qarashlaridan yaxshi fazilatlar faqat podshoh va uning amaldorlariga xos bo'lishi zarur ekan, degan xulosa kelib chiqmaydi.

Chunki barcha Sharq mutafakkirlari Nizomul mulk ham podshohdagi ezgu xislarni uning fuqorolarida xam namoyon bo'lishi zarur deb xisoblaydi. Allomalimiz xukumdorga uning ma'naviy-axloqiy darajasiga yuksak talab qo'yar ekan, podshoh orqali jamiyatda ezgulikni ma'naviy barkamollikni keng yoyishni ko'zlagan. Shuning uchun ular adolat, ezgu amallar va ma'naviy-axloqiy fazilatlarini barcha podshoh, fuqorolar ham o'zida shakllantirishi ularga intilib amal qilib yashashi dardor, degan fikimi ijtimoiy-axloqiy mezon darajasiga ko'targan. Bu mezon sharq xalqlarining tarixiy madaniy paradigmasi, mentaliteti, turmush tarzi va etiqodiga aylanib ketganki ularsiz bugungi demokratik taraqqiyotni tasavvur qilish qiyin.”

O'tmishdagi ajdodlarimizni demokratik qadriyatlarimiz rivojidadagi o'rni shundaki ular bag'rikenglik, insonlarga adolatli munosabatda bo'lishni ilm-marifat kishilarni ahloqi-ma'naviyati bilan bog'liq ekanligini asoslashga harakat qilganlar. Jumladan Maxmud Qoshg'ariyning “Devonu lug'oti turk” asarida bilim eng bebaxo boylik bo'lib, uning negizida insonning ma'naviy-ma'rifiy dunyoqarashi, odob ahloqi, go'zal insoniy fazilatlarini shakllanadi, bilim insonning butun xatti-xarakatlarini belgilab beradi, ta'lim beradi. Asardagi “Xalqqa yaxshilik qil, uni suv tagiga tashlasangda, uni suv ustida ko'rasan”, Odam bolasi o'lib ketadi, agar yaxshilik qilgan bo'lsa, undan yaxshi nom qoladi” degan yo'riqlarida demokratiyaning insonparvarlik tamoyillari o'z aksini topgan. Yuzaki qaraganda demokratiya, ma'naviyat tushunchalarini ijtimoiy kayfiyat inson faoliyati amaliy jihatlari bilan aloqasi yo'qdek tuyuladi. Ammo demokratiya chuqurlashgan sayin jamiyatning har bir fuqorosida yangicha ijtimoiy tafakkur shakllanadi, ma'naviyat yuksalgan sayin shaxs dunyo qarashi boyiydi, kishilararo xamjixatlik mehr-oqibat yangilikka intilish kayfiyati, yaratuvcchanlik extiyoji oshib boradi.

Bu xususda rus olimi A.K.Shedov shunday yozadi; “Kayfiyat ziddiyatli xodisa va jarayon sifatida ikki yoqlama namoyon bo'ladi: bir tomondan ma'naviy munosabat, ikkinchi tomondan sotsial irodaning o'ziga xos ifodasi sifatida shaxs erkinligini jamiyatdagi huquqiy imkoniyatlar darajasida o'zida mujassamlashtirdi.”

Nazariy jixatdan olib qaraganda jamiyatdagi mavjud demokratik tartibot va qadriyatlar ijtimoiy kayfiyatni namoyon bo'lishiga rag'bat beruvchi omil va tartib qoidalarni belgilovchi normativ baxolash mezoni sifatida muhim ahamiyat kasb etadi. Ana shu ma'noda kayfiyat ijtimoiy-siyosiy jo'shqin xodisa xisoblanadi. Odamlar ijtimoiy hayotda bo'lgan yoki bo'layotgan o'zgarishlarga zudlik bilan o'z xissiy tuyg'ularini ifoda etadilar, chunki ijtimoiy voqeyligidagi har qanday o'zgarishlar

odamlarning turmush tarzida o'zgarishlar bo'lishiga olib keladi. Bu esa ularning kayfiyatlarida ham o'ziga xos yangiliklarni paydo bo'lishiga sabab bo'ladi.

Demak, bugungi kunda, jamiyat hayotini demokratiyalashtirish ma'naviy yangilanish va mamlakat hayotini modernizatsiyalash jarayoni o'z o'rnida ijtimoiy kayfiyatni o'ziga xos tarzda shakllanishiga olib kelmoqda.

## **КАСБ- ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА «ТЕХНИК МЕХАНИКА» ФАНИНИ ЎҚИТИШ ҲАҚИДА**

*Хад.жиева С.С. – АндМИ катта ўқитувчиси, Юлдашев К.-АндМИ ассистенти*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи-сифат босқичини талаб даражасида амалга оширишда барча касб-хунар коллежларида талабаларга замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда талабаларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида сўз борганда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор” деган сўзларини таъкидлаш ўринлидир. Бу масала “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида ҳам асосий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган.

Маълумки, «Техник механика» фани кенг камровли бўлиб, машинасозликда ва қурилиш саноатини ривожланишида муҳим урин тутиб назарий механика, материаллар қаршилиги, механизм ва машиналар назарияси ва машина деталлари каби фанларга асосланиб талабаларга жисмларни қучлар таъсирига чидамлилиги, машина ва механизмларни тузилиши, кинематик ва динамика характеристикалари ҳамда машина деталларини мустаҳкамлиги ва ишга лаёқатлигини аниқлаш масалаларини ургатади.

Мазкур фан материалларини ўқувчилар томонидан ўзлаштириб кетиши учун уларда математика, физика, информатика, машинасозлик чизмачилиги каби фанлардан етарли билим бўлиши керак. «Техник механика» фани Автомобилсозлик, машинасозлик, турли саноат қорхоналарида, замонавий техника ва технологияларда кенг қўлланилади. Маълумки барча технологик ускуналар ва жиҳозларда механикавий қучлар ва зўриқишлар пайдо бўлади. Улар ускуналарнинг техник ҳолатига ва хизмат муддатига таъсир этади. Ускуналарнинг хизмат муддатини ошириш учун механика усуллари ёрдамида уларда ҳосил бўлаётган зўриқишларни аниқлаш усуллари «Техник механика» фани ўргатади. Шуларни эътиборга олиб касб-хунар коллежларида «Техник механика» фанини чуқурак ўргатиш мақсадга мувофиқ булар эди.

«Техник механика»нинг ўқитилиши кўпроқ амалий йўналишга эга бўлиши зарур. Назарий билимларни мустаҳкамлаш учун ҳар бир мавзу асосида мисол ва масалалар ечиш керак. Масалалар ечиш билан нафақат назарий мавзулар ўзлаштирилиш мустаҳкамлашади ва ҳисоблаш маҳорати ошади, ҳамда

ўқувчининг техник дунёкараши ва ижодий фикрлаш қобилияти ўсади. Айниқса мамлакатимизни иктисодий ривожланишига асос бўлиб бораётган автомобильсозлик ва турли соҳалардаги муҳандислик масалаларини ва муаммоларини мисол тариқасида кўриш, уларни таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Ундан ташқари талаба танлаган соҳасида республикамиздаги ижтимоий-иктисодий ислохотлар натижалари, худудий муаммолар фан-техника ва технология ютуқлари ҳақида тушунчага эга бўлади.

Фан мавзуларини баён этиш давомида ўқувчиларга фан тарихидаги энг муҳим воқеалар, кашфиётларга қисқача тўхталиб ўтилиши зарур. Жумладан, мазкур фан ва унга боғлиқ техника соҳасида салмоқли хисса қўшган олимлардан Абдул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Қасир ал-Фаргоний томонидан яратилган механик календарь, бурчакларни ўлчаш асбоблари, Абу Али ал-Хусаёин ибн Абдуллох ибн Синонинг “Акл мезони” асарида механикадаги оддий системалар, яъни ричаглар, блоklar, поғоналардан тузилган механизмларнинг ишлаш принциплари, Х.А. Раҳматуллин парашют назариясини ихтиро қилган, М.Т. Ҳрозбоев 1973 йили ўзбек тилида фанга онд биринчи бўлиб дарслик чоп этган ва бошқа олимларнинг илмий ишларининг мазмуни, аҳамияти ва эришилган натижалари ҳақида ўқувчиларга тушунарли тилда маълумотлар берилиши муҳим. Айниқса, улар томонидан яратилган ёки тақлиф этилган муҳандислик ишланмалар ва технологик жиҳозлар тўғрисида маълумотлар бериш самарасини беради.

Техник механика дарсини янги педагогик технологияларга ёндашган ҳолда ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан: Ақлий ҳужум методикаси. Бунда талабалар билан биргаликда ўтиладиган дарснинг моҳияти ҳам узига хос хусусиятга эга бўлиши керак. Бу дарс берилган қисқа вақт ичида маълум муаммоларнинг ечимини топишга қаратилгандир. «Ақлий ҳужум» уйини қийин вазиятлардан қутилиш чорасини тез топишга, муаммони кўра билиш чегараларини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йукотишга ва кенг доирада тафаккур юритишга имкон беради. Бундан ташқари жамоадаги муносабатлар ўзгаради ва фаоллашади. Курашиш кайфиятидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жиҳслашади. Дарслар яна ҳам қизиқарли тарзда ўтилади.

Жумладан бизнинг “Умумтехника фанлари” кафедраси профессор-ўқитувчилари бир қанча коллежлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда ва ундан ташқари «Техник механика» фанидан касб хунар коллежлари учун ўзбек тилида ўқув-қўлланма тайёрланмоқда. Айниқса кафедрамиз профессор-ўқитувчилари Андижон автомобиль йўллари қурулиши касб – хунар коллежида «Техник механика» фанидан янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарслар ўтиб келишмоқда, ҳамда касб-хунар коллежлари талабалари учун уларнинг ўқитувчилари билан ҳамкорликда «Техник механика» ва «Амалий механика» фанларидан маърузалар курслари тайёрлаш амалга оширилмоқда.

Хулоса: Барча касб хунар коллежларида техник механика фанини янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда кўпроқ ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда ўтилса яхши самара беради ва шу билан ишлаб чиқариш ва таълим жараёнининг интеграциялаш йўлидаги қадамлардан бири бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури.

## АХБОРОТ АСРИДА ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁН

*Г.Т.Каримова- АндМИ Хотин-қизлар қўмитаси  
бошланғич ташкилоти раиси*

Бугунги кунда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди

Илм-фан ва янги технологиялар юксак тараққий этган, кишилар дунёкараши, тушунча ва тасаввурлари кенгайган, таълим-тарбия тизими янги босқичга кўтарилган бугунги кунда ёшлар тарбияси муҳим масалалардан биридир. Чунки жамият технологик жиҳатдан қанчалик тараққий этмасин, ҳар бир тарихий давр инсон маънавий-маърифий камолоти, ёшлар тарбияси борасида янгидан-янги, мураккаб масалаларни қўндаланг қўяверади. Инсоният пайдо бўлибдики, бу муаммо барча даврларда олиму фузало, файласуф ва сиёсатшунос, тарбиячи ва мураббийлар диққат марказида қолиб келмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасини ислох этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган, юксак ақл-заҳоват соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келди. Шу йиллар мобайнида юртимизда дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилган таълим-тарбия тизимининг янги уч босқичли модели яратилиб, амалиётга татбиқ қилинди, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган ва замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган академик лицей ва коллежлар барпо этилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ўрта таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, аввало, мактабларни таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуна, компьютер техникаси ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда қўллаб янги ўқув масканларини қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун давлат харажатларининг каттагина қисми шу соҳага йўналтирилаётгани ҳам, унинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия тизими ривожига катта эътибор кўрсатилаётганидан далолатдир.

Буларнинг барчаси-юртимизда фарзандларимизнинг ақл-салоҳияти, қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёшларимизнинг талаб-эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини қондиришга қаратилган.

Дунёдаги тараққий этган давлатлар сиёсий, иқтисодий ҳамда мафкуравий воситалар орқали ўз турмуш тарзи, дунёкараши ва қадриятларини тарғиб этишга интилаётгани, бу ҳол бошқа халқларнинг миллий урф-одат ва анъаналарига путур етказётгани, асрлар давомида шаклланиб, тажрибада синалган тарбия усулларининг фақат фарбона андозалар билан баҳоланаётгани кўзга ташланмоқда. Шунга қарамай, барча оммавий ахбороти воситалари, Интернет ва ҳатто Фарб

мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар, кинофильм ҳамда видеофильмлар орқали зўр бериб тарғиб этилмоқда.

Бугун барча турдаги Оммавий ахборот воситаларида тез-тез “оммавий маданият” сўзига дуч келяпмиз. Бу ёнма - ён қўлланилаётган икки сўз бекорга қўштирноқ ичига олинган ҳолда келтирилаётгани йўқ. Чунки, у туб мазмунмаъносига, мақсад-ниятига кўра чинакам маданиятнинг кушандасидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузқлик ва зўравонлик, индивидуализм гоаяларини тарқатиш шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг (жумладан ўзбек халқининг) неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”.<sup>54</sup>

Айниқса, сўнги йилларда санъатда ошқоралиқни пеш қилиб, телевизор, кино экранларда, видеотасмалар, матбуот воситаларида бўлмагур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса ҳатто ахлоқий бузқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолганлиги, ўзлигини англаган инсонни бефарқ қолдирмайди. Маънавийтимизга қилинаётган бундай тажовузқорона ҳаракатлар халқимиз учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни, аввало, беғубор ёшларимизнинг калби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.

Биз бугун ўта мураккаб, зиддиятларга тўла ахборот асрида яшаёпмиз. Бугун дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими орқали истаган киши ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки жўнатиши мумкин. Бугун нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам кабел телевиденияси ёки махсус антенналар воситасида Россия ва бошқа мамлакатлар телевидениясида шарқона ахлоқ-одобга зид фильмлар, бепарда кўрсатувларни кўраётган ёшларимизда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари шаклланиши мумкинми?. Йўқ, албатта, бундай ахборот хуружи юртимиз, миллатимиз ва қадриятларимизга қаратилган гоаявий-мафкуравий терроризм деб баҳоланиши лозим. Ахборот хуружи нима?

**Ахборот хуружи** – *муайян кучлар томонидан кишилар онги ва қалбига ёт гоаяларни сингдириш мақсадида уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишининг мафкуравий омилларидан, турмуш тарзи ва менталитетидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун моддий, иқтисодий, маънавий таъсир ўтказишининг ноанъанавий ва ноҳалис муносабатларидан фойдаланиш асосида сиёсий мақсад ва муддаоларни амалга ошириш мажмуасини англатади.*

Хўш, бундай вазиятда ёшларимиз онгига Ватанга садоқат, аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросга юксак ҳурмат туйғуларини шакллантириш, бор куч ва салоҳиятини мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига тўлиқ сафарбар этиш учун нималар қилиш мумкин?.

1. Таълим-тарбия тизимида ўқитишнинг янги, изчил ва самарали услублари жорий этилиши керак. Бунинг учун ўқитишда сифат ўзгаришларига эришмасдан, юксак малакали, касбини жони дили билан севган фидойи ўқитувчиларни тайёрламасдан туриб, қўзланган мақсадга эришиш мумкин эмас. Педагог

<sup>54</sup> Қаримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., 2008й 17 бет.

кадрларни тайёрлаш тизимининг замонавий талаблар асосида такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Ёшлар таълим-тарбияси борасида факат ўқув юртининг эмас, ота-она, маҳалла ва кенг жамоатчилик масъулияти ҳам оширилиши шарт. Айрим ёшларимизнинг гиёҳвандлик ва жиноятчилик, ҳар хил оқимлар йўлига кириб қолаётгани таълим-тарбия жараёнида камчиликлар мавжудлиги, ўқув юрти, ота-она, маҳалла, кенг жамоатчилик, ёшлар тарбияси учун масъул бўлган ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганлигидан деб биламиз. Бунинг учун мамлакат миқёсида ёшлар таълим-тарбиясига алоқадор ташкилот ва муассасалар фаолиятини уйғунлаштиришни назарда тутган умуммиллий ҳаракат дастурининг яратилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилишига ёрдам беради.

3. Биз ахборот асри, мафкуравий тўқнашувлар кучайган, Президент Ислом Каримов таъбири билан айтилганда, “маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг таъсири” доимий равишда сезилиб турган даврда яшаётган эканмиз, аввало, ёшлар онгида мафкуравий бўшлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун уларда ташқи гоёвий таъсир ва хуружлардан ҳимоя қиладиган мустаҳкам иммунитет шакллантирилиши лозим. Аммо ёшларимизнинг онгини миллий гоё ва мафкура тамойиллари асосида бойитиб бориш уларни мафкуравий иммунитетини кучайтириш юзасидан ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Бунинг учун ёшларимиз эркин ва мустақил фикр юритадиган, иймон-эътиқодли, ақл-заковатли, иродаси мустаҳкам, билимли ва доно бўлиши, ўз юртининг тарихи, миллий кадриятлари ва буюк аждодлари қолдирган бебаҳо илмий ва маънавий меросни онги ва қалбига жо этмоғи керак.

Бунинг учун ахборот ресурс марказлари манбаларидан, матбуотдан, телевидениядан гоёвий тарбия минбари сифатида фойдаланиш, сайлов жараёни билан боғлиқ сиёсий технологиялар ва тарғиботларни самарадорлигини мунтазам ошириб бориш, ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосида уларни ахборот хуружларига қарши кураша олиш малакаларини юксалтириш бугунги кундаги долзарб вазифадир.

## **АКАДЕМИК А.Н.КОЛМОГОРОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ**

*С.Эргашов – АндМИ доценти, Б.Ҳашимов – АндМИ талабаси*

Андрей Николаевич Колмогоров (1903-87) - рус математик олими, эҳтимоллик ва функциялар назариялари мактаблари асосчиси.

Андрей Колмогоров – XX асрни буюк математиги, замонавий эҳтимоллик назарияси яратувчиси, функциялар назариясидаги классик натижалари, математик логика, топология, дифференциал тенгламалар назарияси, функционал анализ, гирдобли ҳаракат назарияси ва Гамильтон системаси назариялари бўйича катта натижаларга эга.

Андрей Николаевич Колмогоров 1903-йил 25-апрел куни Тамбов шахрида таваллуд топган. Колмогоровни онаси – Мария Яковлевна Колмогорова (1871-1903) туғруқ вақтида вафот этган. Отаси – Николай Матвеевич Катаев, маълумоти бўйича агроном (Петровскдаги академияни тамомлаган), 1919-йили Деникин

босқини вақтида вафот этган. Бола ўз холаси – Вера Яковлевна Колмогорова томонидан асраб олинган ва тарбияланган.

Колмогоровнинг холалари ўз уйига яқин атрофда яшайдиган хар хил ёшдаги болалар учун мактаб ташкил қилиб, у ерда янги педагогик услуб бўйича уларга таълим беришган. Болалар учун «Весенние ласточки» қўл ёзма журнали ташкил этилган. Бу журналда ўқувчиларнинг чизган расмлари, шеърлари, ҳикоялари чоп этилган. Шуниингдек у ерда Андрейнинг «илмий ишлари» - ўйлаб топилган арифметик мисоллари ҳам чоп этилган. Журналда Андрей математика бўйича ўзини биринчи илмий ишини беш ёшида нашр этиб чиқарган. Лекин хақиқатда, бу атига маълум бир математик қонуният эди, лекин бу нарсани болани ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзи пайқаб қолган.

1920-йилда Андрей Колмогоров институтга киришни ўйлай бошлаганида, унинг олдида боқий савол туғилди: қайси ишга ўзимни бағишласам? Университетнинг математика бўлими уни тортар эди, лекин шубҳа ҳам бор эди: уни назарида бу ерда фанни ўзи эди, техника эса – бу жиддийроқ иш эди. Мана, масалан, Менделеев институтининг металлургия факультети. Хақиқий ўғил бола иши, бундан ташқари келажаги бор иш эди. Андрей ҳам у ерга, ҳам бу ерга топширишга қарор қилади. Лекин кейинчалик унга шу нарса аён бўлади – математика фанининг ўзи ҳам жуда актуал, ва Андрей уни танлайди.

1920-йилда Андрей Москва университетининг математика бўлимига топширади. Биринчи ойлардаёқ Андрей Колмогоров курс имтихонларини топширди. Иккинчи курс талабаси сифатида эса у «стипендия» олишга сазовор бўлди. 18 ёшли 2-курс талабаси Андрей Колмогоров томонидан олинган жиддий натижалар, ўзига «патриарх»ни эътиборини тортди. Бироз тантанаворлик билан Николай Николаевич Андрейга ўзини курсини ўқувчиларига мўлжалланган хафтани маълум бир куни ва соатида келишни таклиф қилади. Бундай ҳол «Лузитания»да фахрий ўқувчи унвонини қўлга киритди деганидек баҳоласа бўларди, яъни истедодини тан олиш.

Андрей Николаевич 1920-йилдан 1925-йилгача Москва давлат университети (МДУ)да таҳсил олади. Талабалик вақтида, 1922-йилда у ҳамма жойида тарқалиб кетадиган Фурье каторини кўрди ва бу унга махшурлик олиб келади.

1931-йилда Андрей Колмогоров МДУни профессори бўлиб қолади. 1933-йилда у МДУ қошидаги механика ва математика институти директори деб тайинланади. 1935-йилда МДУни механико-математик факултетида эхтимоллар назарияси кафедрасини очади.

1960-йилда Колмогоров факультетлараро эхтимоллар назарияси ва статистик методлар лабораториясини ташкил этади (1966-1976 йиллар давомида бошқаради). У лабораторияни асосий вазифаси замонавий эхтимоллар назарияси ва математик статистиканинг методларини илмий ва гуманитар тадқиқотларда кенг қўлланилиши эди. Бу лаборатория ташкил қилинилиши хақидаги қарорини А. Н. Колмогоров Хиндистондан қайтиб келганидан сўнг қабул қилади, чунки у ерда амалий статистика соҳасидаги ишлар уни хайратга солган эди. Дастлабки вақтларда лабораторияда 20тага яқин ишчи ишларди, МДУ ректори И. Г. Петровский вафот этгандан сўнг, лаборатория ёпилаётган пайтига эса 130дан ортиқ ишчи ишларди.

Андрей Колмогоров кенг ихтисосликдаги олимларни етиштириш йўлларини кидирар эди. Андрей Колмогоровнинг ўзи у нафақат математик, балки табиат ходисаларини тадқиқ қилувчи олимман дер эди. 1976 йилда Андрей Колмогоров МДУда 1976-1979 йилларда раҳбарлик қилган математик статистика кафедраси очилган эди. 1980-йилдан бошлаб ҳаётининг охиригача Андрей Колмогоров математик мантик кафедрасини мудури бўлиб ишлади.

1953-йилда Андрей Колмогоров Москва математика жамиятининг фахрий аъзоси этиб сайланди, 1964-йилдан 1966-йилгача ва 1973-йилдан 1985-йилгача эса у Президенти бўлиб келган.

Хар хил йилларда Андрей Колмогоров «Математический сборник», «Успехи математических наук» журналларида таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб келган. 1946-йилдан 1954-йилгача ва 1983-йилдан умрини охиригача Андрей Колмогоров «Успехи математических наук» журнали бош тақризчиси бўлган.

1956-йилда Колмогоров «Теория относительности и ее направления» журналига асос солган ва 1956-йилдан буён бу журналнинг бош тақризчиси бўлиб келган. Физика-математика «Квант» ёшлар журналинини барпо этган ва умрининг охиригача бош таҳрирчи ўринбосари бўлиб иш юритган ва ушбу журналнинг математика бўлимини бошлиғи бўлган.

Андрей Колмогоров хорижий адабиёт нашриётидаги математика ва механика редакциясини асосчиси бўлган. 1931-йилда «Аналитические методы теории относительности» деб номланган биринчи фундаментал макола чоп этилди.

Андрей Колмогоров замонавий математиканинг, амалий математикани ўз ичига қамраб олган ҳолатда, энг атоқли намоёндаларидан бири бўлган. Унинг исми Пуанкаре ва Гилбертларнинг исмлари билан бир қаторда туради. Андрей Колмогоровни бундайин буюклиги халқаро илмий дунёда шубҳасиз тан олиншига олиб келди. Жумладан, Андрей Колмогоров жуда кўп марта хорижий академикларга ва илмий уюшмаларга аъзо бўлиб сайланган ва кўпгина университетлар ўзининг фахрий доктори қилиб қўйишган. Бундай статистика совет олимлари ичида уни биринчи ўринга қўяди.

Дунёвий илм оламида, Нобел мукофоти берилмайдиган соҳаларда еришилган ютуқлари кўрсатиш учун Балзан мукофоти таъсис қилинган. 1963 йилда Балзан мукофоти биринчи марта Андрей Николаевичга беришга қарор қилинган. Жаҳон фанларига Андрей Колмогоров томонидан қўшилган хиссаси шундай мукофот билан баҳоланилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Квант. Науч.- популярный ф-м журнал. М., 1987.
2. Советский энциклопедический словарь. М., 1982..

### ПРЕДМЕТНАЯ ОЛИМПИАДА КАК СРЕДСТВО РЕАЛИЗАЦИИ КОНТЕКСТНОГО ПОДХОДА К ОБУЧЕНИЮ ПРИ ПОДГОТОВКЕ СТУДЕНТА

*Курбанова З.М. с.п., Шаков В.М. с.п. - ТашГТУ*

В условиях становления рыночной экономики и бурного развития всех сфер деятельности человека, применяемые формы обучения не всегда эффективно выполняют основные задачи образования, что, на наш взгляд, отчасти не

соответствует существующим реалиям. Задачи, которые нередко предлагаются обучающимся в пособиях и учебниках, стандартные, имеющие привычную для обучающегося конструкцию, в которых искомый результат достигается по заданной процедуре, является лишь слабым подобием реальных жизненных процессов и ориентированы на применение типовых приемов решения.

В процессе профессиональной деятельности специалист сталкивается с определенной обстановкой, в которой действуют он сам, другие люди и, где есть неопределенные, вероятностные условия, излишние, противоречивые и недостающие данные, когда нужно принимать решения в экстремальных ситуациях, в условиях ограничения времени и (или) использования материальных и финансовых ресурсов. Эти ситуации неизбежно возникают в условиях рыночной экономики, в процессе освоения или разработки новых технологий производства, современного экономически выгодного и экологически надежного оборудования, ведения предпринимательской и коммерческой деятельности, и являются по сути творческими, требующими ведения поиска и реализации решений в непривычных обстоятельствах или в условиях отсутствия известных субъекту интеллектуального пространства решений.

Основным педагогически эффективным инструментом организации учебной деятельности студентов по изучению общетехнических и специальных дисциплин и формированию понимания и умений является профессионально-ориентированная проблемная ситуация, характерная для машиностроительного и химического производств, предлагаемая обучающимся в виде олимпиадной задачи.

При отборе проблемных ситуаций действует ряд ограничений. Содержание проблемной ситуации должно требовать при решении от участника нетривиального мышления, творческого подхода, глубокого понимания и систематизации имеющихся знаний, должно усиливать познавательную мотивацию обучающегося (ограничения снизу).

В то же время разрабатываемая задача рассчитывается на студента, находящегося на промежуточной стадии обучения, не обладающего полным набором фундаментальных знаний, поэтому частью несущественных факторов проблемной ситуации можно пренебречь (ограничение сверху). Необходимо учитывать, что олимпиадная задача выполняет также функции подготовки к деятельности в экстремальных условиях и соревновательную функцию, что предъявлять определенные требования по времени решения и однозначности понимания проблемы.

Олимпиадные задачи создают "полигон", на котором в процессе решения задач у студентов формируются и понимание (как управляющая часть действия), и умения (как исполнительная часть действия). В результате студенты приобретают навыки обоснованно востребовать и комплексно использовать требуемое научное содержание каждой дисциплины учебного плана.

Так как олимпиады проводятся на младших курсах учебных заведений, то проблемная ситуация искусственно несколько упрощается; при этом сокращается разрыв между количеством и качеством фундаментных знаний участника и потребностью в них для решения данной задачи на производстве. Это позволяет, с одной стороны, создать определенную движущую силу, мотивирующую процесс

познания, с другой стороны, не допустить стрессовых ситуаций из-за полной невозможности воспринять проблему и предпринять какие-либо действия. На старших курсах, при проведении конкурсов по специальности, отпадает необходимость в упрощении проблемной ситуации.

Олимпиадные задачи по общетехническим и специальным дисциплинам, в частности по теоретической механике, используемые в процессе подготовки инженеров-механиков, имеют ряд специфических особенностей, обусловленных социальным заказом к подготовке специалистов современного производства:

- способствуют углубленному изучению основных механических и физических процессов, пониманию сущности явлений, лежащих в основе функционирования изучаемых объектов техники, разработке эффективных технологических режимов, основанных на принципах энерго- и ресурсосбережения;

- ориентируются на развитие технического творчества, связанного с конструированием прогрессивного экологически надежного технологического оборудования отрасли

- уделяют приоритетное внимание индивидуальному решению как способу творческого саморазвития и коллективной учебной деятельности как модели будущей профессиональной;

- формируют навык поиска оптимального технического решения в условиях информационных, финансовых и материальных ресурсов.

Ўқитишнинг янги шакллари яратмай туриб, таълим самарадорлигини орттириб бўлмайди. Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқитувчи учун ўз фанини ўқитишда янги имкониятлар яратиб беради. Бу эса талабаларнинг мультимедия тақдимотли, On-line тестлар ва дастурий маҳсулотли классик ва интеграллашган дарслар график фанларга бўлган қизиқишини орттиради. Ўқитишнинг самарадорлигини, ўзининг интеллектуал савиясини орттиради, мустақил ишлаш, уни ташкил этиш кўникмаларини ҳосил қилади, амалий масалалар ечимини енгиллаштиради, ўқитувчига у аввал бўр билан ёзиш ва чизма чизиш учун сарф қиладиган кўп вақтини тежаш имконини беради.

Ахборот коммуникация технологияларини қўллаш жараёнида талабаларнинг барча: онгли, ахлоқий, ижодий, коммуникатив ва эстетик потенциалини амалга оширишга интилиш керак. Ўз фаолиятининг коммуникативлигини такомиллаштириш учун ўқитувчи дастурий таъминот стандарт тўпламига кирувчи турли компьютер дастурларини қўллаши мумкин. Бу тўпламга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- телекоммуникациялар, тармоқ жиҳозлари;
- серверлар ва шахсий компьютерлар;
- мультимедияли ва периферик жиҳозлар; маълумотлар базасини бошқарув тизимининг матнли ва график редакторлар, операцион тизимлар;
- ишлаб чиқишнинг инструментал воситалари;

- ўқитишга мўлжалланган махсус воситалар (ўқитиш тизимлари, электрон дарсликлар, маълумотлар базаси, электрон журналлар ва бошқалар);
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари.

Ўқув жараёнига телекоммуникация технологияларининг татбиқи бир қатор муаммолар ечими билан боғлиқ. Энг аввало, ўқитувчилар таркибининг бунга тайёр эмаслиги ва глобал тармоқ ресурсларини ўқув жараёнига қўллаш бўйича услубий ишланмаларнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Таълим жараёни сифатини таъминлаш учун ўқитувчилар ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлишлари, ўқитувчига қўйиладиган умумий талабларни жавоб беришлари, базавий тайёргарлик курсларини ўтишлари, ўзининг шахсий оригинал (ўзига хос) услубиятини ўтишлари, ишлаб чиқишлари ва уни ўқитиш жараёнида қўллай билишлари керак.

График фанларда машинасозлик олийгоҳи талабалари эгаллаши керак бўлган айрим дастур таъминотлари хусусида тўхталиб ўтамиз. Дастурни бошқариш жуда содда бўлиши зарур. Ҳозирги кунда шахсий компьютернинг бошланғич фойдаланувчилари ҳам Word, Excel, Paint, Power Point, Adobe Photoshop, Corel Draw, КОМПАС, AutoCAD, Biserhelp дастурларидан фойдалана оладилар.

1. Microsoft Word матн редактори. Word технологик хариталар, тест, топширик-карточкалари каби матнларни киритишда қўлланилади.

2. Microsoft Excel электрон жадваллар. Бу дастур жадвал маълумотларига ишлов бериш, уларни киритиш, ҳисоблашларни бажариш, график ва диаграммаларни куриш учун қўлланилади. Excel электрон жадвалларида математик, статистик ҳисоблашларни амалга ошириш осон. Графиклар ва диаграммаларнинг ҳар хил турлари маълумотларни яққол тақдим этиш учун жуда қимматли восита ҳисобланади.

3. Adobe Photoshop ва Corel Draw график редакторлари. Тажриба шуни кўрсатадики, ранг-баранг безатилган материални эгаллаб олиш енгил ва ёдда қолади. Янги ахборот коммуникация технологиялари ўқитувчига сканер, принтер, проекторлар каби ажойиб қурилмалардан фойдаланиш имконини беради. Безатилган тасвирларга ишлов бериш учун Photoshop ва Corel Draw редакторларидан фойдаланилади. Дастурлар меҳнат объектлари расмлари билан ишлаш учун қўлланилади.

4. Paint график редакторини буюм деталлари чизмаларини ва буюмнинг йиғма схемасини тузишда қўллаш мумкин.

5. Microsoft Power Point. Power Point дастури ёрдамида кейинчалик семинар, конференцияда кўрсатиш учун тақдимотни яратиш мумкин. Бироқ унинг имкониятлари турли-туман бўлиб, у мультимедияли чиройли графикаси, видеосюжетли, овозли, анимацияли ўқув қўлланмаларни яратиш учун идеал мос келади.

Талабалар тақдимотни ижодий, лойихавий ишларни тақдим этиш шакли сифатида қўллайдилар. Power Point дастури ёрдамида компьютер тақдимотини қўллай билиб, дастурнинг исталган бўлими учун ўқув кўргазма қуролларини яратиш мумкин. Масалан “Деталларнинг эскизи”, “Техник расм”, “Чизик турлари” ва ҳ.к.

GIF-Анимация. Компьютер анимацияларини тақдимотга қўйиш мумкин. Анимацияланган тасвирлар маъруза машғулотларига “жон киритади”, интернет саҳифаларини безайди. Анимацияланган расмларни яратиш учун дастурлардан биридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Буларга GIF-Animator, GIF- Master, GIF-Constraction, Advanced Atani 4.0, Goffee- Animator 75 R ва бошқалар мисол бўла олади. Бу дастурларни Интернетга кириб, [http:// www. freeware.ru/](http://www.freeware.ru/) бепул сайтдан қўчириб олиш мумкин.

6. Biserhelp график редактори. Уни Интернетга кириб, [http:// beads. font.ru/](http://beads.font.ru/) бепул сайтдан излаб топиш ва ундан нусха олиш мумкин. Унинг ўлчами 387 Кб дан иборат бўлиб, махсус инсталляцияни талаб этмайди, у исталган электрон ташувчилар томонидан ишга туширилиши мумкин. Бу график редактор мураккаб нақшли схемаларни яратиш учун қулай ҳисобланади. У “мозаика”, “хоч”, “гиштин девор” техникаларида схемалар яратишда қўлланилади.

КОМПАС чизма-конструкторлик редактори ўзининг соддалиги ва тушунишга осонлиги билан ажралиб туради, энг асосийси, талабаларни чизмачилик ҳамда технологиялар бўйича ўқитишга мўлжалланган. Унинг интерфейси рус тилида бўлиб, ҳар бир ҳаракатни айтиб туради. Бу редакторни эгаллаш ўрганувчига график ишларни бажариш вақтида тежаш имконини беради ва чизма сифатининг ортишига олиб келади.

7. Интернет Explorer Browser. Интернет инсониятни ягона бир ҳамжамиятга айлантириб қўяди ва унинг ҳар бир аъзосига турли маълумотлар олиш учун имкониятлар яратиб беради. Компьютернинг Интернет тармоғига улаш орқали, ҳар қандай қизиқтирган мавзу бўйича деярли, исталган маълумотни олиш мумкин. Ахборот коммуникация технологияларининг график фанларни ўқитишда қўлланилиши талабаларнинг изланувчанлик қобилиятини орттиради, муаммоли вазиятларни татбиқ этиш, дарсларни талабалар учун янги бўлган шаклда ноанъанавий усулларда олиб бориш, ёрқин ҳиссий фонни яратиш, ташаббус, фантазия ва тасаввурни рағбатлантириш имконини беради.

**ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ ПРЕДПРИЯТИЕМ, ПРОЕКТАМИ И ПЕРСОНАЛОМ**

**USE OF MARKETING IN SYSTEM OF MAXIMUM EDUCATION THE ANDIJAN REGION**

*Ph.D. I.Yu.Umarov, student B.Xashimov- Andijan machine-building Institute*

Political and economic development of Republic of Uzbekistan occurred owing to market reforms, have required rethink and change of all system of education. The necessity of deep transformations for system of education of republic also was proved also by growth of a role of education in the modern world.

Besides the development of the market attitudes (relations) in economy of our country has resulted in introduction and active use of market regulators, to which number the marketing, in various spheres of life of a society (community), including, in sphere of education concerns. The features of application of marketing in sphere of education absolutely recently became a subject of study for an economic science. In this connection among the scientist and the experts no uniform opinion that is the goods or product of educational establishment. Besides they not all are uniform in opinion, that represent also educational services. Despite of theoretical disagreements, now formation of the market of educational services becomes the important party of development of sphere of education in the Andijan regions. The reason it is that in republic of need (requirement) in reception of education now of steel by one of the basic needs (requirements) of the population, that is characteristic for a modern society (community) passing to a stage of information development. Not the basis of growing needs (requirements) of the citizens of republic in education the demand for educational services is formed also.

Differently, the system of education of republic was aimed at, that it is duly to react to dynamical changes in the modern world, to provide personnel support of strategy of economic growth and progressive structural transformations, as she is responsible (crucial) that quality of human resources.

Taking into account, that in a modern economic science the concept of marketing is opened as a prediction, management and satisfaction of demand on the goods, service of organizations, people, territories etc., it is possible with confidence to speak that the marketing is also characteristics of development of modern system of education.

From positions both economic science as a whole, and its (her) component of marketing, the education being one of versions of purposeful human activity, requires the certain administrative system, which purpose is the formation of an expedient flow of demand on educational services and development of the effective mechanism of his (its) satisfaction.

The problems of a survival and steady development of high schools in conditions of market economy have resulted in enough intensive development of the theory and practice of marketing of educational services. Today one nobody should be convinced of necessity of use of methods of marketing for their stable development. As a result of all

it, main principle of marketing " to sell on what there is a demand " is equally successfully applied now both at sale of the various goods, and at sale by an educational institution of educational services.

Development of modern market economy and technological progress result that the society (community) dictates the persons that list of knowledge, which she should have. At the same time, the system of education should be focused not only on the tasks on the part of the state and society (community), but also but constantly growing public demand, on concrete interests of families, local communities, enterprises etc.

Thus, the essence of the market of educational services as object of marketing activity is to ensure (supply) the population with high-quality education, satisfying need (requirement) of the people for the information and knowledge. Thus we shall emphasize, that the formation of the market of educational services is especially perspective sphere of marketing in the Countries with developing market economy. In these conditions for Educational establishments the basic tasks of marketing activity becomes:

- ❖ constant research of a condition of the market of educational services and processes of change of demand on various specialties;
- ❖ forecasting of demand for educational services in the nearest and intermediate term prospect;
- ❖ information maintenance of establishments of education by the items of information on concrete inquiries of the potential consumers of educational services;
- ❖ progress on the market of educational services by means of constant informing of the potential consumers;
- ❖ development of more perfect educational programs, search optimal of variants of training etc.

Let's note also, that as the educational services are complex enough (difficult enough) and specific, so far as also their progress in the market is connected to the certain difficulties. For an effective gain of a niche in the market of educational services any high school - state or private (individual), should be, as a minimum, competitive and to provide release of the experts claimed in the market of work.

Here it is necessary especially to note, that the study of dynamics (changes) of demand on the experts in the market of work and analysis of the perspective tendencies in this direction is one of the most complex (difficult) tasks of marketing in high schools. Besides as the experts mark, the changes in business to environment (Wednesday) accrue so quickly, that if the enterprises do not develop the personnel, they can become weak or in general noncompetitive, that in conditions of crisis threatens to them with economic crash. Therefore all over the world, including in the Andijan regions, the advanced enterprises constantly train the personnel.

In turn, the change of dynamics (changes) of demand on preparation both retraining of the experts assumes also expansion of educational services, given by high schools. In this connection, it is necessary to have more precise definition of a product of high school, that also it is important for understanding of a place of concrete service in general (common) activity of high school. As well as in many other questions connected to market reforming of system of education, now among the scientist and the experts no uniform opinion that is a product of high school. On the one hand, the product of high

school is defined (determined) as the generalized not concrete educational service, on the other hand, and as the expert having knowledge and skills.

However these approaches, on our sight are unsufficiently proved and at large. The new information technologies considerably promote development of the market attitudes (relations) in sphere of education first of all because their application conducts to intensive expansion of the market of educational services. In connection with development of information technologies in sphere of education can sharply increase and number of the consumers of educational services. The modern computer and telecommunication technologies promote also expansion of educational space, it(him) globalization, attraction of trained irrespective of territorial and national borders, становлению of the world(global) market of educational services. Thus, the technology factor - development of new computer and telecommunication technologies, working in close interrelation with other factors, promotes development of the market of educational services.

On this background the marketing of educational services gradually becomes the integral part of effective and modern system maximum education of Uzbekistan. In the essence use of marketing in spheres of maximum education allows at a new level to predict parameters of development of each higher educational institution, and a final result of such forecasting becomes increase of competitiveness of the educational programs, offered high schools, and educational technologies, methods of organization of educational process etc.

## **КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИКЛАРИНИ УЙЎНЛАШТИРИШ**

*Иминов Т. Н. – АҚХИ катта ўқитувчиси, Исламова Д.Т. – АҚХИ ўқитувчи*

Ҳозирги пайтда кўпгина ишлаб чиқариш ресурслари чегараланган, уларнинг аксарияти (металл, қурилиш материаллари ва бошқалар) хориждан келтирилади. Шунинг учун, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий ва хорижий инвестицияларни устувор соҳаларга жойлаштириш каби самарадорликни ошириш воситаларига етарли даражада эътибор бериш талаб қилинади.

Корхоналар иқтисодиётига бағишланган аксарият адабиётларда ишлаб чиқаришнинг фақатгина иқтисодий самарадорлиги ҳақида сўз кетади. Ҳолбуки, мамлакатда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар кишиларнинг эътиборини жалб қилмоқда ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ҳам ўрганишни ҳамда уларга баҳо беришни зарурият қилмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий самарадорлигини ўрганиш ўта муҳимдир. Улар ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган категориялардир.

Самарадорликнинг умумий ҳолати сифатида ижтимоий-иқтисодий самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик - чегараланган ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда эришилган аҳолининг ижтимоий иқтисодий истеъмол даражасидир.

Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг қондирилиши эса, инсон камолотининг юксалиши, моддий ва ижтимоий фаровонлигининг ўсиши, маданий

ва маънавий жиҳатдан ривожланишида кўринади. Инсон фаровонлиги ҳамда камолоти нақадар юксалса, шу қадар юқори ижтимоий-иқтисодий самарадорликга эришган бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги унинг пировард мақсад натижасида ўз ифодасини топади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик таркибида иқтисодий самарадорлик алоҳида эътиборга эга.

Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони ҳаражатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида омиллар (ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик) ҳаражат қилинади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади. Ҳаражат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади.

Ишлаб чиқаришнинг натижаси ижтимоий самарадорлик орқали ҳам ифодаланади. Корхонанинг ижтимоий самарадорлиги мезони истеъмолчиларни эҳтиёжларини қондирилиш даражаси билан белгиланади. Ижтимоий самарадорликнинг кўрсаткичлари: аҳолининг даромадлари миқдори, иш билан бандлиги, саломатлигини сақлаш, меҳнат малакасини юксалтириш, маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтлари миқдори ва шу қабиларни аниқлаш билан белгиланади.

Корхонадаги ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида замонавий ишлаб чиқариш воситаларини амалиётга киритиш иқтисодий самара билан бир каторда оғир жисмоний меҳнатни машиналар меҳнати билан алмаштириши, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини бартараф этиши, фондлар ва энергия билан таъминланиш даражасини ошириши, юқори малака талаб қиладиган ва манфаатдорликни оширадиган жозибали касбларга талабни пайдо қилиши, ёшларда мавжуд касбларга рағбат уйғотиш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиши лозим.

Юқоридагилардан шуни англаш лозимки, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигини ўлчаш учун кўрсаткичлар тизими зарур.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи бир қанча кўрсаткичлар мавжуд, жумладан, маҳсулот (иш, хизмат)ларга талабнинг қондирилишини тавсифловчи кўрсаткичлар, меҳнат шароити ва табиатини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бизнингча, маҳсулот (иш, хизмат) ларга истеъмолчилар талабининг қондирилишини тавсифловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

❖ маҳсулот (иш, хизмат) лар таркибининг истеъмолчилар

талабига мос келиши коэффициенти. Бу кўрсаткич товар захираларида туриб қолган (ўтмас) товарларнинг ҳиссаси кўринишида тавсифланади. Бу кўрсаткичнинг ўсиши ижтимоий самаранинг пасаяётганидан дарак беради. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳсулот (иш, хизмат) нинг сифати ва унинг истеъмолчи талабига мос келиши учун рақобатлашаётган корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади;

❖ реклама воситасида маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг мавжуд турлари билан истеъмолчиларни таништириш даражаси. Ҳозирги пайтда харидорни товарларнинг хусусиятлари, сифати ва бошқа афзалликлари кўпроқ қизиқтиради.

Бу масалаларда эса унга реклама ёрдам беради. Унинг махсулот (иш, хизмат)ларни истеъмолчиларга таништириш даражасини ўрганишда турли шаклдаги рекламалардан (телевидение, радио ва газеталардан, спортчилардан) фойдаланувчи корхоналар хиссасини аниқлаш керак бўлади;

❖ истеъмол саватчаси доирасида истеъмолни таъминлаш коэффициенти ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар таркибида меҳнат шароити ва табиатини тавсифловчи кўрсаткичлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бизни фикримизча, улар асосан, қуйидагилардан иборат:

- меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси;
- меҳнат жараёнларини роботлаштириш даражаси;
- ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар, асбоб ускуналар ва механизмларнинг илғорлик (замонавийлик) даражаси;
- меҳнатни электрлаштириш даражаси;
- иситиш, совутиш, юклаш-тушириш, кутариш-юклаш ускуналар ва бошқа асбоблар билан ҳақиқий таъминланишнинг меъёрларга мослиги даражаси;
- бино ва иншоотларнинг давр талабларига жавоб бериш даражаси (уларнинг замонавий лойиҳа асосида қурилиши, уларда ишлаш ва дам олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги);
- ўралган, кадокланган ва идишларга солинган махсулотларнинг ишлаб чиқарилган жами махсулотлардаги хиссаси;
- корхоналарнинг соғломлаштириш, спорт ва мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва бошқалар билан таъминланганлик даражаси;
- корхоналарда ходимлар ва мутахассислар сафининг тўлдирилиши коэффициенти. Бу ҳақиқий ишловчи ходимлар сонини белгиланган меъёр билан қиёслаш асосида аниқланади;
- корхоналар ходимларининг даволаниш ва саёҳат учун йўлланмалар билан таъминланиш даражаси;
- ходимлар ва мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш даражаси;
- ишлаб чиқариш жараёнида ақлий меҳнат хиссасининг ва ижодкорликнинг ошиб бориши, меҳнат интизоми бузилиши ҳолларининг камайиши, ходимлар қўнимсизлигини пасайтириш ва бошқалар.

Қайд этилган кўрсаткичлар ижтимоий самарадорликнинг алоҳида йўналишларини тавсифлайди. Улар биргаликда ҳисобланса ва ижтимоий самарадорликни баҳолашда биргаликда қўлланилса, ишлаб чиқариш ва ижтимоий самарадорликларни уйғунлаштириш имкониятини яратилади.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари узвий боғлиқ. Ижтимоий самарани оширмасдан туриб иқтисодий самарани ўстириб бўлмайди ва аксинча.

## **КОРХОНАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИГА МОС ҲОЛДА БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ**

*Иминов Т. Н. – АҚХИ катта ўқитувчиси, Қобулова М.Ё. – АҚХИ ўқитувчиси*

Дунё мамлакатларида рўй бераётган иқтисодий, молиявий ва ижтимоий жараёнлар натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва унинг энг куйи бўгини ҳисобланган корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник-технологик янгилаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳаётий зарурият даражасига кўтарилди. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовни : “2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий урин тутиши даркор”<sup>55</sup> деган фикрлари ҳар бир корхона раҳбари учун жуда муҳимдир.

Корхоналардаги ишлаб чиқаришни модернизациялаш раҳбарларга ва мутахассисларга янгича иқтисодий фикрлаш ва иш юритиш, минглаб субъектлар ва истеъмолчилар билан уз фаолиятини мувофиқлаштириш, жараёнларни корхона манфаати ва мақсадига йўналтириш, уларни чуқур таҳлил қилиш, келажак учун режалаштириш каби муаммоларни ҳал қилиш йўлларини билиш талабларини кўяди. Буларсиз рақобатчилик шароитида ҳар қандай корхона, фирма инкирозга учраб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас.


Шундай ҳолатга тушмаслик учун эса, ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари тўғрисидаги аниқ тушунчаларга эга бўлиб олишимиз талаб этилади.

Бизнингча, ҳар қандай корхонадаги ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқариш;
- ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш;
- маҳаллий ресурслар базасида инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш;
- сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш;
- чиқитсиз ва экологик соф технологияларни қўллаш.

Самарали бошқарилаётган ҳар қандай корхона жамиятда маълум мавқега ва ўз ўрнига эга бўлиб, буни биз қуйидагича тасвирлашимиз мумкин бўлади.

<sup>55</sup> Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ишловлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш” Халқ сўзи, 2013 й. 19 январ.



### 1-чизма. Корхонанинг жамиятдаги тутган ўрни

Корхона фаолиятида жамиятнинг ривожланиш иктисодий қонунларини кўриниш шакллари ўз аксини топади. Шундай экан, корхонани бошқариш асосида иктисодий қонунларни талабларини субъектив ҳолда кўра билиш ва унга асосан қарорлар қабул қилиш зарур бўлади. Масалан: иктисодий қонунлардан бири меҳнат унумдорлигини иш ҳақига нисбатан тезроқ ўсишидир. Бу қонуннинг талаби бузилса пул муомаласини мувозанати бузилишига олиб келиши, ортиқча пул вужудга келиши, товарлар дефицити пайдо бўлиши каби ноўрин ҳодисалар вужудга келиши мумкин.

Иктисодиёт қанчалар ва амалиёт қорхонани оқилона ва самарали бошқариш учун унга мос хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиққан. Унга мос иктисодий дастаклар (баҳо, солиқ, фойда, кредит, иш ҳақи қабилар) категориялар, кўрсаткичлар, усулларни (иктисодий ёки маъмурий усуллар, режалар, меъёрлаштириш қабилар) хўжалик юритувчилар ўз мақсадларига мувофиқ бошқарув жараёнларида ишлатадилар.

Бошқарув жамият муносабатларининг муҳим кўрсаткичи сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига тегишлидир. У инсоннинг жамиятдаги моҳияти, меҳнати тақсмоти, кооперация ва муомала зарурати, иктисодий, ижтимоий ва сийёсий муносабатлардан келиб чиқади. Бошқарувсиз табиатни ўзгартириш, меҳнат қуроллари ва предметларини ягона ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштиришга йўналтирилган фаолият юритишнинг иложи йўқ.

Бошқача қилиб айтганда, қорхонани бошқарув ишлаб чиқаришнинг барча қатнашчилари ва элементлари ўртасида келишувни йўлга қўйиб, юзага келган муносабатларнинг мазмуни ва меъёрини тартибга солади ҳамда ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўллари топишга ўз ҳиссасини қўшади.

Замонавий қорхонани бошқарув - меҳнат жараёнига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик қайта қуриш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида таъсир ўтказиш тизими, шунга мувофиқ ҳар бир ишчининг ва бутун жамоанинг меҳнатини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш, мотивация ва тартибга солиш усулидир. Бу жараёнда моддий бойликлар ва неъматлар ҳамда уларга тенглаштирилган кадрларни тўғри тақсимлаш, истеъмол қилиш ва айирбошлаш ҳам бошқарувни талаб қилади.

Бошқарувга ёндашишдаги замонавий усулларнинг муҳим аҳамияти инсон омиллини фаоллаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва ташаббускорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш талабларига жавоб берувчи янги ташкилий тузилмаларни яратишда намоён бўлади.

Маълумки, корхонани бошқарув фаолияти бошқарувчи шахс ёки идора томонидан бошқарув амалларини бевосита ва билвосита командалар (буйрук, таъсия ва кўрсатмалар) шаклида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, корхонани бошқарув фаолияти таркибига жамоатчилик ташкилотларидаги фаолият, иш жойларида ижодий ташаббус-корликнинг юзага келиши ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг таклиф ва маслаҳатларини ҳам киритиш мумкин. Бу эса, бошқарув фаолиятини, бевосита бошқарув (корхона бошқарув аппаратининг фаолияти) ва ўзини-ўзи бошқариш (бошқарув фаолиятининг жамоатчилик шакли) турларига ажратилган ҳолда таснифлаш имконини яратади. Фаолият-нинг иккала тури ҳам амалда биргаликда юритилиб, уларнинг ўзаро алоқалари ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилар асосида, бугунги кунда корхоналарни “замонавий бошқариш” зарур деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун, ишлаб чиқаришни модернизациялаш талабларига жавоб берувчи янги ташкилий тузилмаларни яратиш, ҳар бир корхона раҳбари ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситаларини билиши ва қўллай олиши, иш жойларида ижодий ташаббускорликнинг юзага келиши учун шароит яратиши ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ишлаб чиқаришни техник-технологик қайта қуроллантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ҳамда хилларини кўпайтириш бўйича таклиф ва маслаҳатларига эътибор қаратиши, буларнинг барчаси бўйича оқилона ечимга эришиш учун танловларни ташкил этиши зарур бўлади.

## **ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*и.ф.д. А.Абдуллаев- АндМИ профессори,*

*и.ф.н. М.А.Абдуллаев- АндҚХИ катта ўқитувчиси*

Инновация жараёнининг хавф-хатарли биринчи босқичини майда ва ўрта корхоналар амалга оширадилар. Бунда улар янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ҳамда бозорга олиб чиқиш бўйича масъулиятини тўла ўз зиммаларига ола-дилар. Лойиҳанинг муваффақиятли чиқиши маълум бўлгач, уни яқунлаш учун йирик корхоналар ишга киришадилар, ҳамда янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий эта бошлайдилар. Шундай қилиб йирик ва майда корхо-налар бир-бирларини ўзаро тўлдирадилар. Бу эса янгилик киритишнинг бутун циклини- фундаментал изланишлардан тортиб, янги маҳсулотни кенг қўламда турли кўринишларда ишлаб чиқаришга жорий этишигача оптимал-лаштиради, маблағ ва илмий-техника салоҳиятини унумли тақсимлайди, ИТТ шароитида иқтисодиётнинг энг оптимал таркибини яратади, гоя, билим, таж-риба ва технологиялар билан алмашинишини

таъминлайди. Афсуски, биз-нинг мамлакатимизда шаклланган инновация жараёнининг ташкилий шакл-лари юкорилардагилардан фарқ қилади.

Республика корхоналаридаги инновация фаолиятининг тахлили йирик корхоналарда майда корхоналардагига нисбатан ушбу жараён фаолроқ олиб борилаётганини кўрсатади. Янгиликларнинг асосий қисми мазкур фаолият олиб бориш учун кенгроқ иқтисодий имкониятга эга бўлган йирик корхоналар томонидан етказиб берилмоқда.

Янги технологиялар яратиш борасида ҳам йирик корхоналар фаолроқ ишламоқда. Моддий бойликларни тежаш, меҳнат харажатларни қисқартириш, атроф-мухитга зарарли чиқиндилар чиқаришни камайтириш, ишчилар-нинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашда акс этган технологик кўрсаткичлар борасида ҳам йирик корхоналарда аҳвол бир мунча яхши.

Майда корхоналар инновация-инвестиция жараёнларига туртки беради, деган умид ҳали ызини оқлагани йўқ. Илмий соҳага йўналтирилган кичик корхоналар бугунги кунда инновация жараёнларининг йирик илмий-техник базасига айланмаган.

Бу ҳолатни кичик корхоналар асосий ва айланма капитал ҳажмини кўпайтириш орқали фойдани орттиришга, ва шу тарзда, бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратаётганликлари билан изохлаш мумкиндир. Айни вақтда баъзи йирик корхоналар инновация фаолиятига нафақат иқтисодий, балки техник ва технологик унум олиш мақсадида ресурслар жалб қилиш имкониятига эга. Инновация фаолиятига тўсқинлик қилиб турган омиллар қаторида корхоналар молиявий маблағларнинг етишмаслиги, юкори солиқ ставкалари, буюртмачининг тўлов лаёқатсизлиги, инвестиция ва кредитлаш-нинг ноқулай шарт-шароитлари мавжудлигини юкорида айтиб ўтган эдик.

Ушбу тўсиқларни, бизнинг фикримизча, қуйидагилар бартараф этиши мумкин:

1) Илмий изланиш учун зарур маблағлар бўлган, бир неча йўналиш бўйича инновация фаолияти олиб боровчи, бир лойиҳадан кўрилган зарарни бошқа лойиҳа ҳисобидан чиқариб олиш имкониятига эга бўлган йирик ишлаб чиқариш фирмалари, холдинг уюшмалари.

2) Давлат ёки минтақавий дастурлар сифатидаги дастурий-мақсадли шакллар. Улар одатда нафақат фойда олиш, балки бошқа кенг қўламли мақсадларни кўзлайдилар.

3) Венчур (таҳликали) фирмалар таваккал капитал, кучли давлат ёки минтақавий кўмак мавжудлиги шarti билан. Бу ҳолда венчур фирмаси сифатида кичик корхона бўлиши ҳам мумкин.

4) Горизонтал ва вертикал интеграциянинг чапишган усули. Бунга мисол қилиб авиация молиявий санoат гуруҳини келтириш мумкин. Бирлашишнинг мазкур шакли айни вақтда илм талаб этиладиган мураккаб маҳсулот (ёки маҳсулотлар туркумини) яратиш инновация циклининг таъминоти, ҳам корхоналар гуруҳининг ташки бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этади. Бундай молиявий-санoат гуруҳини ташкил этиш истикболли ҳисобланади, негаки бу корхонанинг технологик даражасини кўтариши мумкин.

5) Вертикал интеграция. Бу ҳолатда корхоналараро технологик алмашинув мавжуд бўлиб, бу алмашинув оралик маҳсулот етказиб беришдаги узи-лишлар (монопол ҳукмронлик туфайли)нинг олдини олади. Айни вақтда шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида маълум рақобат юзага келади ва бу ҳам маҳсулот яратилишига ҳамда уни сифатини яхши-лашга қўмаклашади.

6) Диверсификация, яъни бир компаниянинг иккинчи бир компания томонидан ютиб юбориши асосида бирлаштирилган компания гуруҳи.

Корпоратив доирада махсус инновация тузилмалари ташкил этиш зарур. Корхона ва ташкилотнинг илмий технологик салоҳиятини таъминлаб ва ошириб турувчи илмий-тадқиқот ва технологик марказлар шундай тузилмалар сифатида хизмат қилиши мумкин. Йирик корпорациялар қошида инновация бўлинмалари ташкил этиш борасидаги ривожланган гарб давлатларининг тажрибасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бозор рақобатида фирма ичидаги илмий изланишларнинг мустақил тадқиқот ташкилотларида амалга оширилган изланишлардан кура юқори самарадорлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, давлат хусусийлаштириш жарёнида йирик корпорацияларда инновация тадбиркорлигининг шаклланишига туртки бериши мумкин. Энг аввало бу ишлаб чиқариш мажмуалари доирасидаги технологик жиҳатдан бирига боғлиқ бўлган йирик корхоналарни хусусийлаштиришга тааллуқли. Айни вақтда бу жараён фаолият юритиб турган ишлаб чиқариш таркибларини бузилишига, технологик ва ишлаб чиқариш алоқаларининг узилишига олиб келмаслиги керак.

## **АВТОТРАНСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ**

*А. М. Саримсақов - АндМИ доценти*

Навигатор жипресс юк автомобилларига ўрнатилади. Бу жипресс автомобилни қайси жойда кетаётганини ва нима билан шуғулланаётганини кўрсатиб беради. Ташиш жараёнини ташкил этиш ва автомобилдан тўлароқ фойдаланиш учун АТК ларда автоматик бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш катта аҳамият касб этади.

АТКларнинг автоматик бошқарув тизимини ишлаб чиқишда сарой ичида нозим(диспатчер)ли бошқаруви умумий автоматик бошқарув тизимининг ички тизими бўлиб ҳисобланади. Ушбу ички тизим (кичик тизим) АТКнинг худудидан автомобилларни режали ишга чиқиб кетишини ва ишдан қайтишини назорат этишга мўлжалланган.

Юқорида кўрсатилган ички тизим эксплуатация бўлимининг нозимлар хонасига ўрнатилган электронли табло орқали, техник назорат пунктига жойлашган электронли табло орқали, маълумотни рўйхатга оладиган мослама ва қайта кўрсатадиган электронли табло автомобилларни режадаги ишга чиқиш вақтини ва ҳар бир автомобилнинг қаерда турганлигини, ҳамда барча йўлда ишлаётган автомобилларнинг умумий миқдорини ҳисобга олишни назорат қилувчи қайта кўрсатадиган электронли таблолардан таркиб топади.

Сарой ичидаги нозимни автоматик тартибга солиш тизими автомобилларни сарой худудида туриб қолиш вақтини камайтиради, юк ташувчи АТКнинг нозимларининг иш сифатини оширади.

Юк ва йўловчи ташиш жараёнлари бошқаришни автоматлаштириш учун йўналиш тузишни автоматлаштириш, йўл варақасини беришни автоматлаштириш, уларга ишлов беришни автоматлаштириш, ҳайдовчиларни линиядаги бекор туришларини, эксплуатация бўлимига маълумот беришни автоматлаштириш, навбатчи нозимларни ҳисоботларини автоматлаштириш, мижозларга ҳисобот тузишни автоматлаштириш имъконини беради.

Йўл варақасини беришни автоматлаштириш учун ҳар бир ҳайдовчига файл очилади, унда йўл варақасини тасдиқланган шакли ёзиб қўйилади, ишга чиқишдан олдин кунни ўзгартирилади, автомобилни ишга чиқишидаги йўналиши, масофалар ёзилади ва бошқа реқвизитлар киритилади. Юк ва йўловчи ташиш автомобил ҳайдовчисига бир кунлик ва бир ойлик йўл варақаси берилади, ишдан қайтгандан сўнг унга ишлов берилади, буни компьютерга киритилади, эртасига ишга чиқса эртанги кунни санаси киритилади, шу тарика компьютерга киритиб борилади. Юк ва йўловчи ташиш автомобил линиядаги маълумотларга асосланиб иш ҳақини ҳисоблаб борилади. Иш режимини назорат қилиш учун кунлик 10 соат, ҳафталик 41 соат, ойлик 180 соат бўлганда анашу ҳайдовчини ишга чиқишга ҳисобот ўрнатади.

Ҳайдовчилар линиядаги ўзгаришларни марказий нозимхонага беришни тезкорлиги таъминланади. Навбатчи нозим ҳисоботини тезкорлигини таъминлаш, бу маълумотларга асосланиб, режадаги даромадни бажармаган ҳайдовчилар ва улар раҳбарини огоҳлантириш жараёни тезлашади. Бундан ташқари энгил тақсилар учун линияда қайси жойда бекор туганини аниқлаш ва уни мижоз билан боғлаш орқали тўловли йўл микдори ҳамда йўлдан фойдаланиш коэффициентини оширилади, бу мижоз ва ҳайдовчи учун қулайдир.

Автомобилларни фаолиятини назорат қилиш корхона ичида ва ташқари назоратларга бўлинади. Корхона ичидаги назорат қилиш учун техник бўлимда бош механик раҳбарлигида ҳар бир автомобилга «фаолият варағи» очилади, кунлик фаолият унга киритиб борилади. Кунда автомобил ишда бўлса юрилган пробег, таъмирда бўлса таъмир тури «фаолият варағи»га ёзилиб боради, ТХК-1, ТХК-2 меъёрий пробег бўйича қачон ўтказилиши аниқловчи дастур тузилади, қайси автомобилга қайси эҳтиёт қисим муддати тугаган бўлса уни алмаштириш санаси компьютер орқали маълумот олиниб унга таъмир учун буйритма тайёрланади, таъмирлаш ва ТХК турлари, режали огоҳлантириш турига ўтказилади. Пирарод натижа автомобилъни бекор туриши кискаради, фақат режа асосида амалга ошади. Автомобилларни техник ҳолатига баҳо бериш учун уни буйритмаси ким томонидан бажарилганлиги «фаолият варағи»га киритилиб борилади, бирор корхон бўлса айибдорни топшиш автоматлашади.

Автомобилларни ташқи назоратини амалга ошириш мақсадида унга нозимлик билан боғлаш алоқа воситаси ўрнатади, алоқа воситаси ёрдамида корхонадаги буйрукни ҳайдовчига, ҳайдовчини маълумотини керакли ходимларга етказилади, бу билан автомобилнинг линияда бекор туриши кискаради.

## НЕМАТЕРИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ МОТИВАЦИИ ПЕРСОНАЛА

*З.Тешабоева- старший преподаватель, АнДМИ*

Человеческий фактор является самой действенной движущей силой организации и от качества подготовки персонала во многом зависит успех осуществляемых преобразований.

Для того чтобы деятельность компании была эффективной, сегодня требуются не просто исполнительные, а ответственные и инициативные работники, организованные, стремящиеся к трудовой самореализации. С помощью традиционных форм материального стимулирования и строгого контроля пробудить подлинный интерес к работе невозможно. Только те люди, которые в деятельности могут раскрыть и реализовать свои лучшие качества, будут трудиться с максимальной отдачей и достигать наивысших результатов

Когда заходит речь о мотивах, лежащих в основе поведения работников, то зачастую они сводятся только лишь к прагматическим интересам материального характера и, в частности, к максимизации прибыли, рассматриваемой в качестве основной цели этой деятельности. Выдвигаясь на передний план, материализм сводит к нулю значение и влияние нематериальных факторов на мотивацию деятельности таких, как потребность в самореализации, самоутверждении, любовь к своему делу, стремление к общественному признанию и другие, которые могут и должны быть мощным мотиватором любой деятельности.

При нынешней экономической ситуации в нашей стране достаточно трудно добиваться от работников максимальной самоотдачи благодаря одним только материальным стимулам. Тем большее внимание следует уделять нематериальному стимулированию, создавая гибкую систему льгот, гуманизируя условия труда.

И теоретические изыскания, и практика свидетельствуют: человек работает не только ради денег. Нематериальные методы мотивации повышают лояльность работников не менее, а иногда и более существенно, чем материальные.

Самой мощной мотивацией, ориентирующей сотрудника на достижение как можно более высокого результата, является *внутренняя* (особенно если она не дисгармонизирует с внешними мотивационными факторами). Внутренне мотивированный человек изначально стремится к максимальной реализации своего потенциала, а потому постоянно повышает профессионализм, совершенствует знания, обогащает свой опыт.

Однако *внешняя* мотивация тоже способствует стремлению сотрудников соответствовать эталонам профессионализма. Подарки от руководства, вручаемые в торжественной обстановке, грамоты, призы, возможность обучения за счет предприятия — все эти и другие формы признания значимости сотрудника для компании, высокая оценка его трудового вклада зачастую являются более сильным стимулом, чем деньги.

Принятие работниками общих целей существенно влияет на общий командный дух коллектива, сплачивает людей, мотивирует к труду именно в этой организации. Очень важно учитывать присущее каждому человеку стремление к более высокому социальному статусу, желание завоевать авторитет среди других людей.

Элементы *корпоративной эстетики* (например, использование логотипа организации в оформлении памятных значков, канцелярских принадлежностей, сувениров и т. п.) также могут быть действенным стимулом внешней мотивации.

Следует отметить, что наибольший результат мотивационные программы дают при наличии эффективной *системы внутрикорпоративных коммуникаций*. Доступ к необходимой информации и обмен ею являются мощным стимулирующим фактором, особенно в инновационной деятельности.

Сегодня первостепенное значение приобретает вопрос о том, как стимулировать *обмен опытом и знаниями* среди работников предприятия. Для традиционного обучения кадров на предприятии характерны, по крайней мере, две главные трудности — ограниченные бюджеты на обучение и неизбежная «утечка мозгов». В ходе совместного использования знаний возникают новые проблемы. Если в организации не сформирована культура интеллектуального взаимодействия, то любые призывы «поделиться знаниями» чаще всего будут восприняты как давление со стороны менеджеров и руководства.

В качестве мотивирующих стимулов консультанты по управлению знаниями предлагают:

- снять *внутриорганизационные барьеры* между подразделениями для свободного доступа к информации;
- выявить сферы взаимовыгодного сотрудничества для отдельных работников и групп специалистов;
- создать условия для обмена знаниями (выделить работнику необходимое время и средства, чтобы он имел возможность поделиться наиболее интересными идеями и результатами своей работы, а также ознакомиться с идеями своих коллег);
- ввести новые должности на предприятии для координации обмена знаниями;
- разработать систему поощрений за участие в обмене знаниями;
- определить правила пользования интеллектуальными активами.

Организации, разрабатывающие *корпоративные базы знаний* и эффективные коммуникации для обмена опытом и знаниями, стремятся установить со своими сотрудниками длительные взаимоотношения и в контексте управления знаниями строят свою кадровую политику на принципах приобретения, развития и сохранения знаний, выступающих источником стоимости для организации.

Существенным фактором, определяющим лояльность персонала по отношению к компании и ее руководству, непосредственно влияющим на профессиональную мотивацию, является степень *справедливости отношений работника и компании*, вернее — ее субъективная оценка каждым сотрудником.

В формировании лояльности и мотивации сотрудников важное место занимает оценка справедливости должностного роста сотрудников фирмы. Российский психолог К. В. Харский рекомендует соблюдать следующие условия:

- сотрудники изначально должны знать свои шансы на карьерный рост;
- структура компании должна быть прозрачной и известной сотрудникам;
- условия, необходимые для занятия конкретной должности, должны быть известны и понятны персоналу;

«в критериях карьерного роста должны учитываться четкие и объективные показатели успешной работы в предыдущий период;

«замещение вакантных руководящих должностей должно производиться прежде всего за счет внутренних ресурсов.

Субъективный характер восприятия справедливости является причиной многих трудностей в соблюдении руководителями принципа справедливости. Но эта же субъективность содержит и большие возможности воздействия на подчиненного. Если восприятие справедливости субъективно, то его можно изменять, даже оставляя неизменными внешние обстоятельства, т. е. путем информирования, убеждения подчиненного, формирования у него других оценочных суждений, установок. Если чувство недооценки у подчиненного необоснованно и не отражает действительного положения дел, нужно изменить характер его восприятия ситуации.

Таким образом, эффективное использование нематериальных стимулов и справедливость вознаграждения является важным принципом и условием формирования лояльности и высокой мотивации персонала. Выполнение этого принципа требует постоянного внимания и непосредственного общения руководителей, менеджеров с подчиненными им сотрудниками и внедрения определенной системы мониторинга оценки персоналом справедливости отношений с руководством компании.

## **MASHINASOZLIK KORXONLARIDA AVTOMATLASHTIRISH VA BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISH**

*i.f.n. Qo'ldoshev E, i.f.n. U.K. Sobirov- AndMI dotsentlari,  
H.B. Solijonov - AndMI talabasi*

Xozirgi murakkab sharoitda O'zbekiston ijtimoiy-iqtisodiy tizimini rivojlanishining yuqori va barqaror suratlarni, samaradorligini xamda maqroiqtisodiy muvozanatini ta'minlash juda dolzarb muammo xisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning 2012 yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari xamda 2013 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturining eng muxim ustivor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Maxkamasining majlisidagi ma'ruzasida takidlaganidek: "Bu davrda mamlakatimiz yalpi ichki maxsuloti 8,2 foizga o'sdi, sanoat ishlab chiqarish xajmi 7,7 foizga, qishloq xo'jaligi 7 foizga, chakana savdo aylanmasi xajmi 13,9 foizga oshdi<sup>56</sup>". Lekin, bu yutuqlar bilan chegaralanib qolmasdan, yanada maqsadli, barqaror va samaradorli rivojlanish yo'llarini izlashimiz zarur. Bunday rivojlanish yo'llaridan biri- bu mamlakatimiz mashinasozlik korxonalarida avtomatlashtirish va boshqarishni takomillashtirish asosida ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlikni uzuliksiz oshirishimiz kerak.

Bu muxim vazifani bajarish uchun mamlakatimizdagi barcha korxonalarda, ayniqsa mashinasozlik korxonalarida avtomatika, avtomatlashtirish va zamonaviy boshqarish masalalarini hozirgi talablar darajasida tashkil etishimiz va ularni

<sup>56</sup> Karimov I. "Bosh maqsadimiz - keng ko'lamli islohotlar va modernizatsiya yo'lini qattiyat bilan davom ettirish". Xalq so'zi gazetasi, 19 yanvar 2013 yil.

rivojlantirishimiz lozim. Lekin raxbarlar, olimlar va mutaxassislar o'rtasida bu masalalar bo'yicha yagona fikr yo'q. Xattoki, bazi olimlar va mutaxassislarimiz avtomatik boshqarish va avtomatlashtirilgan boshqarish tushunchalarini aralashtirib yuboradilar.

Shu sababli Andijon mashinasozlik insitutining "Mashinasozlik ishlab chiqarishini avtomatlashtirish" kafedrasida texnika fanlari nomzodi, dotsent

Yo. Qurbonov raxbarligida zamonaviy boshqarish va avtomatlashtirish yonalishida tadqiqotlarimizni nazariy va amaliy natijasi sifatida quidagi ta'riflarni berishni lozim topdik.

1) Avtomatik boshqarish – bu qo'yilgan maqsadni berilgan dastur va texnik qurilmalar yordamida insonni bevosita ishtirokisiz amalga oshirishga aytiladi;

2) Avtomatlashtirilgan boshqarish - bu qo'yilgan maqsadni inson – mashina tizimida kerakli axborot, dasturiy ta'minot, kompyuter va boshqa kerakli vositalardan foydalanib amalga oshirishga aytiladi;

3) Zamonaviy boshqarish – bu qo'yilgan maqsadni marketing, information texnologiyalar, innovatsiya va modernizatsiyalardan foydalanib xodimlar faoliyatini faollashtirish (mativatsiyalash) asosida amalga oshiriladigan avtomatlashtirilgan boshqarish tizimidir.

Bu ta'riflardan foydalanib korxonada ishlab chiqariladigan maxsulotni xayotiy yo'lini va zamonaviy boshqarishni avtomatlashtirish tizimlarini nisbatan aniq va tasavur qilish mumkin.

Malumki, bozor talab etayotgan maxsulotni yoki yangi maxsulotni ishlab chiqarish uchun birinchi navbatta loyixalash ishlarini amalga oshirishimiz kerak. Kegin esa texnologik jarayonlar va ishlab chiqarish tayyorlanadi va maxsulot ishlab chiqarish amalga oshiriladi. Eng asosiy jarayonlardan biri maxsulotni sotish jarayoni xisoblanadi. Tadqiqot olib borgan korxonalarimizda asosiy e'tibor foydani ko'paytirishga qaratilayotganligini aniqladik. Lekin, hozirgi sharoitda buyurtmachilar yoki istemolchilarni talablarini to'liq qondirish asosida foydaga erishilsa foydani ko'payish extimolligi yanada ortadi.

Korxonada foydasini ko'paytirish uchun, ayniqsa maxsulot sifatini oshirish uchun chizmada ko'rsatilgan CAD, CAE, CAM, PDM, ERP, MRPII, MES, SCADA, CNC, SCM, CRB, S&SM, CPC avtomatlashtirish tizimlarini joriy qilish zarur.

Andijon viloyatidagi „GM-Uzbekistan“, „UZ-Karam co“ „UZ-Dong Ju Peynt co“ qo'shma korxonalarini oxirgi to'rt yil davomida o'rganib mashinasozlik korxonalarida avtomatlashtirish va zamonaviy boshqarishni tashkil etishda kamchiliklar va muammolar mavjud ekanligini aniqladik.

Bu kamchilik va muammolarni bartaraf qilish uchun quyidagilarni taklif qilamiz.

- Moshinasozlik korxonalarida avtomatlashtirish va zamonaviy boshqarishni to'liq joriy qilish;

-Avtomatlashtirish tizimlarini va amaliy dasturlarni chuqur o'rganish va korxonalarda ularni to'liq joriy qilish;

-Maxsulotni loyixalash, ishlab chiqarishni tayyorlash, ishlab chiqarish va maxsulotni sotish masalalarida foydalaniladigan umumiy information bazaga ega bo'lgan tizimni yaratib va uni joriy qilish;

-Moshinasozlik korxonalari mutaxasislarini malakalarini oshirish uchun avtomatlashtirish va zamonaviy boshqarish masalalari bo'yicha qisqa muddatli o'quv malaka oshirish kurslarini tashkil etish.

Yuqoridagi masalalar mamlakatimiz moshinasozlik korxonalarida joriy qilinsa korxonalar faoliyatining samaradorligi uzluksiz ortadi. Bu esa mamlakatimizning yanada ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga va ayniqsa „Obod turmush yili“ dasturining bajarilishiga va xalqimiz farovonligini yanada yaxshilanishiga olib keladi.

---

## **ИҚТИСОДИЙ ИММУНИТЕТНИ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ.**

*А.М.Саримсақов- АндМИ доценти*

Глобализация шароитида мамлакатлар бир-бирларини иқтисодий жараёнларига ўз таъсирини бозоргир маҳсулоти билан ўтказадилар. Бу ҳолат халқаро майдонда микродаражада маҳсулот-маҳсулот билан уни ишлаб чиқарувчилар бир-бирлари билан рақобатлашадилар. Бу рақобат курашида маҳсулотни олувчи (истемолчи) С талабига, А1 ишлаб чиқарувчи, Б1 ишлаб чиқарувчилар, бир-бирлари билан курашадилар. Бу кураш жараёнида кўпинча иқтисодий иммунитетни юқори ишлаб чиқарувчилардан бири иккинчиси(В1)ни кўзга кўринмас куч билан синдиради ёки заифлаштиради. Пироворд натижа иккинчи(В1)си синаётганини ишлаб чиқаришдаги маҳсулот таннархини ўсиши ва олаётган фойдасини камайтиришдан билинади. Оқибатда энгиллан ишлаб чиқарувчи ғолибга ўз жойини беради. Бу кўзга кўринмас қандай куч ва уни бошқариш мумкинми? Бу ҳолатни таҳлил қилиш билан биз нимага зоришамиз? Бу саволларга жавоб аниқ иқтисодий бақувват ишлаб чиқарувчини ташкил қилиш билан халқаро майдонда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш имкониятини сақлаб қолиш ёки бирор кимсага боғланиб қолмаслик, пироворд натижа ишчи ўринларни янгисини яратиш ёки мавжудларини бериб қўймаслик учун ҳам бу жараённи чуқур ўрганиш ва уни бошқариш имконини яратиш ўта муҳимдир

Иқтисодий иммунитетни функционал хусусиятлари шундан иборатки, у ҳар бир мамлакатни амалиётида мавжуд, лекин уни ўлчов бирлиги ва қанча ҳажмдалиги мавжуддир, уни аниқлаш мамлакат ва ишлаб чиқарувчиларни фаолиятини таккомиллаштириш имконини беради. Иқтисодий иммунитетлар функционал ҳолатида бир бирлари билан Исақ Нютонни иккинчи қонунига асосан бир жисм иккинчи жисмга қанча куч билан таъсир этса иккинчи жисм ҳам шунча куч билан акс таъсир этади. Бу жараён истемолчи С1 учун манъфаат келтиради, унга танлаш имконини пайдо қилади. Агар бу вазиятда иккала рақиб ҳам яшовчанлиги сақланиб турса, истемолчи манфаати фронти кенгай бошлайди ва нархлар пасаяди, маҳсулот ҳажми ўсади, бу албатта, ишлаб чиқарувчилар учун қаттиқ изланувчанликни талаб этади, доимо улар фойлиятини таккомиллаштиришни талаб қилади. Бу ишларни силжитувчи ўзгаришлар ҳосил қилувчи кўзга кўринмас куч корхона ва мамлакатнинг иқтисодий иммунитет қудратидир. Шунинг учун бу категорияни функционал хусусиятларини ўрганиш жуда қатта талофотларнинг олдини олиш, жоҳон бозорларидан жой эгаллаш имконини яратади. Биз бу кунчи

Ўсиш ва пасайиш омилларини аниқлаш имконига эга бўлиш учун иқтисодий иммунитет таркибидаги куйдаги кўрсаткичларни мавжудлигини аниқладик:

- интеллектуал солиштирма куч
- технологик солиштирма куч .
- молиявий солиштирма куч.

Бу кучлар ичида етакчиси иқтисодий интеллектуал солиштирма куч бўлиб у иқтисодий иммунитетда сезиларли куч пайдо қилади. Бу интеллектуал солиштирма кучсиз, барча технологик ва молиявий солиштирма кучлар ресурс хусусиятида қолади. Шундай қилиб, ушбу аниқланган кучлар йиғиндиси призма сингари шартли кўринишга эга бўлиб, унинг функционал хусусияти доимо рақиб билан курашда бўлади.

Интеллектуал солиштирма кучнинг ўлчов бирлиги интеллектуал салоҳиятнинг бозор талаби асосидаги ўсган қисми. Интелект томонидан очилган янгилик орқали рақибга ёки унинг эскирган тизимига йўналтирилган куч. Натура кўринишида “ихтиро / одам “ қиймат кўринишда “минг сўм / одам “

Технологик солиштирма кучнинг ўлчов бирлиги трансферларнинг бозор талаби асосидаги ўсган қисми. Технологик янгилик орқали рақибга ёки унинг эскирган трансфер тизимига йўналтирилган куч. Натура кўринишида “дона / одам “ қиймат кўринишда “минг сўм / одам “

Молиявий солиштирма кучнинг ўлчов бирлиги корхона молиявий маблағларининг бозор талаби асосидаги ўсган қисми. Молиявий қувват орқали рақибга ёки унинг кучсизланган молиявий ҳолатига йўналтирилган куч. Бу корхонанинг рақибига нисбатан, бир одам ўлчамида унга йўналтирилган молиявий босим “минг сўм / одам “. Шу тариқа корхонанинг иқтисодий иммунитетини ўлчав бирлиги “минг сўм куб/ одам” булиб у кўринмайдиган лекин рақибга иқтисодий босм кучдир.

## **ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИДА БОЗОР ИНФРАУЗИЛМАСИНИНГ ЎРНИ**

*и ф.и. Б.Носиров, А.Жўраев - АндҚХИ*

Республика кишлок хўжалигида давлат раҳбарлигида, босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида хусусий мулкчиликнинг ривожланишига имконият яратилди. Мамлакатимизда ўтган 2012 йилни 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион 460 минг тоннага яқин пахта, 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

Хозирги даврда фермер хўжалиги кишлок хўжалигида хўжалик юритувчи субъект сифатида кичик, тадбиркорлик вакили ҳисобланади. Чунки 2012 йилнинг охирига битта фермер хўжалигида ўртача 22 та ёлланма ишчилар сони тўғри келган. Ўзбекистонда фермер хўжаликлари мавжуд бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида ривожлантирилмоқда. Фермер хўжаликларига 3001,6 минг гектар ер узоқ муддатга фойдаланиш учун ижарага берилган. Шу ерларда 1621,4 минг киши фаолият кўрсатиб кишлок хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 34,7 фоизини яратганлар. Шу йилда фермер хўжаликларининг пахта

ишлаб чиқаришдаги салмоғи – 99%, ғалла ишлаб чиқаришдаги салмоғи эса 79,2% дан ошиб кетди. Ҳисоб-китобларга кўра, жами фермер хўжаликларида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 6 фоизи яратилмоқда [1]. Бу маълумотлар фермер хўжаликларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятининг улкан эканлигидан далолат бермоқда.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш йўналишидаги навбатдаги энг муҳим устувор вазифа – кишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, кишлоқларимиз кийёфасини ўзгартиришга қаратилган узок муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турли мулкчилик шаклларида фаолият юритувчи хўжаликлар билан бозор субъектлари ўртасида ўз мазмун ва моҳиятига кўра мутлақо янги сифатга эга бўлган иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Ушбу муносабатларнинг шаклланиши, ривожланиши ва мунгазам такрорланиб туришини таъминлашда инфратузилма мажмуасининг, шу жумладан, бозор инфратузилмасининг ўрни бекиёсдир. Иқтисодий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланган инфратузилма объектлари ўзларининг кўп қиррали кўрсатадиган хизматлари туфайли барча тармоқ ва корхоналарнинг фаолиятини ташкил этишда асос бўлиб хизмат қилади.

Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда кишлоқда сервис хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Сервис хизматини кенг маънода тушуниш лозим. Бу аввало, техник сервис хизмати, кимёвий сервис хизмати, ветеринария, наслчилик, уруғчилик, маркетинг, менежмент, банк сервис хизматлари билан бир қаторда ахборот-консалтинг марказлари, фермерларни ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ҳам сервис хизматини ривожлантиришни кўзда тутмоқ керак.

Кишлоқда бозор инфратузилмасининг ривожланиши кўп жиҳатдан сервис хизмати турларини ташкил қилиш билан боғлиқ. Аммо, бугунги кунда кишлоқда юқорида санаб ўтилган сервис хизматлари турларининг яхши ривожланмаганлиги ислохотларни чуқурлаштиришга маълум даражада тўсиқ бўлмоқда. Бу соҳада учта муҳим масала, яъни сервис тузилмаларининг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш талаб этилади [2].

Ташкилий масалаларга тўхталар эканмиз, турли мулкчилик шаклидаги сервис тузилмаларини устувор ривожлантириш лозим. Бинобарин бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи – бу эркин рақобатдир. Демак, сервис хизмат кўрсатиш тизимида ҳам турли мулкчилик шаклидаги сервис корхоналарини ташкил этиш лозим, бу жараёни тезлаштиришда эса давлат турли иқтисодий дастаклар билан қўллаб-қувватлаши муҳим рол ўйнайди.

Бугунги, моддий-техника ресурслари тақчиллиги шароитида, кишлоқ хўжалик корхоналарини арзон ва сифатли техник сервис хизматларига бўлган талаби ҳам ошиб бормоқда, бироқ машина-трактор парклари (МТП) томонидан кўрсатилаётган техник сервис хизматлари баҳосининг юқорилиги сабабли, улар

хизматидан фойдаланувчи хўжаликлардаги етиштирилаётган маҳсулотлар таннархи таркибида механизация харажатлари салмоғи ошиб кетмоқда (30-40%). Бу бир томондан кишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари нархларининг юқорилиги билан белгиланса, иккинчидан техник сервис корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизмат баҳоларининг юқорилиги билан боғлиқ.

Муқобил МТП ларининг тузилиши ва ривожланиши, деҳқон ва фермер хўжаликларининг техник сервис хизматларига бўлган талабини кондиринишда бу тузилмалар тобора мустақкам ўрин эгаллаб, ушбу турдаги хўжаликларни муваффақиятли фаолият юритишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи - рақобатдир, демак нафақат техник сервис, балки яхлит агросервис тизимида, яъни ҳар бир хизмат кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш лозим, бунинг учун эса мавжуд фаолият юритаётган сервис корхоналарига муқобил бўлган сервис тузилмаларини ташкил этиш ва устивор ривожлантириш жоиз [3].

Бу борада кенг камровли тадбирларнинг амалга оширилиши эса сервис хизмати тизимида ҳақиқий бозор муносабатларининг таркиб топиши, сервис хизмат кўрсатиш субъектлари ўртасида ким кўпроқ, арзонроқ ва сифатлироқ хизмат кўрсатишга бўлган интилишини кучайтиришда, кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини сервис хизматларига бўлган эҳтиёжларини кондириниш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва пировард натижада кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий самарадорлигини орттишига олиб келади.

Хўжаликларнинг сифатли маҳсулот етиштириши ва наслдор чорва моллари билан таъминланишида бозордаги ҳолатни ўрганиш ва бошқа жараёнларда илмий ва ахборот таъминоти ўзига хос ўрин тутади. Бу таъминот орқали янгиликлар қанча тез тарқатилса, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бу янгиликларни шунча тез ўзлаштириши ва жорий этишлари, иккинчидан, улардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишлари мумкин. Сервис корхоналарини ташкил этишда асосий масалалардан бири уларни қай даражада истеъмолчиларга яқин ва қулай жойлашганлигидир. Яъни улар хизматидан фойдаланувчилар талабидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш лозим. Чунки бунда хизмат харажатларининг тежалишига, арзон ва ўз вақтида сифатли бажарилишига эришилади.

Фермер хўжаликларида ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотиш, яъни истеъмолчига етказиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳозирги пайтда республикамызда тажриба йўқлиги ҳамда хўжаликлар бозор ҳолатини билмасликлари сабабли кўп ҳолларда касодга учрамоқда. Хўжаликларда маҳсулотни сотишдан аввал бозор конъюнктурасини билиш лозим. Бунда ўтган йил якунларини ҳисобга олиб, келгуси йилда қайси маҳсулотларга талабнинг ошиши ёки камайиши ҳамда қайси турдаги маҳсулотларни етиштирганда хўжалик йил якунида юқори рентабелли кўрсаткич билан чиқиши мумкинлигини бозор конъюнктураси оидинлаштиради.

Агросервис корхоналарнинг ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш ва иш фаолиятлари маркетинг асосида ташкил этилиши лозим.

Жойларда турли мулкчилик шаклларидagi, шу жумладан фермер ва деҳқон

хўжаликларининг турли хил сервис хизматларига бўлган талабларини мунтазам ўрганиб турувчи ва шу асосда керакли таклиф ҳамда тавсиялар бериб турувчи маркетинг бўлимларини ташкил этиш керак. Бундай бўлинмалар ҳар бир туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари қошида фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда ташкил этилиши мумкин.

Бундай бўлинмаларнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат бўлади:

- ◆ сервис турларига бўлган талаб ҳажмини аниқлаб бериш;
- ◆ хизматларга бўлган талабни ўсиб бориш тенденциясини белгилаш;
- ◆ туман ҳокимиятига келгуси йилда қайси сервис турларига эътибор бериш лозим ва қайсиларни устивор ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш;
- ◆ истеъмолчилар талаб ва истакларини ҳисобга олиб хизмат турларини режалаштириш;
- ◆ турли сервис хизмат кўрсатиш корхоналарини буюртмалари асосида керакли маркетинг маълумотларини тайёрлаб бериш ва бошқалар.

Бундай маркетинг хизмати бўлимлари сервис корхоналари бадаллари ва берилган буюртмаларга ҳақ олиш ҳисобига ўз молиявий маблағларини ташкил этишлари мумкин.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар сервис хизматларига бўлган талаб ва таклиф мутаносиблигига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади./ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. - Халқ сўзи. 20.01.2012
2. www.stat.uz
3. O'P.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – T.: "Iqtisod-moliya" 2007.
4. Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида). Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т, 2004.

### **СТРАТЕГИЧЕСКИЙ УПРАВЛЕНЧЕСКИЙ УЧЕТ - КАЧЕСТВЕННО НОВЫЙ УРОВЕНЬ РАЗВИТИЯ**

*М.А.Абидова – ассистент АндМИ, Ш.Хакимов – студент 3-курса АндМИ*

Стремительное развитие мировой экономики в целом, глобализационных процессов, усиление конкурентной борьбы объективно обуславливают необходимость обеспечения и сохранения стабильного развития промышленных предприятий в условиях риска и неопределенности.

На современном этапе развития экономики эффективная деятельность республиканских промышленных предприятий во многом зависит от их способности своевременно адаптироваться к новым условиям хозяйствования и принимать необходимые для этого решения и учитывать многочисленные изменения, происходящие во внешней деловой среде.

Не успевая за быстрыми переменами, имеющиеся на сегодняшний день существующие системы управленческого учета уже недостаточно отвечают потребностям современного бизнеса. Решение имеющихся в наличии проблем информационной системы управления современными компьютеризированными, обусловленными внешней средой предприятиями, требует выведения управленческого учета на качественно новый уровень, обеспечивающий создание информационной базы для принятия стратегических решений, а именно - организации стратегического управленческого учета, направленного на сохранение и наращивание потенциала экономического развития промышленных предприятий.

**Принятие решения** - акт целенаправленного воздействия на объект управления, основанный на анализе ситуации, определении цели, разработке программы достижения этой цели. Структура управления любой организации традиционно делится на три уровня: операционный, функциональный и стратегический.

**Уровни управления** (вид управленческой деятельности) определяются сложностью решаемых задач. Чем сложнее задача, тем более высокий уровень управления требуется для ее решения.



*Пирамида уровней управления, отражающая возрастание власти, ответственности, сложности и динамику принятия решений.*

**Стратегический** уровень обеспечивает выработку управленческих решений, направленных на достижение долгосрочных стратегических целей организации. Поскольку результаты принимаемых решений проявляются спустя длительное время, особое значение на этом уровне имеет такая функция управления, как стратегическое планирование. Прочие функции управления на этом уровне в настоящее время разработаны недостаточно полно. Часто стратегический уровень управления называют *стратегическим* или *долгосрочным планированием*. Правомочность принятого на этом уровне решения может быть подтверждена спустя достаточно длительное время. Могут пройти месяцы или годы. Ответственность за принятие управленческих решений чрезвычайно велика и определяется не только результатами анализа с использованием математического и специального аппарата, но и профессиональной интуицией менеджеров.

Современные тенденции развития экономики связаны с глобализацией экономического развития, широким распространением сетевой организации во всех сферах деятельности, обострением конкуренции, усилением неопределенности внешней деловой среды. Организация стратегического управленческого учета вызвана необходимостью адаптации к изменяющимся условиям хозяйствования, оценки и прогнозирования воздействия многочисленных внешних факторов на результаты деятельности предприятия, защиты от риска и неопределенности.

На данном этапе развития нашей страны, следует отметить, что организация стратегического управленческого учета оставляет желать

лучшего. Но ведь следует учитывать тот факт, что для длительного существования предприятия необходимы достоверные научно экономические прогнозы его деятельности. Таким образом, исходя из всего вышесказанного, мы можем высказать следующие предложения по организации стратегического управленческого учета:

Организация системы управленческого учета на базе полученной бухгалтерской информации с целью её тщательного анализа и определения будущей стратегии.

Введение новых форм отчетности, в основе которых будут лежать данные бухгалтерского учета, которыми менеджеры и управленцы будут пользоваться для получения основных экономических и финансовых коэффициентов, необходимых для долгосрочного планирования деятельности.

Ведение учета по секторам промышленной деятельности и рассчитанной на более короткие промежутки времени, подразумевающей и то, что стратегия основывается на достоверной информационной базе, а финансовые показатели более долгого промежутка времени могут отражать не точные показатели эффективности деятельности.

Рассматривать финансовую, основную и дополнительную деятельности предприятия отдельно и готовить относящиеся к этой сфере отчеты в более детальной форме, учитывая более значимые показатели динамики.

Обеспечение в целом достоверности той информации, которая поступает в учет предприятия, что необходимо в целом для его стратегически направленной деятельности. Отслеживать информацию и обеспечивать сравнение её с фактическим положением таким образом, чтобы исключить любого рода искажения и обман.

Создание современной компьютеризированной системы сбора и обработки экономической и финансовой деятельности предприятия с учетом информационных технологий и программ, что позволило бы намного ускорить и усовершенствовать процесс обработки информации и улучшить качество принимаемых управленческих решений, направленных на стратегическое развитие.

Исследования ученых в этой области показывают, что стратегический управленческий учет, хотя официального признания еще не получило ни в области учета, не в области финансового менеджмента или стратегии предприятий, необходим для предоставления собственнику стратегически важной информации.

## КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ЗАРУР ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Х. Комалов, О. Шерматов, Ҳ. Имодинов – АҚХИ ўқитувчилари*

Мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида кишлоқ хўжалик корхоналарини, шу жумладан, фермер хўжаликларини зарур техника воситалари билан таъминлаш, механизация ишларини бажариш шароитларини яхшилаш мақсадида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Кишлоқ хўжалик корхоналари томонидан техника воситаларини сотиб олиш бозорларини ривожлантирилиши, хўжаликларга молиявий ёрдамларни ва имтиёзли кредитларни берилиши, лизинг асосида техника сотиб олиш шароитларини янада қулайлаштириб борилаётганлиги, замонавий техника воситаларини ўзида жамлаган АЖ МТПларининг ташкил қилинганлиги шулар жумласига киради.

Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида аграр секторнинг моддий-техника ресурслари бозорини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги қуйидагилар билан асосланади:

-асосий турдаги моддий-техника ресурсларини ишлаб чиқариш ва таъминлашга ихтисослашган корхоналарнинг монопол ҳолатига барҳам бериш мақсадида бу соҳада рақобат муҳитини шакллантириш;

-кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳолари билан фермерларга етказиб берилаётган моддий техника ресурслари ва кўрсатилаётган хизматларнинг нархлари ўртасидаги номуносивбликка барҳам бериш;

-моддий ресурслар бозорига ҳақиқий талаб ва таклиф ўртасидаги муносивбликни шакллантириш;

-айрим турдаги моддий-техника ресурсларини ва эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш (уларни четдан олиб келиниши маҳсулот таннархининг юқори бўлишига сабаб бўлмоқда);

-фермер хўжаликларини моддий – техника ресурсларига бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва сифатли қондиришга эришиш мақсадида уларни амалдаги фаолиятида кредит, лизинг ва ипотека муносабатларини такомиллаштириш ва х.к.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шаклига айланган фермер хўжаликларини лизинг асосида кишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш бўйича бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Кишлоқ хўжалиги машиналари лизинги амалиётлари билан шуғулланувчи “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик компаниясининг ташкил этилганлиги, унга лизинг амалиётларини амалга оширишда бир қатор имтиёзлар берилганлиги, жумладан, мазкур компанияни айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида молия вазирлиги қошида махсус жамғарма ташкил этилганлиги шулар жумласидандир. Мазкур тадбирларни самарали амалга оширилиши бир томондан давлатнинг мувофиқлаштирувчи тедакцияси билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, лизинг компанияси ва лизинг амалиётида қатнашувчи бошқа субъектлар, шу жумладан, кишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Бугунги кунда лизинг амалиётларида асосан лизинг компаниялари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари қатнашаётган бўлса, бу жараёнга истиқболда молия-инвестицияси институтларини (банкларни, инвестицион жамғармаларни), давлат ташкилотларини (қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликларини), улгуржи бозорларни, кафолат-гаров жамғармасини ва бошқа субъектларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Чунки, лизинг муносабатларининг такомиллашуви энг аввало, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш ресурсларига, хусусан, қишлоқ хўжалик техникаларига эга бўлиш имкониятларини кескин оширади, ишлаб чиқарувчилар учун эса талабни кўпайтиради ва охири оқибатда моддий техника воситалари бозори кенгайди. Бу эса қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминлашни даражасини кескин ошириш ва кейинги йилларда катта муаммога айланиб бораётган агротехник чора тadbирларни белгиланган муддатда сифатли қилиб амалга ошириш имкониятини беради. Лекин, бу соҳада эришилган ютуқлар Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига ва 2012 йилда иқтисодий тарқатувчи ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги мазкур соҳа рақобатбардошлигини ошириш борасидаги қўйган талабларига ҳали тўлиқ жавоб бермайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалик корхоналарини зарур техника воситалари билан таъминлашни янада такомиллаштириш масаласида олиб борилган тадқиқотларимиз натижаси сифатида лизинг асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини зарур техника воситалари билан таъминлашни ҳозирги бозор муносабатлари учун мос усули ҳисобланган «Молия ташкилотлари, лизинг компаниялари ва тарқиб бошқарувини қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг асосида техника етказиб бериш бўйича ўзаро муносабатлари» тизими ишлаб чиқилди. (1-чизма).



Лизинг асосида қишлоқ хўжалик қорхоналарини зарур техника воситалари билан таъминлашни мазкур усулини қишлоқ хўжалик қорхоналари учун бир қатор ижобий томонлари мавжуд яъни, биринчидан мазкур тизимда қишлоқ хўжалик қорхоналари томонидан лизинг асосида техника олинаётганда давлат томонидан узок муддатли кредит берилади, иккинчидан эса бирор турдаги қишлоқ хўжалик машинасини сотиб олинаётган пайтдаги белгиланган баҳоси инфляция пайтида қатта аҳамият касб этади ва шу асосда барча қишлоқ хўжалик қорхоналарига имтиёзли асосда техника сотиб олиш имконияти яратилади ва х.к.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимизда аграр ислухотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалик қорхоналарини техника воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- техника воситалари билан меъёр даражасида таъминлашга эришиш, бунда таъминотнинг турли усулларидан (кредит, ижара, прокат, лизинг ва х.к) фойдаланиш;

- техникадан фойдаланишнинг кооперациялашган усулларини кенг жорий қилиш;

- техник хизмат кўрсатувчи ва техникадан фойдаланувчилар манфаатлари уйғунлиги таъминловчи иктисодий механизмларни амалиётга жорий қилиш;

- техникадан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи иктисодий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашнинг юқори ҳосилдорликни таъминлайдиган ва меҳнат ҳамда моддий ресурсларни тежашга имкон берадиган энг самарали технологияларини тўлиқ ўзлаштириш ва хўжаликларда жорий этиш;

- юқори унумли техника воситалари ва машиналар тизими билан қуролланиш ва х.к.

Келтирилган фикр ва мулохазалардан қишлоқ хўжалик қорхоналарини техника воситалари билан таъминлаш жараёнида самарали фойдаланилиши соҳани техника ва техник хизматлар билан таъминланишини бозор талабларига мослаштиришда ўзининг муносиб самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

## **О НЕКОТОРЫХ ПУТЯХ УЛУЧШЕНИЯ АУДИТА ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ**

*М.А.Абидова – ассистент АндМИ,  
Ш.Ҳакимов, Л. Эргашева – студенты АндМИ*

О необходимости аудита бухгалтерского учета и финансовой отчетности учёные и практики говорят уже более ста лет. История бухгалтерского учёта и аудита показывает, что речь об этих профессиях началась уже в конце XIX века. Говоря о насущности использования этих средств контроля, теоретики указывают на ряд причин, обусловивших появление, развитие и совершенствование аудита. Хотелось бы, перечислить несколько из этих причин:

- развитие рынка и рыночных отношений;
- наличие частной собственности, товариществ и акционерных обществ;

- сложный состав и характеристика показателей финансовой отчетности в той её форме, которая сложилось к концу XX века на основе международных стандартов финансовой отчетности;

- различные подходы к интерпретации отдельных показателей финансовой отчетности, и, в результате возможность искажений в финансовой отчетности;

- наличие различных методов и способов ведения бухгалтерского учета и составления финансовой отчетности, в связи с чем возникают проблемы.

Практика показывает, что механизм ведения экономической деятельности развивается изо дня в день. Это обуславливается рыночной средой: конкуренция, инфляция, спрос и предложения, и, конечно же, глобализацией в экономике и всемирном финансово-экономическим кризисом, которые влияют на деятельность любого хозяйствующего субъекта начиная от малого до крупного. Естественно в таких условиях важность показателей, характеризующих финансовые результаты, всё более возрастает. Этим предопределяется актуальность вопроса, которая ставит цель изучения сложившейся в настоящее время теории и практики аудита финансовых результатов с последующим изложением преимуществ, недостатков аудита и пути его совершенствования.

Формирование информации о финансовых результатах организации для принятия эффективных управленческих решений является одной из задач бухгалтерского учёта, которая в условиях переориентации экономики на рыночные отношения приобретает первостепенное значение. При этом вопрос определения финансового результата предприятия - один из фундаментальных и наиболее сложных вопросов, стоящих перед бухгалтерским учётом. С развитием рыночных отношений, когда стали предъявляться новые требования со стороны внешних пользователей к процессу формирования финансовых результатов о деятельности хозяйствующих субъектов, возникла проблема повышения прозрачности финансовой отчетности.

Доходы, расходы и финансовые результаты оказывают существенное влияние на финансовое состояние, платежеспособность и благополучие организаций. Поэтому эти объекты управления должны подвергаться тщательной проверке в системе внутреннего и внешнего аудита с целью установления достоверности показателей финансовых результатов, выявления неиспользованных внутренних резервов и их мобилизации для оптимизации расходов и повышения прибыльности всех видов деятельности организаций.

Объектом проверки информации о финансовых результатах является бухгалтерская прибыль (убыток), представляющая собой конечный финансовый результат, выявленный за отчетный период на основании бухгалтерского учёта всех хозяйственных операции организации и оценки статей бухгалтерского баланса по правилам, принятым в соответствии с Законом «О бухгалтерском учёте», положением по ведению бухгалтерского учёта и бухгалтерской отчетности в Республике Узбекистан, национальными стандартами бухгалтерского учёта.

Для достижения поставленной цели аудита необходимо изучить порядок аудиторской проверки формирования финансового результата;

- от продажи продукции (работ, услуг);

- продажи основных средств и прочих активов;

- операционные расходы и доходы;
- соответствие отчетности данным синтетического и аналитического учёта;
- учёт доходов и расходов по финансовой деятельности;
- учёт использования прибыли (налоги, финансовые санкции) и правильность информации о нераспределённой прибыли.

Независимый контроль - аудит является одним из значимых, перспективных и эффективных видов контроля финансово-хозяйственной деятельности экономических субъектов в условиях рынка. Независимый контроль (аудит) проводится аудиторами, аудиторскими организациями (фирмами), осуществляющими свою деятельность на договорной коммерческой основе за счёт заказчика-клиента (проверяемого субъекта), в отдельных случаях – за счёт бюджетных средств.

Аудиторский контроль - это комплекс приёмов получения и оценки информации, используемых профессионалами для вынесения суждения посредством сравнения полученных данных с нормами и формирования мнения о самой процедуре и специфике выполненных операций.

Распространение аудита в деловом мире свидетельствует о большой привлекательности метода, выходящей за рамки простой моды. Аудит - независимая экспертиза финансовой отчетности предприятия на основе проверки соблюдения порядка ведения бухгалтерского учёта, соответствия хозяйственных и финансовых операций законодательству РУз, полноты и точности отражения в финансовой отчетности деятельности предприятия.

Изучение практики показывает, что при аудите финансовых результатов огромное значение имеет правильный отбор аудиторских процедур для сбора достаточного количества аудиторских доказательств. Свообразие вопросов аудиторской проверки, по нашему мнению, предполагает широкое использование аналитических процедур. В международной практике считают аналитические процедуры настолько важными, что их проведения нужно требовать при любом аудите. Как известно, для проведения аналитических процедур выбирается один из трех периодов аудита: планирование, фаза тестирования, завершающий этап аудита. При аудите финансовых результатов аналитические процедуры следует выполнять уже на стадии планирования, что даёт возможность аудитору произвести общую оценку изучаемых показателей. На основе этого определяется характер, масштабы и сроки предстоящей работы. Аналитические процедуры важны на этапе планирования в связи с тем, что они помогают идентифицировать важные моменты, на которые следует обратить особое внимание в ходе аудиторской проверки. Аналитические процедуры в ходе тестирования необходимы с точки зрения выявления причин и факторов, влияющих на уровень важнейших показателей.

При всём этом важное значение имеет знание бизнеса клиента, которые в сочетании с эффективными аналитическими процедурами – это путь к обнаружению вероятных погрешностей аудита.

## ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПРОЕКТА

*д.э.н., проф. Ахмедов К - АндМИ*

В данном докладе рассмотрим комплекс вопросов финансового анализа с их взаимной увязкой. Общая схема финансового инвестиционного проекта следует простой последовательности:

- прогноз прибылей и денежных потоков за счет реализации проекта;
- оценку показателей эффективности проекта.

Объем денежных потоков, которые получают в результате реализации проекта должен покрывать величину суммарной инвестиции с учетом принципа "стоимости денег во времени". Данный принцип гласит: "Доллор сейчас стоит больше чем доллор, полученный через год," т.е.

Каждый новый поток денег, полученный через год, имеет меньшую значимость, чем равный ему по величине денежный поток, полученный на год раньше. В качестве характеристики, измеряющей временную значимость денежных потоков, выступает норма доходности от инвестирования полученных в ходе реализации инвестиционного проекта денежных потоков.

И так, проект принимается с точки зрения финансовых критериев, если суммарный денежный поток, генерируемый инвестицией, покрывает её величину с учетом описанного выше финансового феномена.

При оценке окупаемости проекта критичным является вопрос учета инфляции. В самом деле, денежные потоки, развернутые во времени, следует пересчитать в связи с изменением покупательной способности денег. В то же время существует положение, согласно которому конечный вывод об эффективности инвестиционного проекта может быть сделан, игнорируя инфляционный эффект. Инфляционное изменение уровня цен не влияет на оценку чистого, приведенного к настоящему моменту значения денежных потоков, на базе которых определяется основной показатель эффективности инвестиционного проекта.

1. Анализ финансового состояния предприятия в течение пяти предыдущих лет работы предприятия.
2. Анализ финансового состояния предприятия в период подготовки инвестиционного проекта.
3. Анализ безубыточности производства основных видов продукции.
4. Прогноз прибылей и денежных потоков в процессе реализации инвестиционного проекта.
5. Оценка эффективности инвестиционного проекта.

Финансовый анализ предыдущей работы предприятия и его текущего положения обычно сводится к расчету и интерпретации основных финансовых коэффициентов, отражающих ликвидность, кредитоспособность, прибыльность предприятия и эффективность его менеджмента. Обычно это не вызывает затруднения. Важно также представить в финансовом разделе основную финансовую отчетность предприятия за предыдущие годы и сравнить основные показатели. Если инвестиционный проект готовится для привлечения западного стратегического инвестора, то финансовую отчетность следует преобразовать в западные форматы той страны, из которой предполагается привлечь инвестора.

Анализ без убыточности включает в себе систематическую работу по анализу структуры себестоимости изготовления и продажи основных выходов продукции и разделения всех издержек на переменные и постоянные. Основная цель анализа без убыточности - определить точку безубыточности, т.е. объема продаж товара, который соответствует нулевому значению прибыли. Важность анализа безубыточности заключается в сопоставлении реальной или планируемой выручки в процессе реализации инвестиционного проекта с точкой безубыточности и последующей оценки надежности прибыльной деятельности предприятия

Наиболее ответственной частью финансового раздела проекта является его собственно инвестиционная часть, которая включает:

- определение инвестиционных потребностей предприятия по проекту
- установления источников финансирования инвестиционных потребностей.
- оценку стоимости капитала, привлеченного для реализации инвестиционного проекта.

## **МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДА УМУМДАВЛАТ СОЛИҚЛАРДАН АЖРАТМАЛАРНИНГ ЎРНИ**

*Х.Х.Режапов- АндМИ ассисенти, А.Исмоилов-АндМИ катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 2013 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги тўғрилик 1 фоиз этиб белгиланди. Шундан келиб чиқадиган бўлса, жаҳонда юз берган ва ҳамон давом этаётган молиявий инкирознинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, унинг мамлакатимиз молия-бюджет тизимидаги кўрсатадиган салбий таъсирига мутлақо йўл қўймаслик, бу борадаги барча имкониятлар ва чораларни кўриш бугунги кундаги устувор вазифалар сирасига киради. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов – “2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “2012 йилда Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,4 фоиз профицит билан ижро қилинди, деб эътироф этди.”<sup>57</sup> жумладан асака туман маҳаллий бюджети ҳам 2012 йилда 100,1 фоизга бажарилди. Бу ўз навбатида маҳаллий бюджети даромадлари ҳисобини тўғри ташкил этилиши, балки маҳаллий бюджетларга ажратиладиган умумдавлат солиқлардан ажратмаларни тўғри ва аниқ ҳисоб китобларга мувофиқ тақсимланганлигига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бошқа мамлакатлар каби бюджет даромадлари таркибида солиқли даромадларнинг ҳиссаси юқори даражадалиги билан ажралиб туради (90 % га яқин).

Асака туман маҳаллий бюджетига ажратмалар миқдорини қуйидаги 1-жадвалда кўриб чиқсак.

<sup>57</sup> И.А.Каримовнинг 2013 йил 18 январда Вазирлар Маҳкамасининг “2012 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “маърузаси// Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, 13 (5687)

**Асака туман маҳаллий бюджетида 2013 йилда умумдавлат  
солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратмаларни фойзлар динамикаси<sup>58</sup>  
(фойз ҳисобида)**

Солиқ турлари	Республика бюджети	вилоят бюджети	шаҳар, туман бюджети
<b>ҚҚС</b>		80	20
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи		55	45
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи		80	20
Савдо ва умумий оқватланиш корхоналари учун ягона солиқ туловидан давлат бюджетига ажратмалар		100	
Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи			100
Ягона ер солиғи			100
Ягона солиқ туловидан давлат бюджетига ажратмалар, шу жум. кичик корхона ва микрофирмалар бўйича		100	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқ			100
ЎзР ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундирилладиган Йиғимлар			100
Бозорлар даромадидан тушум			100
Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ			100
Акциз солиғи (арок, вино ва 30%дан ортиқ этил спирти булган алькогол маҳсулотлари)	50	50	
Акциз солиғи (этил спирти)	100		
Акциз солиғи (ўсимлик ёғи, пиво)		100	

Келтирилган 1 – жадал маълумотларидан кўрииб турибдики Андижон вилояти халқ депутатлар Кенгашининг 2012 йил 28 декабрдаги 126/19-4 – сонли “Андижон вилояти маҳаллий бюджетининг 2013 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарорига асосан Асака туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан 2013 йилда ҚҚСдан 20 фойз маҳаллий бюджетига, 80 фойзи вилоят маҳаллий бюджетига йўналтирилиши белгиланган, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 45 фойзи туман бюджетига, 55 фойзи вилоят маҳаллий бюджетига йўналтирилади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 20 фойз маҳаллий бюджетига, 80 фойзи вилоят маҳаллий бюджетига йўналтирилади. Савдо ва умумий оқватланиш корхоналари учун ягона солиқ туловидан давлат бюджетига ажратмалар ва ягона солиқ туловидан давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича тушумлар ҳамда ўсимлик ёғи ва пивадан тушудиган акциз солиғи 100 фойз вилоят маҳаллий бюджетига тушурилади. Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи, ягона ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, Ўзбекистон Республикаси ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси

<sup>58</sup> Андижон вилоят халқ депутатлар Кенгашининг 2012 йил 28 декабрдаги 126/19-4 – сонли “Андижон вилояти маҳаллий бюджетининг 2013 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори

ва унинг худудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар, бозорлар даромадидан тушум ҳамда жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилгиси ва газ истъеомол қилганлик учун солиқ 100 фоиз туман маҳаллий бюджетига йўналтирилиши белгиланган. Бундан ташқари арок, вино ва 30 фоиздан ортиқ этил спирти бўлган алькаголь махсулотларидан тушадиган акциз солиғи 50 фоизи республика бюджетига, 50 фоизи вилоят маҳаллий бюджетига туширилиши белгиланган.

Мамлакатда ислохотларни амалга оширишда солиқ ва ваколатларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш тизими, бизнинг фикримизча, мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Бюджетлараро муносабатлар тизимини самарали ташкил этишда ўтиш босқичи муаммоларининг кўп кирраллигини кўрсатади. Бундай шароитларда маҳаллий бюджетлар баланслашганлигини таъминлаш ҳамда унинг манбаларини такомиллаштириш янада муҳим аҳамият касб этади.

Туман иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида муҳим ижобий ўзгаришларга эришилиши, тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига кенг имкониятлари яратилиши, хусусан туман маҳаллий бюджетининг белгиланган режа кўрсаткичларини сифатли ижро этилишига муносиб замин яратди.

Юқорида таъкидланганидек, туман маҳаллий бюджети даромадлар режаси 100,1 фоизга ортиғи билан бажарилган бўлса ҳам туман маҳаллий бюджети ихтиёрида қоладиға даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми қайта тақсимлаш натижасида кескин камайиш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Бу маҳаллий бюджетларни солиқ базаси ва солиқли даромадларини ортиришига бўлган қизиқишини камайтиришга таъсир кўрсатади.

Ҳар бир маҳаллий маъмурий худуддағи солиқ тизими томонидан ундирилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари бўйича солиқ суммаларининг маълум бир қисмини тўғридан-тўғри (бевосита) маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрларига бириктирилган даромадлар кўринишида қатъий ҳиссада ва доимий асосда қолдирилиши олдиндан белгиланиб қўйилиши керак. Таклиф қилинаётган тизим, дастлаб мамлакатимизнинг алоҳида олинган минтақаси ёки бир неча маъмурий худудлари доирасида бир неча йил давомида эксперимент тарзда синаб кўрилиши мақсадга мувофиқ.

## **ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ – ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИ**

*И.И.Эрматов – АндМИ ассистенти*

“Андижон вилоятининг ишлаб чиқариш соҳасида янги тармоқлар пайдо бўлиши билан бир қаторда, саноат соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, технологик янгилаш, мавжуд маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш лозим”<sup>59</sup>.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 мартдағи “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва

<sup>59</sup> Президент Ислоҳ Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти шенгазининг ноябдағи ташқари сессиясидағи нутқидан. 2013 йил 26 апрел.

материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1306-сонли Қарорнинг бажарилишини таъминлаш, маҳаллий хомашё негизда турли хил буюмлар, тайёр маҳсулотлар ва хомашё ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Андижон вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, бунда энг аввало, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун яратилаётган шарт-шароитлар ва энгилликлар мазкур Дастурнинг ижросини таъминлашда ўзига хос роль ўйнамоқда.

